Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси бўлиб қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳисобланади. Мустақиллик давригача аҳоли эҳтиёжларини қондириш етарли бўлмаганлиги сабабли, озиқ-овқат маҳсулотлари четдан олиб келинган эди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркибига ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, фермер хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатли, аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни етказиб бериш ишларига асосий эътибор қаратила бошланди.

Инсон организмнинг бақувват бўлиши учун доимий зарур бўлган оқсиллар, углеводлар ва бошқа фаол моддалар табиий манба ҳисобланади. “Дунёда озиқ-овқат муаммоси долзарб бўлиб бораётган бугунги экологик мураккаб шароитда аграр соҳани ривожлантириш, табиатнинг турли шароитларига чидамли, сифатли ҳосил берадиган навларни яратиш, етиштирилган маҳсулотлардан тежамкорлик асосида самарали фойдаланиш, қайта ишлаш саноатини модернизациялаш каби масалаларни ҳал этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январда имзоланган «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сон Фармони билан бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бугун юртимизда амалга оширилган ишларнинг натижасида, аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган мева, сабзавот, узумни тиббий меъёрларга нисбатан 2–3 марта кўп миқдорда етиштириш йўлга қўйилди.

Фойдаланилмай ётган ерлар ҳисобига фермер хўжаликларининг ер майдонлари кўпайтирилди. Қисқартирилган ғўза экин майдонлари ҳисобига сабзавот, полиз, боғ ва узумзорлар майдони кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича фермер хўжаликлари маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 0,2 фоизга ўсди, шу жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн]. — Т.: «Маънавият», 2019.

деҳқончилик маҳсулотлари 4,7 фоизга камайди, чорвачилик маҳсулотлари 6,5 фоизга ошди. 2018 йилда 192,7 трлн сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди ва ушбу ҳажмининг 102,5 трлн сўмга тенг қисми ёки 53,2 фоизи деҳқончилик, 90,2 трлн сўмга тенг қисми ёки 46,8 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келди.

Мамлакатимизда 2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент вилоятларида асосан деҳқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу вилоятларда жами қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари ҳажмининг 51,6–69,3 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади.

Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳаси ҳам анча ривожланган. Ушбу вилоятларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 52,5–61,5 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида 36,1 фоизни, деҳқон хўжалиklarининг энг юқори улуши Навоий вилоятида 77,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида 7,5 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида 19,4 фоизни, деҳқон хўжалиklarининг энг кам улуши Самарқанд вилоятида 60,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Андижон вилоятида 1,0 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

2018 йилида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлар динамикаси

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2018 йил 2017 йилга нисбатан	
			(+;-)	%
Дон экинлари	5731,1	5020,5	-7106	87,6
Картошка	429,0	299,9	-129,1	69,9
Сабзавотлар	2996,2	2328,1	-6681	77,7
Полиз	953,7	728,7	-225	76,4
Мева ва резаворлар	963,3	911,6	-51,7	94,6
Узум	1068,4	977,6	-90,8	91,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2018 йилида фермер хўжалиklarидида 5020,5 минг тонна (87,6%) дон экинлари етиштирилди, 2 990,9 минг тонна (69,9%) картошка кавлаб олинди, 2328,1 минг тонна (77,3%) сабзавотлар, 728,7 минг

тонна (76,4%) озиқбоп полиз экинлари, 911,6 минг тонна (94,6%) мевалар ва резаворлар, 977,6 минг тонна (91,5%) узум йиғиб олинган.

Олиб борилган ислохотлар ва таркибий ўзгартиришлар натижасида фермер хўжаликлари жами экин экилган майдони 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 363884 гектарга, яъни 11,6 фоизга, суғориладиган ерлари 376652 гектарга, яъни 13,1 фоизга камайган. Лекин ушбу таркибий ўзгаришлар ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ошишига салбий таъсир кўрсатмаган. Шу сабабли, фермер хўжаликлари маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва ҳосилдорлиги ҳам сезиларли равишда ўзгарди. Бу эса, озиқ-овқат хавфсизлигининг барқарор таъминланаётганлигидан дарак беради, 2018 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига мева ва узум истеъмоли 2,33 баробарга, картошка истеъмоли 196,6 фоизга, сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли эса 2,66 баробарга кўпайди. Бошқа маҳсулотлар ҳам меъёрдан ортиқ миқдорда етиштирилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, соҳани жадал ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб, бу фермер хўжаликларига мева-сабзавот, полиз экинлари маҳсулотларини етиштиришга буюртма бериш ва давлат эҳтиёжлари учун хариди ҳисобланади. Бу тартиб ҳар тамонлама қулай бўлиб, **биринчидан**, мева-сабзавот ишлаб чиқарувчиларга етиштирилган маҳсулотларни кафолатли сотиш бўлса, **иккинчидан**, озиқ-овқат саноати корхоналарини хом ашё билан таъминланиш имкониятини кенгайтиради.

Ҳозирги кунда фермер хўжалиги маҳсулотларини етиштириш натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- фермер хўжаликлари фаолияти шароитларини ўзгартириш чора тадбирлари ҳамда антисанитар ҳолатлари кўриб чиқилмаган;
- республикаимиз ҳудудларида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун музлаткичларнинг етарли эмаслиги;
- республикаимиз ҳудудларида музлаткичлар сонини кўпайтириш ҳамда ишлаш муддатини муқобил энергиядан (қуёш батареяси, шамол энергияси) оқилона фойдаланишнинг йўлга қўйилмаганлиги.

2020 йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш мўлжалланмоқда. Натижада 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Ана шу пахтадан бўшаган экин майдонларида, аввало, бошоқли дон ва картошка, шулар қаторида озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳоли сонининг ошиши, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва сифатини ошириш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Музлатиш камералари, ихтисослаштирилган омборхоналар, фермер хўжаликларини маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик ускуналар ёрдамида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Иссиқхоналарни ривожлантириш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иссиқхоналар табиат инжиқликларидан деярли тўлиқ ҳимояланган. Шу сабабли иссиқхоналардан йил давомида 3–4 марта ҳосил олиш мумкин.

Бу жараёнлар ўз навбатида фермер хўжаликлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етиштиришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Фермер хўжаликлари маҳсулотларини етиштиришда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ва бу соҳани жадал ривожлантиришда қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, фермер хўжаликлари фаолияти шароитларини ўзгартириш чора — тадбирлари ҳамда антисанитар ҳолатларини кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган (сабзавот-ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полизчилик) маҳсулотларни қадоқлашда, уларни омборхоналарга, музлаткичларга етказишда санитар гигиена ҳолатларига эътибор бериш;

иккинчидан, республиканинг барча ҳудудларида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун музлаткичларни ўрнатиш, уларнинг етарли даражада узоқ муддатда ишлашини таъминлаш;

учинчидан, ҳудудларда музлаткичлар сонини кўпайтириш, уларнинг доимий, узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш мақсадида туманларни электр энергия билан таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш зарур.

Алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган фермер хўжаликларида бошқарув тизимини ислоҳ этиш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий самара беради.

Фермер хўжаликларини ислоҳ қилишдан асосий мақсадимиз — иқтисодий фойда кўриш билан бир қаторда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн]. — Т.: «Маънавият», 2019.
2. Mamatkulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo'jaligi statistikasi. Darslik. — Т., 2019 у.-260 бет.
3. www.stat.uz — Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайт.

ЦИКЛИК ТЕБРАНИШЛАР ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИ БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бораётган ана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлай олишимиз долзарб аҳамият касб этади.

Ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилади, чунки у биринчи навбатда миллий маҳсулот ва даромадларни оширишга, иккинчидан, ресурслардан оқилона фойдаланишга, учинчидан, янги эҳтиёж ва имкониятлар пайдо бўлишига, тўртинчидан, мамлакатнинг халқаро бозорда обрўсини ошириш ва энг муҳими, фаровон ҳаётни таъминлашга олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, барча иқтисодий ислохотлар халқ фаровонлигини ошириш ва яхшилаш орқали ижтимоий ҳимояни таъминлаш каби битта мақсадга эришишга қаратилган. Зеро, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади.

Иқтисодиёт назариясидан маълумки, барқарор иқтисодий ўсиш барқарор ривожланишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Барқарор ўсишни қандай мезонлар асосида аниқлаш мумкин? Барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари — бу макроиқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддат давомида (одатда камида беш йил) ушбу кўрсаткичларнинг доимий ўсиши пропорционал суръат асосида сезиларли тебранишларсиз амалга ошадиган ижобий ўсиш динамикаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ижобий тенденциялар билан тавсифланади. ЯИМ ўсиш суръати 2018 йилда 5,1% ни ва 2000–2015 йиллар мобайнида ЯИМ ҳажми 2 баробардан зиёд ошган бўлса, 2015 йилдан бошлаб пасайиш кузатила бошланди.

2017–2019 йилларда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва янада ислоҳ қилиш, диверсификация қилиш ислохотларини давом эттириш, таркибий ўзгаришларга доир дастурларни амалга ошириш ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ривожланиш тенденцияси молия-иқтисод, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун республикада етарли даражада мустаҳкам захира ва зарур ресурслар базаси яратилганлиги балан боғлиқдир.

Барқарор иқтисодий ўсишга қандай қилиб эришиш мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва улардан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи омилли ресурсларни ҳисобга олишимиз керак. Уларнинг таркибига нималар киради? Унинг таркибига қуйидагилар: табиий ресурслар миқдори ва уларнинг сифати; меҳнат ресурслари сони ва интеллектуал қобилиятлари; асосий капиталнинг ҳажми; замонавий технологиялар киради.

Ўзбекистонда моддий қийматликлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг динамик (барқарор) лик хусусияти шундаки, бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, илмий — техник тараққиётнинг натижаси бўлса, бошқа томондан мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

ЯИМ мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини ифодаловчи ва фуқароларнинг фаровонлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир. Ялпи ички маҳсулот ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажмининг ўсиши ёки пасайиши натижасида нима юзага келади?

ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиши — мамлакат иқтисодиёти ва унинг аҳолиси учун яхши бўлади. Бу кўрсаткичнинг пасайиши иқтисодиётда муаммоларнинг келиб чиқиши ва аҳоли фаровонлигининг пасайишини англатади [3].

Шу билан бирга, халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, девалвация натижасида инфляция жараёни кучаяди, шунинг учун истеъмол қобилиятининг пасайиши табиий ҳисобланади. Ушбу ҳолатда аҳолининг камбағал ёхуд қашшоқ бўлиб қолиши ҳақидаги саволга жавоб бериш учун ЯИМнинг харид қобилиятини кўриб чиқиш зарур бўлади.

2017 йил якунларига кўра, республика ЯИМ умумий ҳажми сотиб олиш қобилияти паритети бўйича 223,6 миллиард АҚШ долларини, аҳоли жон бошига эса 6903,4 АҚШ долларини ёки ЯИМнинг жон бошига ўсиши 378 долларни (5,8%) ташкил этди. Бу факт ижобий деб ҳисобланиб, келгусида аҳоли камбағаллаши ёки қашшоқлашиши ҳақида гапириш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Маълумот учун: Жаҳон банки маълумотларида кўра, мамлакатимизда 2016 йилда умумий ялпи ички маҳсулот сотиб олиш қобилияти паритети бўйича 207,8 миллиард долларни, аҳоли жон бошига эса 6525,3 АҚШ долларини ташкил этди.

2018 йилда девалвация ЯИМга (доллар бўйича) сезиларли таъсир кўрсатди. Унга кўра, кейинги йил номинал ЯИМ 290 трлн сўмга ёки 1 АҚШ доллари 8050 сўм миқдорида 36 миллиард АҚШ доллар (аҳоли жон бошига \$ 1125) ига эришади. Шу билан бирга, яқин йилларда реал иқтисодий ўсиш ҳисобида аҳоли жон бошига сотиб олиш қобилияти паритети ва фуқаролар фаровонлиги бўйича реал ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши кутилмоқда.

Айирбошлаш курсининг девалвацияси ҳақидаги савол доирасида, жаҳон тажрибасига асосланиб шуни айтиш мумкинки, АҚШ доллариди ҳисобланган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи бўйича ва ўтган йилларга нисбатан ўртача иш ҳақининг пасайиши каби ҳолат табиий ҳодиса ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳолининг асосий истеъмол харажатлари миллий валютада амалга оширилади.

ганини ҳисобга олсақ, ушбу ҳолат аҳолининг харид қилиш кучи пасайганлигини англатмайди.

2019–2020 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми АҚШ долларида ўсиши прогноз қилинмоқда, бу эса доллар курсининг ўсиши ҳақида маълумот бермоқда. Бу ҳолатда, экспорт ҳажми ва унинг ЯИМдаги улушининг ўсиши ЯИМни доллардаги ифодасининг ўсишида асосий омил бўлиб қолади.

Шу билан бирга, барқарор иқтисодий ўсишга мамлакатда бизнес тизимида динамик тавсифга эга ва реал мулк эгаларининг синфини шакллантириш орқали ҳам эришилади. Бунда унинг ривожига тўсқинлик қилувчи субъектив омилларни максимал даражада камайтиришга қаратилган ҳуқуқий соҳани шакллантириш жараёнига эътибор қаратиш ҳамда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун максимал бизнес муҳитини шакллантириш лозим.

Ушбу соҳадаги асосий йўналишлардан бири бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг назорат ва бошқарув функцияларини янада қисқартириш, маъмурий ҳаракатларни соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни бартараф этиш ҳисобланади. Яъни, умуман олганда, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга эришишдан иборатдир.

Ваҳоланки, бугунги кунда глобал бошқарувда давлатнинг тутган ўрни ўзгармоқда. Агар илгари глобал бошқарувда давлат иштирокининг шакллари бевосита ёки билвосита эканини аниқ ажратиб олиш мумкин бўлган бўлса, унда янги дунё тартибини шакллантириш шароитида ва халқаро иттифоқлар ва минтақавий интеграция гуруҳларининг аҳамияти ўсиб бораётган шароитда глобал бошқарувда давлат иштирокининг воситачилик шакли устунлик қилмоқда. Шу билан бирга, давлат ўз ваколатларини кенгайтириб, уларнинг бир қисмини трансмиллий босқичларга топширди.

Жаҳон тажрибаси, муайян даражада давлат аралашувига асосланган бозор механизмларига эга ўзини ўзи бошқариш иқтисодиёти юқори самарадорли эканлигини кўрсатмоқда. 1998 йилда бўлиб ўтган инқироз сабоқлари шуни кўрсатадики, ўз ихтиёрига қўйиб қўйилган бозор, ҳам иқтисодий тизимнинг, ҳам бутун давлатнинг пойдеворига путур етказишга қодир жуда қўплаб олдиндан айтиб бўлмайдиган муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби шундаки, бозор барқарор инфратузилмани яратиш ва қўллаб-қувватлашга қодир эмас [4]. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги босқичда барча саноати ривожланган давлатларда иқтисодиётни бошқаришда давлат муҳим роль ўйнаган ва ўйнашда давом этмоқда.

Ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни жадаллаштиришнинг яна бир ягона йўли — бу миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича фаол сиёсат асосида жаҳон бозорлари билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришдан иборат. Бундай шароитларда рақобат муҳитини ривожлантириш биринчи даражали аҳамият касб этиб, корхоналарда товарлар ва хизматларга бўлган пасайиб бораётган талабни қаноатлантириш ва молиявий ресурслар учун кураш кескинлашмоқда.

Шунингдек, глобаллашув жараёнлари таъсирининг кенгайиши шароитида, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи товар бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини талаб қилади. Республикада монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштиришда рақобат сиёсатининг асосий тамойилларидан келиб чиқувчи — монополист корхоналар фаолиятини қаттиқ тартибга солишдан, уларнинг бозордаги рақобатга зид бўлган хатти-ҳаракатлари ҳақида огоҳлантиришга ўтиш керак. Бунда корхонанинг устун мавқеи, унинг самарали фаолият кўрсатаётганлиги ва ташқи бозорда рақобатбардошлик бўйича муҳим устунликка эришаётганлигидан дарак бераётганлигини эътиборга олиш керак. “Рақобат тўғриси” даги Қонунининг янги таҳририни қабул қилиш, бизнинг фикримизча, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни мустаҳкамлайди, бу эса ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитлар яратади. Бу республикада рақобатни ривожлантириш ва товар ва хизматлар бозорларида уни ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва рақобатбардошликнинг ўсиш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, бизнинг фикримизча, ички иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмларини тўғри комбинациялашга боғлиқ бўлиб, шунда улар бир-бирини ўзаро тўлдиради ва кучайтира олади, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- самарали фискал ва пул-кредит сиёсатини олиб бориш орқали барқарор макроиқтисодий ўсиш ва назорат қилинадиган инфляцияни таъминлаш;

- корхоналарга солинадиган солиқ юкини янада камайтириш, бу қуйидагиларни талаб қилади:

- дунёнинг аксарият мамлакатларида қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисмини мулк солиғидан озод қилиш. Шу мақсадда мол-мулк солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини тўлашга босқичма-босқич ўтиш талаб этилади;

- инвестиция имтиёзларини (шу жумладан, модернизациялаш бўйича ҳам) беришни, муайян тўловларни тўлашдан озод қилиш шаклида эмас, балки шартли солиқ кредити шаклида тавсия этиш. Шунда, солиқ ва божхона кодекслари бўйича имтиёзлар ва халқаро шартномалар бўйича имтиёзлар сақлаб қолинади.

- бизнеснинг ташқи маблағлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бу қуйидагилар асосида амалга ошади:

- а) *ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш.* Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда банк кредитлари ташқи молиялаштиришнинг бошқа манбалари билан тўлдирилиши керак, бу эса ўз навбатида, “ўрта” корхоналар ривожланишининг турли босқичларида молиялаштиришни кенгайтириш имконини беради. Бунинг учун, бизнинг фикримизча:

- хусусий акциядорлик капитали бозорини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш;

– экспорт потенциалига эга истиқболли бироқ, капитал, технология ва кадрлар етишмаслиги билан тўқнаш келувчи корхоналарга инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун янги воситаларни жорий этиш;

– корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантишига имкон берувчи riskли молиялаштириш фондлари (венчур фондлар) ни ташкил қилиш бўйича чораларни кўзда тутувчи тадбирларни амалга ошириш зарур.

б) *банк хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш куйидагиларни тақозо қилади:*

– иқтисодий оборотга аҳолининг активлари (кўчмас мулк, ер, бошқа мол-мулк) ни кафолат сифатида жалб қилишнинг аниқ ва қулай механизмларини яратиш, бу айниқса бошланғич тадбиркорлар учун муҳимдир;

– бозор талабларига мувофиқ тақдим этиладиган банк хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек ҳар қандай сотув нуқтасида (ёки масофавий) мавжуд бўлган ҳар қандай хизматларни тақдим этиш имкониятини яратиш;

– самарали модернизациялаш ва таркибий ислоҳотларни чуқурлаштиришни назарда тутувчи ва иқтисодиётда ресурслардан фойдаланиш ва тақсимлаш самардорлигини оширишни таъминлайдиган экспортга йўналтирилган sanoатлаштириш стратегиясини шакллантириш ва ривожлантириш;

– иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори сифатини таъминлаш;

– табиий монополиялар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг самарали ишлаши;

– бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш;

– хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномалар бажарилишини кафолатлайдиган иқтисодиётни қонун йўли билан тартибга солиш тизимини таъминлаш;

– фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий консенсусини таъминлаш, аҳолининг асосий иқтисодий гуруҳлари ва қатламлари ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш.

Библиография

1. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь, № 271–272 (7229–7230).
2. Абдуллаев А. М. Социально-экономические аспекты функционирования субъектов малого предпринимательства в системе институциональных преобразований // Успехи современного естествознания. 2013. № 12. С. 89–93.
3. Margianti E.S., Ikramov M.A., Abdullaev A.M., Kurpayanidi K.I., Ashurov M.S. Systematical analysis of the position and further development of Uzbekistan national industry in the case of economic modernization. A monograph. Indonesia, Jakarta, Gunadarma Publisher, 2014. 220 p.
4. Попов В. В. Экономическое чудо переходного периода: как Узбекистану удалось то, что не удалось ни одной постсоветской экономике // Журнал Новой экономической ассоциации. 2014. № 1. С. 136–159.
5. Курбанова Д. М. Проблемы устойчивого развития экономики // Проблемы современной экономики. — 2015. — № 23.

Зафар Бердиназаров
*и. ф. д., Инновациялар ва илмий-педагогик
кадрлар тайёрлаш бўлими менежери,
Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги қошидаги
Абу Райхон Беруний номидаги
Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби*

МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ РАҚАМЛИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

Мамлакат тараққиётининг асосий дастури ҳисобланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да иқтисодий эркинлаштириш ва ривожлантириш, инвестициялар ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, иқтисодий тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, рақамли иқтисодий ривожлантириш юзасидан устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, бу борада тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу тизим ислохотларининг методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари ташкил қилиб, жумладан, 2018 йил 18 апрелдаги «Идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3673-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон, 2018 йил 21 ноябрдаги «Рақамли иқтисодий ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4022-сон қарорлари ҳамда 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5614-сон фармони шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон ҳамда 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарорларида 2021 йил 1 январдан бошлаб рақамли «блокчейн» технологияларини давлат органлари фаолиятига, устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизимига, хусусий сектор соҳалари ва банк-молия тизимига изчил тадбиқ этиш белгиланган. Бунда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, давлат харидларини амалга ошириш, давлат хизматларини кўрсатиш, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификация қилиш, давлат реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритиш, уларга киритилган ахборотларни қайта ишлаш ва янгилаш, рақамли таълим, рақамли тиббиёт, рақамли божхона, рақамли банк, рақамли тижорат, рақамли актив (крипто

актив), замонавий “Fintech” технологияларини кенг қўллаш ва улардан самарали фойдаланиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг рақамли стратегик режалаштиришга ўтиш масалаларини долзарб қилиб белгилайди.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажмида рақамли иқтисодиёт улушининг тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2016 йил маълумотларига кўра, Буюк Британияда 12,4%ни, Жанубий Кореяда — 8,0%ни, Хитойда — 6,9%ни, Ҳиндистон ва Японияда — 5,6% ни, АҚШда — 5,4%ни, Германияда — 4% и, Францияда — 3,4%ни, Россияда 2,8%ни ташкил этган бўлса¹, Ўзбекистонда 2,2%ни ташкил этади².

Хорижий мамлакатлар мисолидаги ушбу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тобора рақамли стратегик режалаштириш сари бормоқда. Рақамли стратегик режалаштириш ўз мазмун ва моҳиятига кўра, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини, мақсади ва истиқболини рақамли бошқаришнинг ташкилий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий воситалари, усуллари, механизмларини ўз ичига олган комплекс тизимли ёндашувларни назарда тутди³. Бошқача айтганда, рақамли стратегик режалаштириш анъанавий ёндашувлар асосига (қоғозга асосланган) қурилган давлат ва жамият ўртасидаги тизим муносабатларини янги бошқарув моделларига асосланган рақамли бошқарув тизим муносабатларига ўтказишни ва шу орқали давлат ва жамият бошқарувини олиб боришни назарда тутди.

Бундай тизимга ўтиш, албатта, тизимли концепция ёндашувларини талаб этади. Яъни республика, вилоят ва туман миқёсидаги давлат бошқаруви тизимларида, давлат корхоналари ва ташкилотлари тизимида, йирик корпоратив сектор тизимларини ўз ичига олган макродаражадаги концепция ҳамда қишлоқ, маҳалла, овул бошқаруви, кичик корпоратив сектордаги корхоналар ва уй хўжаликларини ўз ичига олган микродаражадаги концепция ёндашувларини ишлаб чиқишни талаб этади. Булар рақамли стратегик режалаштиришнинг бошқарув даражаларини тавсифловчи жиҳатлар бўлиб, ундаги мақсадлар, вазифалар, кўрсаткичлар, ресурслар ва рисклар шунга мос равишда шакллантирилади ва амалга оширилади.

Рақамли стратегик режалаштиришнинг туб моҳиятида ҳужжатларнинг ўзининг электрон айланишини эмас, балки улардаги маълумотлар (ахборотлар) нинг айланишини ташкил этиш ва ривожлантириш ётади. Мана шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда, ушбу тизимда маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилигини таъминлаш энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур жараёнларда мутасадди ташкилотларнинг тутган позицияларидаги фарқланишлар, йирик маълум-

¹ Рудых Е. С. Цифровая экономика: курс в 2017 год. Институт развития интернета. 2016. стр. 3.

² Цифровая трансформация экономики <http://uzts.uz/post/tsifrowaya-transformatsiya-ekonomiki>.

³ Муаллиф талқини.

мотлар билан ишлаш тажриба ва кўникмаларининг етарли эмаслиги, мутасадди ташкилот ва идоралар ўртасидаги келишувларнинг тарқоқлиги, мониторинг ва ҳужжатлаштириш ишлари самарадорлигининг пастлиги каби омиллар рақамли стратегик режалаштиришнинг асосий муаммолари сифатида қаралиши лозим.

Рақамли стратегик режалаштиришнинг юқорида қайд этилган макро ва микро-даражадаги бошқарув тизимларини миллий маълумотлар тизимига интеграциялаш, устувор йўналишлар, мақсадлар, вазифалар ва кўрсаткичларни декомпозициялаш, таълим ва тарбия тизими, рискларни бошқариш, таҳлилий мониторинг ва назорат олиб бориш ҳамда кўрсаткичлар тизимини агрегатлаштириш ушбу жараёнларни ташкил этувчи асосий тизимлар сифатида баҳоланиши мумкин.

Айни вақтда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рақамли стратегик режалаштиришга ўтказишнинг электрон босқичида эканмиз (жараён ва босқичларни автоматлаштириш ҳолатида) ушбу тизим унумдорлигида ҳамон катта иқтисодий йўқотишлар мавжуд. Уни рақамли босқичга ўтказиш ялпи иқтисодий самарадорликни бир неча бараварга орттириш имкониятини беради. Бунда барча даражалардаги бошқарув қарорларини қабул қилиш цикли кескин камайиб, тизим маҳсулотларининг таннархини кескин пасайтиришга ва иқтисодий самарадорликка эришишга катта замин яратади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рақамли стратегик режалаштириш масалаларига рақамли иқтисодиётда етакчилик қилаётган ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам ҳали етарлича эътибор қаратилмаган. Сабаби ушбу мамлакатларда рақамли иқтисодиёт тизимига тўла-тўқис ўтиб бўлинмаган. Ушбу тизимни тўлақонли шакллантириш ва уни амалиётга тадбиқ этиш жараёнлари (технологик трендлар) ҳали мукамал даражада намоён бўлмаган. Аммо технологик трендлар¹ ўзининг трансформацион босқичларини шу қадар тезкорлик билан босиб ўтмоқдаки, ушбу ҳолат мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рақамли стратегик режалаштириш масалаларини ҳам шунга мос равишда тадқиқ этиб боришни тақозо қилади. Демак, рақамли стратегик режалаштириш рақамли иқтисодиётга ўтишнинг ҳар бир технологик босқичига, тузилмасига, унинг функцияларига, маҳсулотларига, инструментларига, усул ва воситаларига ҳамда механизмларига мутаносиб равишда олиб борилиши мазкур масалага ҳозирданоқ алоҳида эътибор қаратишни ва унга тайёр туриш чақирғини ифодалайди.

¹ Top 10 Strategic Technology Trends for 2017 // [Электронный ресурс] // Gartner, 14.10.2016, URL: <https://www.gartner.com/doc/3471559>

Эльвира БИКЕЕВА

*К. Э. Н., руководитель исследовательской группы,
Институт прогнозирования
и макроэкономических исследований*

НАПРАВЛЕНИЯ ГЛОБАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ И МИРОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ВНЕДРЕНИЯ РЕСУРСОБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ

В системе приоритетных направлений развития и либерализации экономики Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 гг.¹ особое внимание уделено вопросам повышения энергоэффективности за счет широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий. В частности, выделены такие важные задачи, как сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, расширение использования возобновляемых источников энергии, проведение активной инвестиционной политики, направленной на модернизацию, техническое и технологическое обновление производств на основе внедрения новых ресурсосберегающих технологий.

В глобальном масштабе приоритетность задач повышения энергоэффективности и содействия внедрению «зеленых» технологий, рассматриваемых с точки зрения важнейших факторов обеспечения надежного энергоснабжения населения и устойчивой индустриализации, закреплена в Целях устойчивого развития, утвержденных ООН², практически всеми странами мира, в том числе и Узбекистаном.

Отмеченные приоритетные направления реформирования национальной экономики и цели устойчивого развития мировой экономики тесно взаимосвязаны. Как свидетельствует мировой опыт, невозможно представить в качестве примера ни одну страну, добившуюся высокого уровня экономического развития, которая бы занимала пассивную позицию в реализации энергосберегающей политики. Повышение энергоэффективности является движущей силой экономического роста и во многом определяет потенциал страны в части противостояния различным внешним факторам риска технологического отставания в контексте решения задач по формированию энергоэффективной экономики, что особенно важно для развивающихся стран.

Многие страны могут столкнуться с глобальными вызовами, связанными с появлением новых технологий, в том числе и в энергетической сфере. Эта проблема актуальна и для Узбекистана, в рамках которой повышается значимость задач по переходу к стратегическому планированию и долгосрочному прогнозированию развития энергетики, формированию системы индикаторов, позволяющих оценить

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

² Утверждены 25.09.2015 г. 193 странами мира, реализация этих задач намечена на период до 2030 г.

эффект реализации энергосберегающей политики и соответствующих технологических сдвигов в структуре энергетических мощностей. В сочетании с целым рядом сложившихся объективных обстоятельств, проявляющихся в сохранении структурных диспропорций в экономике, возникают риски научно-технологического отставания, что предполагает разработку долгосрочной стратегии в сфере технологического развития, учитывающей текущие и перспективные глобальные изменения в этой сфере.

В современных условиях формируется новая парадигма научно-технологического развития, связанная с действием глобальных трендов¹, становление которой связано с переходом к новой индустриализации, основанной на создании, конвергенции и проникновении во все сферы жизни информационно-коммуникационных технологий, искусственного интеллекта, робототехники, биотехнологий, широким практическим использованием материалов с новыми свойствами, электроники нового поколения, и, конечно же, *новыми источниками энергии, способов ее хранения и передачи до потребителей*, что и будет определять тренд роста мировой энергоэффективности².

С точки зрения проблематики повышения энергоэффективности в спектре наиболее важных научно-технологических направлений развития, в наибольшей степени влияющих на мировые тренды технологического развития, выделяются такие направления, как «новая энергетика и энергосбережение» и «рациональное природопользование».

Глобальные тренды технологического развития порождают не только вызовы³ для развивающихся стран, но и создают «окна» возможностей для более эффективного развития. В сочетании с *макроэкономическими, структурными и институциональными факторами* создаются условия для перехода на новый технологический уклад с достижением более высоких параметров энергоэффективности. Задача по обеспечению технологических сдвигов в энергетическом секторе является стратегически важной для Узбекистана, в развитии которого сохраняются диспропорции в структуре энергетических мощностей, характеризующиеся высоким уровнем их износа и низкой диверсифицированностью.

По оценкам, уровень износа генерирующих мощностей составляет 80%. На долю энергоэффективных энергоблоков, введенных в период 2012–2018 гг., приходится не более 16% от общей мощности действующих теплоэлектростанций.

¹ Глобальные тренды (мега тренды) — крупномасштабные долгосрочные экономические, социальные, технологические сдвиги глобального характера, которые влекут за собой радикальные изменения условий жизни и деятельности человека, развития экономики и общества.

² При переходе к новой парадигме значимым фактором выступает масштабная цифровизация экономики, которая затрагивает также сферу научных исследований и оказывает непосредственное влияние на развитие новых методов и технологий их проведения.

³ Понятие «вызовы» подразумевает совокупность проблем и угроз, которые объективно требуют реакции государства для их решения.

В структуре гидроэнергетических мощностей только 8–10% можно отнести в категории модернизированных, остальная часть нуждается в скорейшей технологической модернизации. В соответствии с мировыми тенденциями технологического развития энергетического сектора, доля современных установок ВИЭ в структуре энергетических мощностей должна составлять в диапазоне не менее 20–35%⁴. В энергосистеме Узбекистана этот показатель не превышает 9%, что свидетельствует о недостаточных темпах технологического развития гидроэнергетики и сектора ВИЭ.

Проводимые мероприятия по реконструкции энергосетевого хозяйства республики пока не способствуют позитивным технологическим сдвигам. К настоящему времени требуется обновление более 2/3 распределительных сетей от общей их протяженности, модернизация более 55% трансформаторных пунктов из общего количества действующих. Из-за высокого уровня физического износа электрических сетей, перегруженности электрических линий и трансформаторов возрастают потери электрической энергии, которые уже составляют 15–20% от общей выработки. Для сопоставления: в развитых странах этот показатель не превышает 6–8%.

В условиях развития Узбекистана, актуальность технологической модернизации всей энергетической системы как главного фактора повышения энергоэффективности экономики в целом усиливается под воздействием истощения сырьевых ресурсов. На фоне этой тенденции, ожидается сохранение высокого спроса на энергетические ресурсы и высокая волатильность цен в средне- и долгосрочной перспективе, что потребует дальнейшего роста ресурсо- и энергоэффективности экономики, активного использования возобновляемых источников энергии, внедрения более жестких стандартов энергоэффективности, а также экологических нормативов.

Учитывая специфику развития энергетической сферы и процессов повышения энергоэффективности, необходим корректный учет устойчивых мировых тенденций в производстве и потреблении топливно-энергетических ресурсов, формирующих, в конечном счете, перспективный спрос на традиционные и альтернативные источники энергии. Фактор глобальной трансформации спроса на энергоресурсы будет оказывать влияние на структуру спроса на национальном уровне. Такая оценка позволяет обеспечить наиболее рациональный подход к «трансферу технологий» и обосновать необходимые технологические сдвиги в структуре энергетических мощностей, не допуская при этом возрастания технологического разрыва относительно передовых стран, в том числе разрыва по показателям энергоэффективности.

В процессе модернизации энергетического сектора Узбекистана, необходимо учесть, что на первое место среди долгосрочных определяющих факторов успешного развития выходят технологии, как в сфере производства и потребления традиционных углеводородных ресурсов, так и в развитии альтерна-

⁴ Включая гидроэнергию, солнечную, ветровую и другие источники ВИЭ.

тивных источников энергии. В этом отношении национальные энергетические компании могут быть подвержены высоким рискам в случае, если их стратегии развития будут определяться не ориентацией на достижение технологического совершенства, а монопольным доступом к ресурсной базе в сочетании с ограниченным числом крупных проектов, реализация которых не позволит сформировать целостную технологическую платформу для достижения энергоэффективности экономики в целом.

Национальные приоритеты должны определяться ожидаемыми изменениями приоритетов в обеспечении энергетической безопасности развитых и успешно развивающихся стран, в развитии которых *прогнозируется существенный рост значимости электроэнергетики*. Этот фактор обуславливает концентрацию усилий государства на энергоэффективном развитии электроэнергетического сектора. По прогнозам МЭА, глобальные технологические изменения будут определяться доминированием электроэнергии, которая к 2040–2050 гг. будет выступать в качестве наиболее важного конечного энергоносителя в структуре мирового энергетического баланса.

Технологические сдвиги в «новой энергетике» будут определяться процессами децентрализации и развития так называемой *распределенной генерации*, что обуславливает возникновение новых возможностей в сфере энергоснабжения. Совершенствование технологий производства электрической энергии небольшой мощности (менее 25 МВт) на органическом топливе и на основе ВИЭ, кардинальное улучшение их технико-экономических показателей благоприятствуют развитию *децентрализованных систем энергоснабжения*, что актуально и для Узбекистана.

Несмотря на опережающие темпы развития ВИЭ, ожидается продолжение *технологического развития газовой и угольной электрогенерации* на основе внедрения ресурсосберегающих технологий ПГУ и ГТУ, а также атомной энергетики (новые типы реакторов на тепловых и быстрых нейтронах), электро- и теплосетевых технологий. При переходе к низкоуглеродной энергетике значительную роль будут играть инновационные *ядерные энергетические технологии*, которые могут эффективно дополнить крупномасштабное развитие возобновляемой энергетики. Наиболее высокие темпы развития атомной энергетики прогнозируются в Китае, Индии и России на фоне замедления динамики в ведущих западных странах — Германии и Франции, в энергетическом балансе которых доля атомной энергии уже составляет более 22% и 75% соответственно. Внедрение современных атомных технологий актуально и для Узбекистана, что требует учета этого направления технологического развития в стратегических документах долгосрочного развития энергетики страны.

Прогнозируется технологический рывок в развитии и внедрении *интеллектуальных или активно-адаптивных микросетей*, электронных торговых площадок, так называемых «*виртуальных электростанций*» и т. д., выступающих в качестве инструментов интеграции объектов распределенной генерации и позволяющих

внедрить совершенно новые принципы оказания системных услуг и взаимного резервирования энергии. Применение этих технологий позволит также более качественно проводить мониторинг и диагностику основных элементов энергетической системы с учетом рыночных принципов и новых экономических критериев.

По оценкам, уже в среднесрочной перспективе технологическую основу *«интеллектуализации» управления* всеми объектами топливно-энергетического комплекса будут формировать информационно-коммуникационные и вычислительные технологии, средства автоматизации и роботизации технологических процессов, сенсорные системы и т. д.¹

В целях недопущения технологического разрыва относительно передовых стран, в том числе разрыва по показателям энергоэффективности, необходимо активизировать меры по совершенствованию финансово-экономических и институциональных условий для внедрения ресурсосберегающих технологий. Ключевым элементом повышения энергоэффективности экономики, в рамках совершенствования энергетической политики на национальном уровне, выступает задача рыночного реформирования топливно-энергетического комплекса в целом. Как свидетельствует мировой опыт, наиболее высокий уровень успешности мер по энергоэффективности характерен для стран, реализовавших наиболее радикальную либерализацию энергетического рынка. Но и в рамках реализации этих моделей, характеризующихся высоким уровнем децентрализации энергоснабжения, либерализации правил регулирования рынков в области использования технологий ВИЭ, более гибкими правилами доступа к электрическим сетям, обеспечивающим более благоприятные условия для привлечения частного и иностранного капитала, необходимы меры государственного стимулирования и расширения практики обязательных закупок энергии от ВИЭ.

Технологическая политика, обеспечивающая рост энергоэффективности, должна реализовываться в контексте масштабных институциональных реформ в энергетической сфере, уже инициированных правительством Узбекистана. В рамках этих инициатив требуется разработка целостной стратегии технологического развития энергетики на долгосрочный период (2030–2040 гг.) с учетом приоритетных направлений развития ВИЭ и улучшения энергоэффективности, которая по своим параметрам отвечала бы целевым прогнозным ориентирам развития всей экономики. Особый акцент при прогнозировании должен быть сделан на выборе и прогнозе качественных индикаторов, позволяющих определить результативность реализуемых реформ в энергетической сфере и эффективность применяемых

¹ Этот процесс будет охватывать все этапы — от установки приборов учета потребления энергии на уровне предприятия, скважины, месторождения, шахты, разрезов до магистральных электроэнергетических, тепло- и газоснабжающих систем.

мер и механизмов энергосбережения с точки зрения достижения благоприятных технологических сдвигов¹.

При совершенствовании технологической политики, нацеленной на ускорение модернизации и внедрение новейших технологий, необходимо учесть важность системного подхода к решению проблемы. Следует сформировать макроэкономическую среду для продвижения энергоэффективности и технологий ВИЭ, что потребует совершенствования всех инструментов регулирования. Особая роль будет отведена разработке целого комплекса экономических стимулов, что предполагает выработку таких механизмов, которые позволили бы перевести процесс повышения энергоэффективности и внедрения ресурсосберегающих технологий в категорию привлекательного и экономически выгодного, причем как для производителей, так и потребителей.

¹ Например, доля ВИЭ в общей генерации энергии; уровень износа основного капитала; энергоемкость ВВП; показатели улучшения технологических параметров; удельный вес интеллектуализации сетей; количество внедренных когенерационных технологий и т. д.

Мухаммаджон БУТАБОЕВ
д. э. н., профессор,
Ферганский филиал ТУИТ,
Нодиржон САДРИДДИНОВ
руководитель группы,
Институт прогнозирования
и макроэкономических исследований

ПЕРЕХОД К «ЗЕЛЁНОЙ» ЭКОНОМИКЕ — СТРАТЕГИЧЕСКОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

К началу XXI века мировое сообщество оказалось на грани экологического и экономического кризиса. По оценкам специалистов, к 2050 году население Земли будет составлять 9 млрд человек¹. Дефицит природных ресурсов, главным из которых является чистая питьевая вода, может стать причиной снижения темпов экономического роста. В последние десятилетия экономический рост достигался за счёт расходования природных ресурсов, что привело к их существенному сокращению. Согласно прогнозам, через 20 лет потребность в питьевой воде будет удовлетворяться лишь на 60%². Массовая вырубка лесов ведёт к сокращению биоразнообразия планеты. С 1995 по 2005 годы ежегодно площадь лесов сокращалась на 1 млн гектаров³. Нерациональное использование природного капитала, при существующей модели экономики — «коричневой», приводит к значительным экономическим потерям. Между тем, всего 2% от мирового ВВП, согласно так называемому налогу Тобина, вложенные в развитие новой модели экономики — «зелёной» — приведёт к устойчивому экономическому росту и улучшению благосостояния населения земного шара. При этом, «зелёные» технологии позволят эффективно использовать ресурсы, увеличат запасы природного капитала, помогут сохранить экологическое равновесие.

В 2008 году ЮНЕП (Программа ООН по окружающей среде) разработала рекомендации по переходу к глобальному «зелёному» новому курсу, в ответ на мировой экономический кризис, в 2011 году — обобщающий доклад для властных структур «Навстречу «зелёной» экономике». Для решения проблемы изменения климата необходимо примерно половину инвестиций в «зеленые» технологии направить на повышение энергоэффективности, в частности, коммунального хозяйства, промышленности и транспорта, а также на развитие возобновляемых источников энергии. Остальные инвестиции направить на улучшение утилизации отходов,

¹ «Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности». Обобщающий доклад для представителей властных структур, 2011, с. 8.

² 12. Charting our Water Future: Economic Frameworks to Inform Decision Making. Мюнхен: Группа по водным ресурсам 2030. МакКинси и компания (2009), с. 7.

³ Global Forest Resources Assessment 2010: Main Report. Рим. Продовольственная и сельскохозяйственная организация/ФАО/ООН (2010), с. 14.

инфраструктуры общественного транспорта и в ряд секторов, основанных на использовании природного капитала, таких как сельское хозяйство, рыболовство, лесное хозяйство и водоснабжение. Сценарий инвестирования в «озеленение экономики» 2% мирового ВВП обеспечит в 2011–2050 гг., по крайней мере, такие же темпы долгосрочного роста, что и сценарий обычного развития, и одновременно позволит избежать значительных рисков, связанных с изменением климата, ростом дефицита воды и утратой экосистемных услуг¹.

Первые шаги по внедрению «зелёных» технологий человечество сделало ещё в середине XX века. С 1970-х годов в старых промышленных странах были достигнуты немалые успехи в деле улучшения состояния окружающей среды. Уровень всевозможных вредных веществ резко понизился, «отдохнули» реки и леса, рассеялся городской смог. Внедрение «зелёных» технологий позволило Германии сократить выбросы CO₂ за последние 30 лет на 25%.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида минерал ҳитоллардан, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийтни модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларини минерал ҳитоллар билан таъминлаш минерал ҳитоллар бозори конъюктурасининг ўзига хос муҳим белгилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини минерал ҳитоллар билан таъминлаш фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса фермер хўжаликларига илғор технологияларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда республикамиз минерал ҳитоллар бозори конъюктурасида куйидагича муаммолар мавжуд:

- минерал ҳитоллар нархининг доимий эмаслиги ва тез-тез ўзгариб туриши;
- минерал ҳитол ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги юзага келадиган қарама-қаршилиқларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини 100% озиқ модда ҳисобида қишлоқ хўжалиги экинларига солинадиган минерал ҳитоллар билан таъминлаш, улар фаолиятининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йилда 2016 йилга нисбатан Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида 100% озиқ модда ҳисобида қишлоқ хўжалиги экинларига солинган минерал ҳитоллар ҳажми 104 051 тоннага, 10,6 фоизга камайган. Республикамизнинг Хоразм вилоятида 19 115 тоннага, яъни 31 фоизга ошган, аксинча, Жиззах вилоятида 65 665 тоннага, яъни 44,1 фоизга камайган. (1-жадвал)

Куйидаги 1-жадвалда келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси асосий қишлоқ хўжалик экинларига солинаётган минерал ҳитолларнинг миқдори йил сайин камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Тупроқ унумдорлигининг бироз пасайганлиги сабабли, юқори ҳосил олиш учун минерал ҳитоллар сарфини кўпайтириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: — “Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инobatга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида 100% озиқ модда ҳисобида қишлоқ хўжалиги экинларига солинган минерал ўғитларнинг ўзгариши

Кўрсаткичлар	Йиллар			2018 йил 2016 йилга нисбатан (тонна)	
	2016	2017	2018	(+/-)	%
Ўзбекистон Республикаси	980 433	958 402	876 382	-104051	89,4
Қорақалпоғистон Республикаси	32 950	35 023	30 216	-2734	91,7
вилоятлар:					
Андижон	72 725	73 462	74 015	1290	101,8
Бухоро	80 550	79 746	96 287	15737	119,5
Жиззах	149 048	132 950	83 383	-65665	55,9
Қашқадарё	93 980	95 465	122 862	28882	130,7
Навоий	29 141	28 024	30 033	892	103,1
Наманган	87 351	84 236	47 599	-39752	54,5
Самарқанд	76 378	76 835	49 349	-27029	64,6
Сурхондарё	64 424	63 597	59 817	-4607	92,8
Сирдарё	70 018	69 149	67 917	-2101	97,0
Тошкент	82 646	86 053	43 407	-39239	52,5
Фарғона	79 646	75 426	90 807	11161	114
Хоразм	61 576	58 436	80 691	19115	131

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016–2018 йиллар бўйича маълумотлар асосида тузилди.

субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади”¹ — деб таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида жами экин экилган майдонларнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилганимизда, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йил 2016 йилга нисбатан жами экин экилган майдон 363884 гектарга, яъни 11,6 фоизга камайган. Шундан, суғориладиган ерлар 376652 гектарга, яъни 13,1 фоизга камайган. (2-жадвал)

Келажақда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши мамлакатимиз фермер хўжаликлари ихтиёридаги суғориладиган ерлардан тўлиқ ва оқилона фойдаланишни талаб этади. Шу сабабли, тупроқунумдорлигини барқарор равишда оширишни таъминлаш имкониятига эга бўлган ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга эришиш зарур.

Мамлакатимиз фермер хўжаликлари ихтиёридаги суғориладиган ерлардан тўлиқ ва оқилона фойдаланишда қуйидаги муаммо мавжуд:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271–272 (7229–7230).

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида жами экин экилган майдонининг ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Жами экин экилган майдони, гектар				Шундан: сугориладиган ерлар, гектар					
	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2016 йилга нисбатан		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йил	
				(+/-)	%				(+/-)	%
Ўзбекистон Республикаси	3 137 772	2 911 394	2 773 888	--363884	88,4	2 868 887	2 635 480	2 492 325	-376652	86,9
Қорақалпоғистон Республикаси	217048	225404	192811	-24237	88,8	217 048	225 404	192 811	-24237	88,8
вилоятлар:										
Андижон	196516	186989	185830	-10686	94,6	196 516	186 989	185 830	-10686	94,6
Бухоро	199503	197543	187828	-11675	94,1	199 503	197 543	187 828	-11715	94,1
Жиззах	365849	317818	323004	-42845	88,3	246 450	207 938	197 058	-49392	80,0
Қашқадарё	411266	390129	376320	-34946	91,5	348 350	322 273	320 957	-27393	92,1
Навоий	79649	74824	73738	-5911	92,6	79 649	74 807	73 602	-6047	92,4
Наманган	192245	169040	161937	-30308	84,2	192 245	169 040	161 937	-30308	84,2
Самарқанд	297420	289451	284123	-13297	81,4	245 378	229 848	224 765	-20613	91,6
Сурхондарё	236231	217940	192343	-43888	81,4	219 244	193 848	164 408	-54836	75,0
Сирдарё	210894	191412	169477	-41417	80,4	210 894	191 412	169 477	-41417	80,4
Тошкент	296962	248747	247627	-49335	83,4	279 421	234 285	234 802	-44619	84,0
Фарғона	242342	226595	212082	-30260	87,5	242 342	226 595	212 082	-30260	87,5
Хоразм	191847	175502	166768	-25079	86,9	191 847	175 498	166 768	-25079	86,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016–2018 йиллар бўйича маълумотлар асосида тузилди

1. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун узоқ муддатли кредитларнинг ўз вақтида ажратилмаслиги натижасида ерларнинг унумдорлигини оширишга ва самарали фойдаланишга имкон яратилмаётганлиги.

Фермер хўжаликлари давлатдан асосан ҳайдаладиган, пичанзорлар, яйловлар ҳамда боғзорлар, узумзор, тутзор ерларни турли муддатларга ижара асосида фойдаланиш учун оладилар. Ушбу ерлардан энг унумдорлиги суғориладиган ер ҳисобланади. Суғорилмайдиган ернинг бир гектаридан олинадиган ҳосилга қараганда суғориладиган ердан 8–10 марта кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида аҳоли истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми етиштирилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 44-моддасида «Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки шартли (муваққат) суғориладиган ерлар жумласига киради»¹ деб таъкидлаб ўтилган. Суғориладиган ернинг кўпайишида сув ресурсларининг бевосита иштироки зарур ҳисобланади. Чунки лалми ерлар суғориш тизимлари билан таъминланиши билан улар суғориладиган ерларга айланади. Суғорилмайдиган майдонларни сув билан таъминлаш натижасида уларнинг сунъий ҳамда иқтисодий унумдорлигининг юксалиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида олинаётган йиллик сув миқдори 1991 йилда 64 млрд метр/кубни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 51 млрд метр/кубни ташкил этмоқда. 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти соҳаларида сувнинг ишлатилиши, жумладан, қишлоқ хўжалиги 90 фоизни, коммунал хўжалиги 4,2 фоизни, энергетика 2,3 фоизни, саноат 1,3 фоизни, балиқчилик 1,2 фоизни, бошқа соҳалар 1,0 фоизни ташкил этмоқда. Мамлакатимиз бўйича бир гектар майдонга сарфланаётган сув миқдори 1991 йилда 18 минг метр/куб/га ни, 2018 йилда 10,2 минг метр/куб/га ни ташкил этди. 2018 йилда 1991 йилга нисбатан 7,8 минг метр/куб/га сув миқдорининг кам ишлатилишига эришилмоқда. Бу эса республикамизда сув сарфини тежаш учун амалга оширилаётган бир неча суғориш тизимларини жорий этилишининг натижаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича томчилатиб суғориш тизими 2016 йилда 5668 гектарга, 2017 йилда 9030 гектарга, 2018 йилда 15103 гектарга жорий этилди. 2013–2018 йиллар давомида жами 43026 гектарга томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. 2019 йилда 12121 гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишда баъзи ҳолларда камчилик ва муаммолар кўзга ташланмоқда:

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш мавсумида туманларда фермер хўжаликлари томонидан лимитга нисбатан ортиқча сув сарфланмоқда.

Келажақда фермер хўжаликларининг суғориладиган ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини барқарор равишда юксалтириш учун барча ишлаб

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».–Т.: «Ўзбекистон», 1998, 44-модда.

чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эътибор берган ҳолда, экинларнинг мақсадга мувофиқ таркибини таъминлашга ҳамда уларни самарали жойлаштиришга эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларида минерал ўғитлардан, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Минерал ўғитлар бозори конъюнктураси шаклланишининг ўзига хос омилларидан бири фермер хўжалиги маҳсулотларининг мавсумийлиги ҳисобланади. Фермер хўжаликлари маҳсулотларининг мавсумийлиги минерал ўғитлар бозори конъюнктурасига кескин таъсир қилади. Қишлоқ хўжалигида ишлар бошланишидан олдин ва тупроққа ўғит солиш жараёнида минерал ўғитларга бўлган талаб кескин баланд бўлиб, минерал ўғитлар нархининг белгиланишига ижобий таъсир ўтказди. Аксинча, ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг минерал ўғитлар бозори конъюнктурасидаги таклиф талабдан юқори бўлади. Бу эса, нархнинг пасайишига сабабчи бўлади.

2. Мамлакатимизда фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш минерал ўғитлар бозори конъюнктурасида минерал ўғит ишлаб чиқарувчилари билан истеъмолчилари ўртасидаги рақобатга асос бўлади. Шу сабабли, минерал ўғит ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар вужудга келади. Минерал ўғит ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги қарама-қаршилик олди-сотди шаклида намоён бўлса, ишлаб чиқарувчилар гуруҳлари ўртасидаги рақобатга асос бўлади. Бозор муносабатини шакллантириш жараёнида минерал ўғит ишлаб чиқарувчилар миллий чегаралар рамкасида чиқиб кетмаслигини таъминлаш зарур.

3. Мелиоратив ҳолати ўта ёмон бўлган ерларга давлат буюртмасини бермаслик, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш уларнинг унумдорлигини оширишга ва самарали фойдаланишга имкон яратади.

4. Фермер хўжалиги экинларини суғориш мавсумида лимитга нисбатан ортиқча сув сарфлашни бартараф этиш учун гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш, сувни тежайдиган технологияларни кенгроқ жорий қилиш, сувнинг тезкор бошқаруви ва ҳисоб-китобини йўлга қўйиш, сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш, суғоришга берилган сувдан оқилона ва самарали фойдаланилганлиги, суғоришга берилган сувнинг оқилона тақсимоти, ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш, етказиб берилган сув учун тўловларни такомиллаштириш, суғоришга берилган сувдан иқтисод қилиб, оқилона фойдаланилганлиги учун рағбатлантириш, етказиб берилган сувга тўланадиган тўловларда сув истеъмолчиларига бериладиган имтиёз чора-тадбирларини амалиётга жорий этиш зарур.

Фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигининг у ёки бу даражада бўлиши илмий асосланган минерал ўғитлар миқдорига, органик ўғитларни қўллашга, алмашлаб экишни жорий қилишга, ер ва сув ресурсларини тежовчи илғор технологияларни жорий этишга боғлиқ ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, органик

ва маъданли ўғитлар ҳисобига ўсимликлар 50 фоиз ва ундан ортиқ ҳосил бериши аниқланган. Ушбу омиллар алмашлаб ёки навбатлаб экиш майдонларида ўтказилса, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши учун экологик жиҳатдан жуда қулай шароит яратиб, энг юқори ва сифатли ҳосил олишга сабабчи бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271–272 (7229–7230).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». — Т.: «Ўзбекистон», 1998, 44-модда.
3. www.stat.uz — Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИДА БАЪЗИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда барқарор ривожланиши натижасида аҳоли турмуш даражаси ошди ва сифати яхшиланди. Буни иқтисодиёт соҳаларида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда кўриш мумкин. Жумладан, 2017 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 47,3 фоизни ташкил этгани, шунингдек, саноатнинг ЯИМдаги улуши 25,2 фоизни ташкил этиб тургани бунга яққол мисол бўлади (1-жадвал). Шунингдек, халқ билан қилинган мулоқотда ҳам мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан уларнинг розилигини англаш мумкин. Президентимиз диққат эътиборида мамлакат иқтисодиётини янада яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш турибди.

1-жадвал

2000–2017 йилларда Ўзбекистонда ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби (фоизда)¹

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2017 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-)
		2000	2005	2010	2015	2016	2017	
1	Саноат	14,1	20,7	21,3	23,4	23,4	25,2	+3,9
2	Қишлоқ хўжалиги	32,1	25,0	19,4	16,7	14,6	19,7	+0,3
3	Қурилиш	6,1	4,9	4,3	4,3	5,5	6,1	+1,8
4	Хизматлар соҳаси	35,2	38,4	46,9	48,7	49,5	47,3	+0,4
5	Соф солиқлар	12,5	11,0	8,1	6,9	7,0	1,7	-6,4
6	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X

Мамлакатимиз нуфузини ошириш халқнинг турмуш тарзини яхшилаш бўйича барча имкониятлар яратилаяпти. Бироқ мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштириш учун баъзи муаммолар мавжуд.

Бизнинг назаримизда бу муаммолар қуйидагиларда намоён бўляпти:

Биринчидан, Ўзбекистон юксак иқтисодий тараққиётга эришиши учун иқтисодиётда банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланилмаяпти. Статистик маълумотларга кўра, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Хитой ва Япония мамлакатларида ишсизлик даражаси иқтисодий ўсиш даражасига қараганда ўртача 4,5 фоизга ортиқ (2-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида иқтисодий ўсиш ва ишсизлик ҳолати¹

Йиллар	Россия Федерацияси		Буюк Британия		Хитой		Япония	
	ЯИМ ўсиш суръати, %	ишсизлик даражаси, %	ЯИМ ўсиш суръати, %	ишсизлик даражаси, %	ЯИМ ўсиш суръати, %	ишсизлик даражаси, %	ЯИМ ўсиш суръати, %	ишсизлик даражаси, %
2003	7,3	8,6	2,8	5,0	10,0	4,3	1,4	5,3
2004	7,2	8,2	3,0	4,8	10,1	4,2	2,7	4,7
2005	6,4	7,6	2,2	4,8	11,3	4,2	1,9	4,4
2006	8,2	7,2	2,8	5,4	12,7	4,1	2,0	4,1
2007	8,5	6,1	2,7	5,4	14,2	4,0	2,4	3,8
2008	5,2	6,4	-0,1	5,6	9,6	4,1	-1,2	4,0
2009	-7,8	8,4	-4,4	7,5	9,2	4,2	-6,3	5,1
2010	4,3	7,5	1,8	7,8	10,4	4,1	4,5	5,0
2011	4,3	6,6	0,8	8,1	9,2	6,5	-0,8	4,6
2012	3,6	5,7	-0,1	7,8	7,8	6,4	2,2	4,4
2013	1,3	5,5	1,7	7,6	7,7	4,1	0,8	4,0
2014	0,7	5,2	3,1	6,2	7,3	4,1	0,0	3,6
2015	-3,7	5,4	2,2	5,4	6,9	4,2	0,5	3,3
2016	-0,8	8,2	1,8	5,1	6,6	4,2	0,5	3,2
Ўртача	4,4	7,2	1,5	6,2	9,5	4,5	0,8	4,3

Буюк Британияда иқтисодий ўсиш суръати охириги ўн йил ичида ўртача 1,5 фоизни, Японияда эса қарийб 1,0 фоизни ташкил этганига қарамасдан, аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати юқори мамлакатлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам бандлик даражаси, иқтисодий ўсиш суръати юқорида номлари келтирилган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидан анча юқори. Аммо мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ривожланган мамлакатлар даражасидек эмас. Демак, иқтисодий ўсиш суръатлари 8–9 фоизга ошиши ёки ҳар йили янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлигининг таъминланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига сезиларли даражада таъсир қилмас экан. Аслида ушбу муаммонинг ечимини банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдалана олмаётганлигимиз билан изохлаш мумкин. Жаҳон банкининг талабларида мамлакат иқтисодиёти ривожланган бўлиши учун ЯИМ аҳоли жон бошига 12 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги кўрсатилган². 2018 йилда республика

¹ www.ereport.ru/stat.php?razdel=country (Мурожаат қилинган сана 11.01.2019 й)

² <http://amunews.uz/news/2845> (мурожаат қилинган сана 2018 йил 13 декабрь).

ликамизда ЯИМ аҳоли жон бошига 2019 АҚШ долларини ташкил этган³. Ушбу кўрсаткични қўшни республикалар билан таққослаганда қарийб 600–1000 АҚШ доллардан ортиқ. Жумладан, Тожикистон Республикасидан 1376 АҚШ долларига кўп. Аммо жаҳон банки эътироф этган кўрсаткичдан 6,0 мартага кам. Ваҳоланки, мамлакатимизда бандлик даражаси юқори, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаганимизда 67,4 фоизни ташкил этди⁴. Бу маълумотлар мамлакатимизда банд бўлган меҳнат ресурсларидан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдалана олмаётганлигимиздан далолат беради.

Иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлган кишилар таркибида малакали мутахассисларнинг камлиги. Ўзбекистон иқтисодиётида 2017 йилда банд бўлганлар таркибида олий маълумотли мутахассисларнинг улуши 35,0 фоизни ташкил этган⁵. Бизнинг назаримизда, мамлакатимизнинг юқори даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда иқтисодиётда банд бўлган олий маълумотлилар камлик қилади. Улар 60–65 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Чунки малакали ходимнинг меҳнат унумдорлиги оддий ходимнинг меҳнат унумдорлигидан 2–3 мартага зиёд. Х. Риндерманн, М. Сейлар ва Ж. Томпсонлар ўзларининг тадқиқотларида ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор қаратиб, унда ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишган. Уларнинг хулосаларига кўра халқнинг (IQ-intelligence quotient — интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффиценти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларга ошишини асослаб берганлар⁶. Демак мамлакатда банд аҳоли таркибини олий маълумотли мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Учинчидан, миллий иқтисодиёт тармоқларининг жадал суръатларда ривожланмаслик муаммоси. Республика иқтисодиёти жадал ривожланиши учун иқтисодиётнинг барча тармоқлари ҳам юқори суръатда ривожланиши лозим. Иқтисодиёт тармоқлари ичида шундай тармоқлар борки, уларнинг ЯИМдаги улушига қараб миллий иқтисодиётга ёки аҳоли турмуш даражасига баҳо берилади. Шундай тармоқлардан бири соғлиқни сақлаш тармоғидир. Жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасига кўра давлатнинг ҳалқаро рейтинги ва аҳолининг турмуш даражаси белгиланади, шунингдек, жаҳон иқтисодиётида миллий иқтисодиёт ўрнини белгилашда ҳамда мамлакатлараро фаол ташқи иқтисодий алоқларни ўрнатишда соғлиқни сақлаш тармоғи муҳим ўрин тутаяди. Демакки, соғлиқни сақлаш тармоғининг ривожланиш даражаси мамлакатни ҳалқаро миқёсида ўрнини белгилар экан, уни тубдан ислоҳ қилиш керак

³ <http://infotables.ru/statistika/43-ekonomicheskaya-statistika-stran-mira/425-vvp-na-dushu-naseleniya-stran-mira-tablitsa> (мурожаат қилинган сана 2019 йил 11 январь).

⁴ Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Т.: 2018. — Б. 22.

⁵ Ўзбекистон ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Т.: 2018. — Б. 54.

⁶ Rinderman H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development// Talent Development & Excellence. 2009. Vol. 1. No. 1. pp. 3–25.

бўлади. Шу нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш тармоғини таҳлил қилганимизда, бу борада ҳали анча ишларни амалга оширишимиз лозимлиги аниқланди. Масалан, ривожланган мамлакатларда, жумладан Францияда соғлиқни сақлаш тармоғининг ЯИМдаги улуши 10–11 фоизни, АҚШда 17–18 фоизни, Швейцарияда 12 фоизни ташкил этади¹. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткичнинг ЯИМдаги улуши 3–4 фоиз атрофида². Таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда ушбу тармоқ ҳам мамлакатда жадал суръатлар билан ривожланиш босқичига кирган. Лекин, соғлиқни сақлаш тармоғининг ЯИМдаги улушини ривожланган мамлакатларнинг ЯИМдаги улуши билан таққослаганда 9–10 фоизга кам. Бу эса, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тармоғини такомиллаштириш лозимлигини билдиради. Статистик маълумотларга қараганда 2017 йилда мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг атиги 4,5 фоизи соғлиқни сақлаш тармоғида фаолият юритади ва бу иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг атиги 602,6 мингтасини ташкил этади³. Конституцияда ҳар бир киши малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамланиб қўйилган. Фуқароларга белгилаб қўйилган ушбу ҳуқуқ тиббий хизматлардан унумли фойдаланишга ундайди. Демакки, ҳар доим ушбу тармоқ хизматларига талаб мавжуд. Бироқ, бизнинг ҳисобларимиз тиббиёт муассасасидаги фаолият юритаётган шифокорлар хизмати мамлакатимиз аҳолисининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондира олмаслигини аниқлади. Бу борада Президентимиз шундай деганлар: “...қишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самарадорлиги таъминланмади. Бугунги кунда уларда 2 минг 500 нафар врач етишмайди⁴”. Шунингдек, “Тиббиёт муассасаларида диагностика даражасининг пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги натижасида йилига 30 мингдан зиёд юртдошимиз даволаниш учун хорижий мамлакатларга боришига ва оила бюджетидан катта маблағ сарфлашига тўғри келяпти⁵”. Демак, соғлиқни сақлаш тармоғи етарли даражада шифокорлар билан таъминланмаганлиги сабабли, аҳолига сифатли тиббий хизматлар ҳам кўрсатилмай қоляпти. Шу сабабли ЯИМ таркибида соғлиқни сақлаш хизматларнинг улуши жуда ҳам кам.

Таклифлар

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

¹ А. Орлов. Медпрактикум. Свободная медицина свободной Франции. Деловой партнер.uz// № 15(991) 11–17 апрель 2013 г., 21 стр.

² Здравсохранение Узбекистана. Статистический сборник. Ташкент — 2018., 13 С.

³ Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2018 йил. 64 Б.

⁴ Мирзиёев Ш. М. «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» мавзусида мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Зарафшон, 2017 йил 17 январь.

⁵ Ўша жойда.

Биринчидан, иқтисодиётда банд ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллигини ошириш. Иқтисодиётда меҳнат унумдорлиги паст тармоқларнинг мониторингини юритиш ва ҳар чорақда уларни муҳокама қилиш. Иқтисодиёт тармоқларига масъул қилиб бириктирилган ташкилот раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини энг сўнги технологиялар билан таъминлаш. Қиймати юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериш.

Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқларига малакали мутахассисларни кўпроқ жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд ходимларни ишлаб чиқариш натижаларига қараб рағбатлантириш механизмини жорий этиш. Бу масалада хориж тажрибаларини қўллаш.

Учинчидан, соғлиқни сақлаш хизмат турларини такомиллаштириш. Бу борада муҳтарам президентимиз шундай таъкидлайдилар: «... Бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истайди⁶». Шулардан келиб чиқиб соғлиқни сақлаш хизматлари таркибида янги хизмат турини, яъни мақсадли ва манзилли тиббий хизматларни киритишни таклиф этамиз. Мақсадли ва манзилли тиббий хизматлар касаллик узоқ вақт даволашни талаб этадиган даражага бориб етмаслигининг олдини олишга қаратилган бўлиб, беморларнинг қисқа муддатда ётиб даволанишлари учун имконият яратади. Ушбу хизматлар касалликларнинг кучли ва хавfli кўринишга айланмаслиги ва атрофдагиларга тарқалмаслиги учун хизмат қилади. Мақсадли ва манзилли тиббий хизматлар — фуқароларнинг манзилига бориб, тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишларини олиб боришни кўзда тутаяди.

⁶ Ш. М. Мирзиеёв. «Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир» мавзусида 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил, 6 январь.

ИННОВАЦИОН ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ — БАНКЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида барча соҳалар каби банк тизимига асосий эътиборни қаратиш лозим. Шундай экан бугунги кунда банк тизимини инновацион бошқариш тамойиллари асосида фаолият юритиши ҳам давр талаби бўлиб, бунда хориж тажрибасини ўрганган ва таҳлил қилган ҳолда уни мамлакатимиз банк тизимига мослаштириб жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Биргина тижорат банкларининг жами активларининг ЯИМдаги улушини ўзи ҳам банк тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда банкларда инновацион бошқариш механизминини ташкил қилиш лозимлигини англатади.

Сўнги 10 йиллик маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиши билан банкларнинг жами активлари ўсиши тўғри пропорционалдир (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами активларининг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденциялари*

Кўрсаткичлар	2008	2010	2012	2014	2016	2018
ЯИМ (млрд сўм)	36839,4	61831,2	96612,1	144867,9	199325,1	407514,5
Банк активлари (млрд сўм)	12065	21110,6	35744	52103	84062	214420
Банк активларини ЯИМга нисбати (%)	32,7	33,5	37	35,9	49,4	52,6

*Манба: www.cbu.uz ва www.stat.uz сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2008–2018 йилларда номинал ЯИМнинг 14,5 баробарга, банк тизимининг жами активлари эса 23,1 баробарга ошганини кўришимиз мумкин.

Бироқ, тижорат банклари активларининг ЯИМга нисбати 2008–2018 йил оралиғида 32,7%дан 52,6%гача ошганига қарамасдан, тижорат банкларининг активлар тузилмасини такомиллаштириш, банк тизимини баҳолашни халқаро стандартларга мослаштириш борасида қилиниши лозим бўлган масалалар мавжуд.

Шунингдек кредит қўйилмалари жорий йилнинг II-чорагида 2018 йилга нисбатан 55,7 фоизга, инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар эса 128,4 фоизга ошган. Бу эса бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт ҳажмини

ошириш, ишсизликни олдини олиш ва миллий валюта барқарорлиги таъминлаш имконини беради.

Ушбу кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш тижорат банкларида “New Privat” амалиётини такомиллаштиришга ҳам бевосита боғлиқдир

Бугунги кунда банк тизимини таҳлил қилинса, актив ва пассив операциялар таркибида бир қанча муаммолар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан банк активлари муддатлари буйича пассивлари таркибига тўғри келиши лозим. Шу билан бирга банк бозор муносабатларининг нобарқарорлиги хатаридан тўла халос бўлмаслиги, банк раҳбарияти олдида банк операциялари даромадлигини ликвидлилик чегаралари доирасидан чиқмаган ҳолда таъминлаш муаммосини юзага келтиради. Лекин ликвидлилик чегараси, активлар ва пассивлар муддатига қатъий риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши ҳам банк даромадини максимал даражага кўтаришга айрим ҳолларда тўсқинлик қилади. Бугунги кунда, банк амалиётининг кўрсатишича, талаб қилиб олинган депозитга қўйилган маблағларнинг бир қисми тарихий характер касб этмоқда. Яъни, узоқ муддатга талаб қилинмасдан сақланмоқда. Бу ушбу узоқ муддатли ресурслар, юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштиришга имкон беради.


Юқоридагилардан келиб чиқиб банк активларининг даромадлигини эътиборга оладиган бўлсак, активлар ўзининг моҳиятига кўра даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган турларга бўлинади:

«Амалдаги қонунчиликка асосан тижорат банклари ўз активларининг маълум қисмини даромад келтирмайдиган ҳамда кам миқдорда даромад келтирувчи активларга йўналтиради. Масалан, даромад келтирмайдиган активларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб рақамида сақланадиган мажбурий захираларни, асосий воситаларни, жиҳозлар ва буюмларни ҳамда кам миқдордаги даромад келтирувчи активга эса кассадаги нақд пулни кўрсатиб ўтиш мумкин»¹. Республикамиз банкларининг активлари таркибидаги даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлар таркиби билан танишамиз (1.2-расмга қаранг).

Юқоридаги расмда 2004–2018 йиллар оралиғида даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активлар ҳажмининг ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин. Даромад келтирадиган активлар ҳажми 23,1%га камайганини, даромад келтирмайдиган активлар ҳажми эса 23,4%га ўсганини кўришимиз мумкин. Улар ўртасидаги фарқ бугунги кунда 29 фоиз пунктни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткичлардан банкларимиз риск асосида фаолият юритаётганини кўришимиз мумкин, чунки даромад келтирадиган активлар салмоғи етарли даражада юқори эмас. Актив операцияларини бошқаришда даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активларга аҳамият бериш кераклигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», ХАБ «Трастбанк» банкларида ўтказилган сўровномаларда банк

¹ О. Ю. Рашидов “Пул, кредит ва бакнлар”, 2011. 320 бет.




Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расм. Тижорат банкларнинг даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси (фоизда)


мижозлари ва ходимларидан олинган сўровнома ўтказилиб, унга кўра тижорат банклари томонидан асосий барқарорлик омили мижозларнинг ишончига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Кейинги омил эса банкнинг рақобатбардошлиги ва ликвидлилиги юқори бўлган банклар, яъни банк салоҳиятига, инновацион ғояларни қўллашга ва албатта банк бошқарувиغا боғлиқ деган жавобларни олдиқ (2-расм).

Демак, банк тизимида мижозларнинг ишончи банкларнинг барқарорлигини таъминланишининг асосий омили бўлиб, бу актив ва пассив операцияларни тўғри



Сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

2-расм. Банк барқарорлиги қандай омилларга боғлиқ



Сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.


3-расм. Муаммоли кредитларни келиб чиқиш сабаблари

бошқаришга боғлиқдир. Айнан банклар барқарорлигига таъсир этувчи омиллардан бири муаммоли кредитлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини банк ходимлари ва мижозлари томонидан изоҳланишини кўришимиз мумкин.

Ушбу саволга банк ходимларининг жавобларини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида муаммоли кредитларнинг асосий сабаби кредит мониторингини сустиги билан боғлашган бўлса, Ўзсаноатқурилишбанки ходимлари эса бизнесда бошқарувни тўғри йўлга қўйилмаганлигида деб изоҳлашган ва Трастбанкда эса кредит операцияларида бизнес режа асосий ўрин эгаллайди деб жавоб беришган.

Юқоридаги фикрлар билан танишган ҳолда асосий муаммо банк ходимларининг масъулятсизлигига бориб тақалади. Чунки банкка келган мижознинг бизнес режасини, таъминотини, иш фаолиятини назоратсиз қолиши муаммоли кредитларни келтириб чиқаради. Мижоз танг аҳволда қолмаслиги учун банк билан ҳар доим узвий алоқада бўлиш лозим. Шундагина иқтисодий муаммоларни биргаликда ечимини топиш имконига эга бўлишади. Биз шу билан бирга банк операцияларидан фойдаланиш кесими саволига қуйидагича жавобларни олдик.

Ушбу расмдан биз банк мижозларининг банкнинг масофавий хизмат турларидан яъни SMS-банкнинг, интернет-банкнинг, банк мижоз инновацион хизмат турларидан, шу билан бир қаторда кредит операцияларидан фойдаланишнинг салмоғи юқори эканлигини кўришимиз мумкин.



Сўрвнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

4-расм. Банк операцияларидан фойдаланиш кесими

Бироқ, омонатларнинг қўлланилиш даражаси юқори эмаслиги ушбу диаграммадан кўриниб турибди, бунга кўп мижозлар банк тизимига ишончим йўқ, ортиқча пулим йўқ ва банк фоизлари паст деб изоҳ қолдирганлар.

Юқоридаги муаммоларни ўрганган ҳолда тижорат банкларини бир ҳил қолипда ишлаш принципларини чеклаш ва банк тизимига инновацион хизмат турларини жорий этиш лозимлигини кўришимиз мумкин. Булардан бири New Privat бўлиб, у орқали банк тизимига замонавий хизмат турлари киритилади. Бу эса мижозларни жалб қилиш ва банк даромадларини кўпайиш омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу тизим асосан йирик мижозларни жалб қилиш мақсадида жорий этилади. Банклар йирик мижозларнинг маблағларини бошқаришда молиявий кўмакчи вазифасини бажаради ва у орқали фойда олиш имконига эга бўлади.

Ушбу тизимни икки турга ажратдик:

1. Соф иқтисодий даромадда мижоз маблағларини турли лойҳаларга йўналтириш орқали банк ва мижоз фойда кўриши назарда тутилади. Бунда банк томонидан инновацион-инвестицион лойиҳалар мижозга тақдим этилиб, мижоз томонидан молиялаштирилади. Ислон банклари тизими асосида яъни тенг шерикчиликда амалга оширилади. Шу билан бирга маъсул банк ходимига банкнинг 50% улушидан ойлик маошига қўшимча 5% ажратилади. Бу эса банк ходимларини ўз устида ишлаб янги лойиҳаларни амалга ошириш учун мотивацияни шакллантиради.



5-расм. New Privat хизмат тури

2. Ижтимоий хизмат кўрсатишда мижоз ва унинг оиласи муаммоларини қамраб олади, бунда банк мижоздан хизматлар пакетига қараб фоиз олиши кўзда тутилган. Мижоз эса банкка ишонган ҳолда ўз ижтимоий муаммоларини қонуний тарзда банкка топшириши мумкин (5-расм).

Хулоса ўрнида биз таклиф этаётган инновацион бошқарув усули тезкор ва замонавий тарзда бошқариш омилларини ўз ичига олади. New Privat хизмат турларини жорий этиш мижозлар сонини ортишига имкон беради. Шунингдек банкнинг даромад келтирувчи активлари салмоғи ошади. Бунда банкнинг янги инновациялари билан аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали таништириш лозим. Шу билан бирга мижозларнинг вақтини тежашда банк онлайн тизимини жорий этиш орқали барча хужжатлаштириш, қўл қўйиш бўйича масалаларни ечимини топиш лозим. Чунки банкнинг асосий мижозлари аҳолининг иш билан банд бўлган қатлами бўлиб улар банкларда ўзларининг қимматли вақтларини навбат кутиш хужжатлаштириш жараёнларига сарф қилмоқдалар. Банк хизматларни такомиллаштирган ҳолда жорий этиши, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, тижорат банкларининг ликвидлилик, даромадлиқ ва барқарорлик даражаларини мустаҳкамлаш имконини беради.

РАЗВИТИЕ ОБРАБАТЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ — ВАЖНЫЙ ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

В Стратегии действий¹ приоритетным направлением считаются дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики. Особо выделяется необходимость обеспечения устойчиво высоких темпов роста ВВП за счет углубления структурных преобразований. В этом направлении развитие обрабатывающей промышленности является важным источником устойчивого роста экономики Узбекистана.

Обрабатывающая промышленность, способствуя *эффективному использованию природных, человеческих ресурсов, повышая производительность*, обеспечивает условия для *устойчивого развития* и является важным источником *инклюзивного роста*, поскольку в ней создаются *устойчивые продуктивные рабочие места*, в результате чего происходит *рост доходов* и *сокращение неравенства населения*.

В Узбекистане за 2010–2018 годы добавленная стоимость обрабатывающей промышленности в ВВП увеличилась на 5,9 п. п. (с 12,5% в 2010 году до 18,4% в 2018 г.). В структуре обрабатывающей промышленности по технологичности производства в 2018 году по сравнению с 2017 годом были увеличены удельные веса средне-низкотехнологичной продукции с 27% до 29,8% и средне-высокотехнологичной продукции с 21,7% до 29,7%, сокращен удельный вес низкотехнологичной продукции с 49,4% до 38,9%, однако доля высокотехнологичной продукции в 2018 году составила 1,6%.


В странах мира с доходами выше среднего доля обрабатывающей промышленности в структуре ВВП за последние десять лет составила 21%, а в странах с низкими доходами — 8,2% (см. Табл.2). Более высокая доля обрабатывающей промышленности означает и более высокую степень диверсификации страны, а следовательно — и более высокую степень устойчивости к внутренним и внешним шокам развития.

Мировой опыт показывает, что в развитых странах производство обрабатывающей промышленности в определенной мере уменьшается. Причиной сокращения доли обрабатывающей промышленности в структуре экономики развитых стран, наряду со спадом производства в экономике страны, может быть результат

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 07.02.2017 года.

График 1.

Обрабатывающая промышленность, добавленная стоимость (% от ВВП)



Источник: данные Государственного комитета статистики Республики Узбекистан.

процесса структурных преобразований. Диверсификация экономики способствует переходу обрабатывающей промышленности в сферу услуг, в результате чего доля первой начинает медленно сокращаться. Средне- и высокотехнологичные отрасли не создают большого количества рабочих мест по сравнению с низкотехнологичными отраслями, однако их вклад в создание рабочих мест в сфере связанных услуг намного более значим.

Таблица 1

Доля обрабатывающей промышленности в ВВП в группе стран мира
(в среднем за 2008–2018 годы)

Показатели	Страны с доходами:					Узбекистан
	низкими	ниже среднего	средними	выше среднего	высокими	
ВВП на душу населения (по ППС в долл. США)	1908	5780	10011	14648	43492	5267
Доля обрабатывающей промышленности в ВВП (в%)	8,2	15,9	19,9	21,0	14,1	14,7*

Источник: данные Всемирного банка.

Примечание: *средняя оценка за 2010–2018 годы по данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.

Доля рабочих мест в сфере услуг, связанных с отраслями со средним уровнем технологий, такими как металлургия и металлообрабатывающая промышленность,

намного больше доли рабочих мест непосредственно в обрабатывающей промышленности, а создание новых рабочих мест в сфере услуг позволяет компенсировать их сокращение в промышленности¹. Эти отрасли могут также значительно способствовать росту занятости в сфере связанных услуг, особенно деловых, включающих НИОКР и консультационные услуги.

Интересен опыт Китая, у которого за последние десять лет доля обрабатывающей промышленности в ВВП составляет около 30%. С начала построения новой китайской модели в 1970-х годах в стране движущей силой была текстильная промышленность, т. е. доминировало, в основном, низкотехнологичное производство. На начальном этапе своего развития данная отрасль не требовала сложных технологий и обеспечивала большое число рабочих мест, что для Китая со слабо-развитой инфраструктурой и опытом производства служило основным источником иностранной валюты и играло важную роль во внешней торговле.

Однако, начиная с 1990-х годов, в результате ряда факторов (устаревшее оборудование, насыщенность спроса, плохое управление), начался другой этап развития, потребовавший разрешения возникших трудностей.

Для преодоления проблем и укрепления важной отрасли промышленности правительством были проведены значительные изменения в период 1997–2000 годов перед вступлением в ВТО: исключение из производства устаревшего оборудования, увольнение лишних работников, банкротство и закрытие многих госпредприятий либо их вовлечение в процессы слияния и поглощения. Для дальнейшего развития индустрии государственным компаниям были выделены субсидии и налоговые льготы, а также осуществлены значительные вложения в модернизацию производства и импорт современного оборудования. Проведенные реформы способствовали дальнейшему развитию текстильной и швейной промышленности, но в ее структуре преобладали небольшие конкурирующие между собой предприятия.

В 2001 году Китай вступил в ВТО и с начала 2000-х годов правительство стало уделять большое внимание структурным преобразованиям промышленности, развитию НИОКР, что способствовало увеличению доли текстильной и швейной продукции в мировом экспорте (см. Табл.2).

Таблица 2

Сравнение внешнеэкономической ситуации Китая в 1980-х, 1990-х, 2018-ом гг.

Вид продукции	Доля в мировом экспорте (%)				Доля в мировом импорте (%)			
	1980 г.	1990 г.	2000 г.	2018 г.	1980 г.	1990 г.	2000 г.	2018 г.
Текстильная	4,6	6,9	10,4	37,6	1,9	4,9	7,8	5,3
Швейная	4,0	8,9	18,2	31,3	0,1	0,0	0,6	1,6

Источник: данные ВТО, *World Trade Statistical Review 2019*.

¹ Отчет о промышленном развитии — 2013. ЮНИДО.

Для дальнейшего развития отрасли в 2006 г. был принят пятилетний план (см. Табл. 2), основными направлениями которого явились:

- целевое субсидирование и предоставление налоговых льгот;
- стимулирование создания национальных брендов, научно-исследовательских, логистических и дистрибуционных центров;
- поддержка разработки и использование оборудования, разработанного и произведенного в Китае.

Таблица 3

Основные направления государственной поддержки развития промышленности пятилетнего плана в 2006 г.²

Субсидии
<p><i>Специальный фонд по поддержке реструктуризации текстильной промышленности и интернационализации китайских компаний</i> осуществлял поддержку в форме целевых субсидий на создание технопарков и каналов дистрибуции, внедрение новых технологий, бренд-менеджмент, маркетинг, защиту прав интеллектуальной собственности.</p> <p><i>Фонд поддержки торговых операций в сельском хозяйстве, легкой промышленности и текстильной индустрии</i> предоставлял субсидии на осуществление НИОКР, а также на поддержку проведения международных и национальных выставок, семинаров и программ переподготовки.</p> <p><i>Специальный фонд поддержки развития брендов</i> поддерживал деятельность компаний и провинций по созданию и укреплению национальных брендов.</p>
Налоговые льготы
<p><i>Освобождение от уплаты налогов или налогообложение по льготным ставкам.</i></p> <p>С 2006 г. расходы на рекламу компаний, занятых в секторе производства одежды, в размере до 8% доходов от продаж учитываются при исчислении подоходного налога (выплаты сокращаются на сумму произведенных расходов). Если расходы составляют более 8%, выплаты могут быть соответственно сокращены в следующем году. По такой же схеме учитываются затраты на исследования и развитие новых продуктов и технологий. Если же расходы на НИОКР превысили размеры вложений по сравнению с прошлым годом на 10% или более, то компания может получить возможность сокращения налоговых выплат еще на 50% от всех расходов на НИОКР. Такая же схема распространяется на расходы на переподготовку персонала и амортизацию научно-исследовательского оборудования. Предприятия, занятые в высокотехнологичных секторах, платят налог на доходы по льготной ставке (15% вместо 25%).</p> <p><i>Возврат налога на добавленную стоимость и таможенно-тарифных сборов.</i></p> <p>Компании, занятые в производстве сложного текстильного оборудования, имеют право на возврат таможенно-тарифных сборов на импорт комплектующих и материалов, которые не могут быть произведены в стране.</p>

² China Briefing URL: <http://www.china-briefing.com/news/2013/03/22/exporttax-rebates-in-china.html>

Поддержка отдельных проектов

В 2006 г. Китай выделил государственные средства на развитие текстильной индустрии в одном из лидирующих регионов — в Ханчжоу.

К числу основных инструментов относятся денежные премии и награды, субсидии, налоговые льготы. В 2009–2011 гг. был реализован Государственный план развития 10 отраслей промышленности Китая, который предполагал стимулирование национального потребления, ускорение технического прогресса, внедрение энергосберегающих и других экологически эффективных технологий, повышение качества продукции, поддержку внешнеторговой деятельности путем стимулирования концентрации, создание собственных брендов, улучшение инфраструктуры, развитие специальных экономических зон, усиление налоговой и финансовой поддержки вплоть до предоставления льгот.

В 2012 году Китай приступил к реализации следующего пятилетнего плана развития текстильной промышленности, основными направлениями которого были: производство новых материалов, расширение производственных мощностей с применением сложного оборудования, поддержка сектора технического текстиля и некоторых традиционных секторов. Для поддержки развития текстильной промышленности учрежден фонд, который ежегодно может выдавать до 20 млн юаней предприятиям, проводящим интенсивную технологическую модернизацию. А также с 2011 г. компании текстильной промышленности освобождены от уплаты локального подоходного налога на 5 лет, а наиболее крупные (доход которых превышает 20 млн юаней в год) — от уплаты налога на собственность и городское землепользование также на 5 лет. Предприятия, расположенные в экономически депрессивных районах, освобождены от уплаты подоходного налога в течение двух лет после первого года получения положительной прибыли и сокращения выплат на 50% еще на три года.

Опыт Китая демонстрирует, как структурные изменения в обрабатывающей промышленности отражаются на переходе отраслей с технологиями низкого к среднему и высшему уровню. Мировой опыт показывает, что в странах при уровне ВВП на душу населения до 10000 долл. США 2005 г. по ППС, т. е. при доминировании в обрабатывающей промышленности доли отраслей низкого уровня технологий, *наблюдается резкий рост в занятости, однако при более высоких уровнях дохода и переходе к технологиям среднего уровня наблюдается переход от трудоемкости к спросу квалификационной рабочей силы*¹.

Развитие отрасли с высоким уровнем технологий способствует повышению спроса на научные исследования, что сопровождается дальнейшим развитием науки и техники.

Таким образом, структурные изменения в обрабатывающей промышленности способствуют поддержанию уровня занятости и повышению его качества, а также развитию занятости в сфере услуг.

¹ Организация Объединенных Наций по промышленному развитию, 2013 г.

На базе опыта развития обрабатывающей промышленной отрасли КНР предлагаются рекомендации и меры по дальнейшему ускоренному развитию Узбекистана:

– **поддержка частного сектора в целях повышения эффективности экономики.** Создание благоприятных условий для частного сектора и повышение конкуренции в отрасли являются важнейшими факторами успеха развития обрабатывающей промышленности, развитие которого обеспечивает создание рабочих мест и диверсификацию экономики. Именно активизация имеющегося потенциала — поддержка частного сектора — способствует повышению конкурентоспособности экономики;

– **развитие госинститутов и финансовой системы.** Значимость эффективной деятельности госинститутов и финансовой системы для Узбекистана является необходимым фактором создания конкурентоспособной экономики, защиты прав участников частного сектора, повышения доступа к финансовым ресурсам для ведения бизнеса, дальнейшего повышения доверия к правовой системе;

– **дальнейшее развитие внешнеторговой деятельности.** Наличие в Узбекистане резервов развития внешнеэкономической деятельности позволяет обеспечить выход продукции отечественного производства на внешние рынки. Хочется отметить, что проводимая государственная политика открытости Китая (постоянная интеграция промышленности и научно-технической сферы с внешней торговлей, расширение самостоятельности местных органов власти в осуществлении экспортных операций, в том числе промышленной продукции) позволила максимально использовать имеющийся в стране национальный потенциал. Основной акцент был сделан на развитие внешней торговли путем увеличения экспорта высокотехнологичных товаров с высокой добавленной стоимостью;

– **дальнейшее развитие НИОКР.** Опыт Китая демонстрирует, что подъем экономики страны и повышение ее конкурентоспособности неразрывно связаны с успешным развитием НИОКР. Для этого необходимо использовать в научных организациях мировой опыт и знания, заимствовать и внедрять новые технологии из-за рубежа. На данном этапе целесообразно, наряду с разработкой новых технологий, самостоятельно заимствовать технологии из-за рубежа, что потребует адаптации знаний, создаст возможности для повышения образованности и квалификации кадров и производства конкурентоспособной продукции;

– **повышение уровня переработки сырьевых ресурсов.** Повышение отечественного производства новых современных тканей для швейного производства, интеграция текстильной отрасли в глобальные цепочки добавленной стоимости, повышение в этой связи потенциала в сфере маркетинга, брендинга и НИОКР.

Аббас НАБИХОДЖАЕВ

*и. ф. н, доцент, илмий котиб,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти*

ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИ ТАРГЕТЛАШ — СТРАТЕГИК ПЛАНЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Охирги йилларда кўпчилик мамлакатларнинг марказий банклари инфляция даражасини келгуси давр учун мақсадли белгилаш асосида пул-кредит сиёсатини амалга оширмоқдалар. Уларнинг бош мақсади ва вазифаси инфляция даражасини паст даражада (3% ва ундан паст) ушлаб туриш орқали миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Инфляцияни таргетлаш (мўлжаллаш) жараёни ишончли прогнозга асосланган дагина воқеликни реал ва сифатли акс эттириши мумкин. Инфляция динамикасини прогнозлашда энг муҳим жиҳатлардан бири — инфляция тенденцияси ўрта муддатли нархлар динамикасини акс эттиришидир.

Ушбу ҳолатда қисқа муддатли вақтинчалик зарбалар (шоклар) таъсири мавжуд эмас, унга мавсумий омиллар таъсир қилмайди ва фақат абсолют нархлар ўзгариши акс эттирилади, деб ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатларда инфляция тенденциясининг кўрсаткичи сифатида истеъмол нархлари индекси (ИНИ) асосида ҳисобланадиган *базавий инфляция* (БИ) кўрсаткичи қўлланилади.

БИ — ўртача инфляция даражасининг инфляцион кутиш билан боғлиқ бўлган қисмини ифодалаб, пул агрегатларининг динамикаси билан узвий боғлиқликда бўлади.

Пул-кредит сиёсатини оқилона олиб бориш учун инфляция даражасини ишончли ҳисоб-китоб қилиниши талаб қилинади. Статистика идоралари томонидан расмий равишда эълон қилинадиган ИНИнинг ўсиши пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришларни талаб қилмайди, аммо БИ даражасининг ўсиши инфляция хавфининг ошаётганлиги ва ушбу жараёнга Марказий банк аралашувини талаб қилади.

БИ даражасини ҳисоблашда ҳал қилиниши лозим бўлган асосий вазифа — БИ индексини тузишда энг мақбул усулни танлашдир.

Ушбу масала бўйича дунёнинг аксарият мамлакатларида қабул қилинган бир қатор усуллар мавжуд, масалан, Европа Иттифоқи, Канада, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда статистика идоралари томонидан эълон қилинадиган ИНИни ҳисоблашда бир қанча мавсумийлик характериға эға бўлган ёки давлат томонидан тартибға солинадиган товарлар ва хизматларни ҳисоб-китоблардан чиқариб ташлаш усули.

Бразилия Марказий банки ИНИнинг ҳисоб-китобларига киритилган товарлар ва хизматлар нархларининг ўсиш суръатларини ҳисоблашда бир қатор ўзгарувчан таркибий қисмларни ҳисобға олмаган ҳолда БИни ҳисоблайди.

Эконометрик усуллар ёрдамида БИни ҳисоблаш изоҳлашнинг соддалиги ва тез фурсатда амалга оширилиши нуқтаи назаридан устунликка эга бўлсада, бироқ ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ва бошқа бир қатор хусусиятларни йўқотади.

Шу сабабли, ҳал қилиниши лозим бўлган навбатдаги муаммо — БИ кўрсаткичларини қиёсий таққослашда фойдаланилиши мумкин бўлган мезонларни аниқлашдир.

Пул-кредит сиёсатини таҳлил қилиш мақсадида БИ кўрсаткичларидан фойдаланиш имкониятини аниқлаш бўйича С. Маркес¹ томонидан ишлаб чиқилган бир қатор эконометрик усуллар қўлланилган.

ИНИ ва БИ кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик ва муносабатларни қиёсий таҳлил қилиш учун бир қатор статистика назариясидан маълум бўлган мезонлардан фойдаланилади, масалан, серияларнинг стационарлиги, истеъмол саватида мавсумийлик характерига эга бўлган товар ва хизматларнинг мавжудлиги, тренддан эмпирик маълумотлар фарқлари квадратларининг йиғиндиси ва бошқалар.

Ушбу мақолада пул-кредит сиёсатига хизмат қилиши мумкин бўлган БИ даражасини аниқлаш мақсади қўйилган бўлиб, унинг асосида Марказий банк фаолиятига баҳо берувчи кўрсаткични ишлаб чиқишдир.

БИ индексини тузишнинг ҳар қандай усули қисқа муддатли тенденциялар, мавсумий таъсирлар мавжуд бўлган товар ва хизматларнинг нархларидаги ўзгаришларни ИНИ ҳисоблашда ҳисоб-китоблардан чиқаришга қаратилган бўлади.

Дунё амалиётида энг кенг тарқалган усул — ИНИ ҳисоб-китобларидан мавсумий ҳарактерга эга бўлган озиқ-овқатлар ва энергия ресурсларини чиқариб ташлаш ҳисобланади.

Республикамызда БИни ҳисоблаш ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан амалга оширилмоқда, аммо, фикримизча, ушбу масъулиятни дунёнинг кўчилик мамлакатлари сингари, статистика идораларига, яъни Давлат статистика қўмитасига юклаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон шароитида БИни ҳисоблашда ИНИ таркибидан 3 гуруҳ товар ва хизматларни чиқариш таклиф қилинади:

Ҳукумат томонидан нархлари (тарифлари) тасдиқланадиган товар ва хизматлар (автомобиллар учун ёқилғи, кўмир, электр энергияси, табиий газ).

Нархлари (тарифлари) ишлаб чиқарувчилар томонидан декларация қилинадиган товар ва хизматлар (1-навли буғдой ундан нон, совуқ сув таъминоти ва канализация, хонадонларни иситиш учун тўлов, йўловчи ташиш хизматлари).

Мавсумий тебранишлар таъсирида нархлари ўзгариб турадиган товарлар (мева-сабзавотлар).

Истеъмол саватига киритилган бошқа товар ва хизматларга нархлар ўзгаришининг таъсири БИ даражасини белгилайди.

1-жадвалда БИни ҳисоблашда истеъмол саватидан чиқариб ташланиши таклиф қилинаётган товар ва хизматлар гуруҳлари улушлари келтирилган.

¹ Marques, C. Evaluating core inflation indicators / C. Marques, P. Neves, L. Sarmento // Economic modelling. — 2003. — № 20. — P. 765–775.

Ўзбекистон Республикасида 2015–2019 йилларда базавий инфляцияни (БИ) ҳисоблашда истеъмол савати таркибидан чиқарилиши таклиф қилинаётган товар ва хизматларнинг умумий истеъмол саватидаги улушлари динамикаси¹

Истеъмол саватидаги улушлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1. Ҳукумат томонидан нархлари (тарифлари) тасдиқланадиган товар ва хизматлар	5,07	5,41	5,55	8,00	7,44
2. Нархлари (тарифлари) ишлаб чиқарувчилар томонидан декларация қилинадиган товар ва хизматлар	5,72	5,70	5,62	5,18	5,10
3. Мавсумий тебранишлар таъсирида нархлари ўзгариб турадиган товарлар	8,07	7,95	7,44	7,94	8,09
ЖАМИ	18,86	19,07	18,61	21,12	20,64

1-жадвал маълумотларига кўра, БИни ҳисоблашда истеъмол саватидан чиқариб ташланиши таклиф қилинаётган товар ва хизматлар улушининг вариацияси 2015–2019 йилларда 18,61% дан (2017 йил) 21,12% гачани (2018 йил), яъни умумий ИНИни ҳисоблашда фойдаланиладиган истеъмол саватининг 1/5 қисмини ташкил қилган.

2015–2019 йилларда ҳисобланган ИНИ ва БИ даражаларининг қиёсий таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

Рақамларни таққослаш кўрсатишича, 2015 й. ва 2019 йилнинг январь-июль ойларида БИ ИНИга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлган ва шу сабабли республикамиздаги инфляцион жараёнларнинг асосий омили сифатида ушбу даврларда монетар, яъни пул-кредит омилини кўрсатиш мумкин.

2015–2019 йилларда ИНИ ва БИ даражалари динамикаси² (фоизларда)

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й., январь-июль
Умумий ИНИ					
Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра	5,60	5,70	14,44	14,27	4,61
альтернатив ҳисоб-китобларга кўра	7,56	15,75	18,77	14,27	4,61

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари.

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й., январь-июль
Бошқариладиган ва мавсумий товар ва хизматларга нархлар (тарифлар) ўсиши (пасайиши) — жами	-3,88	-1,95	6,05	36,29	-0,07
шу жумладан:					
давлат томонидан тасдиқланадиган	8,47	16,62	13,32	26,09	1,80
ишлаб чиқарувчилар декларация қиладиган	5,10	9,25	5,80	50,76	3,29
мавсумий товарлар	-18,00	-22,61	0,82	8,39	-3,90
БИ, яъни бошқариладиган ва мавсумий товар ва хизматларга нархлар (тарифлар) ўзгаришини ҳисобга олмаганда	7,80	7,80	16,36	8,39	5,78

2016–2018 йилларда эса, номонетар омиллар инфляцияга асосий таъсирини ўтказган.

Юқоридаги 1 ва 2 жадваллар асосида баён қилинган хулосаларнинг асосли эканлигини баҳолаш учун ушбу даврларда нақд пуллар (M0) ва кенг маънодаги пул массасининг (M2) динамика кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2015–2019 йилларда нақд пуллар (M0), кенг маънодаги пул массаси (M2) ва ЯИМ дефлятори динамикаси³ (фоизларда)

Пул агрегатлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й., январь-июль
1. Нақд пуллар (M0)	17,6	24,0	49,3	14,0	11,9
2. Кенг маънодаги пул массаси (M2)	25,2	23,5	40,2	14,4	7,0
3. Нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши, давр охирига	25,2	25,3	26,6	26,7	27,5
4. Ялпи ички маҳсулот дефлятори	10,4	8,7	19,4	28,1	-

3-жадвал маълумотларига кўра, 2015–2017 йилларда пул агрегатларининг ўсиш суръатлари жадаллашиб бориб, 2018 йилда, яъни 2017 йилнинг 5 сентябрида алмашув курсининг эркинлашуви жорий қилингандан сўнг ҳамда 2019 йилнинг январь-июль ойларида, пул агрегатларининг ўсиш суръатлари аввалги йилларга

³ <http://cbu.uz/uzc/statistics/dks/2019/07/170427/ва муаллиф ҳисоб-китоблари>.

нисбатан бир мунча пасайди. Аммо 2015–2017 йилларда нақ пулларнинг ва кенг маънодаги пул массасининг 2,2 баравар ошиши, тегишли тарзда ЯИМнинг физик ҳажми ўсиши (19,1%) билан ҳамоҳанг бўлмаганлиги, бевосита инфляция даражасига таъсир кўрсатди.

Банк тизимидаги яна бир жиддий камчилик, умумий пул массасида нақд пуллар улушининг қузатилаётган даврда муттасил ошиб бораётганлигидир. Агар 2015 йилда ушбу улуш 25,2%ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига келиб 27,5%гача ошди. Нақд пуллар улушининг ошиб бориши, биринчидан, банк тизимида ишонч даражасининг пасайиши, иккинчи томондан — нақд пулларнинг яширин иқтисодиётга янада кўпроқ оқиб ўтаётганлигидан далолат беради.

Мақоламизга “Инфляция даражасини таргетлаш — стратегик планлаштиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида” деб ном берганимизнинг асосий сабаби — стратегик планлаштириш кўрсаткичлари аниқ ва ишончли бўлиши учун, аввало истеъмол бозорида барқарорлик, шу жумладан инфляция даражасининг бир хонали рақамга туширилиши талаб қилинишини ҳисобга олиб, яқин 1–2 йилда инфляцияни таргетлаш республикамизда кун тартибига киритилиши учун вақтлироқ эканлигини асослаш эди.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК ИНДЕКСИ — ИҚТИСОДИЁТДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МУХИМ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан эътиборан жамият ижтимоий фаровонлигига хизмат қилувчи барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар бошлаб юборилди. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича мақсадга йўналтирилган ислохотларда ўз ифодасини топа бошлади.

Барчага маълумки, мамлакатни нафақат унинг ўзига хос бўлган менталитети, кадриятлари, маданияти ва тарихи билан, балки умумжаҳон миқёсида зарурий бўлган бир қатор мезонлар орқали ҳам танитиш мумкин. Бунга эришишда бошқарув сифати ва сиёсатининг самарадорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришларга оид жараёнларни баҳолаш, ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторларини аниқлаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш кабилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Шундан келиб чиқиб, ушбу илмий изланишдан қўйилган асосий мақсад, узоқ муддатли иқтисодий ислохотлар юзасидан стратегик режалаштиришни амалга оширишда республикаимизнинг иқтисодий эркинлик индексидаги мавқеини юксалтиришга **тўсқинлик қилаётган асосий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тегишли тавсияларни ишлаб чиқишдан** иборат.

Жаҳондаги энг оммабоп бўлган халқаро индикаторлар ичида Жаҳон банки томонидан тузиладиган Иқтисодий эркинлик (Economic Freedom) халқаро индикатори бўлиб, у кўп омилли мезонлар: **бизнесни бошлаш, рухсатнома олиш жараёни, электр энергияга уланиш, мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги, солиқ юки, мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотик алоқалари, шартнома тузиш жараёни** кабилар асосида шакллантирилиб, барча мамлакатларнинг ҳукумати раҳбарларидан тортиб, кўплаб халқаро ишбилармонлар, тадбиркорлар ва инвесторларнинг эътиборини ўзига жалб этиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишини таъминлаш ва ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти сафидан жой олишига эришиши ҳамда республикаимизнинг ўзига ҳос бўлган иқтисодий мустақиллигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган энг йирик **стратегик ислохотлардан бири** сифатида хизмат қилувчи, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси¹ муҳим омиллардан бири бўлиб келмоқда. Жорий стратегияда кўзда тутилаётган долзарб стратегик йўналишлар жумласига:

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;


Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари;

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;

Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар ўрин олган.

Олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, ўтган 25 йил давомида Умумжаҳон иқтисодий эркинлик индекси ўртача 3.2 бирликкача ижобий ўзгаришга эга бўлиб, 60.8 бирликни ташкил этганини ва базавий кўрсаткичлар билан солиштирилганда эса 3 баробарга ортгани кузатилиб, ўз ўрнида жаҳон мамлакатлари иқтисодий эркинлик даражаси йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Мисол учун, жаҳон мамлакатлари иқтисодий эркинлик индекси ўтган 25 йил давомида тахминан \$39.2 трлн. дан то \$80 трлн. гача ўсиб, бутун жаҳон миқёсида одамлар учун барқарор яшаш стандартларини таъминлаб берди. Лекин, шунга қарамасдан ушбу давр мобайнида иқтисодий эркинлик даражаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатган энг жиддий омиллардан 1997 йилда содир бўлган **“Осиё мамлакатларининг молиявий инқирози”** ва 2008 йилда содир бўлган **“Бутунжаҳон молиявий инқирози”** келтириб чиқарган салбий оқибатлари жаҳон мамлакатлари олдига кўплаб жиддий муаммо ва қийинчиликлар олиб келганини ҳам унутмаслик керак.




Манба: Терри Миллер, Антоний Б. Ким ва Жеймс М. Робертс, 2019 Иқтисодий эркинлик индекси. (Вашингтон: Мерос жамғармаси, 2019), <http://www.heritage.org/index>

1-расм. Жаҳон мамлакатларининг ўртача иқтисодий эркинлиги индекси.

¹ ПФ-4947-сон 07.02.2017 санадаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

Шунингдек, жаҳон мамлакатлари бўйича ўртача иқтисодий эркинлик индекси 1995 йилги **57,6** бирликдан 2019 йилдаги **60,8** бирликка ижобий томонга ўзгарган бўлиб, бу ўзгариш ўртача **(+3,2)** ни ташкил этган. Марказий Осиё мамлакатлари кесимида эса 2009–2019 йиллар мобайнида бу кўрсаткич ўртача **(+2,76)** бирликка ўзгарган. Бу ерда асосан жиддий ўзгаришни Қозоғистонда **(+5,3)** ни, Туркменистонда **(+4,2)** ни ва Ўзбекистонда **(+2,8)** ни ташкил этиб, Қирғизистон **(+0.5)** ва Тожикистон **(+1)** да бу кўрсаткич деярли ўзгармаган.


Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Марказий осий мамлакатларининг иқтисодий эркинлик индексининг 2009–2019 йиллар давомидаги динамикаси

Умумжаҳон иқтисодий эркинлик индексидаги ўзгариши мамлакатлар иқтисодиётининг кенгайишига, қашшоқлик даражасининг камайишига олиб келганини куйидаги таҳлил натижаларига кўра кузатилди.


Манба: <https://www.heritage.org/>



3-расм. Иқтисодий эркинлик индексининг ортишининг умумжаҳон қашшоқлик даражаси ва умумжаҳон ЯИМга таъсири

Яъни ўртача иқтисодий эркинлик индекси 56–58 бирликни ташкил этганда, жаҳон ЯИМ ҳажми \$30–50 трлн бирликдаги оралиқни, умумжаҳон қашшоқлик даражаси эса 30–40% дан иборат бўлган. Бугунги кунга келиб бу кўрсаткичлар 60,8% 80,1 10.0% кўринишга эга бўлгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Тадқиқотлар давомида мамлакатларнинг иқтисодий эркинлиги билан аҳолининг тўлов қобилияти ўртасида 0.64 бирликдаги корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Яъни муайян мамлакатнинг иқтисодий эркинлиги индекси қанча юқори бўлса, ушбу мамлакат аҳолисининг тўлов қобилияти даражаси ҳам юқори эканлигини тасдиқлайди.

Куйидаги 5-чизмада жаҳон мамлакатларининг иқтисодий эркинлиги индекси 100 баллик шкала бўйича баҳоланганда, индекснинг қиймати 100 баллга яқинлашгани сари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори шунчалик юқори эканлиги ифодаланган.



Манба: *The Heritage Foundation* | heritage.org/Index

4-расм. Иқтисодий эркинлик индексининг жаҳон мамлакатлари аҳолиси яшаш меъёрларига таъсири

Демак, иқтисодий эркинлик индекси нафақат мамлакатдаги иқтисодий жараёнларнинг либераллашганлик даражаси баҳо беради, балки мамлакат аҳолисининг фаровонлик кўрсаткичини ҳам назарда тутати деган хулоса чиқариш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган барча стратегик ислохотларнинг бардавомлигини таъминлаш,

унинг шаффофлигини янада оширишда халқаро иқтисодий эркинлик индексидаги мавқеига таъсир кўрсатаётган асосий омилларни мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишни таклиф қиламан ҳамда ушбу омилларни энг долзарб ва келгусида мунтазам равишда назоратга олиб, ўрганиб бориш талаб қилинадиган омилларга ажратиш лозим деб ҳисоблайман:



Бу ерда тегишли омилларга баҳо беришни осонлаштириш мақсадида унинг жаҳондаги қиёсий кўрсаткичлари билан солиштириш ёрдамида амалга ошириб бориш лозим.

Хусусан, Ўзбекистон иқтисодиётининг эркинлик индексини янада ижобий томонга ошириб бориш учун тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

- Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлик субъектларининг умумий фаолиятига оид бўлган иқтисодий маълумотларнинг тезкор ва сифатли ягона электрон маълумотлар базасида онлайн тарзда шаклланишини таъминлаш;



- Иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича ойлик, кварталлик ва йиллик ички рейтинглаш тизимини шакллантириш ва оммабоп журнал ва газеталарда чоп этиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги **“Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги”** ПҚ-4210-сонли қарорининг тегишли бандларида келтирилган вазифаларнинг фаол амалга оширилишига эришиш;



– Республикамизнинг барча халқаро рейтинг ташкилотларининг баҳолаш мезоналарида иштирокини таъминлаш ва улар билан бевосита амалий тадқиқотларнинг кўламини ошириш, хусусан республикамиздаги илмий тадқиқот институтларида иқтисодий тармоқларини рейтинглаш тизими билан шуғулланувчи тадқиқот ишлари кўламини ошириш. (масалан: *Глобал рақобатбардошлик индекси*).

Республикамизнинг иқтисодий эркинлиги индексига салбий таъсир кўрсатётган омиллардан яна бири — бу иқтисодийнинг очиқлиги даражаси бўлиб, Халқаро мерос жамғармаси тақдим этаётган маълумотларга кўра, савдо-сотиқ ишларининг эркинлиги бўйича жаҳон мамлакатлари билан солиштирганда 74/62 (-12), инвестициялар билан ишлаш даражаси билан солиштирганда эса 58/10 (-48) ни ташкил этган, яъни ўртача жаҳон миқёсидаги самарали инвестиция фаолияти билан шуғулланиш даражасидан деярли 6 баробар кам.

Шунингдек, молиявий эркинлик даражаси ҳам худди шундай 49/10 (-39) ни ташкил этиб, жаҳоннинг ўртача кўрсаткичидан қарийб 5 баробар кам эканлиги кузатилган.



5-расм. Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда ҳуқуқ устуворлиги ҳамда иқтисодийнинг очиқлигининг қиёсий динамикаси (2019 йил)



6-расм. Ҷаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда ҳукуматнинг иқтисодий эркинлик индексидаги иштироки даражаси ҳамда уни тартибга солиш самарадорлиги бўйича қиёсий таҳлили (2019 йил)

Республикамизнинг иқтисодий эркинлиги индексида ижобий таъсир кўрсатаётган мезонлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу мезонлар иқтисодий эркинлик индексидаги даражадаги эркинлиги мавқеини оширишга ёрдам бериб келмоқда. Булар жумласига республикамизда бизнес юритиш эркинлиги 72,5/64,1 (+8,4), меҳнат қилиш эркинлиги 58,7/59,6 (-0,9), солиқ юки 91,3/77,2 (+14,2), соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш 98,7/66,9 (+31,8), ҳукумат сарфлари 67,4/64,5 (+2,9) кабилар қиради.

Демак, иқтисодий ислохотлар юзасидан узоқ муддатли стратегик режалаштиришни амалга оширишда халқаро иқтисодий эркинлик кўрсаткичига таъсир қилаётган барча омилларни ҳисобга олиш, улар устида мунтазам назоратни амалга ошириш зарур.

Нодирбек РАСУЛОВ

*и. ф. н., доцент, бўлим бошлиги,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти таркибидаги
“Ўқув маркази”*

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЛАЙ ИННОВАЦИОН МУҲИТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 70–90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда¹. Чунки дунё бозорида юқори технологиялар асосида ишлаб чиқилган илм талаб этиладиган маҳсулотлар улушида салмоғи юқори мамлакатлар ўртасидаги рақобат тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, дунё бозоридаги илм талаб этиладиган маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШга, 30 фоизи Японияга, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келмоқда². Жаҳон банкининг маълумотларига кўра ҳар миллион аҳолига нисбатан илмий тадқиқотлар билан банд бўлган мамлакатлар рейтингда 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда Япония 5210 нафарга тўғри келмоқда³.

Ўзбекистонда ҳам таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инновацион муҳитнинг яратилиши муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 22 декабрь 2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтаётганлигимиз тўғрисида тўхталиб, “Инновация — бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.”⁴ — деб таъкидлаб ўтди.

Яъни мамлакатимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳозирги иқтисодиётнинг глобаллашув кўлами тобора кенгайиб бораётган бир шароитда ҳар қандай конъюнктуравий ўзгаришларга қарши тура оладиган, ички ва ташқи бозор талабларига тез мослаша олувчи рақобатбардош миллий саноат тармоқларини

¹ <https://theworldonly.org>

² Желткова О. В. Инновационная привлекательность предприятия как фактор технологической модернизации производства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. — М., 2016, 24 стр.

³ <https://www.worldbank.org>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. — Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 20 бет.

шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Чунки миллий саноатнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши ва жаҳон бозорида мустақкам ўрин эгаллаши ҳисобидан аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг учун албатта иқтисодийдаги инновацион фаолликни оширишимиз зарур бўлади. Бунга инновацион муҳитни шакллантириш орқали эришишимиз мумкин.

Инновацион муҳит — бу мамлакатда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион жараёнларга таъсир кўрсатувчи меъёрий-ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, молиявий, техник, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидир.

Инновацион муҳит энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади:

- ишчи кучи малакаси;
- илмий тадқиқот билан шуғулланаётган ходимлар сони;
- ўртача иш ҳақи даражаси;
- мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги;
- ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш фаоллиги;
- инновацион инфратузилманинг ривожланганлик даражаси;
- иқтисодий конъюнктура ҳолати;
- ички бозор сиғими;
- товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари;
- кредит тизими ҳолати, молиявий ресурслар, солиққа тортиш даражаси;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги;
- хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ. к.

шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ. к.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган 28 йил мобайнида иқтисодийимизда инновацион муҳитни яратиш давлат иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда бу борада реал сектор тармоқларида инновацион жараёнларни фаоллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёвнинг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирликка илғор хорижий тажрибалар, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Чунки инновацион салоҳияти юқори бўлган давлатларда теран илм талаб этилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бевосита корхоналарга юқори технологияларни жорий этиш, турли илмий текшириш институтлари, олий таълим муассасалари, йирик корхоналар ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотлари, тажриба-конструкторлик ва кичик инновацион марказлар томонидан илгари сурилган инновацион ғоялар корхоналар орқали амалиётга татбиқ этилади. Бунда корхоналардаги

мавжуд инновацион муҳит катта роль ўйнайди. Корхоналарда инновацион ғояларни шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда инновацион муҳитнинг ўрни салмоқлидир. Корхоналардаги инновацион ғояларни тижоратлаштириш учун албатта уларда инновацион муҳит шаклланган ва инновацион салоҳият юқори бўлиши лозим. Бунинг учун хориж амалиётида мазкур масала билан боғлиқ тадқиқотларнинг илмий-назарий талқинига катта эътибор қаратиш, мамлакатимиз шароитига мос услубийлардан фойдаланиш талаб этилади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида “инновацион жараён”, “инновацион муҳит”, “инновацион салоҳият” ҳамда “корхоналарнинг инновацион жозибadorлиги”ни баҳолаш, унга таъсир этадиган омилларни таҳлил этиш билан боғлиқ муаммолар бўйича хорижий иқтисодчи олимлардан Й. Шумпетер, Адам Смит, Г. Менш, К. Фримен, П. Друкер, Б. Санто, Ш. Тацуно, Р. Робинсон, Д. Сахал, М. Портер, Б. Твисс, Р. Кумбос, А. Хэмилтон, П. Уайт, Э. Мэнсфилд, Ж. Д. Бернал, Н. Д. Кондратьев, П. Сорокин, С. Кузнец, С. Ю. Глазьев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолиятни ривожлантириш, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида инновацион муҳитни шакллантириш, инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг назарий ва амалий масалалари билан республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари Б. Абдуллаев, Н. Алимова, З. Гаибназарова, Д. Кокурин, М. Махкамова, З. Муқумов, О. Назаров, Р. Назарова, Н. Намазова, Ш. Отажанов, Ш. Синдаров, Т. Тошпулатов, Г. Хамдамова, Б. Холиков ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар амалиётида корхоналарнинг инновацион муҳитини ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида тан олинган. Инновацион муҳитни ривожлантириш нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади.

“Инновацион муҳит”, “инновацион салоҳият”, “инновацион ривожланиш” тушунчалари XX аср 70 йилларининг охиридан амалиётга фаол кириб кела бошлади. Мазкур атамалар бир қатор олимларнинг услубий, назарий ва амалий тадқиқотларида таҳлил этилди, маълум бир аниқликлар киритилди ва амалиётга қўллаш учун таклиф этилди. Бироқ шу кунгача ҳам мазкур тушунчаларнинг дунёда умум қабул қилинган ягона таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир олим ёки мутахассис ўз давлатининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, илмий тадқиқотларининг йўналиши ва мазмунига қараб инновацион ривожланишни ўзига хос йўналишда талқин этади.

Жумладан, буюк шотландиялик иқтисодчи Адам Смит ўзининг 1776 йилда чоп этган “The Wealth of Nation” номли илмий асарида нафақат бозор тизимидаги талаб ва таклифнинг нисбати, балки янги технологиялар ёрдамида корхоналарнинг рақобатбардошлигини янада ошириш тўғрисида ўз қарашларини баён этган¹.

¹ Костенко М. А. Правовые основы инновационной деятельности: Учебное пособие / Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2012, 72 с.

Кейинчалик А. Смитнинг бу илмий қарашлари янада кенг ва салмоқли аҳамият касб эта бошлади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларнинг йирик ташкилот ва компаниялари ҳозирги кунда дунё бозорларидаги рақобат курашида инновациялардан амалий омил сифатида фойдаланмоқдалар.

“Катта тўлқинлар” назарияси орқали инновацияларнинг фундаментал асослари шаклланишига асос солган рус иқтисодчиси Н.Д. Кондратьевнинг тадқиқотларини инновацияларни назарий ўрганишга оид дастлабки илмий изланишлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин². Чунки у катта тўлқинлар шаклланишида техник ўзгаришларнинг ролини аниқ очиб бермаган бўлсада, катта тўлқинларнинг кўтарилиши чоғида амалга ошмаган ихтиролар амалиётда ўз ифодасини топишини назарда тутган³.

Жумладан, Н.Д. Кондратьев ўзининг “Катта тўлқинлар” назарияси бўйича қуйидаги илмий янгиликларга эришган:

- саноат ишлаб чиқаришда алмашинув фазалари кетма-кетлигининг даврийлигини аниқлаган;
- даврларнинг кўплигини ва омилларга сезувчанлигини исботлаган;
- даврларни ўзгариш моделини ишлаб чиқди.

Кейинчалик унинг илмий қарашларини Й. Шумпетер томонидан ривожлантирилди. Й. Шумпетер иқтисодиётдаги катта тўлқинларнинг пайдо бўлишида техник ўзгаришлар асосий ўрин тутишини исботлаб берди ва қуйидаги йўналишлар бўйича назарий қарашларни илгари сурди⁴:

- иқтисодий инновацияларни саноат билан боғлаган ҳолда ўрганди ҳамда аниқ таклифлар ишлаб чиқди;
- “кашфиёт” ва “янгилик” атамаларининг мазмунини тушунтириб берди;
- иқтисодиётда инновацион ўзгаришлар олий таълим — илмий тадқиқот — тадбиркор узвийлигида рўй беради деган фикрни олға сурди;
- глобал даврий инқироздан (иқтисодий кризис) фақатгина янги технологик қатламдаги таянч инновацияларни амалиётда қўллаш орқалигина чиқиб кетиш мумкин деб таъкидлади.

Яна бир америкалик иқтисодчи Б. Твисс ўз тадқиқотларида инновацияларга жараён сифатида эътибор қаратиб тадқиқотлар, ғояларни кашфиёт ва янгиликларга айланишининг муваффақиятлилиги инновацион муҳитнинг шаклланганлигига боғлиқ эканлигини кўриб чиққан. Унинг таъкидлашича “инновация” бу — жараён бўлиб, унда ғоя, кашфиёт ёки тадқиқотларнинг натижаси акс этади.

Инглиз олими Кристофер Фримэн илмий тадқиқотларини асосан “миллий инновацион тизим” (МИТ) ва уни ривожлантириш билан боғлиқ изланишларга

² Алексеев А. А. Инновационный менеджмент. Учебник. — Москва, Юрайт, 2015, 276 с.

³ Базилевич А. И. Инновационный менеджмент предприятия: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления / А. И. Базилевич; под. ред. В. Я. Горфинкеля. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009, 231 с.

⁴ Алексеева М. Б., Ветренко П. П. Анализ инновационной деятельности. Москва, Юрайт, 2016. — С. 89–91.

қаратган. Фримэннинг таъкидлашич, МИТ — бу “хусусий ва давлат ташкилотларини инновацион жараёнларни йўлга қўйишда ўзаро бир мақсадга қаратилган иқтисодий фаолият натижаси бўлиб, у янги технологияларнинг шаклланиши, импорт қилиниши, модификацияланиши ва тарқалишига олиб келади.

Нидерландиялик тадқиқотчи олим Альфред Кляйнкнехт Г. Меншнинг назарий қарашларининг кўпгина жиҳатларини танқидий қарши олди ва ривожлантирди. У Г. Меншнинг иқтисодий ривожланишнинг депрессия босқичида янгиликларни кластерлаштириш усули орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурган. У ишлаб чиқаришга янгилик киритиш (маҳсулотлар инновацияси) депрессия фазасида, жараёнга янгиликлар киритиш (жараёнлар инновацияси) эса катта тўлқиннинг ўсиш босқичида содир бўлишини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришгандан сўнг инновацион фаолият билан боғлиқ жараёнлар аста-секин ривожлана бошлади. Мамлакатимизда инновацион фаолият билан боғлиқ дастлабки илмий тадқиқотлар А. А. Рўзमतов¹ ва Д. М. Кокуринлар² томонидан олиб борилган.

А. Рўзमतов томонидан 1992–1994 йилларда Ўзбекистон Республикасининг машинасозлик соҳасини ривожлантиришда инновацион фаолиятни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Мазкур йилларда мамлакатнинг машинасозлик ҳолати инқироз ҳолатига келиб қолганлиги учун корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида биринчи навбатда инновацион фаолиятни жонлантириш муҳим эканлиги асосли равишда очиб берилган. 1996 йилда эса Д. М. Кокурин томонидан Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий рағбатлантиришнинг қатор назарий ва амалий муаммоларини инновацион соҳани ривожлантириш орқали ҳал этиш борасида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, муаллиф саноат ишлаб чиқариши ва инновацион соҳада тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш орқали рақобатда ютуқларга эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Шу билан бирга Ўзбекистонда инновация соҳасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

2000–2010 йилларда Ўзбекистонда инновацияга оид илмий тадқиқотлар сезиларли равишда жонланди. Натижада 2 та фан докторлигига оид ҳамда 12 та фан номзодлигига оид диссертация ишлари ҳимоя қилинди. М. Маҳкамова ўзининг Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида инновацион фаолияти бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмининг шаклланишига оид тадқиқот ишида

¹ Рўзमतов А. А. Экономическое стимулирование инновационной деятельности на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан: авторефер. дис... к. э. н. — Т.: Институт экономики Академии наук Рес. Уз., 1994, 28 с.

² Кокурин Д. И. Экономическое стимулирование развития предпринимательства в промышленной и инновационной сферах Республики Узбекистан. авторефер. дис... к. э. н. — Т.: Институт экономики Академии наук Рес. Уз., 1996, 26 с.

“инновацион фаолият”, “инновацион тадбиркорлик” ва “илмий-техник салоҳият” тушунчаларига уларнинг иқтисодий табиати ва хусусиятларидан келиб чиқиб аниқлик киритган. Саноат корхоналарида инновацион жараёнга таъсир қилувчи омиллар ва элементлар яхлит тизимини умумлашган модели таклиф этилган³. Ўзбекистонлик олимлардан яна бири Х. П. Абдулқосимовнинг илмий тадқиқотларида шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари орқали инновацион фаолликни ошириш масалалари кўриб ўтилган⁴. 2011–2018 йиллардаги илмий тадқиқотлар асосан миллий инновацион тизимни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг якуний натижаси саноат корхоналарида мавжуд инновацион салоҳиятни баҳолаш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш учун инновацион муҳитни яхшилаш лозим. Бунинг учун бевосита ишлаб чиқариш, фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини яхшилаш зарур. Бунинг учун бизнинг фикримизча, қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- таълим;
- илм-фан;
- инсон капитали;
- инновацион инфратузилма;
- корхоналарнинг инновацион фаоллиги;
- корхоналардаги инновацион салоҳият.

Бироқ юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, саноат корхоналари инновацион жозибадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини комплекс ривожланишини таъминлаш ва инновацион муҳит жозибадорлигини ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- корхоналарнинг инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда замонавий инновацион менежмент ва инновацион ривожлантиришнинг назарий услубиётлари ютуқларини комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш лозим;

- корхоналарнинг инновацион муҳитини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири сифатида инновацион жозибадорликни таҳлил қилиш ва истиқбол кўрсаткичларини белгилаш услубиётини илмий жиҳатдан асослаш;

- реал сектор корхоналарининг инновацион жозибадорлигини жорий ва истиқбол кўрсаткичларини маълум бир услубиёт орқали ҳисоб-китоб қилиш механизминини яратиш;

- реал сектор тармоқларида соҳалар кесимида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасини татбиқ

³ Махкамова М. А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: автореф. дис.... д. э. н. — Т.: ТГТУ, 2004. 45 с.

⁴ Абдулқосимов Х. П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари: и. ф. д.... дисс. автореф. — Т.: Ўз. Р. Президенти ҳузуридаги ДЖКА, 2005. 42 б.

этиш ҳамда инновацион лойиҳаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим бўладиган шарт-шароитларни таъминлаш;

- корхоналарда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар самарадорлигини стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи инновация фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш;

- тармоқ ва соҳалар кесимида юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини қабул қилиш;

- корхоналарда илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасалари билан узвий алоқа қилувчи инфратузилмани ривожлантириш;

- корхоналарга инновацион лойиҳа ва ғояларнинг тижоратлашувини йўлга қўйиш мақсадида хусусий ва нодавлат инвесторларни жалб этиш.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш миллий корхоналарда инновацион муҳитнинг сезиларли даражада ортишига олиб келади. Бу эса корхоналарда инновация жараёнларининг янада фаоллашувига, инновацион муҳитнинг яхшиланиши ва корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этилишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда саноат корхоналари ўз фаолиятларида доимо янги инновацияларни қўлламасдан, салоҳиятли инвесторлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўймасдан жаҳон бозорларига янги маҳсулот ёки хизматларни киритишлари мушкул. Бунда корпоратив тузилмаларнинг бошқарув фаолиятига инновацион менежмент усул ва технологияларини татбиқ этиш, амалдаги бошқарув усуллари мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://theworldonly.org>.
2. Желткова О.В. Инновационная привлекательность предприятия как фактор технологической модернизации производства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. — М., 2016. 24 стр.
3. <https://www.worldbank.org>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. — Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 20 бет.
5. Костенко М. А. Правовые основы инновационной деятельности: Учебное пособие./ . Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2012. — 72 с.
6. Алексеев А. А. Инновационный менеджмент. Учебник. — Москва, Юрайт. 2015, 276 стр.
7. Костенко М. А. Правовые основы инновационной деятельности: Учебное пособие./ . Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2012. — 72 с.

8. Алексеев А. А. Инновационный менеджмент. Учебник. — Москва, Юрайт. 2015, 276 стр.
9. Алексеева М. Б., Ветренко П. П. Анализ инновационной деятельности. Москва, Юрайт, 2016. С. 89–91.
10. Рузматов А. А. Экономическое стимулирование инновационной деятельности на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан: авторефер. дис. к. э. н. — Т.: Институт экономики Академии наук Рес. Уз., 1994. — 28 с.
11. Кокурин Д. И. Экономическое стимулирование развития предпринимательства в промышленной и инновационной сферах Республики Узбекистан. авторефер. дис. к. э. н. — Т.: Институт экономики Академии наук Рес. Уз., 1996. — 26 с.
12. Махкамова М. А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: автореф. дис. д. э. н. — Т.: ТГТУ, 2004. 45 с.
13. Абдулқосимов Х. П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари: и. ф. д. дис. автореф. — Т: Ўз. Р. Президенти ҳузуридаги ДЖКА, 2005.42 б.

АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Бозор муносабатлари шароитида фан нафақат иқтисодий, балки жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини белгилаб берадиган ижтимоий аҳамиятга молик муҳим тармоққа айланиб бормоқда. Шу сабабли, фан-техника сиёсати деганда фан ва техниканинг ривожланиши ҳамда уларнинг натижалари миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига татбиқ этилишини таъминлайдиган давлатнинг ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлари мажмуи тушунилиши зарур.

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлаётган туб ўзгаришлар замирида «Ўзбекнефтгаз» АЖ корхоналари ривожда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ҳозирда Акционерлик жамияти корхоналаридаги ислоҳотлар натижасида ўзининг инновацион йўналишларини белгилаб олди ва у қуйидагилар ҳисобланади: ишлаб чиқариш технологиялари ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаш, комплексли механизациялаш, такомиллаштириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш.

Агар тармоқнинг фаолиятига таҳлилий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, «Ўзбекнефтгаз» АЖда фойдаланиладиган асосий фондлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2007–2018 йилларда асосий фондларнинг бошланғич қиймати 3,2 барвар, шундан асосий ишлаб чиқариш фондлари 3,5 баравар ва асосий ноишлаб чиқариш фондлари деярлик 1,9 баравар ўсган.

Асосий фондлар ўсишининг бундай юқори суръатида эскириши бу даврда 29,0 фоиздан 47,1 фоизгача, жумладан, ишлаб чиқариш фондлари бўйича 33,4 фоиздан 47,4 фоиз ва ноишлаб чиқариш фондлари бўйича 31,8 фоиздан 39,9 фоизгача ўсган.

2007–2017 йилларда асосий фондларнинг янгиланиши коэффиценти ўзини-ўзи қоплаши 0,08 дан 0,13 гачан ўсган. Бу давр мобайнида асосий фондларнинг эскириш коэффиценти 0,37 дан 0,64 гачан ўсган, яроқлик коэффиценти эса 0,63 дан 0,43 гачан камайган, чиқиш коэффиценти эса 2,47 дан 2,82 гачан ўсган. Демак “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналарида ишлаб чиқариш фондларини янгилаш масаласида ижобий силжишлар борлигини кўриш мумкин.

Асосий фондлар ва улардан фойдаланиш

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2007 й. га нисбатан % да
«Ўзбекнефтгаз» АЖ активлар (мулки)	млрд сўм	64626,7	73509,5	77337,6	118705,9	1096,7
Жумладан, узоқ муддатли активлар	млрд сўм	24339,6	29271,0	34534,9	63705,8	1183,5
Умумий мулкдаги улуш	%	38,0	39,8	44,7	53,7	-98,8
Жорий (айланма) активлар	млрд сўм	40287,1	44238,5	42842,4	55000,1	1113,1
Умумий мулкдаги улуш	%	62,3	60,2	55,3	46,3	101,3
«Ўзбекнефтгазқазибчиқариш» АЖ активлари (мулки)	млрд сўм	15700,3	20315,3	23028,7	32749,0	1043,7
Жумладан, узоқ муддатли активлар	млрд сўм	11324,7	14898,2	15398,2	21860,1	947,8
Умумий мулкдаги улуш	%	72,1	73,3	66,9	66,6	-90,6
Жорий (айланма) активлар	млрд сўм	4375,6	5417,2	7630,5	10947,9	1316,9
Умумий мулкдаги улуш	%	27,9	26,4	33,1	33,4	126,0
Нефтни қайта ишлаш корхоналари активлари (мулки)	млрд сўм	5403,0	3687,3	3437,5	5464,5	567,5
Жумладан, узоқ муддатли активлар	млрд сўм	968,6	1254,8	1105,2	1041,6	280,1
Умумий мулкдаги улуш	%	17,9	34,0	32,2	19,1	-49,4
Жорий (айланма) активлар	млрд сўм	4434,8	2432,5	2332,3	4422,9	748,3
Умумий мулкдаги улуш	%	82,1	68,3	67,8	80,9	131,7
«Ўзтрансгаз» АК активлари (мулки)	млрд сўм	18443,8	19742,7	15298,8	18187,5	524,1
Жумладан, узоқ муддатли активлар	млрд сўм	3346,9	3611,8	3315,7	3191,2	186,4
Умумий мулкдаги улуш	%	21,7	18,3	21,7	17,5	-35,4
Жорий (айланма) активлар	млрд сўм	14476,9	16130,9	11983,1	17996,3	1027,1
Умумий мулкдаги улуш	%	78,1	81,7	78,3	98,9	195,5

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ мулкни шакллантириш манбалари структураси таҳлили шуни кўрсатадики, 2014–2017 йилларда у қарийб 83,4 фоизга ўсган ва жорий айланма активлар 1,36 фоизга ошган (1-жадвал).

Жамият мулкни шакллантиришда қарз маблағлари 36903,3 млрд сўмдан 74447,9 млрд сўмгача ёки 2,0 баробарга кўпайган. 2017 йил учун «Ўзбекнефтгаз» АЖ бўлинмалари бўйича мулкни шакллантириш манбалари структурасини таҳлил қилиш уларнинг бир текисда шакллантирилмаганлигини кўрсатади. Ўзининг манбалари ҳисобига у нефтни қайта ишлаш корхоналарида 25,8 фоиздан 80 фоизгача бўлган доирани ташкил қилади.

Умуман, “Ўзбекнефтгазқазибчиқариш” АЖ бўйича активлар умумий ҳажмида жорий айланма воситалар улуши ушбу давр мобайнида 0,9 фоизга ўсди, унинг бўлинмаси саналган жамият бўйича 8,8 фоизга камайди, нефтни қайта ишлаш корхоналари бўйича 70,0 фоиздан 82,2 фоизга ўсди.

“Ўзтрансгаз” АЖда маҳсулот ишлаб чиқаришда айланма воситалар улуши давр мобайнида 14,1 фоиз ўсди ва 2017 йил охирига келиб 70,7 фоизни ташкил қилди. Бу давр мобайнида жорий айланма воситаларнинг узоқ муддатли активдаги улуши 28,8 фоиздан 20,0 фоизгача пасайди. “Ўзбекнефтгазқазибчиқариш” АЖ бўйича жорий айланма воситалар камайиши қазиб олиш ҳажмининг пасайиши ва айланма воситаларни оптималлаштириш билан боғлиқ. Асосий воситаларнинг пасив қисми ёрдамчи қисм ҳисобланади ва фаол қисмнинг иш жараёнини таъминлайди. Жамиятнинг фонд сифими энг катта бўлган бўлинмаларида асосий капиталнинг фаол қисми ўсиши иқтисодий жиҳатдан оқланган ҳисобланади¹.

Бироқ, асосий фондларнинг фаол қисми ўсиши иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим, чунки улардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши фақат оптимал пропорциялар риоя қилинганда, фаол қисмнинг улуши ортиши улардан самарали фойдаланиш даражаси пасайишининг сабабига айланмаган ҳолларда таъминланади.

Табиийки, бу ҳам бир қатор шартларнинг бажарилишини тақозо этади. Бу биринчи навбатда, корхонада асосий ишлаб чиқариш фондлари мавжудлиги ва ҳаракати, уларнинг меҳнат унумдорлиги ўсиши ва ишлаб чиқариш харажатлари даражасига таъсирининг аниқ ҳисобини юритиш заруратидир. Самарали фойдаланиш ва рақобатбардошликни ошириш “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тайёр истеъмол маҳсулоти ва қазиб олинаётган углеводородли хом ашё маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатлари пасайишини таъминлайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари шакллантиришнинг бирламчи манбаси ишлаб чиқаришни ташкил қилишга инвестиция қилинган капитал қўйилмалар қисми ҳисобланади. Бу киритилган маблағлар давлат бюджети маблағлари ҳам, тадбиркорларнинг хусусий маблағлари ҳам, чет эл инвестициялари ҳам бўлиши мумкин (1-расм).




“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

1-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млрд сўмда)

¹ “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

Инвестицион маблағларни жалб қилиш ва инвестицияларни айнан соҳага йўналтириш борасида маълумотларни таҳлилий жиҳатдан кўрадиган бўлсак, “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажми бўйича 2010 йилда 1333,3 млрд сўм инвестиция маблағлари асосий капитал ва капитал таъмирлашга йўналтирилган бўлса, 2010–2016 йилларда йўналтирилган маблағлар ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган, бироқ 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 21,3 млрд сўмга камайган.



2-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажмининг тақсимланиш динамикаси (млрд сўмда)

Инвестицияга йўналтирилган маблағларни “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича айнан асосий капитал ва капитал таъмирлашга тақсимланиш ҳолатини кўрадиган бўлсак, 2007 йилда жами 1297,5 млрд сўм инвестиция ҳажмида асосий капиталга йўналтирилган инвестиция 86 фоизни ташкил этган ҳолда ажратилган маблағ 1147,3 млрд сўмни, капитал таъмирлашга ажратилган маблағ эса 185,4 млрд сўмни ташкил этади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидаги компаниялар томонидан бевосита асосий фондларни янгилаш ва капитал таъмирлашга ажратилган маблағлар динамикаси таҳлилин кўрадиган бўлсак, 2007 йилда ушбу акциядорлик жамияти томонидан 1297,5 млрд сўм инвестиция маблағлари йўналтирилган бўлса, “Ўзнефтгазқазбичиқариш” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажми 514,5 млрд сўмни, “Ўзтрансгаз” АЖ бўйича инвестициялар умумий ҳажми 196,6 млрд сўмни, “Ўзнефтмахсулот” жамияти бўйича инвестициялар умумий ҳажми эса 47,2 млрд сўмни ташкил этган.

Миллий иқтисодийнинг ривожланиши эркин бозор рақобатига асосланган бозор муносабатлари шароитларида нафақат йирик, балки кичик корхоналар ҳам инновацион технологияларни ривожлантириш асосида асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, тизимли башорат қилиш ва режалаштиришсиз муваффақиятли ривожлана олмайди. Инновациялар асосида фан-техника тараққиётини башорат

қилиш корхоналарда асосий ишлаб чиқариш фондларини модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини энг кам ишлаб чиқариш харажатлари билан кўтаришга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда асосий фондлар самарадорлигини оширишда инвестицион ва инновацион ёндошувлар қуйидаги замирида амал қилиши керак:

- асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш манбаларидан бири бўлган амортизация маблағлари, айтиш жоизки, доим ҳам белгиланган мақсадли вазифа учун қўлланмайди. Шу сабабли улардан фақат белгиланган мақсадли вазифа учун фойдаланишга хизмат қиладиган қонунчилик чоралари зарур;

- республика нефть-газ тармоғида ишлаб чиқариш ва моддий-техника базасини комплекташ бўйича шўба корхоналарни бирлаштирадиган «Нефтьгазкомплект» ихтисослашган бўлинмаси ташкил қилиш йўли билан нефть-газ тармоғида моддий-техника базаси ташкил этиш ва шакллантиришда давлатнинг иштирокини ташкиллаштириш лозим;

- Республика Президенти ҳузурида технология сиёсати юритиш ҳамда инновация ва саноат дастурини амалга оширишни мувофиқлаштиришда муҳим ва зарурий қарорлар қабул қилиш бўйича вазирликлар, банклар, маҳаллий бошқарув ташкилотлари, йирик корхоналар вакиллари ва олимлар иштирокида «Фан ва технологиялар бўйича миллий кенгаш» ташкил этиш зарур;

- табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан янада оқилона ва самарали фойдаланишни инновацион ресурслар сифатида кўриб чиқиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш зарур. Республика нефть-газ тармоғига чет эл инвестициялари жалб қилиниши туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни мамлакат ичкарасида иқтисодий айланмага киритиш имконияти пайдо бўлади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎРТА МУДДАТЛИ БЮДЖЕТ АМАЛИЁТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичи бошланишининг асоси бўлди. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган бўлиб, мазкур йўналишнинг 3.5-банди “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” га мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутган¹. Жумладан, мамлакат барча ҳудудларини жадал ривожлантириш, бунда алоҳида эътибор ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни қисқартириш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтиришга қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг барқарорлиги молия тизимининг ривожланиш даражасига, шу жумладан, Давлат молиясининг тараққий топиши ва бошқарилиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланган Давлат бюджети давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг бажарилишида, давлат маблағларини қайта тақсимлаш, молия, транспорт ва алоқа, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш амалиётини таҳлил қилиш, баҳолаш, тартибга солиш ва назорат қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқот йўналишлари бўлган. Бу борада иқтисодчилардан С. Барриос ва А. Счаечтерларнинг фикрига кўра, “Ўрта муддатли бюджет амалиёти (ЎМБА) — турли мамлакатларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, ҳисобдорлик ва бюджет жараёнининг шаффофлигини ошириш мақсадидаги бюджет амалиёти-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 сонли Фармони.

дир”¹. Умуман олганда, ЎМБА бюджет тақчиллиги, давлат қарзлари даражаси мос равишда юқори бўлган ёки инқироз даврларини босиб ўтган барча мамлакатларда жорий этилган. Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш бизнес учун ҳам муҳимдир, чунки у ноаниқлик ва хавфларни камайтиради.

С. Тита, А. Одеттеа, ва И. Бануларнинг илмий изланишларида ушбу фикрлар келтирилган — “Капитал қўйилмаларнинг рисклилики даражасини баҳолайдиган хорижий инвестиция компаниялари ва халқаро рейтинг агентликлари ҳам мамлакатнинг ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлари ҳақидаги ишончли маълумотлардан манфаатдор. Очиқ ва прогнозли фискал сиёсатнинг мавжудлиги, шунингдек, ўрта муддатли бюджет мўлжаллари инвестиция муҳитининг яхшиланишига ёрдам беради. Ҳисобдорлик, изчиллик, бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва бюджет тизимнинг шаффофлигини ошириш каби кўплаб афзалликларга ўрта муддатли бюджет амалиётини жорий қилиш орқали эришиш мумкин. Ушбу ўрта муддатли бюджет мўлжаллари (ЎМБМ) дунёнинг кўплаб мамлакатларида инқирозлар даврида жорий этилади. Давлат қарзлари даражаси ёки бюджет танқислиги каби кўплаб молиявий инқирозлар давлат бюджетида ўрта муддатли бюджет амалиётини қўллаш орқали ҳал қилиниши мумкин”².

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Ё. Ш. Файзуллаев ва И. А. Азизоваларнинг илмий изланишларига кўра — “Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш — бир неча йилга (қоида тариқасида 3–5 йилга) мўлжалланган давлат бюджетини тайёрлаш жараёнидир. У қуйидагиларни ўз ичига олади³ :

1) давлат харажатларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган жами ресурсларни ҳисоблашнинг макроиқтисодий сиёсат шартларини қаноатлантирувчи иерархиявий тузилган режасини;

2) мавжуд ва янги устувор стратегик вазифаларни бажариш қийматининг (“юқоридан пастга қараб” усули билан амалга ошириладиган) ҳисоб-китобини;


3) келгусида харажатларга оид маълумотларни мавжуд жами ресурслар билан солиштириш имкониятини берувчи механизмни.

Маълумки, Давлат бюджети асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсишини тавсифловчи, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий дастакларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетида охириги йиллар давомида эришилган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар унинг барқарор ҳамда балансли ривожланишини таъминлади, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди.

¹ Barrios S. and Schaechter A. “Gauging by numbers: A first attempt to measure the quality of public finances in the EU”, 2009. European Commission Economic Papers.

² Tița C., Oțetea A., & Banu, I. (2014). “The Importance of a Medium-term Budgetary Framework in Enhancing the Sustainability of Public Finances in Romania”. www.sciencedirect.com

³ Ё. Ш. Файзуллаев ва И. А. Азизова. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2010, 36 бет.



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.


1-расм. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини ЯИМ га нисбатан таққослама таҳлили, фоизда

1-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, ЯИМни шакллантиришда Давлат бюджети муҳим роль ўйнайди. ЯИМ ҳажмининг деярли чорак қисмини Давлат бюджети ташкил этади. 2017 йилда Давлат бюджети ижроси бўйича Давлат бюджети даромадлари ЯИМ нинг 19,9%ни, харажатлари эса 19,7%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилги Давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари бўйича Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 24,2%ни, харажатлари эса 25,3%ни ташкил этиши режа қилинган.

Жаҳон амалиётдан кўришимиз мумкинки, ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиёти кўп ҳолларда мамлакатда молиявий тақчиллик юзага келганда, давлатнинг ташқи қарзлари ортиб кетганда ёки иқтисодий инқирозга учраган мамлакатлар амалиётига киритилган. Сабаби, ўрта муддатли бюджет амалиёти Давлат бюджетининг бошқарув самарадорлигини оширишда, Давлат бюджетиде тақчиллик юзага келган шароитда уни молиявий соғломлаштиришда асосий роль ўйнайди.

2-расм маълумотларига кўра, Давлат бюджетиде 2017 йилда тақчиллик юзага келмади. 2018 йил бошида Давлат бюджетини ЯИМ га нисбатан 0,02% профицит билан режа қилинган эди. Аммо, йил охирига келиб бюджет тақчилликка юз тутди.

2019 йилда Давлат бюджети прогноз кўрсаткичлари билан ЯИМга нисбатан — 1,1%га, 2020 ва 2021 йиллар учун мўлжаллар ўз навбатида ЯИМга нисбатан — 0,8% ва — 0,1% кўрсаткичлари билан ишлаб чиқилди. Эътиборли томони шундан иборатки, юқоридаги расм маълумотлари асосида Давлат бюджети йилдан — йилга яхшиланиб профицит ҳолатига яқинлашаётганлигини кўришимиз мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

2-расм. Давлат бюджети тақчиллиги таҳлили, ЯИМ га нисбатан фоизда

Фикримизга кўра, Ўзбекистонда Давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Миллий валюта курсининг кескин ўзгариши. Чет эл валютасида амалга ошириладиган бюджет харажатлари миллий валюта курсига қараб ўзгариши мумкин. Булар — ташқи қарзларни қайтариш ва хизмат кўрсатиш, халқаро ташкилотларга мунтазам аъзолик бадаллари, чет элдан ускуналар, материаллар ва материалларни харид қилиш ва бошқалар. Агар ташқи қарзларни тўлаш санасида валюта курси ташқи қарз олинган санадан паст бўлса, қўшимча ресурслар талаб қилинади, бу эса бошқа муҳим харажатларни кам молиялаштиришга олиб келиши мумкин. Шуни айтиб ўтиш жоизки, миллий валютанинг курси ошган тақдирда, қарама-қарши таъсир, яъни, бюджет маблағларини тежашга эришилади.

2. Инфляция. Инфляция прогноз кўрсаткичларидан юқори бўлса (ёки бюджетда белгиланган даражадан юқори вазият юзага келса), бюджет харажатларининг реал қиймати, яъни бюджет, пенсия (нафақа) ва иш ҳақи камаяди, ва бу аҳоли реал даромадларининг пасайишига олиб келади.

3. Ўзбекистон ҳукумати кафолати остида олинаётган ва кириб келаётган кредитлар, хорижий инвестициялар. Сўнгги йилларда ҳукумат чет эл кредитлари олувчиларга кафолатлар бериш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўрмоқда. Ҳукумат кафолати остида олинган кредитлар ҳажмининг ошиши, шу билан бир қаторда, кредит олувчиларнинг кредит битимларини бажармаслик хавфининг ортишига олиб келиши мумкин. Бу эса ушбу харажатларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплашни талаб қилади.

4. Маҳаллий озиқ-овқат нархларининг кескин ўсиши.

5. Стратегик аҳамиятга молик бўлган маҳсулотлар учун жаҳон нархларининг ўзгариши. Дунёда баъзи стратегик аҳамиятга молик маҳсулотларнинг нархи ўзгариб туради ва буни ушбу ҳолатни бюджет тизимида олдиндан белгилаш қилиш қийин масала ҳисобланади. Натижада яна бир омилни юзга чиқаради. Ўзбекистон томонидан экспорт қилинадиган стратегик маҳсулотлар (олтин, мис, пахта, газ) нархи бюджетда белгиланган қийматдан паст бўлган тақдирда, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишдан олинадиган солиқ даромадларининг камайиш хавфи пайдо бўлади.

6. Бюджетдан маблағ олувчилар сонининг ортиши. Сўнгги йилларда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган янги тузилмалар (вазирликлар, идоралар, фондлар) қайта тузилди ва ташкил этилди. Улар орасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва бошқалар кирди. Натижада янги бюджетдан маблағ олувчилар сонининг ортиши, Давлат бюджети даромадларини режалаштиришда янги даромад манбаларини излаб топиш зарурияти пайдо бўлади.

Юқоридаги хавфларнинг бюджетни режалаштиришга таъсирини таҳлил қилиш орқали кўришимиз мумкин. Давлат бюджетини жаҳон амалиётида эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда режалаштириш ва таҳлил қилишни автоматлаштиришнинг янги мослашувчан усуллари мумкин қадар тезроқ ўтишни тавсия этиш мумкин. Бунда автоматлаштирилган усуллари мамлакат миқёсида барча вазирликлар, идоралар ва минтақалар учун мажбурий деб белгилашга шошилмаслик керак. Бунинг ўрнига турли даражадаги ахборот тизимларини бирлаштиришни таъминлаш мақсадида очиқ бюджет маълумотларига қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш зарур.

Ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиётини амалга ошириш тартибига ва тизимли барқарорликни таъминлаш йўллари кетма-кетлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан:

1. Ўрта муддатли бюджет жараёнини ривожлантириш учун бюджет қонунига айрим ўзгартиришлар/қўшимчалар киритиш ва қабул қилиш.

1-жадвал

Бюджет маъмурчилигида амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатлар¹

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси	Бюджет кодекси бюджет қонунчилигида асосий ҳужжатлигини ҳисобга олган ҳолда, унга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши таклиф қилинади: 1) Давлат марказий бошқарув идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатлари;
--	---

¹ Ривожланган мамлакатлар ўрта муддатли бюджет амалиётини ўрганиш орқали шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси	<p>2) Ўрта муддатли бюджетлаштириш жараёнининг асосий хусусиятлари, Ўрта муддатли бюджет мўлжалларини ишлаб чиқиш, тақдим этиш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиби ва муддатлари;</p> <p>3) Ўрта муддатли бюджет мўлжаллари доирасида йиллик бюджетни тасдиқлаш тартиби, томонларнинг вазибалари ва мажбуриятлари;</p> <p>4) тармоқ ва вазирликлар томонидан бюджет юқори чегараларини белгилаш тартиби;</p> <p>5) бюджет юқори чегаралари доирасида бюджет сўровномаларини тузиш ва тақдим этиш тартиби;</p> <p>6) ЎМБМ ни ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги.</p>
Вазирлик ва идоралараро норматив ҳужжатлар	<p>ЎМБМ тузишнинг асосий масалалари юзасидан вазирликлар ва идоралараро қуйидаги норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ:</p> <p>1) ўрта муддатли бюджет доирасида йиллик бюджетни шакллантириш ва тасдиқлаш, иштирок этувчи томонларнинг вазибалари ва жавобгарлигини белгилаш;</p> <p>2) макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши, айрим маҳсулот турлари бўйича жаҳонда ва мамлакатда нархлар ўзгариши ҳамда бошқа қутилмаган харажатлар бўйича ўзгаришларни тартибга солувчи ҳужжатлар</p>

2. Мавжуд ресурсларга ва харажатларга оид талабларга баҳо беришда асос бўладиган ахборот оқимларининг ишончилиги ва ўз вақтида олинishi зарур. Маълумотлар ишончли эмаслиги бир циклдан бошқа циклга ўтишда беқарорликка олиб келади. Бу жорий давр ва келгусида лойиҳалар ва қарорлар қабул қилиш учун яхши таянч нуқтаси бўлмайди. Ахборот оқимлари маълумотларининг ишончилигини таъминлашда статистик маълумотлар олиш, уларни солиштириш ва сифатини назорат қилиш жараёнларини қайта кўриш ишларини кучайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади.

3. Халқаро методологиялар асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиш. Бюджетни режалаштиришда янги ёндашув ва воситаларни (эконометрик усуллар ва моделлар) қўллашга имкон беради ва турли макроиқтисодий омиллар таъсирини баҳолаш асосида бюджет параметрларининг ўрта муддатли прогнозларини янада аниқроқ қилиш имконини беради.


Шундай қилиб, ўрта муддатли бюджет амалиёти Давлат бюджетини бошқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Кўриб ўтганимиздек, ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиёти мамлакат молия тизимини янги босқичга олиб чиқиш билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий фаровонликни таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ СТРАН ЕАЭС В ВОПРОСАХ ВАЛЮТЫ ВЗАИМОРАСЧЕТОВ

Страны ЕАЭС активно идут по пути регионально-экономической интеграции с целью создания полноценного и экономически эффективного экономического союза и в перспективе — формирования валютного союза. С 2017 года на территории всех стран ЕАЭС уже действует общий Таможенный кодекс ЕАЭС. Это говорит об интенсивно протекающих процессах интеграции экономик, особенно во внешне-торговой сфере. Нами был проведен анализ и определены сложности и перспективы экономической интеграции с точки зрения внешнеторговых отношений.

По статистическим данным, в расчетах между Республикой Беларусь и Российской Федерацией российский рубль используется в 56% расчетов, между Российской Федерацией и Республикой Казахстан — в 59%, Республикой Беларусь и Республикой Казахстан — максимум 32% от общего объема расчетов¹.

На рисунке 1 приведены данные о валютной структуре платежей между государствами ЕАЭС. Во внутренних расчетах преобладает российский рубль, который на протяжении анализируемого периода укрепляет свои позиции.



Примечание : составлено на основе данных

Рисунок 1. Валютная структура платежей во внешнеэкономической деятельности между странами ЕАЭС, %.

¹ Здесь и далее, источник статистических данных: Отчет по платежам, обеспечивающим взаимный товарооборот [Электронный ресурс] // Информационный портал Межгосударственного банка. — Режим доступа: http://isbnc.info/analytics_payments.html. — Дата доступа: 22.08.2019 г.

Использование российского рубля во внутрисоюзных расчетах вместо доллара США обусловлено желанием избежать валютных рисков и отсутствием механизмов их хеджирования.

Что касается торговли стран ЕАЭС с третьими странами, то там наблюдается другая ситуация (таблица 1). Преобладание доллара в расчетах с третьими странами особенно заметно в Казахстане и России, которые являются поставщиками сырьевых ресурсов на мировые рынки, мировые цены на которые традиционно формируются в долларах США.

Таблица 1

Валютная структура внешней торговли стран ЕАЭС с третьими странами за 2017 год, %

Валюта	Республика Беларусь		Республика Казахстан		Кыргызская Республика		Российская Федерация	
	Экспорт	импорт	экспорт	импорт	экспорт	импорт	экспорт	импорт
Росс. руб.	40,0	48,0	13,0	27,0	30,0	15,0	-	-
Долл. США	25,0	24,0	79,0	55,0	64,0	78,0	71,0	38,0
Евро	31,0	27,0	3,0	14,0	3,0	5,0	14,0	31,0
Нац. вал.	1,0	0,5	3,0	2,0	>1	>1	14,0	29,0
Др. валюты	3,0	0,5	2,0	2,0	примерно 2,0	примерно 2,0	1,0	2,0

Примечание: составлено на основе данных²

Показатели неофициальной долларизации в рамках нашего исследования будут интересовать нас в условиях потенциального перехода утраченных силу функций национальных валют к единому платежному средству.

Основные причины повышенного уровня долларизации в странах ЕАЭС заключаются в высоком уровне инфляции и макроэкономической нестабильности. Исключением можно отметить Армению, для которой характерны относительно низкая инфляция и один из наиболее высоких уровней финансовой долларизации в ЕАЭС. Предположительно, такая ситуация связана с особенностями реализации режима инфляционного таргетирования и с ограничением колебаний обменного курса национальной валюты.

Таким образом, можно отметить, что ввиду высокой доли доллара США в расчетах с третьими странами, целесообразно минимизировать внутри сообщества долю расчета в резервной валюте (в долларах США) за счет наращивания долей расчетов в национальных валютах либо использования единой единицы расчетов.

Высокий уровень долларизации снижает независимость денежно-кредитных политик стран ЕАЭС, усиливая вероятность возникновения внешнеэкономических рисков при валютной интеграции. В таких условиях для повышения устойчивости стран ЕАЭС необходимо увеличение возможности контроля над взаимной торговлей между странами.

Возможно, более широкое применение национальных валют во взаимных расчетах способствовало бы увеличению внешнеторгового оборота и, соответственно, доли взаимной торговли. Но основной причиной неиспользования банками национальных валют во взаимных расчетах является отсутствие общего валютного рынка ЕАЭС.

Торговля между странами ЕАЭС, осуществляемая в наднациональной валюте, снизит уровень долларизации, а также будет способствовать повышению уровня монетизации, даст возможность для более гибкого совместного урегулирования валютного курса. Это, в свою очередь, повысит устойчивость к рискам валютной интеграции стран ЕАЭС.

Для определения возможных рисков валютной интеграции нами был проведен анализ волатильности обменного курса. Для построения графика отклонения доллара США от национальной валюты стран ЕАЭС был вычислен натуральный логарифм курсов валют (таблица 2).


Таблица 2

Логарифм натуральный отношения курса долл. США к национальной валюте в период t к $(t-1)$

	Период						
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Республика Армения	-0,00311	0,075618	0,019399	0,015239	0,13895	0,005363	0,00463
Республика Беларусь	0,624154	0,393489	0,069796	0,136336	0,443931	0,224401	-0,03061
Российская Федерация	-0,03383	0,05695	0,023852	0,176701	0,468488	0,097914	-0,13708
Республика Казахстан	-0,00497	0,01684	0,020051	0,163711	0,213014	0,433818	-0,04838
Кыргызская Республика	0,003909	0,018467	0,030178	0,102156	0,19052	0,074207	-0,01499

Примечание: разработка автора.

Для определения волатильности обменного курса $SD(E_{ij})$ рассчитаем (рисунок 2) стандартное отклонение величины логарифма отношения курса долл. США к национальным валютам стран ЕАЭС в период t к $(t-1)$.



Примечание: разработка автора.

Рисунок 2. Волатильность обменного курса долл. США к национальным валютам стран ЕАЭС

Полученные результаты позволяют сделать выводы о том, что формирование валютного союза для Республики Беларусь будет соотноситься с возможными рисками возникновения существенных интеграционных издержек (показатель превышает 0,1). Для Российской Федерации и Республики Казахстан риск возникновения издержек валютной интеграции менее вероятен, но не исключен (показатель находится между значениями 0,1 и 0,2). Наименее вероятен риск издержек для Республики Армения и Кыргызской Республики (показатель менее 0,1). Кроме того, наблюдается разрыв по данному показателю между максимальным и минимальным значениями, что свидетельствует о качественной неоднородности развития экономик, которая не будет благоприятствовать дальнейшим интеграционным процессам.

Динамика курса белорусского рубля в 2017–2018 гг. характеризуется относительно высокой волатильностью. На белорусскую валюту оказывает влияние усиление геополитической напряженности, которое явилось причиной колебаний курса российского рубля.

Динамика казахстанской валюты укладывалась в общий тренд на рынках валют развивающихся экономик — ослабление курса тенге на фоне повышения процентной ставки ФРС США и общего роста экономических и политических рисков в мире.

Волатильность курса российского рубля высокая на фоне усилившейся геополитической напряженности. Ужесточение санкционной политики со стороны США привело к увеличению оттока капитала из российской экономики, что отразилось на увеличении темпа ослабления российского рубля.

Также, как было отмечено ранее, одной из проблем является высокая степень долларизации экономики, которая провоцирует снижение эффективности денежно-кредитной политики. Исходя из этого, для достижения одной из приоритетных целей следует снизить степень долларизации экономики и повысить доверие к национальной валюте через стабилизацию инфляции на основе гибкого обменного курса. Повысить доверие к национальной валюте возможно путем повышения доверия в частном секторе экономики, особенно частного сектора к государственным институтам (оптимизация и унификация законодательства в области прямых иностранных инвестиций, разработка стандартов и законов в области защиты прав собственности; формирование инвестиционной базы ЕАЭС, в которой будут отражены все существующие и потенциальные инвестиционные проекты всех стран ЕАЭС и т. д.).

Рустам ТАШМАТОВ
*иқтисод фанлари номзоди, докторант (DcS),
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази*

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНКЛЮЗИВ ЎСИШНИНГ АЙРИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ

Маълумки, республикамызда қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда мазкур концепция доирасида 2019–2030 йилларга мўлжалланган Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича миллий стратегияси дастлабки варианти ишлаб чиқилиб, кенг оммага муҳокамага қўйилган. Шу билан бир қаторда республикамызда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш билан унинг инклюзив ўсишини ҳам эътиборга олиш лозим. Яъни инклюзив ўсиш — кўп жиҳатли концепция бўлиб, у нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик ўсишни, яъни: 1) аҳоли турмуш даражасини ошириш; 2) даромадлар бўйича тенгсизликни қисқартириш; 3) қашшоқлик даражасини камайтириш; 4) ижтимоий ва экологик неъматлардан тенг равишда фойдаланишни таъминлаш имкониятларини кенгайтириш назарда тулади¹.

Биз шуларни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида 2030 йилгача инклюзив ўсишнинг айрим кўрсаткичларини прогноз қилишга ҳаракат қилганмиз.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамызда аҳоли сони, шу жумладан қишлоқ хўжалиги аҳолиси ҳам мунтазам равишда ўсиб бормоқда. 2011–2018 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги аҳоли сони 13,3%га, яъни 1898 минг нафарга кўпайиб, 16124,0 мингтани ташкил этган². Бу тенденция истиқболда ҳам сақланиб қолиши эҳтимоли кўпроқ. Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, 2030 йилга бориб қишлоқ аҳолиси 24,1 фоизга кўпайиши, яъни сал кам 20 млн нафарни ташкил этиши кутилади. Бу албатта ер танқислигига олиб келади. Бундан ташқари ер сифати ҳам мунтазам равишда бузилмоқда. Хусусан, 2000–2016 йиллар мобайнида жами шўрланган ерлар 4,5 фоизга (101,8 минг гектарга) ошган³. Шу билан бирга, охириги пайтларда ишсизлар сони ҳамда ишсизлик даражаси ошиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра 2011–2018 йиллар мобайнида ишсизлар сони қарийб 2,2 мартага, ишсизлик даражаси эса 4.3 ф. б. ўсган⁴. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ишсизларнинг асосий қисми айнан қишлоқ жойларига тўғри келади.

¹ Адабиётларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан шакллантирилган.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари (www.stat.uz) асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

³ «Тупрок бонитировкаси» шубъа корхонаси маълумотлари.


⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари (www.stat.uz) асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шуларни ҳисобга олиб, республикамызда қишлоқ хўжалигида ер ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан ер сифатининг бузилишини олдини олиш, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш ҳамда аҳоли даромадини ошириш мақсадида ҳудудлар (айниқса Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлар) да баъзи фермер хўжалиқларини деҳқон хўжалиқларига айлантириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, фаолият кўрсатувчи фермер хўжалиқларида деҳқон хўжалиқларида каби оила асосида фаолият кўрсатишини жорий этиш ва уни қонуний мустаҳкамлаш мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ҳамда бошқарув жиҳатдан самарали, оператив ва ортиқча меъёрий ҳужжатлар (буйруқ, низом, шартнома ва х. к.) сиз фаолият кўрсатишга олиб келади.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичда қишлоқ хўжалигида инклюзив ўсишнинг мезонларини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми, республика бўйича қишлоқ хўжалигида бандлар сони ҳамда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчига тўғри келадиган даромадни прогноз қилганмиз. Биз ушбу прогнозларни 3-вариант (сценарияда) амалга оширишни мақсад қўйдик. Улар: I-вариант — агар ҳозирги тенденция сақланадиган бўлса; II-вариант — агар баъзи ҳудуд ёки туманларда фермер хўжалиқларини деҳқон хўжалиқларига айлантирилса; III-вариант — қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар кенг татбиқ этилса.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, ялпи қишлоқ маҳсулотлари ҳажми 2030 йилга келиб: I-вариант бўйича 254808,6 млрд сўм, яъни базис (2018) йилга нисбатан 1,3 мартага ошиши; II-вариант бўйича фермер хўжалиқларини деҳқон хўжалиқларига айлантириш ҳисобига мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш натижасида 456120,0 млрд сўм, яъни 2,3 мартага ошиши; III-вариант бўйича ер ва сув ресурслардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг инновацион технологиялари ва механизмлари жорий этиш эвазига — 777682,0 млрд сўмга ошиши кутилади (1-расм).




Муаллиф ҳисоб-китоблари.

1-расм. Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми прогнози, млрд сўм ҳажми

Прогнозларимизга кўра республикаимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохотларининг натижасида қишлоқ хўжалигида бандлар сони ҳам кўпаяди. Жумладан, 2030 йилда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони I-вариант бўйича 3860,1 минг киши, яъни 2018 йилга нисбатан 309,1 минг кишига ошади. Бу республикаимизда ташкил этилаётган турли хил кооперация тамоёйлига асосланган тузилмалар, шу жумладан агрокластерларни ташкил этиш натижасида рўй бериши мумкин. II-вариант бўйича айрим фермер хўжаликларини деҳқон хўжаликларига айлантириш мавжуд бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган бандлар сони 3883,5 минг киши, яъни базис йилга нисбатан деярли 332,5 минг кишига кўпайишига олиб келиши мумкин. III-вариант бўйича эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлган сони 4435,3 минг кишига ошиши кутилади. Бу, авваломбор, қишлоқда янги инновацион ечимлар ва технологияларни жорий этилиши эвазига ушбу янги инновацион маҳсулотга хизмат кўрсатиш, уни юрғизиш ва ишчи ҳолатини таъминлаш учун турли хил янги хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар барпо этилади, бу эса янги иш ўринлари яратилади демакдир (2-расм).

Инклюзив ўсишнинг яна бир кўрсаткич бу аҳолининг фаровонлигини ошириш, яъни банд бўлганларнинг даромадини ошириш ҳисобланади. Ҳисоб-китобларимизга кўра, 2030 йилда бу кўрсаткич: I-вариант бўйича 15109,0 минг сўм,




Муаллиф ҳисоб-китоблари.

2-расм. Республика бўйича қишлоқ хўжалигида бандлар сони, минг киши

II-вариант бўйича — 17096,2 минг сўм, III-вариант бўйича 32904,9 минг сўмга ошиши кутилади. Бу юқорида келтирилиган прогнозларимизга кўра, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва янги иш ўринлари ошиши билан бевосита боғлиқ (3-расм).

Умуман олганда, прогнозлар шуни кўрсатдики, истиқболда республикамызда ер ресурслари танқислиги ва бандлик муаммоси янада кескин тус олади. Ушбу муаммоларни самарали ҳал этиш учун республикамыз аграр соҳасида ердан самарали ва оқилона фойдаланиш, ишсизликни олдини олиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, қолаверса миграция жараёнини камайтириш мақсадида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бу айрим фермер хўжаликлари ёки қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларида ер майдони ҳажм жиҳатдан кам бўлган, ердан унумли фойдаланадиган ҳамда бутун оила аъзоларини иш билан таъминлаб берадиган деҳқон хўжаликларига айлантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун тегишли ҳукумат қарорлари ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонунчилик базасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.



Муаллиф ҳисоб-китоблари.

3–расм. Республика бўйича қишлоқ хўжалигида ўртача битта банд кишига тўғри келадиган даромад, минг сўм

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, қишлоқ жойларда аҳоли сони кўпайиши, ер ресурсларнинг сифати пасайиши, шунингдек, ишсизлар сони ортиб бориши қишлоқ хўжалигида институционал жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Биз инклюзив ўсиш мезонларидан келиб чиқиб, республикамызда қишлоқ хўжалиги ривожланишини прогноз қилганмиз. Мазкур прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб ялпи қишлоқ маҳсулотлари ҳажми 254808,6–777682,0 млрд сўмгача, қишлоқ хўжалигида бандлар сони 3883,5–4435,3 минг кишигача, қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир кишига тўғри келадиган даромад ҳажми 65612,7–175338,4 минг сўмгача ошиши кутилади.

Мана шу параметрларига эришиш учун фермер хўжаликларига ердан унумли фойдаланадиган ҳамда бутун оила аъзоларини иш билан таъминлаб берадиган деҳқон хўжаликларига ҳукмронлик қилаётган норасмий институтларини татбиқ этиш, яъни янги оилавий фермер хўжалигини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун тегишли ҳукумат қарорлари ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонунчилик базасига ўзгартириш ва қўшимчалар, масалан, амалдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ёки “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларига фермер хўжаликларини деҳқон хўжаликларига айлантириш ёки “оилавий фермер хўжалиги” киритиш мақсадга мувофиқ.

Республикамызда “SMART-FARM”ни жорий этиш учун чет элда илғор тажрибаларни ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида уларни татбиқ этиш имкониятлари бўйича чуқур тадқиқотларни олиб бориш, қишлоқ аҳолиси ва мутасаддилар ўртасида унинг афзалликлари бўйича кенг тарғибот ишлари, ижтимоий тадбирлар (семинар-тренинг, анжуман, маҳорат дарслари), малака ошириш ва тажриба алмашиш кабиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга ушбу институтини ривожлантириш учун тегишли институционал асос ва механизмларини яратиш ва такомиллаштириш зарур.

Шунингдек, республикамызда қабул қилинаётган қишлоқ хўжалигини ривожланишининг истиқболли йўллари белгилаб берадиган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси»да юқорида қайд этилган чораларни алоҳида акс эттириш ва ҳар бир ҳудудда ушбу чора-тадбирларнинг мақсадли ижро этиш мақсадида махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий жиҳатдан ўсиш кузатилади ва, пировардида 2030 йилга бориб “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш¹” бўйича қўйилган вазифани бажариш учун мустаҳкам асос бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ўз Фуқаролик Кодекси (1995 йил 21 декабр) (ўзгартиришлар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси (1998 йил 30 апрел) (ўзгартиришлар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (2004 йил 26 август) (ўзгартиришлар билан).
4. Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (1998 йил 30 апрел) (ўзгартиришлар билан).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5544-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли Қарори.
9. www.stat.uz — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
10. «Тупрок бонитировкаси» шуъба корхонаси маълумотлари.
11. “Давергеодезкадастр” қўмитаси томонидан 2018 йил I чораги давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи. — <https://ygk.uz/uz/node/392..>

КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИ АМАЛ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЭКИН ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ ОПТИМАЛ МОДЕЛЛАРИ

“Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, айниқса пахтачилик хўжаликларида экин ерларидан юқори ҳосил ва ҳар бир гектаридан юқори даромад олиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштирилиши зарур ҳисобланади. Чунки пахтачилик хўжаликларида сурункали пахта экилиши ва алмашлаб экишни йўлга қўйилмаганлиги оқибатида экин ерларининг унумдорлиги пасайиб бормоқда.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади пахтачилик хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини ҳамда ҳар бир гектаридан олинадиган фойда миқдорини янада оширишга хизмат қилувчи оптимал моделни ишлаб чиқишдан иборат.

Мамлакатимизда ерлардан фойдаланиш, жумладан қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий масалалари билан республикамизнинг қатор етук иқтисодиётчи олимлари шуғулланишган. Жумладан, Р. Хусанов, А. Абдуғаниев, А. Абулқосимов, А. Халимбетов, Қ. Чориев, Н. Хушматов, А. Рахматуллаев ва бошқалар¹. Олимларимизнинг тадқиқот натижаларини ўрганиб, қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин яъни, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда илмий асосланган деҳқончилик маданиятини жорий этиш; олдиндан қишлоқ хўжалиги ҳудудида етиштириб келинган паст ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан воз кечиш ва уларнинг ўрнига бозор талаби юқори бўлган сердаромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш; энг муҳими қишлоқ хўжалиги

¹ Абулқосимов Х. П., Халимбетов А. О. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Т.: “Iqtisod-Moliya” — 2008.

маҳсулотлари етиштиришда инновацион ёндашув асосида ердан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланади. Кўриб чиқилган ишларда пахтачилик хўжаликларида ҳар бир гектаридан олинадиган фойда миқдорини оширишга қаратилган алмашлаб экишнинг оптимал вариантлари ишлаб чиқилмаганлиги бизга ушбу мавзуни тадқиқот объекти сифатида танлаб олишимизга сабаб бўлди.

Тадқиқот жараёнида Бухоро вилояти Статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланиб таҳлил қилиниб, илмий тавсиялар ишлаб чиқишда иқтисодий математик моделлаштиришнинг симплекс усулидан фойдаланилди.

Таҳлилларига қараганда, республикада тупроқлари ҳосилдорликни оширувчи муҳим элемент — гумус билан кам таъминланган бўлиб, ерда гумуссизланиш жараёни кечмоқда. Тупроқнинг гумуссизланиш сабаби кўп йиллик дуккакли экинлар ва бедани алмашлаб экилмаётгани ва органик ўғитларнинг етишмаслигидадир. Бунинг олдини олиш учун алмашлаб экишнинг самарали вариантларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Республикада ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида яроқли ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўлларида бири қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экишнинг илмий асосланган схемасини минтақанинг табиий хусусиятига мослаб ишлаб чиқиш, унга қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатишдир.¹

Республикада кўпгина олимлари ва мутахассисларининг илмий ва амалий тадқиқот ишлари билан танишиб чиқишимиз натижасида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишда алмашлаб экишнинг аҳамияти ўта муҳимлигини ва ечимини кутаётган ўта долзарб масалалардан бири эканлигини англаш мумкин.

Таҳлиллар аниқлигини ошириш мақсадида Бухоро вилояти фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўзгаришини кўриб чиқамиз. 1-жадвалдан вилоятда фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда. Фақат пахта ва ғалла етиштириш кўрсаткичлари пасайган. Бунга асосий сабаб бўлиб, ер майдонларида сурункали равишда пахта ва ғалла етиштириб келиниши оқибатида йилдан-йилга ҳосил миқдорининг камайиб бораётганлигида деб ҳисоблаймиз.


Фермер хўжаликларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши ҳам ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. (1-расмга қаранг). Масалан, гўшт етиштиришдаги улуши 0,3 фоизга, тухум 5 фоизга, жун 4 фоизга, қорақўл тери 1,5 фоизга, пилла 9 фоизга, асал етиштиришдаги улуши 0,5 фоизга кўпайган. Лекин балиқ етиришдаги улуши 11,5 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

¹ Абулқосимов Ҳ. П. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш масалалари// Иқтисод ва молия. Т.: 2015, 9. <https://cyberleninka.ru/article/>

Бухоро вилояти фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили

Маҳсулотлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш, 2014 йилга нисбатан 2018 йилда
Пахта (тонна)	348396	359486	325864	301746	275173	79
Дон (тонна)	394949	401357	406711	397581	387370	98
Картошка (тонна)	14202	14399	15325	14718	16729	117.7
Сабзавот (тонна)	94496	96972	126755	139100	137803	145.8
Полиз (тонна)	26533	27853	35984	37545	39241	147.8
Мева (тонна)	90825	108910	125899	132081	138372	152.3
Ўзум (тонна)	60084	13173	84552	79980	75671	126
Гўшт (тонна)	4837	5116	5651	5955	6944	143.5
Сут (тонна)	30857	32962	35594	38819	40672	131.8
Тухум (минг. дона)	4355	4742	5891	10304	28628	657.3
Жун (тонна)	220	238	256	309	415	188.6
Қорақўл тери (дона)	28476	30602	32313	34552	37035	130
Пилла (тонна)	3122,4	2778,1	2779,5	1739,87	1659,74	53.1
Асал (тонна)	67,1	77	107	111,1	115	171.3
Овланган балиқ (тонна)	293,8	365,2	492,8	543,1	474	161.3

Манба: Бухоро вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди



1-расм. Фермер хўжаликларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши, фоизда

Фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун кенг имкониятлар бўлишига қарамай, тизим хўжаликларида етиштирилган гўштнинг 2013–2016 йилларда мос равишда 2,7–2,9 фоизи, сутнинг 3,6–3,6 фоизи, тухумнинг 11,4–10,7 фоизи ва қорақўл терининг 4,8–5,5 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши ва вилоятда атиги 10 фоиз майдонда чорва озуқа экинлари экилганлиги салбий ҳолдир¹.

Бизнингча, алмашлаб экишнинг аҳамияти қанчалик муҳимлигини билиб туриб ҳам, унга амал қилинмаяпти. Айниқса пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Пахта етиштирувчи хўжаликлар учун алмашлаб экишда озуқа экинларининг ўрни жуда ҳам каттадир.

Когон кластерига бирлашган фермер хўжаликлари жами 331,5 гектар майдонда пахта ва 80 гектарда ғалла етиштириб келишган. Уларнинг жами фойдаси 2018 йилда 334481,6 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу кластерга бирлашган фермерлар экин ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида ихтиёрий равишда ўзаро кооператив ташкил этишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда улар ўзаро ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кооперация амал қилиши шароитида экин ерларидан биргаликда фойдаланишларини инобатга олиб, алмашлаб экишнинг энг самарали йўлларини қўллаш мумкин. Юқорида келтирилган таҳлиллар ва хулосаларга таяниб, пахта етиштирувчи хўжаликларда алмашлаб экишни самарали ва юқори даромад олиш мумкин бўлган схемасини ёки экинларни жойлаштиришнинг оптимал вариантини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Оптималлаштирувчи моделлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги кўпгина вариантлардан оптимал бўлганини топишга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, улар функциянинг берилган оптималлик мезони бўйича максимал ёки минимал ечимини аниқлайди.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланилди (2-жадвал). Бунда юқорида таъкидланган ҳажмдаги маҳсулотларни етиштириш учун бир гектарга қилинган харажатлар ҳисобга олинди.

2-жадвал

Симплекс услуби ёрдамида ҳисоблаш учун зарур маълумотлар² (минг сўм)

Харажатлар	пахта	ғалла	беда	сабзавот	полиз
Минерал ўғит	1100	1003	570	1075	513
Уруғлик	2800	1100	700	100	996
Иш ҳақи	7133	210	350	3080	937
ЁММ	1622	1106	10392	2243	2755
Бир гектардан олинган фойда	1173	1462	10520	9870	5940

¹ Турובה Х. Р. Возможности развития агропродовольственного комплекса путем укрепления кооперативных отношений // Ж. Экономика и предпринимательство. М.: 2017. № 10 (ч.2) с.494–500.

² Манба: 2018 йил маълумотлари асосидаги муаллиф ишланмаси

Бу масалани ечиш учун n ўлчовли чизиқли программалаштириш масаласини ечиш талаб қилинади. $n > 2$ бўлганда чизиқли дастурлаштириш масалаларини ечишнинг умумий усули симплекс усулидан фойдаланилди.

Симплекс усули ёрдамида алмашлаб экишнинг оптимал вариантини аниқлаш учун бир нечта вариантларни синаб кўрдик ва қуйидагилар аниқланди.

Биринчи модел: хўжаликларда пахта-беда-сабзавот (331 га) экинларини алмашлаб экишни йўлга қўйган тақдирда мақсад функцияси қуйидагича бўлади³ :

$$V_j = 1173x_1 + 10520x_2 + 9870x_3 \quad (1)$$

бу ерда, X_1 — пахта майдони, X_2 — беда майдони, X_3 — сабзавот майдони.
Натижа қуйидагича: $X_1 = 163,4$, $X_2 = 7,12$, $X_3 = 160,4$

$$V_j = 1850077,4 \text{ минг сўм.} \quad (2)$$

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, 163,4 гектарга пахта, 7,12 гектарга беда, 160,4 гектарга сабзавот (карам) экилса, хўжаликларнинг максимал фойдаси 1850,0 млн сўмни ташкил этиши мумкин.

Иккинчи модел: Хўжаликларнинг барча ер майдони, яъни пахта (331 га) ва ғалла (80 га) майдонларидан оптимал фойдаланиш мақсадида беда ва сабзавот экинини ҳам қўшган ҳолда қуйидаги мақсад функциясини туздик⁴ :

$$V_j = 1173x_1 + 10520x_2 + 9870x_3 + 1462x_4 \quad (3)$$

бу ерда, X_1 - пахта, X_2 - беда майдони, X_3 - сабзавот майдони, X_4 - ғалла майдони.

Натижа қуйидагича: $X_1 = 0$, $X_2 = 0$, $X_3 = 290,8$, $X_4 = 120,2$.

$$V_j = 3045879,5 \text{ минг сўм} \quad (4)$$

Ушбу майдонларга фақат сабзавот 290,8 гектарга ва ғалла 120,2 гектарга экилса, хўжаликлар максимал фойдаси 3045,8 млн сўм бўларкан.

Учинчи модел: Алмашлаб экиш схемасига пахта-беда-ғалла-полиз маҳсулотларини қўшган ҳолда мақсад функциясини қўйдик:

³ Муаллифнинг тадқиқоти натижаларида аниқланган.

⁴ Муаллифнинг тадқиқоти натижаларида аниқланган.

$$B_j = 1173x_1 + 10520x_2 + 1462x_3 + 5940x_4 \quad (5)$$

бу ерда, X_1 — пахта, X_2 — беда майдони, X_3 — ғалла майдони, X_4 — полиз майдони. Натижа қуйидагича: $X_1 = 142,3$, $X_2 = 0$, $X_3 = 107,6$, $X_4 = 160,9$.

$$B_j = 1280331,7 \text{ минг сўм} \quad (6)$$

Ушбу алмашлаб экиш вариантыда максимал фойдага эришиш учун 142,3 гектар майдонга пахта, 107,6 гектарга ғалла, 160,9 гектарга полиз маҳсулотлари экиш зарур. Шунда хўжаликлар 1280,3 млн сўм фойдага эришиши мумкин.

Хулоса. Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, экин ерларидан самарали фойдаланишда алмашлаб экишнинг оқилона вариантларини қўллаш зарур. Фермер хўжаликларида ҳамкорликда ягона алмашлаб экишнинг ташкил этилиши натижасида пахта ва буғдойдан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни яхшилаш ва юқори даромад олиш имконияти туғилади.

Ер ресурсларидан ҳамкорликда (кооперация асосида) фойдаланилса, янада юқори натижаларга эришиш мумкин. Бундай кооперацион алоқалар ердан унумли ва самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини сақлаш мақсадида бир нечта пахтачилик фермер хўжаликлари ер участкаларидан биргаликда фойдаланишлари ташкил этилади. Бунда юқорида таъкидланган алмашлаб экишнинг самарали вариантларини ва схемаларини қўллаш мумкин. Экспертларнинг фикрича, беда уч йилда гектарига ўртача 400–500 кг биологик азот тўплайди ва 20–24 ц илдиз массаси қолдиради. Натижада, тупроқнинг сув, ҳаво ва озикланиш режимини яхшилади. Алмашлаб экиш натижасида бегона ўтлар миқдори 30–50% гача камаяди, ўғит самарадорлиги 30–40%га ошади. Ҳар бир гектар экин майдонига сарфланаётган сув 10–20%гача тежалди. Алмашлаб экиш далаларида кўп йиллик ем-хашак экинлари таъсирида сизот сувлар сатҳи пасайиб, тупроқда ботқоқланиш ва шўрланиш жараёни, яъни туз тўпланиш камаяди. Оқибатда экинлар ҳосилдорлиги 10–30%гача ошади. Алмашлаб экишда ўғит нормаси ҳам камаяди. Алмашлаб экиш натижасида бир гектарга солинадиган азотли ўғит 100 кг, фосфорли ўғит 50 кг, калийли ўғитлар ҳисобидан 50 кг тежалди. Демак, биз таҳлил учун танлаб олган фермер хўжаликларининг ҳамкорлиги натижасида азотли ўғит 40,4 тонна, фосфорли ўғит 19,9 тонна, калийли ўғитлар ҳисобидан 20,8 тонна тежаш мумкин экан. Ундан ташқари, пахта ўртача ҳосилдорлигини 27 центнердан 34 центнерга ошириш мумкин.

Кооперация амал қилиш шароитида фермер хўжаликларининг экин ерларидан оқилона фойдаланиш орқали хўжаликларнинг фойдалилик даражасини ошириш мумкин. Бизнинг мисолимизда энг юқори фойдага эришиш мумкин бўлган вариант алмашлаб экишда ғалла ва сабзавот маҳсулотларини (2-вариантдаги) етиштириш бўлмоқда. Лекин ушбу Когон кластеридаги хўжаликларнинг мақсади

пахта етиштириб бериш бўлганлигидан келиб чиқиб, 3-вариантдаги пахта-беда-сабзавот маҳсулотларини экишни тавсия этишимиз мумкин. Бундан ташқари, илмий асосланган алмашлаб экиш тизимининг нафақат экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилашга, балки ушбу тадбир билан уйғунликда экинлар ҳосилдорлигини, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат даражасини оширишдаги ролини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Евгения ТУХТАРОВА
ведущий специалист,
Институт экономики УрО РАН,
г. Екатеринбург

СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ГЛОБАЛЬНОМ МЕХАНИЗМЕ «ПОТРЕБЛЕНИЕ–СБЕРЕЖЕНИЯ»

В исследовании проведен межстрановой сравнительный анализ изменений в динамике уровня потребления и нормы сбережений. Статистическую базу данных исследования составили данные Всемирного банка по 80 странам, которые были разделены на две группы — развитые и развивающиеся.

Как известно из экономической теории, инвестиционные ресурсы страны зависят от действующего механизма «потребление–сбережения». Как показало исследование, в мире происходят структурные изменения в этом механизме. Сформированный ранее глобальный механизм перераспределения инвестиционных ресурсов из одних стран в другие перестает работать в виду истощения финансового потенциала развитых стран.

Ухудшение состояния глобальной экономики привело к сближению в уровне потребления развитых стран и развивающихся, что может свидетельствовать не только о структурных сдвигах в мировой экономике, но и ее перестройке к новому равновесному состоянию.

Для межстранового сравнительного анализа благосостояния домохозяйств в условиях изменения структуры доходов и связанного с ним механизма «потребление–сбережения», были выбраны 80 стран мира. В генеральную выборку были отобраны развитые и развивающиеся страны. При отборе стран для данного исследования из совокупной выборки были исключены развивающиеся страны с:

- нестабильным политическим режимом;
- низкими доходами на душу населения;
- протекающими военными конфликтами.

К категории развитых стран были отнесены 20, отличающиеся высокой общей нормой сбережения и нормой накопления, но более низким уровнем потребления. Остальные 60 стран попали в категорию развивающихся.

Статистическую базу исследования составили данные Всемирного банка за период с 1990 г. по 2017 г. Вследствие того, что некоторые статистические показатели носят фрагментарный или обрывочный характер, временные ряды были разбиты на четыре подпериода: 1991–2000, 2001–2006, 2007–2012, 2013–2017. Далее на основе среднеарифметического метода получены усредненные оценки за выделенные промежутки времени.

Разделение на обозначенные временные промежутки обусловлено постановкой исследования — оценить влияние переходных периодов или кризисных явлений

в мировой экономике на поведение населения в тех или иных странах, выявить закономерности в поведении населения отдельных групп стран.

Фундаментальная основа успешного развития любой экономики содержится в механизме «потребление–сбережения–инвестиции». Еще Дж. Кейнсом отмечено, что эффективность данного механизма в экономике напрямую зависит от наличия сильных институтов в стране, которые способны не только аккумулировать имеющиеся ресурсы, но и эффективно их перенаправлять и инвестировать в различные сферы жизнедеятельности страны¹.

Одним из следствий эффективной деятельности государственных институтов, способных перераспределять произведенные блага в экономике, является высокая норма накоплений, которая в закрытой и равновесной экономике должна быть равна норме сбережений, что и позволяет создавать условия для развития внутри страны.

Если рассматривать мир как единую систему, то он действительно является глобальной и замкнутой экономикой. А перераспределение различных потоков, в том числе и финансов происходит между развитыми и развивающимися в рамках одной глобальной экономической системы. При этом, в одних странах возможности накопления выше и превышают уровень необходимого инвестирования в собственные национальные проекты. А потому позволяют перенаправлять оставшийся финансовый излишек в другие страны, которые не обладают такими ресурсами.

Действительно, сравнивая возможность для инвестиций между развитыми и развивающимися странами следует отметить, что при одинаковой норме накоплений в 21–20% возможности сберегать у развитых стран гораздо выше нежели у населения развивающихся стран. Так, общая норма накоплений в развитых странах составляет 24–26%, тогда как в развивающихся странах этот уровень находится всего лишь 19–21% от уровня доходов (см. рис. 1).

Сформировавшийся положительный и отрицательный разрывы между сбережениями и накоплениями в развитых и развивающихся странах, соответственно, создают основу для перетока капитала из одной части мира в другую часть. При этом, формирующийся положительный разрыв между нормой накопления и сбережениями в развитых странах позволяет не только направлять свободные финансовые потоки в экономическое, технологическое развитие собственных стран, но и создает благоприятные условия для этих стран становиться основными кредиторами развивающихся стран.

Если в такой ситуации развитые страны становятся выгодоприобретателями, то развивающиеся страны помимо того, что становятся кредитозависимыми от развитых, попадают в «ловушку бедности». Так, по мнению некоторых авторов,

¹ Keynes, John Maynard (1919). *The Economic Consequences of the Peace* (1 ed.). London: Macmillan & Co., Limited. p. 279. Retrieved 2 June 2016 — via Internet Archive.





Рисунок 1. Сравнительные показатели накоплений и сбережений в развитых и развивающихся экономиках за 1991–2017 гг.

сформированная мировая кредитная система создает условия «порочного круга бедности» для развивающихся стран, из которой им очень сложно выйти¹.

Вместе с тем, необходимо отметить, что в настоящее время в мире происходят структурные сдвиги: снижение уровня потребления в пользу сберегательного поведения. Так, анализ поведения домохозяйств в системе координат «потребление–сбережения» свидетельствует о том, что с началом нулевых наблюдается тренд на снижение уровня потребления в развитых странах, свидетельствующий о снижении разрыва между развитыми странами и развивающимися (см. рис. 2).

¹ Кудрявцева Т.Ю., Схведиани А.Е. Анализ параметров модифицированной модели «порочный круг бедности» // Вестник ВолГУ. Серия 3, Экономика. Экология. — 2018. — Т. — 20. — № 3. — С. 106–119.




Рисунок 2. Сравнительные показатели потребления и сбережений в развитых и развивающихся экономиках за 1991–2017 гг.

При этом, общая норма сбережений в развивающихся странах остается стабильной на протяжении всего исследуемого периода около 21%, тогда как для развитых стран общая норма сбережений нестабильна, особенно это заметно в периоды кризиса. Из чего можно сделать вывод, что домохозяйства в развитых странах наиболее чувствительны к влиянию кризисов глобальной экономики, менее мобильны и приспособлены к изменениям внешней среды. Тогда как домохозяйства в развивающихся странах менее восприимчивы к колебаниями мировой экономики и более адаптивны к изменениям внешней среды.

В действительности снижение уровня потребления в развитых странах коснулось, прежде всего, среднего класса, который наиболее чувствителен к кризисным явлениям в мировой экономике. Согласно неоклассическому представлению,

средний класс является основой потребительской экономики, а потому любой внешний шок создает предпосылки для отказа в потреблении товаров и услуг, ставших привычными для представителей этой категории социума.

По этой причине произошла смена в тренде поведения домохозяйствами развитых стран с потребительского на сберегательное. В среднем снижение в динамике уровня потребления в этих странах снизилось на 2,4 п. п. в 2013–2017 гг. по сравнению с периодом 1991–2000 гг. (см. рис. 2).

На взгляд автора, в мире происходит не только процесс сближения в уровне потребления между развитыми и развивающимися странами, но и окончание периода перераспределения глобальных финансовых потоков из одной части мира в другую. Изменения в динамике глобального перераспределительного механизма финансовых потоков объясняются тем, что в настоящее время исчерпаны возможности накопленного денежного и кредитного потенциала в развитых странах.

Помимо этого, действовавшая ранее глобальная система перераспределения финансовых потоков и зависимость одних стран от других без возможности изменения статуса большинства стран, свидетельствуют об отсутствии справедливого и равновесного состояния мировой экономики. Тогда как протекающие процессы в снижении уровня потребления домохозяйств в развитых странах, могут свидетельствовать не только о структурных сдвигах, но и перестройке глобальной экономики к новому равновесному состоянию.

Автор согласен с мнением ряда исследователей о том, что мир стоит на пороге глобальных изменений, закончилась эпоха доминирования либеральных идей и финансового благополучия одних стран за счет других¹. Тенденция в снижении уровня потребления в развитых странах будет только нарастать, тогда как сберегательное поведение в этих странах будет носить характер «подушка безопасности» в виду неуверенности домохозяйств в своем будущем. В условиях нарастания нестабильности накладываются определенные обязательства на государственные институты не только развитых стран, но и развивающихся.

Циклическая проблема формирования капитала в развивающихся экономиках вызвана и низкой производительностью труда². Следствием чего является невысокая способность населения к сбережению, а потому и низкой отдаче капитала, в том числе и из-за короткого, по историческим меркам, периода первоначального накопления капитала в развивающихся странах.

Вместе с тем даже в условиях ограниченности ресурсов, но при наличии в стране сильных государственных институтов, возможно не только сократить период накопления первоначального капитала, но и создать эффективную систему пере-

¹ см. например, Хазин М. Глобальная экономическая динамика и ее политическое требование к России // Свободная мысль. — 2016. — № 4. — С. 5–14.

² Nurske, R. Problems of capital formation in underdeveloped countries / R. Nurske. — O.: Oxford Basil Blackwell, 1953. — 171 p.

распределения финансовых потоков через механизм «потребление–сбережение», улучшив тем самым экономическое развитие страны и свой статус в мировой экономике.

В условиях нарастания глобальных противоречий между развитыми и развивающимися странами, Узбекистану как стране, принадлежащей к развивающимся странам мира, следует повышать эффективность деятельности государственных ресурсов и усиливать консолидацию имеющихся внутренних ресурсов в экономике. В качестве консолидации ресурсов в этом случае можно порекомендовать государственным институтам привлечение денежных переводов трудовых мигрантов в экономику страны для ее долгосрочного развития как одного из источника финансовых ресурсов.

Исследование выполнено при финансовой поддержке проекта УрО РАН № 18–6–7–39

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз иқтисодиёти учун энг устувор йўналишлардан бири сифатида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида мамлакатимизда 2017 йил амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг натижалари хусусида алоҳида тўхталиб, "... йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу кўрсаткичларни келгусида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан янада оширишга алоҳида аҳамият беришимиз зарур"¹, деб таъкидлаб ўтди.

"Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш" деб номланган 2019 йилда ҳам инвестиция жараёнларини, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жадаллаштириш, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби кўрилаётган барча чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилади.

Замонавий иқтисодий назарияларда меҳнат бозори мавжуд ресурсларнинг бир қисмини сотувчи ёки бозор иқтисодиётини ташкил этувчи ва унда амал қилувчи хом-ашё ва материаллар, қимматли қоғозлар, валюта, суғурта, инвестиция ва бошқа бозорлардан бири сифатида қаралади. Унинг мавжудлигига қарашлар турли-туман бўлиб, уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Янги классик назария тарафдорлари бўлган Ж. Перри, П. Самуэльсон, Р. Холл, Д. Тилдер ва бошқаларнинг қарашлари меҳнат бозори бошқа бозорлар сингари баҳонинг мувозанати асосида ҳаракат қилади;
2. Кейнсча назария тарафдорлари бўлган Ж. Кейнс, Р. Гордон ва бошқаларнинг фикрича баҳо (меҳнат бозорида иш ҳақи) бозорни асосий регулятори бўла олмайди;
3. Монетаристик назария тарафдорлари М. Фридман, Р. Лукас, Ж. Мутларнинг ёндашувлари бозор мувозанатини сақлаш учун пул-кредит сиёсати воситаларини қўллашни таклиф этади;

¹ <http://uza.uz/oz/politics/zbekistonda-2017-yil-736-mingdan-ziyed-yangi-ish-rni-tashkil-22-12-2017>

4. Институционалистар мактаби вакиллари Ж. Гелбрейт, Р. Мейднер ва бошқалар концепциясига асосан ишчи кучи ва тегишли равишда иш ҳақининг таркибида касбий ва тармоқ фарқларини таҳлил қилиш керак;
5. Социалистларнинг (К. Маркс, Ф. Энгельс ва бошқалар) фикрига кўра ишчи кучи меҳнат жараёнида қиймат яратса, бошқа ресурслар меҳнат орқали янги қийматга ўтади.

Давлат статистика қўмитасининг республика бўйича ялпи ишлаб чиқариш, ялпи ички маҳсулот, оралиқ истеъмоли ва иш билан банд аҳоли сони бўйича 1991–2018 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланиб, иқтисодий статистикадан маълум бўлган миллий даромаднинг ўсишига таъсир қилувчи экстенсив, интенсив ва моддий харажатларнинг тежаш омилларини таҳлил қиламиз.

Бунда экстенсив омил сифатида иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши, интенсив омил сифатида эса ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини қабул қиламиз. Миллий даромад сифатида эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) агрегатидан фойдаланамиз.

Ҳисоб-китобларда қуйидаги формулалар қўлланилади:

$$\Delta N = N_1 - N_0 \quad (1)$$

$$\Delta N (T) = (T_1 - T_0) * V_0 * d_0 \quad (2)$$

$$\Delta N (V) = (V_1 - V_0) * T_1 * d_0 \quad (3)$$

$$\Delta N (d) = (1 - d_0) * W_1 - M_1 \quad (4)$$

бу ерда,

Δ — мутлақ қўшимча ўсиш (ёки) камайиш;

N_1 ва N_0 — жорий ва базис йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМ;

T_1 ва T_0 — жорий ва базис йилларда иқтисодиётда банд бўлганлар сони;

V_1 ва V_0 — жорий ва базис йилларда ижтимоий меҳнат унумдорлиги;

M_1 ва M_0 — жорий ва базис йилларда ялпи ишлаб чиқариш (ЯИЧ)

таркибидаги оралиқ истеъмоли (моддий харажатлар);

W_1 — жорий даврдаги (ЯИЧ);

d_1 ва d_0 — жорий ва базис йилларда ЯИМнинг ЯИЧдаги салмоғи.

Ялпи ички маҳсулотни экстенсив, интенсив ҳамда моддий харажатларнинг тежами омиллари таъсирини 1991–2018 йиллар учун ҳисоб-китоблари 1–жадвалда келтирилган.

1-жадвалнинг гувоҳлик беришича 2018 йилда 1991 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот 279,2 трлн сўмга, иш билан банд аҳоли сони 5,0 млн кишига, меҳнат унумдорлиги эса 22,3 млн сўм/кишига ошган.

Қуйида юқоридаги формулалардан фойдаланиб, 2018 йилда ЯИМнинг қўшимча ўсишига экстенсив (иш билан банд аҳоли сони), интенсив (ижтимоий меҳнат унумдорлиги) ва моддий харажатларнинг тежами омиллари таъсирини ҳисоб-китобларини кўриб чиқамиз:

$$\Delta N = N_{2018} - N_{1991} = 407,5 - 128,3 = 279,2 \text{ (трлн сўм)},$$

$$\Delta N(T) = (T_{2018} - T_{1991}) * V_{1991} * d_{1991} = (13,273 - 8,255) * 33,786 * 0,460 = 77,994 \text{ (трлн сўм)},$$

$$\Delta N(V) = (V_{2018} - V_{1991}) * T_{2018} * d_{1991} = (56,0829 - 33,7865) * 13,273 * 0,460 =$$

$$= 136,129 \text{ (трлн сўм)},$$

$$\Delta N(d) = (1 - d_{1991}) * W_{2018} - M_{1991} = (1 - 0,460) * 744,3942 * 336,8797 =$$

$$= 65,104 \text{ (трлн сўм)}.$$

Омилларнинг қўшма таъсири:

$$\Delta N = \Delta N(T) + \Delta N(V) + \Delta N(d) = 77,9940 + 136,1289 + 65,1043 = 279,2 \text{ (трлн сўм)}.$$

Агар 2018 йилда 1991 йилга нисбатан эришилган ЯИМнинг қўшимча ўсиши 279 227,2 млрд сўмни 100 фоиз деб қабул қилсак, унга таъсир қилган омиллар қуйидагича бўлган: экстенсив омил таъсири — 27,9 фоиз, интенсив омил таъсири — 48,8 фоиз, моддий харажатлар тежами таъсири — 23,3 фоиз.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг 1991–2018 йилларда омиллар ҳисобига ўзгариши (2018 йил нархларида)

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		Қўшимча ўсиш	
			1991	2018	мутлақ	нисбий, %
Ялпи ишлаб чиқариш (ЯИЧ)	W	млрд сўм	228 894,4	744 394,2	465 499,8	166,9
Оралиқ истеъмоли	M	млрд сўм	150 607,1	336 879,7	186 272,6	123,7
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	N	млрд сўм	128 287,2	407 514,5	279 227,2	217,7
Иқтисодиётда иш билан банд аҳоли сони	T	млн киши	8,255	13,273	5,019	60,8
Ижтимоий меҳнат унумдорлиги	V	минг сўм/киши	33786,5	56 082,9	22 296,4	66,0
ЯИМнинг ЯИЧдаги салмоғи	d	коэф-т	0,460	0,547	x	x

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, агар республикада иқтисодий ўсиш 1996 йилдан бошланган бўлса, 1996, 2001–2003 йилларда ЯИМнинг қўшимча ўсишига экстенсив омил таъсири бошқа омилларга нисбатан кучлироқ бўлган. 2000–2001, 2004–2006, 2008–2009 ва 2016–2018 йилларда интенсив омил таъсири, бошқа йилларда эса моддий харажатларни тежаш омилининг таъсири кучлироқ бўлган. Мамлакатимиз ўз олдига юқори суръатларда ўсишни мақсад қилиб қўяр экан, асосий эътиборни интенсив омилга қаратилиши талаб қилинади. Бундай ёндашувнинг маъқуллиги ривожланган ва юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлар ҳамда республикада 2004 йилдан буён кузатилаётган тажрибада ўз ифодасини топган.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи республикада 2000 йилдан эътиборан муттасил ошиб бораётганлигини тан олган ҳолда, унинг даражаси 1991 йил даражасига фақатгина 2007 йилда етиб келинганлигини қайд қилиш лозим (2–жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 1991–2018 йилларда меҳнат унумдорлиги динамикаси (занжирли — олдинги йилга нисбатан, базисли — 1991 йилга нисбатан, фоизларда)

Йиллар	1991	1995	2000	2007	2010	2012	2013	2016	2017	2018
Занжирли		97,3	100,3	104,3	100,5	104,0	106,8	103,5	105,1	109,3
Базисли	100,0	83,6	83,9	102,8	110,3	121,0	129,2	144,5	151,9	166,0

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, 1995 йилгача меҳнат унумдорлиги (иқтисодиётда иш билан банд бўлган ҳар бир ходимга тўғри келган ялпи ишлаб чиқариш ҳажми) пасайган, қолган йилларда эса ошган. 2018 йилдаги меҳнат унумдорлиги даражаси 1991 йилдаги меҳнат унумдорлигига нисбатан 166,0 фоизни ташкил қилган, яъни 2018 йилдаги ижтимоий меҳнат унумдорлигининг даражаси 1991 йилдаги даражадан 66,0 фоизга юқори бўлган. Энг максимал меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари 2006–2007 йилларда кузатилган (мос равишда 105,3 фоиз ва 104,3 фоиз), 2011 йил (105,5 фоиз), 2013 йил (106,8 фоиз).

Меҳнат унумдорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, ишчи ва хизматчиларнинг малакасини ошириш ҳамда юқори қўшилган қиймат яратувчи янги ишлаб чиқариш қувватларини жорий қилиш, илғор хорижий технологияларга асосланган тўғридан-тўғри инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилишни қамраб олиши лозим.

Экстенсив омил таъсирини кенгайтириш масаласида ишчи кучи бозорида фаолликни ошириш учун кадрларни қайта тайёрлаш ва касбий ўқитиш катта заҳира ҳисобланади.

Яширин ёки ташкиллаштирилмаган ишчи кучи бозори ўз қамровига кўра очиқ бозордан анчагина каттадир. Ушбу бозор уй, дала ҳовли, гараж қурилишлари, транспорт, юклаш-тушириш ишлари, ҳосилни йиғиб олиш, бошқа вақтинча ва мавсумий ишларда кенг тарқалган. Бундай бозорлар Ўзбекистонда аввалги даврларда ҳам мавжуд бўлган. Ҳар бир шаҳардаги махсус жойларда ишчи кучини олди-сотдилари содир бўлади. Бунда иш берувчи сифатида фақат хусусий шахсларгина эмас, балки корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти ҳам қатнашади. Аҳолининг маълум, асосан ёшлардан иборат қисми ушбу бозор орқали тирикчилик қилади. Бундай бандликни иккиламчи бандлик дейиш мумкин, чунки асосий иш жойларидан оладиган маошлари кам бўлганлиги сабабли айрим шахслар дам олиш кунлари ёки бошқа бўш вақтларида мардикорчилик билан шуғуллансалар, баъзилар учун эса бу фаолият асосий бўлиб ҳисобланиши мумкин. Бу ёпиқ ишчи кучи бозорида оперативлик ва иш ҳақи даражаси анча юқори ҳисобланади.

Маълумки, ишчи кучи, айниқса уларнинг тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари иқтисодийдаги замонавий ва таркибий ўзгаришларга бевосита таъсир ўтказади.

Республикада энг асосий мароифтисодий кўрсаткич бўлмиш ЯИМ 1991–1995 йиллар мобайнида муттасил пасайиб бориб, ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилда 1991 йилга нисбатан 81,6 фоизни ташкил қилди, яъни ЯИМ 18,4 фоиз пунктига пасайиб кетди.

Мустақиллик йилларида биринчи марта ЯИМнинг пасайиш тенденциясига 1996 йилда барҳам берилиб, ЯИМ ҳажми 1995 йилга нисбатан 101,7 фоизга ошди. Шу йили республикада иқтисодий ҳаётида катта воқеалар содир бўлди. Масалан, йилнинг 4-чорагида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида енгил автомобил ишлаб чиқарувчи “ЎзДЭАавто” қўшма корхонаси ва Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлаш заводлари ишга туширилди. Лекин ЯИМ 101,7 фоиз ошганлиги билан, бу ҳали иқтисодий ўсиш содир бўлди дегани эмас эди, чунки иқтисодий ўсиш содир бўлиши учун ЯИМнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлиши талаб қилинади.

Республикада том маънода иқтисодий ўсиш биринчи марта 1997 йилдан бошланган. Шу йили ЯИМ 105,2 фоизга, аҳоли сони эса 101,7 фоизга ошиб, иқтисодий ўсишнинг асосий шarti бўлмиш ЯИМнинг ўсиш суръати (105,2 фоиз) аҳоли сонининг ўсиш суръатидан (101,7 фоиз) юқори бўлиши таъминланди.

2004–2009 йилларда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари 101,2 фоиз миқдорида барқарорлашиб қолган бўлса, ЯИМнинг ўсиш суръатлари (миллий валютада) 7,0–9,5 фоизни ташкил қилди. Агар киши бошига тўғри келган ЯИМнинг 1991 йилдаги даражасини 100 фоиз деб қабул қилсак, 2004 йилдаги даража 1991 йил даражасига нисбатан 96,4 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Мустақиллик йилларида илк бор 2005 йилда аҳоли турмуш даражаси

кўрсаткичи 1991 йил даражасидан ошди (101,9 фоиз). 2018 йилда ушбу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 2,0 марта ошган.

Хулоса қилиб айтганда макроиқтисодий сиёсатдаги фаоллик аҳолини иш билан бандлиги соҳасида фақат 2017 йилнинг ўзида қуйидаги ижобий таркибий ўзгаришларга имкон берди:

- иш билан бандликни қўшимча ўсишининг асосий қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди. 2018 йилга келиб ушбу секторда умумий иш билан банд аҳолининг 81,7 фоизи меҳнат қилмоқда;

- норасмий секторда иш билан банд бўлганлар сони бир мунча қисқариб бормоқда. Бу тенденция секин-асталик билан нолегал тадбиркорларнинг легал шаклларга ўтиши билан изоҳланади.

Шу билан бир қаторда иш билан бандлик соҳасида бир қанча мураккаб муаммолар борки, уларни ечиш кун тартибидagi асосий вазифалардан ҳисобланади:

- норасмий секторда иш билан банд бўлганлар сони ва салмоғи қисқарган бўлсада, ҳамон катталигича сақланиб қолмоқда. 2018 йилда улар сони 7 764,6 минг кишига етди (салмоғи 58,4 фоиз). Бу секторда иш билан банд бўлганлар ижтимоий ҳимоялаш тизимидан четда қолиб, доимий иш ва барқарор даромадга эга эмаслар;

- янги иш жойларини яратиш, асосан индивидуал тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликлариди, шу жумладан расмий секторда содир бўлмоқда, яъни аҳоли ўзини ўзи иш билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда;

- ишсизлар ва норасмий секторда иш билан банд бўлганларнинг мавжуд бўш иш ўринларини эгаллаш учун етарли даражада иштиёқларининг йўқлиги. Бунинг асосий сабаби таклиф қилинаётган иш ўринларида иш ҳақининг пастлиги, ишсизлар ва норасмий секторда иш билан банд бўлганлар малакасига мос келмаслигидир;

- минтақавий меҳнат бозорларидаги номутаносибликлар. Баъзи туманларда асосий ва ягона иш билан бандликни таъминлаш манбаи бўлиб деҳқон хўжаликлари ва юридик шахс мақомини олмасдан индивидуал тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳисобланади. Бир қанча узоқ, бориш қийин, тоғли, қишлоқ туманларида ишлаб чиқариш ва инфратузилмалар паст даражада ривожланганлиги ва иқтисодийнинг фақат ягона тармоғи мавжудлиги сабабли, ишсизлик даражаси ўртача республика даражасидан анча баландлигича сақланиб қолмоқда.

1996 йилдан буён аҳолининг реал ўртача пуллик даромадларида ижобий тенденция ҳукм сурмоқда. Даромадларнинг табақаланишини ифодалайдиган Жини коэффиценти 1990 йилда 40 фоизни, 2000 йилда 39 фоизни ва 2017 йилда 26 фоизни ташкил қилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Иш ҳақи аҳоли даромадларининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Ходимлар иш ҳақларининг ўсиш суръатлари инфляция даражасини ифодаловчи истеъмол нархлари индексининг ўсиш суръатларидан анча юқори бўлди.

Минтақалараро меҳнат ҳақи даражаларининг табақалашуви ҳам кучайиб бормоқда. Тошкент минтақаси ва саноати ривожланган Навоий вилоятининг айрим туманларидаги иш ҳақи даражаси республиканинг бошқа вилоятлари даражасидан бир неча марта юқоридир.

3–жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг 2010–2017 йил ҳолатига кўра аҳоли сони ва ялпи ички маҳсулотдаги (ялпи ҳудудий маҳсулот) улушлари¹

Минтақалар	Минтақа салмоғи, %				Минтақа ЯҲМ : ўртача,	
	аҳоли сониди		% ЯИМ (ЯҲМ)		2010 й.	2017 й.
	2010 й.	2017 й.	2010 й.	2017 й.		
Қорақалпоғистон Республикаси	5,8	5,7	2,8	3,2	48,0	56,2
вилоятлар:						
Андижон	9,1	9,2	8,1	7,5	88,8	81,5
Бухоро	5,8	5,7	6,6	6,2	113,7	107,6
Жиззах	4,0	4,0	3,3	3,4	82,9	82,9
Қашқадарё	9,3	9,6	8,1	6,8	86,6	70,9
Навоий	3,0	2,9	4,9	3,8	163,0	130,4
Наманган	8,1	8,3	5,5	5,8	67,2	70,3
Самарқанд	11,2	11,4	9,0	9,6	80,5	84,5
Сирдарё	2,5	2,5	2,3	2,1	92,0	82,8
Сурхондарё	7,4	7,7	5,9	6,1	79,9	79,0
Тошкент	9,2	8,8	10,4	9,4	113,1	107,2
Фарғона	11,0	11,1	8,7	8,3	78,6	74,4
Хоразм	5,5	5,5	4,3	4,4	77,0	79,3
Тошкент шаҳри	7,9	7,6	20,2	23,5	254,6	310,5
Ўртача (жами)	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ялпи минтақавий маҳсулот) ҳажми бўйича ҳам худди шундай ному-таносибликни кузатиш мумкин.

3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, минтақалараро аҳоли сони ва ЯҲМ орасида боғлиқлик турли даражада. Масалан, аҳоли сони бўйича энг катта минтақа — Самарқанд вилояти ҳисобланади. Агар республика аҳолиси таркибида вилоятнинг улуши 2010 йилда 11,2 фоиз ва 2017 йилда 11,4 фоизни ташкил қилган бўлса, вилоят бўйича яратилган ялпи ҳудудий маҳсулот республикадаги ЯИМнинг 2010 йилда 9,0 фоизини ва 2017 йилда 9,6 фоизини ташкил қилган, холос.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби.

Навоий вилоятининг аҳолиси 2017 йилда умумий республика аҳолисининг 2,9 фоизини ташкил қилгани ҳолда, ялпи ҳудудий маҳсулоти 3,8 фоизга тенг бўлган. Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар мос равишда 2017 йилда 7,6 ва 23,5 фоизларни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига даромадларни минтақалараро табақалашувини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ ҳажмини 100 фоиз деб қабул қилинса, республиканинг 14 минтақасидан 10 тасида аҳоли турмуш даражаси ўртача республика даражасидан пастлиги ва фақат 4 тасидагина юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Юқори даражали минтақаларга асосан саноати ривожланган Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри мансубдир. Табақаланиш даражаси 56,2 фоиздан (Қорақалпоғистон Республикаси) 310,5 фоизгача (Тошкент шаҳри) эканлиги юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир.

Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин. Даромадлар таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлиши прогноз қилинмоқда. Унга кўра меҳнат ҳақи ва тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадларнинг салмоғи ошиб, ижтимоий трансфертларнинг манзиллилиги ошиши натижасида салмоғи пасаяди; кам таъминланган аҳоли қатламлари даромадларининг юқори суръатларда ошиши, оқилона бандликни шакллантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда манзиллиликнинг кучайиши натижасида аҳоли турли табақалари даромадларидаги фарқланиш бир мунча пасайиб, Жини коэффиценти 2017 йил даражасида сақланиши кутилмоқда; республикада бандлик даражасини ошириш ва меҳнат бозорини бошқаришдаги устувор йўналишлар даставвал олдиндан чуқур ўйланган стратегик вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиши лозим. Стратегик вазифалар қуйидагиларни қамраб олиши керак:

- иш билан бандлик даражасини, биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг, шунингдек меҳнат бозорида паст рақобатга эга аҳоли қатламларининг иш билан бандлик даражасини ошириш;
- иш билан бандликнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш;
- меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифнинг миқдор ва сифат (касб-малака) кўрсаткичлари бўйича уйғунлигини таъминлаш;
- ишчи кучининг сифати, маҳорати ва ҳудудлараро мобиллигини ошириш.

Малика УМАРОВА
таянч докторант,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида молия бозорининг функцияларини такомиллаштириш, унинг асосий иштирокчиси бўлган банк тизимини муқобил ишлаш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. Бунда тижорат банкларининг инновацион молиявий хизмат турларинини мижозларга тақдим этиши уларнинг оммабоплигини таъминлаши асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани самарали амалга оширилишини таъминлашда банк тизимининг жозибадорлигини ошириш, яъни мижозларига яратилган имтиёзлар, қулайликлар ва энг асосийси уларнинг ишончини қозониш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг барча бўғинларида шу ўринда банк тизимида ҳам занжирсимон кетма-кетлик узлуксиз тарзда фаолият юритиши лозим. Хорижий иқтисодчи олима А. Н. Азрилияна “молиявий хизматлар-жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият” деб таърифлайди¹. Шунингдек олим В. М. Усоскин “тижорат банкларини жамиятда пул капиталини соҳалараро ва худудлараро қайта тақсимлаш механизминини таъминловчи молиявий воситачилар деб ҳисоблайди”². Иқтисодчи олим О. И. Лаврушин банк операцияларига банк функцияларининг амалда намоён бўлиши сифатида, банк хизматларига эса мижознинг муайян эҳтиёжларини қондирувчи бир ёки бир нечта банк операциялари ва муайян ҳақ эвазига мижоз фойдасига унинг топшириғи билан банк операцияларини ўтказиш сифатида қарайди³. Яна бир иқтисодчи олима Е. Б. Ширинская “банкларнинг маслаҳат хизматларини балансдан ташқари амалиётларга қўшади, чунки уларни тақдим этиш актив ва пассивларнинг ўсишига олиб келмайди, тўлов эса комисион мукофот пулидан иборат бўлади” деб таърифлайди⁴. Америкалик олим П. С. Роуз банк хизматларига пул захираларини бошқариш, истеъмол кредити, нақд пул оқимларини бошқариш, лизинг, пенсия режаларини сотиш каби банк фаолияти турларини киритган⁵.

¹ Азрилияна А. Н. Большой экономический словарь. — М.: Институт новой экономики, 2002. — с. 588.

² Усоскин В. М. Современный коммерческий банк: управление и операции. — М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. — С. 11–24.

³ Банковское дело: Учебник / Под ред. О. И. Лаврушина. 2-е изд., перераб. И доп. — М.: Финансы и статистика, 2001. — С. 77.


⁴ Ширинская Е. Б. Операции коммерческих банков. — М.: Финансы и статистика, 1995. — С. 16–17.

⁵ Роуз П. С. Банковский менеджмент. — М.: Дело, 1997. — С. 5–6.

Мамлакатимиздаги тижорат банклари фақатгина кредит бериш ва депозитларни қабул қилиш билангина чегараланиб қолмоқда. Шунинг учун молиявий хизмат турларини кўпайтириш банкнинг даромад манбаларини кенгайтириш асосларини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда банкларда таклиф этилаётган молиявий хизмат турларининг оммабоплик даражасини ўрганиш лозим. Чунки тақдим этилаётган хизмат, яъни банк маҳсулоти, ўз харидорига эгами, талабларга жавоб берадими, мижознинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш билими мавжудми, ўзлаштириш кўрсаткичлари қай даражада ва шу каби кўпгина саволларга жавоб топиш уларни таҳлил қилиш ва самарали ечимини таклиф этиш банкнинг даромад олишини таъминлайди. Бунинг учун эса банк мижозларининг ушбу хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари қай даражада эканлигини ўрганиш талаб этилади (1-расм).

Алоҳида қайд этиш жоизки, республикаимизда 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 7959107 та бўлиб, шундан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 359770 тани ташкил этган бўлса, банк пластик карталари ва банк депозит ҳисобварақлари бўйича банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони эса 7 599 337 тани ташкил этади.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
www.cbu.uz

1-расм. Ўзбекистонда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар ва банк мижозлари сони динамикаси, минг киши (1 январь ҳолатига)

Бу эса, 2018 йил 1 январь ҳолатига (4 453 240 тага) нисбатан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 178,7 фоизга, мос равишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони (227 879 тага) 157,9% га ҳамда жисмоний шахслар сони (4 225 361 тага) 179,9% га ошганлигидан далолат беради.

Агар банк мижозлари нуқтаи назаридан самарали банк хизматларини тавсифласак — бу сифатли, арзон, тезкор ва замонавий банк хизматларини кўрсатишдир, бу эса айрим ҳолатларда, банкнинг иқтисодий мақсадларига зид келиши мумкин. Шунинг учун, банк хизматлари самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишда кредит ташкилотлари раҳбарлари томонидан нафақат бошқарув тизими, балки ушбу хизматлар истеъмолчиларининг мақсадларини ҳам ҳисобга олиниши лозим. Яъни, ходимларни мижозга эътибор даражасини ошириш, ташкилотда инновацион муҳитни шакллантириш учун шундай шароит яратиш лозимки, унда иқтисодий фойда бевосита мижозларнинг талаблари билан боғлиқ бўлсин.

Юқоридаги SWOT таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимиз банкларида инфратузилмани янада ривожлантиришда қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжуд, деб ҳисоблаймиз:

- аҳолининг кредитга бўлган талабининг юқорилиги ва ресурс манбаининг етишмаслиги;
- кўрсатилган банк хизматлари ва ўтказмалар учун олинadиган фоиз ставкаларининг юқорилиги;
- банкларнинг ҳудудий филиаллари тармоқларининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва инфратузилма билан таъминланмаганлиги;
- масофадан бошқарилувчи хизмат турларини кўрсатишда интернет тармоғидаги вужудга келадиган носозликлар;
- банклар томонидан инфратузилмани ривожлантириш мақсадида харид қилинаётган техникалар нархининг юқорилиги натижасида айрим банкларнинг ушбу техникаларни харид қила олмаслиги;
- ҳудудларда банккомат ва банк филиаллари сонининг етарли эмаслиги.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ҳал этишда қуйидаги таклифларнинг амалиётга жорий этилиши банк тизими ва унинг инфратузилмасининг янада ривожланишига тўртки бўлади, деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатимиз тижорат банклари томонидан бугунги кунда тақдим этилиб келинаётган кредитларнинг асосий қисми истемол кредити ҳиссасига тўғри келмоқда. Банкларимиз эса ушбу талабни қондириш учун етарли ресурс манбаларига эга эмас. Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий мамлакатлар банкларининг бош оффисларини ташкил этилиши мамлакатимиз банк тизимида рақобат муҳитини шаклланишига олиб келади;
- ҳудудларда банк филиалларининг очилиши банклар учун қўшимча харажатни талаб этади. Ушбу филиалларни ходимлар, жиҳозлар, технология ва инфратузилма

Ўзбекистон Республикаси банк инфратузилмасининг SWOT таҳлили.

<p>Кучли томонлар</p> <p>Банклар молия бозорида энг йирик ишти- рокчи; Замонавий дастурий таъминот билан таъмин- ланганлиги; Замонавий банкоматлар Cash to card, Cash by Code, Cash-in билан таъминланганлиги; Миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизими билан интеграциялашуви; Интернет-банкнинг, Банк-мижоз, смс банкнинг, Mobil banking тўлов хизматларининг кўрсати- лиши; Банкларнинг 24/7 тизимида ишловчи инфо- киоск тармоқларига эга эканлиги; Online валюта айрибошлаш хизматини йўлга қўйилганлиги; Аҳолининг 17–70 ёшгача бўлган қисмининг 91,8 фоизи банк пластик карталари билан таъминланганлиги.</p>	<p>Кучсиз томонлар</p> <p>Худудий банк филиалларида олий малакали кадрларнинг етишмаслиги; Худудларда банк инфратузилмаси етарли дара- жада ривожланмаганлиги (банк филиаллари, банкоматлар, валюта айрибошлаш шахобча- лари) сонининг етарли эмаслиги; Банк мижозлари тўғрисидаги базанинг етар- лича шакллантирилмаганлиги; Овердрафт, пластик карталарга ўтказиладиган микроқарзлар иш куни тугагандан сўнг М. Б. КАДР ва Кредит Бюро орқали рўйхатдан ўтмас- лиги натижасида амалга ошмаслиги; Банк инфратузилмасини ривожлантиришга кетиладиган харажатларнинг юқорилиги; Давлат банклари ва хусусий банклар ўртасида носоғлом рақобат муҳитининг шаклланганлиги.</p>
<p>Имкониятлар</p> <p>Банк инфратузилмасини ривожлантиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомил- лаштириш; Банкларда масофадан бошқарилувчи хизмат турларини Online banking, mobil bankingни ривожлантириш; Банкларда замонавий дастурий таъминотлар P2P, B2B, ERP, CRM тизимларини жорий этиш; банкларни босқичма-босқич рақамлаштириб бориш яъни хизматларни рақамлаштириш, QR-код, NFS, QIWI орқали тўловларни амалга ошириш, Банкларда хизматлар сифатини ошириш, ҳамда кам харажат талаб этувчи Lean технология- ларини амалиётга жорий этиш; Банкларга омниканаллар орқали хизмат турларини таклиф этиш (видео банкоматлар, масофавий кредитларни расмийлаштириш, необанкларни жорий этиш); Муаммоли кредитларни олдини олишда BIG DATA дастурини банк тизимига тадбиқ этиш.</p>	<p>Хатарлар</p> <p>Иқтисодий инқирозларнинг вужудга келиши; Ташқи хамкор давлатларнинг иқтисодиётида юз берадиган ўзгаришларнинг банк тизимига таъсири; Интернет тармоғида юзага келадиган носоз- ликлар оқибатида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг тушиб кетиши; Банкларнинг МБХни кўрсатишда хакерлик ҳужумига дуч келиши; Кредитлаш суръатининг ўсиши жараёнида вужудга келган хатарларнинг ҳам ўсишига олиб келади; Кутилмаган зарарларнинг вужудга келиши.</p>

билан таъминлаш боғлиқ харажатларни қоплай олмаслиги сабабли кўплаб банклар ҳудудий филиалларни ташкил этишни ортиқча харажат ҳисоблашади. Ҳудудий филиаллар тармоғи асосан давлат банкларида кенг ривожланиб, Халқ банки энг кўп филиаллар тармоғига эга. Хусусий банкларнинг аксарият қисмида ҳудудий филиаллари мавжуд эмас. Лекин шунга қарамай ҳудудий аҳолининг банк хизматларига бўлган талаби юқори. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан ҳудудий тармоқларни кенгайтирилишини талаб этади. Бу муаммони ечишда мамлакатимиз ҳудудларида шерикчилик асосида вилоят банкларини очиш имкониятидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунга кўра, вилоят хокимликлари банкнинг устав капиталида иштирок этишда тадбиркорлар билан шерикчилик 55/45 асосида банкларни очиш таклиф қилинади. Бу ҳудудлардаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳамда ҳудудларга инвесторларни жалб этишда, шунингдек туризмни ривожлантириш мақсадида банк инфратузилмасини ҳудудларда янада ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади;

– банкларимизда муаммоли кредитларнинг вужудга келишига сабаб, кредиторлар тўғрисида талаб даражасида маълумот олиб борилмайди. Бу эса кредитор тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслиги сабабли юзага келмоқда. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимиз банк тизимига Big Data дастури тизимини жорий этиш лозим. Ушбу маълумотлар базасидан бугунги кунда дунёнинг етакчи давлатлари АҚШ, Буюк Британия, Япония, Сингапур, Хитой, Россия Федерацияси банк тизимида кенг фойдаланилади. Ушбу Data банк мижози унинг молиявий ҳолати, кредит тарихи, банк мижозлари идентификациялаш кабиларни амалга ошириб, банк мижозларига кредит ажратишдан олдин мижознинг молиявий ва иқтисодий ҳолати ҳақида таҳлилларни амалга оширишда қўлланилади;

– мамлакатимиз банк тизимида замонавий технологияларни жорий этиш ва қўллашда Молиявий технологиялар Ассоциациясини ташкил этиш лозим. Ушбу ассоциациянинг асосий вазифаси илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда инновацион технологиялар, startup лойиҳаларни молиялаштириш, инвестиция киритиш ва молия тизимига жорий этишни назорат қилиб боришдан иборат.

Рустам ХАСАНОВ

*и. ф. д., профессор, Ўқув маркази директори,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти таркибидаги ходимлар
малакасини ошириш Ўқув маркази*

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиёти мавжуд ички ва ташқи имкониятларга боғлиқ бўлади. Бундай имкониятларни юзага чиқаришда яширин иқтисодиётни легаллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги, унинг кўлами, таъсир доираси, ҳисобга олинмаган иқтисодий фаолиятни легаллаштириш чора-тадбирлари самараси мамлакат ривожига ижобий таъсир қилади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам иқтисодий салоҳиятни аниқлаш ва мавжуд имкониятларни тўлақонли ишга солиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифалари яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган.

Яширин иқтисодиёт — бу моддий неъматлар ва хизматларни иқтисодиёт субъектлари томонидан яширин тарзда ишлаб чиқариш, алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатлар амалда мавжуд, лекин ҳисобга олинмаган, қонунчиликни четлаб ўтиш мумкин бўлган, нолегал даромад топиш усулидир.

Яширин иқтисодиёт мавжудлигининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Объектив сабаблари — бу давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ортиқ аралашуви, қонунчиликнинг номукаммалиги, турли тўсиқларнинг мавжудлиги, иқтисодий фаолият турларини ҳисобга олишнинг методологик ишланмалари яратилмаганлиги, бизнес муҳитининг яхши эмаслиги, солиқ юкининг юқорилиги ва бошқа объектив ҳолатлардир. Субъектив сабаблар — бу кишиларнинг иқтисодий онги, қарашлари, кам ҳарж қилиб кўпроқ даромад топишга интилиши, бунинг учун турли ноқонуний йўллари ахтариши, солиқдан қочиш, маънавий маданиятнинг етишмаслиги, коррупцияга мойиллик, тартиб-қоидаларга беписанд қараш ва шунга ўхшаш бошқа субъектив ҳолатлардир. Ушбу сабаблар мавжудлиги ўлароқ, яширин иқтисодиёт моҳиятига кўра бир неча кўринишларга эга бўлади.

Яширин иқтисодиёт кўринишлари қуйидагиларда намоён бўлади:

иқтисодиётни сохталаштириш, яъни иқтисодий кўрсаткичларни мавжуд ҳолатга нисбатан бўрттириб кўрсатиш, сохта натижаларни ҳақиқий натижа сифатида киритиш (қўшиб ёзишлар);

иқтисодиётнинг норасмий сектори, яъни товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнидаги норасмий алоқалар тизимининг амал қилиши.

Бунда ўзаро манфаатдор шахсларнинг биргаликдаги норасмий муносабатлари иқтисодий тизимни қарор топтиради;

пинҳоний иқтисодий муносабатлар, яъни тақиқланган иқтисодий фаолият тури билан машғул бўлиш, иқтисодий фаолият турини қонунчилик назоратидан яшириш, расман белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиш.

Кишилар табиатининг фарқланиши, зиддиятли доимий курашнинг мавжудлиги, жамғаришга бўлган мойиллик, фаровон ҳаёт кечирishга интилиш, дангасалик, кам меҳнат сарфлаб кўроқ даромадга эга бўлиш, трансакция харажатларининг юқорилиги, қонунга бўйсунмиш нисбийлиги, рақобат курашининг аёвсизлиги, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг нотекис ривожланиши, юқори инфляция, алмашув курсларининг кескин ўзгариб туриши, солиққа тортиш тизимининг номукамаллиги, ижтимоий табақалашувда «хавф гуруҳлари»нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, муҳожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслик, тадбиркорлар ҳуқуқининг поймол қилиниши, бозордаги ўзгаришлар билан мавжуд қонунчилик базасининг мувофиқ келмаслиги, креатив ёндашувларнинг етишмаслиги, пул-кредит сиёсатидаги камчиликлар, солиқ юкининг оғирлиги, солиқ маъмурчилигининг такомиллашмаганлиги, пул агрегатлари ўртасидаги номутаносибликлар ва шу кабилар яширин иқтисодиётнинг қарор топишига омил бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, яширин иқтисодиёт миқёси ва динамикасини белгилловчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Антропологик омиллар.
2. Иқтисодий омиллар.
3. Ижтимоий омиллар.
4. Ҳуқуқий омиллар.
5. Ахлоқий омиллар.
6. Сиёсий омиллар.
7. Молиявий омиллар.
8. Географик омиллар.
9. Байналминал омиллар.

Яширин иқтисодиёт ҳолати, унинг амал қилиш хусусиятлари ва муаммолар ечимини юқорида кўрсатилган 9 та омиллар таҳлилини тизимли амалга ошириш орқали тадқиқ қилиш талаб этилади.

Тадқиқот натижалари шуни белгилайдики, агар солиқ ва ижтимоий тўловларнинг ЯИМга бўлган нисбати 33 фоиз бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишининг кескин нуқтаси ҳисобланади. Дунёдаги мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияси унинг ЯИМдаги улуши 1960йилларда АҚШда 6,4 фоизни, Нидерландияда — 5,6 фоизни, Францияда — 5 фоизни, Германияда 4,6 фоизни, Италияда — 4,4 фоизни, Япония, Ирландия ва Швейцарияда — 1–2 фоизни ташкил этган. 1970йилларда яширин иқтисодиёт кўрсаткичлари Голландия ва Бельгияда (12,1фоиз) авж олганди. Австрия, Франция, Италияда ҳам унинг улуши ортиб

борган. Унинг нисбатан паст улуши Англия, АҚШ, Финландия, Япония ва Швейцария давлатларида кузатилган. 1980 йили Норвегияда яширин даромадларни аҳолининг тахминан 18 фоизи олган, аҳолисининг 37,5 фоизи яширин иқтисодиёт билан боғлиқ соҳаларда ишлаган. Кейинги йилларда яширин иқтисодиётнинг ЯИМ даги улушининг энг юқори даражаси МДХ мамлакатларига тўғри келиб, 12–48 фоизни ва баъзи маъумотларда эса 25–60 фоизни ташкил этган. Иккинчи ўринда ЕИ га аъзо бўлган собиқ ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари бўлиб, уларда ЯИМ нинг 10–12 фоизини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Амалда яширин иқтисодиёт қуйидаги шаклларда амал қилади:

– **яширин ишлаб чиқариш** (ноқонуний, ҳисобга олинмаган, яширин, майда ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариши, сифатсиз маҳсулот чиқариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва бошқалар);

– **яширин тақсимот** (даромадларни ноқонуний тақсимлаш, махсус тақсимот, давлат мулкни талонторож қилиш, фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар ва ҳ. к.);

– **яширин айирбошлаш** (ғайриқонуний савдо, харидорларни алдаш, ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва бошқалар);

– **яширин истеъмол** (ғайриижтимоий эҳтиёжларни қондириш, ноқонуний йўл билан топилган мулкдан фойдаланиш, хизматлардан ноқонуний фойдаланиш кабилар) ажратилади.

Бозорлар турларига кўра, яширин жараёнлар истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва иш жойлари, ахборот ва технологиялар, капитал кабилар бозорида амалга оширилади. Тармоқ белгисига кўра, яширин иқтисодиёт саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо иқтисодиёти кабиларга ажратилади.

Яширин иқтисодиёт хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса, шу сабабли яширин иқтисодиёт иқтисодий ҳодиса сифатида талқин этилади. Яширин иқтисодиётнинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий баҳоланишини фарқлаш зарур. Иқтисодий жиҳатдан бу эркин бозор қонунқоидаларига мос келмаганидан яширин юз берадиган муносабатдир. Бу муносабатда барча яширин унсурларнинг манфаати уйғунлашади. Бу ерда айрим шахслар ёхуд гуруҳлар манфаатининг амалга ошиши давлат ва жамият манфаатларига мос келмаслик ҳисобидан бўлади, шу сабабдан буни жамият қабул қилмайди, у яширин тус олади. Жамиятга маъқул ҳодисаларни юридик қонунлар тартиблайди. Шунинг назарда тутиб, яширин иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият деб айтиш мумкин. Яширин иқтисодиёт глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин яширин иқтисодиёт даражаси ҳар хил бўлади. Бу яширин иқтисодиёт илдизлари чуқур бўлишидан гувоҳлик беради. Яширин иқтисодиёт сабаблари ҳар хил талқин этилади. Яширин иқтисодиётнинг мавжудлигини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак.

Яширин иқтисодиёт иқтисодий ҳодиса бўлар экан, унинг иқтисодий илдизларини топиш керак. Бу илдизлар пул муносабатларининг ўзида жойлашган, пул

универсал тўлов воситаси, уни ҳамма операциялар учун қабул қилишади, пул бойликнинг тимсоли, бойлик тўплашнинг энг қулай шакли. Пулдаги энг юксак ликвидлик хусусияти уни кўпроқ топишга интилишдир, пулни сақлаш хавфсиз, уни хоҳлаганча жамғариш мумкин. Пул ликвидлиги энг юқори бўлган активдир, ликвидликни эса пулнинг қадрқиймати таъминлайди. Пул кўздан яширинган молиявий алоқалар ўрнатиш имконини беради.

Бозор тизими ҳозирчалик тўла мукамал эмас, унинг механизмларида узилишлар бўлиб туради ва бу яширин иқтисодиётга қулай шароит ҳозирлайди. Демак, яширин иқтисодиётга қарши курашнинг энг маъқул йўли бу бозор муносабатларининг ўзини такомиллаштиришдир.

Яширин иқтисодиётни лоббизм ҳам келтириб чиқаради, бироқ ҳар қандай лоббизм бунга олиб келмайди. Рухсат берилган, жамият тан оладиган лоббизм борки, бу очиқ бозор алоқаларига таянади. Бунда у ёки бу гуруҳ шахслар ёки фирмалар манфаатига мос келадиган, лекин жамият учун зарарсиз бўлган қарорларни давлат идоралари томонидан қабул қилиш зарурлигини асослаш ва бунга кўмаклашиш билан боғлиқ лоббизм яширин иқтисодиётни тавсифламайди, чунки бу ерда бозор қоидаларига биноан лоббистик хизматлардан очичқасига уларнинг ҳақини тўлаган ҳолда фойдаланиш юз беради. Аммо шу билан бирга яширин лоббистик хизматлар борки, улар индивидуал ва корпоратив манфаатларни ҳимоя қилгани ҳолда бошқалар манфаатига зид ишларни амалга оширилишини билдиради. Шундай бўлганда ғайриқонуний лоббизм пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, яширин иқтисодиётнинг кўламини қисқартиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- яширин иқтисодиётни ривожлантиришга сабаб бўлаётган барча омилларни комплекс ўрганиш;
- яширин иқтисодиётнинг олдини олиш учун маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида яширин иқтисодиётга қарши кураш миллий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- яширин иқтисодиётни пасайтиришга хизмат қиладиган янги қонунлар ишлаб чиқиш ва мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- яширин хўжалик юритувчилар капиталларига амнистияни қўллаш;
- бизнес учун қулай ҳуқуқий ва хўжалик муҳити, биринчи навбатда, солиқ режимини яратиш ва қўллабқувватлаш;
- иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция киритиш учун қаратилган пул маблағларининг легаллаштирилишини тасдиқловчи юридик институтлар механизминини ишга тушириш.
- электрон ҳукумат, тижорат, хизмат, тўлов ва шу кабиларни тезкор жорий этиш ва ривожлантириш учун шартшароитларни яратиш, уларнинг амалиётга татбиқ этилишини кенгайтириш.

Хусан ХАСАНОВ
мустақил изланувчи,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
ИТБ Ўзбекистондаги вакили
Олимбой ДАВЛАТЯРОВ
суғурта ходими, "ИДОРА" МЧЖ

ФОИЗ СТАВКАСИ ВА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИНГ ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИҲАТИДАН ТАҲЛИЛИ

Фоиз ставкаси ва инфляция анъанавий иқтисодиётда жуда ҳам долзарб бўлган иқтисодий тушунчалардир. Уларнинг пайдо бўлиши ҳам жаҳон ҳўжалиги иқтисодиётининг илк ривожланиш босқичига бориб тақалади. Ҳозирга келиб иқтисодиёт назарияси ва халқаро иқтисодий муносабатларни шу иккала элементсиз тасаввур қилиб бўлмайдигандек туюлади гўё. Лекин аслида фоиз ва инфляция қандай яратилади? Уларнинг бир-бирига бўлган ўзаро алоқаси борми? Нега бу кўрсаткичлар турли давлатларда ҳар хил кўринишда?

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ миллий иқтисодиётни тубдан ислох қилиш ва янгича инновацион ғоялар билан ёндашиш учун инфляция ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқликни исломий молия нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш жоиз деб билдик. Чунки инфляциянинг юқори даражаси нафақат нархлар ошиши орқали аҳолининг яшаш шароитини қийинлаштиради, балки хорижий инвесторларнинг ҳам олиб кираётган капиталлари маълум вақтдан кейин инфляция сабабли самарасиз фойда келтиргани эвазига инвестиция қилиш фикрларидан қайтариши мумкин. Иқтисодий барқарорлик таъминлаб берилмас экан ҳар қандай бизнесмен хавф-хатар юқори бўлган таваккалга қўл урмайди.

Шунинг учун ҳам ушбу мақоламизнинг **мақсади** инфляция ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқликни исломий молиялаштириш нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш асосида иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қиладиган хулоса ва таклифлар шакллантиришдан иборатдир.

Ушбу мақолани ёзишдан олдин соҳага тегишли бўлган энг долзарб мақолалар билан, хусусан, "Journal of Financial Economics" журналининг 39- ва 115-сонларида чоп этилган мос равишда Mays Бизнес Мактабининг намоёндалари Ali Anari ва James Kolari лардан "Dynamics of interest and inflation rates", Лондон Бизнес Мактабидан Howard Kung нинг "Macroeconomic linkages between monetary policy and the term structure of interest rates" номли мақолалари билан танишиб чиқдик. Ушбу мақолаларда фоиз ставкаси ва инфляция даражалари ўртасидаги боғлиқликлар асосан бир-бирини бошқариш ёки таъсир ўтказиш тарафидан ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари шарқлик иқтисодчи олимлар: Ayub G., Rehman N.U., Iqbal M.,

Zaman Q. va Atif M. лар томонидан ҳам “Research Journal of Recent Sciences” илмий журналида “Relationship between Inflation and Interest Rate: Evidence from Pakistan” номли мақоласида фоиз ставкаси ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик эконометрика жиҳатидан Покистон мисолида ўрганиб чиқилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш. Абдуллаева, Т. Бобоқулов, Н. Жумаевларнинг илмий ишларида ва ўқув адабиётларида фоиз ставкаси ва инфляция даражалари ўртасидаги боғлиқликлар тўғрисида фикрлар билдирилган. Лекин, уларда фоиз ставкасининг ўзи инфляцияни яратувчиси эканлиги ҳақида таҳлилий ўрганиб чиқилмаган.

Улардан фарқли равишда биз мазкур мақолада фоиз ставкаси ва инфляция ўртасидаги тўғри пропорционал боғлиқликни ўргандик. Яъни фоиз ставкасининг ўзи инфляцияни яратувчиси эканлиги ҳақидаги фикрга асосландик.

Мақолани ёзишда асосан индукцион тадқиқот усулидан кенг фойдаланилган, яъни унга кўра алоҳида давлатлардаги мавжуд расмий маълумотлардан фойдаланган ҳолда умумий фикрга келинади. Шу билан бирга соҳада қатнашадиган ҳар битта элементга кераклича таъриф бериб тушунтирилиб ўтилади.

Биз мақоламизда аввало фоиз ставкасининг иқтисодий моҳиятини кўриб чиқишга қарор қилдик. Маълумки иқтисодиётда ҳар битта ишлаб чиқарилган товар ўз қийматига яъни бошқача қилиб айтганда белгиланган нархига эга. Бу нарх унинг учун сарфланган хомашё, қайта ишлаш учун жалб қилинган меҳнат ва капитал харажатлари ва ниҳоят қўшилган фойда билан шаклланади. Албатта бу харажатлар нархлари ҳам ўз-ўзидан келиб чиқмаган, улар ҳам бозордаги талаб ва таклиф асосида қиймат ҳосил қилишган.

Демак, товарнинг нархи унинг шу давргача босиб ўтган ишлаб чиқарилиш йўлидаги харажатлар ва фойда қийматига асосланади. Бундан келиб чиқиб пулни ҳам товар сифатида қараш мумкинми деган савол туғилади. Унга ҳам нарх белгиласа бўладими, ахир у ҳам ишлаб чиқарилган товарку?!

Пул — бу товарлар олди-сотдисини амалга оширишда зарур бўладиган айир-бошлаш воситасидир. Яъни пулнинг ўзи товарлар савдосида қатнашаётган пайтда товар деб қаралиши ўринсиздир. Чунки бундай ҳолатда савдо худди олдинги ижтимоий даврдаги бартернинг ўзи яъни товарни товарга айирбошлаш бўлиб қолади. Бунда товарнинг барча характерлари пулга ҳам ўтади ва натижада, пулнинг ўрнига бошқа восита зарурати юзага келган бўларди. Баъзи иқтисодчи олимлар пул ҳам товар, унинг нархи фоиз ставкасидир деган фикрдалар.

Агар пул оддий товар ва унинг нархи фоиз ставкаси бўлса, уни сотиб олиш жараёнида ўша фоиз ставкаси тўланганидан кейин пулнинг қайтариб берилишини қандай изоҳлаш мумкин?! Яъни товарга хос бўлган хусусиятлардан бири шуки, нархи тўланганидан кейин товарга эгалик ҳуқуқи уни сотиб олган шахсга тўлиқ ўтиши керак.


Агар *пулнинг нархи = ўша пул қиймати + фоиз ставкаси* дейдиган бўлсақ, маълумки, ҳеч бир товарнинг нархи шу давр учун ўзининг қийматидан ошиқ бўла олмайди. Шундан келиб чиқиб, пулни товар дея таърифлаш нотўғри экани маълум бўлади.

Бугунги кунга келиб деярли барча мамлакатларда пул-кредит сиёсатини юритиш масъулиятини олган миллий марказий банклар давомий қайта молиялаштириш ставкасини киритишади. Айрим иқтисодчиларнинг таъкидлашича, қайта молиялаштириш ставкаси капитал оқимини бошқарувчи бирдан бир ягона омил.

Лекин, аслида бундай эмас, чунки агар фоиздан ҳоли — фоизга асосланмаган молиялашни ўзида жорий этган жамиятларнинг (яъни исломий банклар фаолият юритаётган мамлакатлар ёки ўзида исломий дарчалар фаолиятини тобора кенгайтириб бораётган ривожланган миллатлар) иқтисодиётига қарайдиган бўлсак, капитал оқими чиқиб кетиши ўрнига йилдан йилга янада кўпроқ кириб келаётганининг гувоҳи бўламиз. Буни исломий активларнинг кўпайиши динамикасида ҳам кузатиш мумкин. Демак, капитал оқими фоиз сатвкаси билан эмас, балки қўйилаётган капиталнинг қайтими яъни қанчалик самара олиб келишига боғлиқ. Фоиз ставкаси эса амалдаги пул массасининг бесабаб яъни пулга талаб ошмасидан туриб кўпайишига олиб келади.

Энди фоиз ставкасининг бевосита инфляцияга таъсирини кўриб чиқайлик. Бунинг учун бир неча давлатдаги (АҚШ, Ўзбекистон ва Қозоғистон) фоиз ставкаси ва инфляция даражаларини солиштириб кўрамиз. Масалан, 2018-йил январ ойида АҚШ учун фоиз ставкаси 1,5% ни ташкил этган бўлса, худди шу давр учун инфляция даражаси 1,8% га тенг.

Ушбу 2 та макроиқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддатдаги қийматларини солиштирадиган бўлсак, инфляциянинг ўзгариши ҳар доим Федерал Резервнинг қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгаришига бевосита боғлиқлигини қуйидаги график орқали кўришимиз мумкин (1-расм).



Манба: БЛС, ФРЕД

<https://www.investopedia.com/ask/answers/12/inflation-interest-rate-relationship.asp>


1-расм. 1998–2018 — йилларда Федерал Резерв қайта молиялаштириш ставкаси ва инфляция даражаси кўрсаткичларининг таққослама графиги

Мамлакатимизнинг тўқимачилик саноати рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида юртбошимиз томонидан кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда, хорижий мамлакатлар тажрибаларидан оқилона фойдаланган ҳолда кластер тизими тадбиқ этилмоқда, тармоқ ривожини таъминлаш мақсадида йўл хариталари ишлаб чиқилиб босқичма-босқич ижроси таъминланмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони имзоланган. Фармонда тўқимачилик саноатининг иқтисодийётдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг, энг аввало, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажми ва сифатини ошириш, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шакллари жорий этган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш каби амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланган.¹ Белгиланган устувор вазифалардан қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

Жаҳон бозоридаги кучли рақобат муҳитида корхоналарнинг олдида турган асосий вазифа рақобатбардошликни таъминлаш, бозордан сиқиб чиқарилиш хавфининг турли стратегик йўллар билан олдини олиш, самарали рақобат стратегиясини қўллаш орқали рақобатбардошликка эришиш ҳисобланади.

Рақобат стратегияси корхоналарни бозорга кириб бориш йўли, истеъмолчиларни жалб этиш тактикаси, маҳсулотга бўлган талабни доимий ривожлантириш учун олиб борадиган курашдан иборат. Бозордаги рақобат баъзи корхоналарнинг ривожланишига таъсир этса, бошқаларига салбий таъсир кўрсатиб, инқироз ҳолатига олиб келиши мумкин. Бундай курашда фақат энг самарали стратегияни қўллаган корхона ғалаба қозонади.

Бозордаги рақобатчилар нечта бўлса, рақобатчилик стратегиясининг вариантлари ва кўринишлари шунча бўлади. Бироқ, тури қанчалик кўп бўлмасин, уларнинг ўхшашликлари топилади. Ёндашишнинг кенг тарқалган 5 варианты мавжуд бўлиб, улар қуйида келтирилган:

1. Харажатлар бўйича илғорлик стратегияси. Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда тўла харажатларни пасайтиришни кўзда тутати. Бу эса кўп сонли харидорни жалб қилади.
2. Кенг табақалаштириш стратегияси. Компания товарларга рақобатчи фирмалар товарларидан фарқ қилдирадиган чизгиларни беришга қаратилган. Бу ҳам харидорларни жалб этишга ёрдам беради.
3. Оптимал харажатлар стратегияси. Харидорларга паст харажатлар ва маҳсулотни кенг табақалаштиришни уйғунлаштириш ҳисобига қимматли товар олиш имкониятини беради. Асосий ўхшаш товарни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан оптимал харажатлар ва паст баҳоларни таъминлашдан иборат.
4. Фокусланган стратегия, бунда стратегия паст харажатларга асосланган бўлиб, харидорларнинг тор сегментига йўналтирилади. Бунда фирма анча паст баҳолар ҳисобига ўз рақобатчиларидан ўтиб кетади.
5. Ифодаланган стратегия ёки маҳсулотни табақалаштиришга асосланган бозор уяси стратегияси. Унинг мақсади танланган сегментлар намояндаларини уларнинг дид ва талабларига жавоб берадиган товар ва хизматлар билан таъминлашдир.²

Жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорида Ўзбекистоннинг бозор улушини оширишда оптимал харажатлар стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тўқимачилик корхоналарига оптимал харажатлар стратегиясини қўлланилиши маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришда минимал талабга риоя этган ҳолда маҳсулот сифат даражасини пасайтирмасликка олиб келади.

Тўқимачилик саноатида оптимал харажатлар стратегиясидан фойдаланишда “Соф миллий маҳсулот” ишлаб чиқаришни энг асосий миссия этиб белгилаш зарур.


² Юлдашев Н., Собиржонова Д., Тўлаганова Ш. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. — Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008, 58–59 б.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кўплаб корхоналар хорижий мамлакатлар технологияси, хом-ашёси асосида маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Хом-ашёдан кўшимча қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларни Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарида ташкил этиш орқали соф миллий маҳсулот улушини ошириш мумкин. Соф миллий маҳсулот ишлаб чиқариш маҳсулот таннархидаги энг катта харажатларнинг пасайишига хизмат қилади. Бу эса оптимал харажатлар стратегиясидан фойдаланиш имконини беради, натижада Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари жаҳонда ўз ўрнига эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи машҳур корхоналар қаторига киради.

Оптимал харажатлар стратегияси маҳсулот нархи ва сифати ўртасидаги критик нуқтани аниқлашни талаб этади. Критик нуқтани сифатнинг мақбул даражаси кўрсаткичи асосида аниқлаш мумкин. Сифатнинг мақбул даражаси — бу сифат, харажатлар нарх, таннарх ва фойда ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи маҳсулот сифати кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Сифатнинг мақбул даражасини аниқлашда ишлаб чиқариш ва сифатни ошириш билан боғлиқ омиллар таҳлили муҳим ўрин тутди.

Сифат даражаси ошиб борганда маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинаётган харажатлар бошида секин ошади (1-эгри чизик), чунки ишлаб чиқариш берилган талабларни осонлик билан бажаради. Кейинчалик, сифат даражаси ўсиши билан харажатлар кескин ошиб кетади. Охири шундай чегарага етиб борадики, харажатлар чексизликка интилади. Бу ҳолда на жиҳозлар, на ишчилар сифатни ошира оладилар.

Шу билан бир вақтда сифат даражаси ошганда маҳсулотдан фойдаланиш пайтидаги харажатлар камаяди (2-эгри чизик). Бошида улар кескин, кейинчалик аста-секин камайиб боради. Бу ерда ҳам сифат даражаси ошиши билан маҳсулотдан фойдаланиш пайтида харажатлар камайишига олиб келмайдиган чегарага етиб



1-расм. Сифат ва харажат ўртасидаги боғлиқлик

келамиз. Йиғинди харажатларга келганда (3-эгри чизиқ), улар сифат даражаси ошиши билан бошида камайиб боради ва сифат мақбул даражасида бўлганда, минимал бўлади. Ундан кейин, сифат даражаси мақбулдан юқорилаганда йиғинди харажатлар ошади. Охирида улар чексизликка интилади¹.

Айрим ҳолларда, корхоналар маҳсулот таннархини камайтиришга интилиб, маҳсулот сифатини пасайтириб юборишади. Бу ҳолда фойдаланиш пайтида истеъмолчининг харажатлари ошиб кетади. Шунинг учун ишлаб чиқарувчини сифатли маҳсулот чиқаришга қизиқтириш мақсадида чиқарилаётган маҳсулотдан фойдаланиш харажатларини унга юклар қўйиш керак. Шундай қилиб, маҳсулот сифатини мақбул даражасига эришиш биринчи даражали муҳим масаладир. Бу сифатни бошқариш тизимининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифлар тавсия этилади:

- жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорига кириб бориш, ўз ўрни ва позициясига эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон самарали рақобат стратегиясини танлаши зарур;
- Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарида маҳсулот таннархидаги асосий харажатлардан хом-ашёнинг мамлакатимизда етиштирилишини ҳамда истеъмолчилар томонидан талаб этилаётган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш заруриятини эътиборга олган ҳолда, оптимал харажатлар стратегиясидан фойдаланиш тавсия этилади;
- маҳсулот нархи ва сифати ўртасидаги критик нуқтани аниқлашга хизмат қилувчи “Сифатнинг мақбул даражаси” кўрсаткичи асосида оптимал харажатлар стратегиясининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹ Камбаров Ж., Турдалиева М. Корхоналарда мақбул сифат даражасини аниқлаш масалалари. Иқтисод ва молия. 2015, № 3. 27 б.

Шахноза ҚАМБАРОВА

таянч докторант,

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази”*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ

Рақобат — ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш масалаларига ёндашишда, авваламбор турли хўжалик тизимларида «рақобатбардошлик» тушунчасининг турли мезонлар билан тавсифланишини инобатга олиш керак. Жумладан, рақобатбардошлик масалалари бўйича тадқиқот олиб борган М. Портер «рақобатбардошликни мамлакат миқёсида қўллаш тушунар-сиздир», деган фикрни олға суради.¹ У мамлакат рақобатбардошлигини ресурслар самарадорлиги билан таққослашга ҳаракат қилади. Муаммога бу нуқтаи назардан қараш рақобатбардошлик ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига сабаб бўлади.

Шу билан биргаликда рақобатбардошлик масаласига иқтисодчилардан С. Глазьев, М. Гельвановский, И. Трофимова, Р. Фатхутдинов ва Н. Чертоқлар катта эътибор қаратишган. Масалан, Р. А. Фатхутдинов рақобатбардошлик — бу «...объектларнинг мазкур бозорда намоён бўлувчи энг яхши ўхшаш объектларга нисбатан муайян эҳтиёжни қондириш даражасини тавсифловчи хоссасидир» деб таъкидлайди.²

Рақобатбардошлик муаммолари таҳлилининг анъанавий йўналишлари бўлиб ҳисоб-китоблар ҳамда микрорақобатбардошликни тадқиқ қилиш ҳисобланади. Микрорақобатбардошлик деганда алоҳида олинган корхона, фирма ёки хизмат кўрсатиш соҳалари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизмат турларининг нархи ва сифати ўртасидаги нисбат тушунилади. Бу рақобатбардошликни баҳоловчи энг содда ва аниқ усул бўлиб, у истеъмолчилар учун маҳсулотнинг қайси тури афзаллиги ҳақидаги саволга жавоб беришга имкон яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саноат корхоналарида инновацион фаолликни ошириш ҳисобланади. Ривожланган, бозор иқтисодиётини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновациялар бозор иқтисодиётида фаол ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш вазибаларини бажариб, кучли ишлаб чиқариш салоҳиятини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Портер М. Международная конкуренция: пер. с англ./ Под ред. и с предисловием Щетинина В. Д. — М.: Международные отношения, 2001, с. 54.

² Фатхутдинов Р. А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. — М.: ИНФРА-М, 2000, с. 144.

Саноат корхоналари рақобатбардошлиги янги технологиялар, товар ва хизматларни жорий этиш йўли билан шаклланиб боради. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида инновацияларни самарали жорий этишга йўналтирилган миллий илмий-техник сиёсат олиб бориш зарур бўлади. Бунинг учун қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши лозим бўлади:

- саноат корхоналарида самарали бошқарув тизимини яратиш (тадбиркорлар томонидан бошқарув илмини чуқур эгаллаш улар орасида иш фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғотади, уларнинг изланувчанлик қобилиятини оширади ва ўз меҳнатидан манфаатдорлигини таъминлайди). Тажрибалар шуни кўрсатадики, бошқарув сирларини яхши эгаллаш ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этишдан ҳам юқори самара бериши мумкин;

- бюджет томонидан илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ажратилган харажатлар ҳиссасининг оширилиши (бу қўшимча маблағлар ишлаб чиқаришга фан — техника ютуқларини кенг жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш, унинг самарадорлигини ошириш ва шу асосда жамият эҳтиёжларини тўлақонли таъминлаш учун қўшимча дастак бўлиб ҳисобланади);

- саноат корхоналарида инновацион ишланмалар учун ажратмаларни давлат солиғидан озод қилиш, хориждан олиб кириладиган янги техника-технологиялар учун давлат божини олиб ташлаш.

Юқоридагилардан ташқари саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи, инновация билан шуғулланувчи бирлашмалар фаолиятини такомиллаштириш лозим. Чет элда фаолият юритувчи саноат корхоналарининг 50 фоизидан ортиғи ўз инновацион фаолиятини такомиллаштириш учун инновация фаолияти билан шуғулланувчи махсус инновация институтларига, консалтинг хизматларига мурожаат қилади.

Саноат корхоналарида инновацион жозибадорликни ошириш, янги техника ва технология билан таъминланиш ҳамда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этишда давлатнинг роли сезиларли бўлиши лозим. Бунинг учун давлат томонидан қуйидаги дастаклар, вазифаларнинг белгиланиши лозим:

- саноат корхоналари томонидан тақдим этиладиган инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда соддалаштирилган механизмларни ишлаб чиқиш;

- саноат мажмуи моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий технологияларни ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

- инновацион лойиҳаларни ҳамда илмий — техник янгиликларни чет эл инвестициялари ҳисобига молиялаштиришда давлат кафолатини бериш;

- рақобат муҳитини шакллантиришда янги товарларни ишлаб чиқариш учун янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиққан корхоналарга нисбатан тегишли солиқ имтиёзларини белгилаш.

Сўнгги йилларда инновацион фаолият кўрсаткичлари бирмунча ривожланганлигига қарамай кўзланган натижаларга эришилмаяпти. Бунинг асосий

сабаби республикамизда илмий — техник товарлар бозори тўла шаклланмаганлиги, инновацион тадбиркорлик бўйича норматив ҳужжатларнинг етарли эмаслиги, корхоналарни бошқаришнинг ва бизнесни режалаштиришнинг талаб даражасида эмаслигидир.

Республикамизда 2017 йилда жами 933 та корхона ва ташкилотларда инновациялар жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 893 нафари (жами ташкилотларнинг 96%) ўзларининг фаолиятига технологик инновацияларни, қолган 40 нафари эса маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилишган.

2017 йил давомида Ўзбекистон Республикасида тўққиз юздан ортиқ ташкилотлар томонидан 2 мингга яқин инновациялар жорий қилинган. Бунда, жорий қилинган инновацияларнинг аксарияти, яъни 1816 таси корхоналар фаолиятига янги, самарали технологияларни жалб қилиш орқали модернизация қилишга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса республикамизда инновацияларни тадбиқ этиш асосан хориждан машина ва ускуналарни импорт қилиш ҳисобига амалга оширилаётганлигини англатади.¹

Мамлакат ички бозорини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш учун мавжуд хўжалик юритувчи субъектларнинг инновация фаолияти билан тўлиқ ва эркин фаолият олиб боришларида давлат томонидан етарлича муҳит яратиш бериш керак бўлади, жумладан:

- саноатда инновацион фаолликни ошириш учун ишлаб чиқилаётган республика ва ҳудудий доирадаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва самарали молиялаштириш;
- давлат томонидан муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда ушбу фаолиятдан олинган даромадларга имтиёзли солиқ белгилаш;
- ишлаб чиқариш фаолиятида инновация жараёнларини амалга оширувчи малакали кадрларни тайёрлаш ва доимий малака ошириш курсларини жорий этиш;
- саноат корхоналарини инновация фаолиятига доир янгиликлар, ахборотлар билан таъминлаш, янги жорий этилган инновацион ишланмалар, тугалланган илмий — тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш;
- корхоналарда инновация фаолиятини тўлақонли амалга ошириш учун давлат томонидан молиявий ёрдамлар кўрсатиш.

Ҳозирги даврда давлат томонидан амалга оширилаётган илмий-техник сиёсатнинг бош мақсади ўз ҳудудида товар ва хизматларга бўлган истеъмол талабини тезроқ ва тўлароқ қондириш, хорижий давлатлардан олиб кириладиган импорт маҳсулотларига рақобатлаша оладиган маҳаллий товарлар ишлаб чиқариш учун саноат ва иқтисодиётнинг зарур тармоқларида техник-технологик жиҳатдан қайта қуриш ва илмий-техник янгиликларни яратиш ҳамда жорий этишга қўмаклашувчи тизимни яратишдан иборат.

¹ <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3581>(мыпожаат санаси 25.08.2019)

Инновация соҳасида чет эл тажрибасига эътибор қаратсак, ривожланган давлатларда инновацион фаолият ҳар бир ишлаб чиқарувчи субъект иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асоси сифатида талқин этилишини кўришимиз мумкин. Хорижий давлатларда илмий-тадқиқот ва ташкилий-конструкторлик ишларига давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар ўзининг режали, ҳуқуқий кафолатланган ва дастурли тизимига эга. Масалан, АҚШда Small Business Technology Transfer — STTR (кичик саноат корхоналари учун давлатнинг илмий тадқиқот билан шуғулланувчи ташкилотларининг шартномавий фаолиятини қўллаб қувватлаш билан шуғулланади), Гонконгда The Innovation and Technology Support + Programme — ITSP (Ҳукуматнинг инновациялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш дастури бўлиб, бу дастурнинг бош мақсади — саноатда илмий-тадқиқот ва ташкилий-конструкторлик ишларини амалга оширишни рағбатлантиради), Сингапурда Technopreneur Investment Incentive Scheme — ТИ (технологик инвестицияларни қўллаб қувватлаш дастури бўлиб, бош мақсади — янги иш бошлаган саноат корхоналарига киритиладиган инвестициялардан кутиладиган зарарлардан сугурталаш). Корея Республикасида инновацияларни ишлаб чиқаришга жалб этишга кўмаклашувчи кредит жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма томонидан иқтисодиётнинг етакчи секторларида фаолият олиб бораётган корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Юқоридаги чет эл тажрибаларини умумлаштириб республикамиз саноат мажмуида инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

- кичик саноат корхоналарига янги технологиялар асосида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришлари учун зарурий молиявий ёрдамлар ҳажмини ошириш;
- инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали яратилган товар ва хизматларни ички бозорга ва экспортга йўналтиришда давлат томонидан моддий, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдамлар кўрсатиш;
- илмий-техник лойиҳаларнинг молиявий хатарини камайтириш, илм-фан моддий-техник базасини янгилаш ва илмий тадқиқотларнинг ахборот базасини ривожлантиришда давлат ролини ошириш;
- бир турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун давлат бир корхона билан эмас, бир неча корхоналар билан шартнома тузиши, барча ишлаб чиқарувчиларга шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун лицензиялар бериш, натижада бир турдаги маҳсулотнинг бир неча ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилиши ва бозорга олиб чиқилиши мазкур бозордаги рақобатни такомиллаштиришга хизмат қилади;
- қўшма лойиҳаларга ёшларни жалб этиш, уларни мазкур тадқиқотларга жалб этиш воситасида келажак учун малакали кадрларни етиштириш;
- давлат томонидан илмий-техник ғоялар ва ишланмаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилмани шакллантириш.

Нодирбек РАСУЛОВ

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институту таркибидаги “Ўқув маркази” бўлим
бошлиғи, и. ф. н., доцент.*

Икромбек РАХИМОВ

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институту таркибидаги “Ўқув маркази” бўлими
бош мутахассиси*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР МАЗМУНИ

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиши, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши, саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш олиб борилаётган изчил давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 январдаги ПФ-5621-сонли “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мисол бўла олади. Мазкур фармонда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва “хуфёна” иқтисодиётни қисқартириш Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Шу боис саноат корхоналарида инновацион фаолликка оид илмий изланишлар ҳозирга қадар кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилган бўлиб, уларнинг ёрқин намоёндаларидан Й. Шумпетернинг “Иқтисодий динамика назарияси”¹, Ф. Хайекнинг “Тарқоқ билимлар концепцияси”², Д. Нортнинг “Институционал назарияси”³ да ўрганилган бўлса, корхоналарда инновацион тизимларнинг таркиби, хусусиятлари, ички ва ташқи омиллари Е. В. Ерохина⁴, А. А. Гретченков⁵, В. Ф. Исламутдиновларнинг тадқиқотларидан ўрин эгаллаган⁶.

¹ Шумпетер Й. Теория экономического развития: исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры: пер. с нем. / Под ред. А. Г. Милейковского. — М.: «Прогресс», 1982. — С. 455

² Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. — М.: «Социум», 2011. — С. 205.

³ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. / Пер. с англ. А. Н. Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б. З. Мильнера. / Фонд экономической книги «Начала». — М., 1997. — С. 180.

⁴ Ерохина Е. В. Формирование и развитие региональных инновационных подсистем. / Автореф. дис.... д-ра экон. наук. — М., 2014. — С. 51.

⁵ Гретченко А. А. Развитие методологии и совершенствование механизмов формирования национальной инновационной системы России. / Дис. ... д-ра экон. наук. — М., 2014. — С. 351.

⁶ Исламутдинов В. Ф. Сущность и классификация институтов институциональной среды инновационной деятельности. // Journal of Institutional Studies (Журнал институциональных исследований). 2014, т. 6, № 2. — С. 79–91.

М. Н. Попов инновацион муҳитни ҳудудлардаги инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилишининг комплекс баҳоловчи кўрсаткичлар тизими сифатида кўриб, мамлакатнинг инновацион фаоллиги иқтисодий муҳитида ҳудудлардаги омиллардан унумли фойдаланишнинг шarti ва шароити деб ҳисоблайди⁷. А. Уткин эса бозор шароитида корхоналарнинг муваффақиятли фаолияти учун инновациялар муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, инновацияларни корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий заҳиралардан бири сифатида тавсифлаган⁸.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён маҳаллий олимларимиз томонидан инновацион фаолият билан боғлиқ 30 га яқин номзодлик ва докторлик диссертация ишлари ҳимоя қилинди. Мазкур диссертация ишларининг тадқиқот объектлари ва йўналишлари таҳлил этилганда саноат корхоналаридаги инновацион фаоллик ва уни баҳолаш йўналишларидаги ишлар Б. Абдуллаев, Т. Тошпулатов, Г. Хасанова, Г. Хатамова, Ш. Отажонов, Г. Шахназароваларнинг тадқиқотларида кўришимиз мумкин.

Жумладан, Г. Ж. Хасанованинг фикрича, “Инновацион фаолияти” — бу фаолият тури ҳам, соҳаси ҳам бўлмай, балки инновациянинг тавсифидир. Инновация соҳаси мавжуд бўлмайди, чунки ҳар қандай фаолият ва ҳар қандай соҳа, агар унга юқори талаб мавжудлиги билан ажралиб турувчи натижага (масалан, ижтимоий, бозор, мудофаа каби) эришиши учун янгиликлар (масалан, билимлар, технологиялар, қўлланмалар, ёндашувлар кабилар) жорий этилса, инновация бўлиши мумкин”⁹. Г. Хасанова томонидан келтириб ўтилган юқоридаги тасниф билан бирга инновацияларни яна маҳсулли ва технологик, қўллаш соҳалари ва фан-техника тараққиёти босқичлари мезонлари асосида фарқлантириладиган техник, технологик, ташкилий-бошқарув, маълумот берувчи ва ижтимоий инновация сингари турлари ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтади.

Г. Б. Шахназарова томонидан “Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш” номли диссертация ишида иқтисодиётни либераллаштириш шароитида инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш ҳамда саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва бошқариш омиллари ўрганилган. Г. Б. Шахназарова тадқиқот юзасидан “Саноат корхоналари инновацион салоҳиятини таркибий баҳолаш, инновацион салоҳиятнинг иқтисодий моҳиятига асосланган бўлиб, унга таъсир қилувчи омиллар ва унинг таркибий қисмларини ҳисобга олиш имконини беради” — деган таклифни илгари сурган¹⁰.

⁷ Попов М. Н. Анализ и оценка социально-экономической среды реализации региональных инвестиционных проектов: автореф. / Дис. ... канд. экон. наук. — Ставрополь, 2012. — С. 19.

⁸ Основы инновационного менеджмента: Теория и практика: Учебное пособие/ Под руководством П. Н. Завлина, А. Н. Казанцева, Л. Э. Миндели. — М.: Экономика, 2000.

⁹ Г. Хасанова. Саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш. и. ф. н.... дис. автореф. — Т.: Ўз. БМА. БухДУ, 2006. 24 б.

¹⁰ Г. Б. Шахназарова. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш. и. ф. н.... дис. автореф. — Т.: ТДИУ, 2018. 26 б.

Инновацион салоҳиятни баҳолаш кўрсаткичлари¹

№		Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар ва уларнинг мазмуни
	Ходимлар салоҳияти K1	S_{OX} — олий маълумотли ходимларнинг салмоғи	$S_{OX} = \frac{X_{OM}}{X_{BX}} \times 100\%$	X_{OM} — Олий маълумотли ходимлар сони; X_{BX} — барча ходимлар сони
		K_{BS} — корхона бошқарувида банд ходимлар салмоғи	$K_{BS} = \frac{B_{XS}}{X_{BX}} \times 100\%$	X_{OM} — Бошқарувдаги ходимлар сони; X_{BX} — барча ходимлар сони
		I_{SI} — инновацион салоҳият индекси	$I_{SI} = \frac{I_{BX}}{X_{BX}} \times 100\%$	I_{BX} — ИТТКИда банд ходимлар сони; X_{BX} — барча ходимлар сони
		Q_K — кўнимсизлик коэффициенти	$Q_K = \frac{S_{IB}}{X_{BX}} \times 100\%$	S_{IB} — ишдан бўшаганлар сони; X_{BX} — барча ходимлар сони
		M_U — меҳнат унумдорлиги коэффициенти	$M_U = \frac{M_Q}{X_{BX}} \times 100\%$	M_Q — Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми; X_{BX} — барча ходимлар сони
	Иқтисодий кўрсаткичлар K2	F_{AA} — асосий ва айланма фондларнинг ўзгариши	$F_{AA} = \frac{A_1 - A_0}{A_0} \times 100\%$	A_0, A_1 — корхона фондларининг йил боши ва йил охиридаги қиймати (млн.сўм)
		R_{UM} — ўз маблағлари рентабеллиги	$R_{UM} = \frac{F_c}{Q_{UM}}$	Q_{UM} — ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати
		E_U — маҳсулот салмоғида экспорт улуши коэффициенти	$E_U = \frac{E_Q}{M_Q}$	E_Q — экспорт қилинган маҳсулот қиймати; M_Q — ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми
		M_{ST} — маҳсулотни сотишдан келган тушумнинг ўзгариши	$M_{ST} = \frac{T_1 - T_0}{T_1} \times 100\%$	T_0, T_1 — йил боши ва йил охирига маҳсулотни сотишдан келган тушум (млн.сўм)
		F_{SF} — соф фойданинг ўзгариши	$F_{SF} = \frac{F_1 - F_0}{F_0} \times 100\%$	F_0, F_1 — корхонанинг йил боши ва йил охиридаги фойдаси, (млн.сўм)

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

	Технология даражаси K3	F_{FD} — асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш даражаси	$F_{FD} = \frac{F_{XY}}{F_{OY}} \times 100\%$	F_{XY} — ҳисобот йилида асосий ишлаб чиқариш фондлари учун сарфланган инвестициялар; F_{OY} — олдинги йилда асосий ишлаб чиқариш фондлари учун сарфланган инвестициялар
		A_{5D} — 5 йилгача бўлган асосий воситаларнинг эскириш даражаси	$A_{5D} = \frac{A_{5S}}{A_{JS}} \times 100\%$	A_{5S} — 5 йилгача бўлган асосий воситалар сони; A_{JS} — жами асосий воситалар сони
		A_{10D} — 10 йилгача бўлган асосий воситаларнинг эскириш даражаси	$A_{10D} = \frac{A_{10S}}{A_{JS}} \times 100\%$	A_{10S} — 10 йилгача бўлган асосий воситалар сони;
		M_A — маҳсулот ассортиментини кенгайтиш коэффициенти	$M_A = \frac{A_1}{A_0}$	A_0 — ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига қадар мавжуд бўлган маҳсулот ассортименти; A_1 — ишлаб чиқаришни модернизациялашдан кейинги маҳсулот ассортименти.
		RSM — сотилган маҳсулотлар рентабеллиги	$R_{SM} = \frac{F_c}{T_{SM}}$	F_c — соф фойда, T_{SM} — маҳсулотни сотишдан кейинги тушум
	Инновацион фаоллиги K4	K_{NA} — номоддий активларнинг ўзгариши	$K_{NA} = \frac{A_1 - A_0}{A_0} \times 100\%$	A_0, A_1 — корхонанинг номоддий активларини йил боши ва йил охиридаги қиймати, (млн.сўм)
		M_{IS} — илмий сиғими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришга харажатлар	$M_{IS} = \frac{X_{is}}{X_{jx}} \times 100\%$	X_{is} — янги маҳсулот ва тадқиқотлар учун харажатлар; X_{jx} — жами маҳсулотларга харажатлар)*100
		U_{TM} — юқори технологик маҳсулотларнинг улуши	$U_{TM} = \frac{S_{TM}}{X_{MS}} \times 100\%$	S_{TM} — ишлаб чиқарилган юқори технологик маҳсулотлар суммаси; X_{MS} — жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар суммаси
		M_{IT} — маҳсулотлар таннархи таркибида ИТТКИга сарфланган харажатлар	$M_{IT} = \frac{X_{IT}}{T_M} \times 100\%$	X_{IT} — ИТТКИ учун сарфланган харажатлар; T_M — маҳсулотлар таннархи
		I_{FD} — инновацион фаоллик даражаси	$I_{FD} = \frac{Q_{UT}}{X_{IT}} \times 100\%$	Q_{UT} — юқори технологик маҳсулотлар қиймати; X_{IT} — ИТТКИ учун сарфланган харажатлар

Ташкилий бошқарув ҳолати К5	R_{10D} — акциялар рентабеллиги	$R_A = \frac{F_c}{A_S}$	A_S — муомаладаги акциялар сони
	R_{NJ} — низом жамғармаси рентабеллиги	$R_{NJ} = \frac{F_c}{Q_{NJ}}$	Q_{NJ} — низом жамғармасининг қиймати
	U_{1M} — ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган маҳсулотлар улуши	$U_{1M} = \frac{Q_{1M}}{X_{MS}} \times 100\%$	Q_{1M} — ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган маҳсулотлар қиймати;
	U_{2M} — охириги икки йилда ўзлаштирилган маҳсулотлар улуши	$U_{2M} = \frac{Q_{2M}}{X_{MS}} \times 100\%$	Q_{2M} — охириги икки йилда ўзлаштирилган маҳсулотлар қиймати
	U_{3M} — охириги уч йилда ўзлаштирилган маҳсулотлар улуши	$U_{3M} = \frac{Q_{3M}}{X_{MS}} \times 100\%$	Q_{3M} — охириги уч йилда ўзлаштирилган маҳсулотлар қиймати

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ривожланган хориж мамлакатларида корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Биз томондан таклиф этилаётган усулда инновацион салоҳиятни баҳолаш кўрсаткичи R_j 0 дан 4 оралиғида бўлиши И. Ансофф томонидан илгари сурилган¹.

Ушбу услубиётдаги инновацион салоҳият кўрсаткичларини аниқлашда мезонларга асосланиб, a_j матричасини тузиб оламиз. Бунинг учун 1-жадвалдаги 25 та кўрсаткич R_j корхона учун ҳисоблаб чиқилади.

Инновацион салоҳият даражасини баҳолаш мезонларига асосланган ҳолда ихтиёрий тармоқдаги корхоналарнинг камида 5 ва ундан ортиқ йиллардаги кўрсаткичлари ҳисобланиб бир-бирига нисбатан таққосланади.

Келтирилган ҳисоблаш усулидан кўришимиз мумкинки, инновацион салоҳият кўрсаткичларини баҳолашда ходимлар салоҳияти, корхонанинг иқтисодий ҳолати, технологик даражаси, инновацион фаоллиги ҳамда ташкилий бошқарув ҳолатини тавсифловчи омилларни ҳар бирини ўрганиш ва таъсир даражасини аниқлаш ҳамда шу орқали корхонанинг инновацион салоҳиятини баҳолаш даражасини ошириш истиқболли инновацион стратегик режаларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, саноат корхоналарининг инновацион фаоллиги илмий-техник тараққиётни ривожланиши, иқтисодий ўсишнинг ягона манбаларидан бири ҳисобланади. Бу эса иқтисодиётни

¹ В.А. Дикарева. Теория и методология стратегического планирования и управления инновационным развитием промышленных предприятий. : автореф. / Дис. ... доктора. экон. наук. — Санкт-Петербург, 2009. — С. 28.

ривожлантиришнинг инновацион даражасини баҳолашда мавжуд инновацион салоҳият, инновацион инфратузилманинг ҳолати, инновацион фаолиятнинг минтақа иқтисодий ўсишига қўшаётган ҳиссаси каби кўрсаткичларда намоён бўлади. Умумий ҳолда инновацион салоҳият инновацион фаолият, илмий ходимлар ва илмий ташкилотлар сони, илмий текшириш институтлари фаолиятининг кўрсаткичлари, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари учун харажатлар ва ҳ. к. билан тавсифланади.

Адабиётлар

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития: исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры: пер. с нем. / Под ред. А.Г. Милейковского. — М.: «Прогресс», 1982. — С. 455.
2. Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. — М.: «Социум», 2011. — С. 205
3. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. / Пер. с англ. А.Н. Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З. Мильнера. / Фонд экономической книги «Начала». — М., 1997. — С. 180.
4. Ерохина Е. В. Формирование и развитие региональных инновационных подсистем. / Автореф. дис.... д-ра экон. наук. — М., 2014. — С. 51.
5. Гретченко А. А. Развитие методологии и совершенствование механизмов формирования национальной инновационной системы России. / Дис. ... д-ра экон. наук. — М., 2014. — С. 351.
6. Исламутдинов В. Ф. Сущность и классификация институтов институциональной среды инновационной деятельности. // Journal of Institutional Studies (Журнал институциональных исследований). 2014, т. 6, № 2. — С. 79–91.
7. Попов М. Н. Анализ и оценка социально-экономической среды реализации региональных инвестиционных проектов: автореф. / Дис. ... канд. экон. наук. — Ставрополь, 2012. — С. 19.
8. Основы инновационного менеджмента: Теория и практика: Учебное пособие/ Под руководством П.Н. Завлина, А.Н. Казанцева, Л.Э. Миндели. — М.: Экономика, 2000.

ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ВА ИННОВАЦИОН МУҲИТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ СОҲАСИ МИСОЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сон қарори тегишли йўналишларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар олдига қатор вазифаларни қўйди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон қарорига кўра қурилиш материаллари саноати йўналишида тегишли олий таълим муассасасига бакалавр ва магистрлар тайёрлаш учун ўқиш жойлар ажратилган².

Ҳар бир соҳада, жумладан, қурилиш материаллари саноатида ҳам шу соҳанинг фани, таълими ва ишлаб чиқариши (“ташқил этувчилари”) ҳамкорлиги, яъни интеграциялашувига эришиш, инновацион муҳитни шакллантириш, соҳа ривожини билан боғлиқ қонуниятларни мунтазам таҳлил қилиш ҳамда самарали фойдаланиш бугунги кун талабидир. Чунки, инновацион билимлар тўлиқ концентрациялашган интеграциялашув туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот ва амалиётнинг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгилинишларга асосланган тўқин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий юксалишни таъминловчи омилдир.

Россия Федерацияси мисолида ҳар бир соҳа ташқил этувчиларининг интеграциясини чуқурлаштириш, инновацион жараёнларни жадаллаштириш, илмий-тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш билан боғлиқ қуйидаги амалиётга назар ташлайлик. Ҳозирда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташқилоти (БИМТ) ва Роспатентнинг 2011 йилда имзоланган Меморандуми асосида очилган I, II ва III-даражали (фан, таълимнинг барча турлари, ахборот ресурс марказлари, ишлаб чиқариш корхоналаридаги) худудий ва соҳавий “Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари” (ТИҚҚМ) сони 170 тага етган. Ушбу ТИҚҚМларда ихтирочилар, рационализаторлар, бизнес-жамоалар, таълим ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сон қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сон қарори.

илм ёшларига махсус ахборотлар базалари, ахборот ресурслардан фойдаланишни ўргатиш, конференциялар, таълим семинарлари, тренинг ва давра суҳбатларини ўтказиш хизматларини кўрсатиш каби тўловсиз ва тўловли хизматлар кўрсатишнинг инфратузилмасини шакллантириб аҳоли қатламлари ва мутахассислар инновацион тафаккурининг юксалиши таъминланган³.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан эришилган ютуқларга таяниб, худди Россия Федерациясидаги каби ёндашувлар бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам амалга оширилмоқда. Тараққиётнинг бугунги босқичи ҳар бир соҳа ташкил этувчиларининг интеграциялашуви ҳамда ҳаётий босқичларда доимий узвий алоқадорликда бир-бирини тўлдириб юксалиши муқаррарлигини исботлади. Қолаверса, соҳа ютуқларининг тўлақонли мувофиқлаштирилиши ва таҳлили муаммоларнинг теран англинишига, уларнинг соҳа мутахассислари ҳамкорлигида ҳал этилишига, янги ишланмаларнинг пайдо бўлишига ва интеллектуал мулк кўринишида ҳимояланиб, амалиётда синалиб, инновациялар айланишига ҳамда ички ва ташқи ҳамкорликка, соҳалараро интеграциялашувга замин яратади. Республикамиз худудларида БИМТ ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил 6 октябрда имзоланган Меморандуми асосида “Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари” (ТИҚҚМ) сони 15 тадан ортди⁴.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги курилиш материаллари саноати мутахассислари билан ҳамкорликда мавжуд ҳолат ва соҳадаги ютуқ, камчиликларни атрофлича таҳлил қилиб, соҳа ташкил этувчиларининг интеграциялашуви асосида инновацион технологияларни ривожлантириш борасида барча соҳаларга тўғри келадиган ўз тақлифларини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “O‘ZSANOATQURILISHMATERIALLARI” уюшмасига киритди.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 ноябрдаги 49-сон ҳамда 16 декабрдаги 68-сон баёнлари топшириғи билан барча олий таълим муассасалари факультетлари, мутахассислик кафедраларига жорий этилган таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлигига доир меъёрий ҳужжатлар мажмуаси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ такомиллаштирилган модел (1-расм: 2018/2019 ўқув йили учун ажратилган квота — 555 та бакалавр, 92 та магистр, 17 олий таълим муассасаси, 6 та фан муассасаси) нинг ҳамкорликда барқарор ва самарали ишлаши ҳамда ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш:

– инновацион ҳамкорлик моҳияти, уни янада жадаллаштиришга доир вазифалар, кутилаётган натижалар бўйича ҳар бир соҳа ташкил этувчилари мутахассисларига семинар, тренинг ва давра суҳбатлари ўтказиш ҳамда ҳолатни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш;

³ Создание сети Центров поддержки технологий и инноваций в Российской Федерации / [Е. В. Королева и др.; под общей редакцией Е. В. Королевой, В. В. Максимовой]. — М.: ИНИЦ «ПАТЕНТ», 2013. — 80 с.

⁴ Ф. Х. Рахимов, А. Н. Файзуллаев, Ш. Ш. Эргашев, Б. Т. Сагдуллаев. Инновацияларга йўналтирилган жамоавий уйғунлашув. Т.: ТДИУ, “Инновация ва таълим”. 3/2018, 174–177 б.

- фан ва олий таълимда, вилоят, туманлар кесимида уларни истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш;

- соҳа инновацион ҳамкорлик кўрсаткичларини жамлаш ва таҳлил қилиш ва ташкил этувчилари кесимида IT-технологияларга асосланган назорат тизимини йўлга қўйиш;

- соҳа ташкил этувчилари фойдаланиши учун IT-технологиялар тизимида уйғунлашган ҳар йили янгиланувчи корхона ва ташкилотлар “Ягона маълумот банки” ва мос тарзда уларнинг “Муаммоларининг ахборот базаси”ни ҳамда “Намунавий мавзулар рўyxатини” шакллантириш;

- олий таълим муассасасида илмий-тадқиқотлар бажарилиши, натижадорлиги, тижоратлаштирилишини ва инновацион ҳамкорликни тугал мувофиқлаштирадиган (патентшунос лавозимини ҳам қамраб олган), жамоа штат бирлигига мутаносиб “Илмий бўлим” тузилмаси бўлишига эришиш;

- соҳа ва ихтисосликлар бўйича IT-технологиялар асосида илмий ва илмий-педагогик кадрлар базаси, уларнинг илмий даражаси ва унвони, фаоллиги ҳамда самарадорлиги таҳлили билан боғлиқ тизимни шакллантириш;

- олий таълим муассасаларида IT-технологиялар асосида соҳа ва ихтисосликлар бўйича ажратилган квотага кўра тайёрланган бакалавр, магистрларни ижтимоий ва иқтисодий секторларга тақсимооти, бўш иш ўринларининг қопланиши ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари таҳлилин ташкил этиш;

- соҳа ва ихтисосликларга мос олий таълим мутахассислари, илмий ва илмий-педагогик кадрларни ички ва ташқи интеграциялашув асосида мақсадли тайёрлаш борасида ташкил этувчиларининг ҳамкорликдаги ишларини тизимлаштириш;

- соҳа илмий-технологик муаммоларига йўналтирилган тўлақонли давлат илмий-техник дастурларини шакллантириш, уларга мавжуд илмий салоҳият ва ёшларнинг жалб этилиши кўламини кенгайтириш.

2. Соҳа академик фан ва олий таълими интеграциялашувини янада кучайтириш, ихтисосликлар бўйича инновацион жараёнларни жадаллаштириш мақсадида Ҳукуматнинг қатор Фармон, Фармойиш ва қарорларидаги вазифалар, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ва олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг юқори малакали мутахассислар тайёрлашда академик илм кадрлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ қўшма қарорига кўра киритилган академик фан муассасаларида “Ўқув-илмий марказ”, олий таълим муассасаларида “Ўқув-илмий комплекс”ларни шакллантиришни таъминлаш;

- мавжуд тажрибалар асосида фандаги “Ўқув-илмий марказ” ва олий таълимдаги “Ўқув-илмий комплекс” моҳияти, уларнинг вазифаси, ёндош соҳа ва ихтисосликлар фани, таълими ва ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи интеграциялашуви, академик фан ва олий таълим яқдиллигида инновацион муҳит, инновацион тафаккур яратиш ҳамда кутилаётган натижалар сингдирилган намунавий Низомларни шакллантириш;

– академик фан муассасасидаги “Ўқув-илмий марказ” ва олий таълимдаги “Ўқув-илмий комплекс” мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишини ҳар ярим йилда бир марта ўтказиш ва унда соҳалар истиқбол йўналишларига аниқлик киритиш, ҳамкорликдаги фундаментал, илмий-амалий изланишларни таҳлил қилиш тизимини жорий этиш;

– академик фан ва олий таълим муассасаларидаги олий таълимдан кейинги таълим институтлари, илмий Кенгаш ва илмий семинарлар фаолияти, улардаги илмий салоҳият ва унинг самарадорлиги таҳлилин аналга ошириш;

– Халқаро, Республика, олий таълим муассасаси миқёсидаги анжуманлар, семинар, тренинг, давра суҳбатлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар IT-технологияларга асосланган таҳлил тизимини йўлга қўйиш, соҳалар академик фан ва олий таълим мутахассисларининг яқдиллиги ва фаоллигини таъминлаш;

– таълим узвийлиги ва узлуксизлигини кўзда тутиб, соҳалар ва ихтисосликлар бўйича замонавий фан ва ишлаб чиқариш ютуқлари сингдирилган дарслик, ўқув қўлланма ва кўрсатмаларнинг тизимли тайёрланишини таъминлаш;

– мамлакатимиз фан ва олий таълим муассасалари муассислигидаги илмий журналларни жаҳондаги соҳа ва ихтисосликлар етакчи илмий нашрлари даражасига кўтариш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш;

– тегишли давлат ва хўжалик органларининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ечишга йўналтирилган уйғунлашуви асосида соҳа фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш;

– соҳа ва ихтисосликлар бўйича муаммо — илмий ғоя — интеллектуал мулк объекти — инновация каби кетма-кетликдан иборат инновацион муҳитни яратиш ва мавжуд муаммоларнинг шу соҳа академик фани, олий таълими ҳамда ишлаб чиқариш ҳамкорлигида ечилишини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4168-сон қарори¹ ва унда юклатилган вазифалардан маълумки ихтирочилик (патент) тизими иқтисодий ривожланишнинг қудратли қуролидир. Мамлакатимизда “Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари”ни очиш билан боғлиқ олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш, ушбу марказлардан соҳа ташкил этувчиларидаги мутахассислар, ёш олимларнинг самарали фойдаланиши ҳамда жамоавий уйғунлашув асосида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши бугунги куннинг талабидир:

– мавжуд тажрибалар асосида ТИҚҚМ намунавий Низомини такомиллаштириш, жамоавий уйғунлашув асосида унинг соҳа ташкил этувчилари интеграциялашувини жадаллаштиришга хизмат қилувчи фаолиятини кучайтириш (2-расм);

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4168-сон қарори.

- Ўзбекистон Республикасида соҳавий ва ҳудудий ёндашувда ТИҚҚМлар очиш ҳамда уларнинг 2019–2021 йилларда ривожлантириш Концепциясини яратиш;
- интеллектуал мулк соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш;
- интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурларни, ўқув-услубий материал ҳамда қўлланмаларни ишлаб чиқиш;
- интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий янгилашиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини яратиш ҳамда жорий этиш;
- ҳудудларда соҳа ташкил этувчиларининг интеграциялашувини ихтирочилар, рационализаторлар, бизнес-жамоалар, таълим ва илм ёшларига махсус ахборотлар базаси, бошқа ахборот ресурслардан фойдаланишни ўргатувчи конференциялар, таълим семинарлари, тренинг ва давра суҳбатларини ўтказиш хизматларини кўрсатувчи ахборот майдончалари, яъни ТИҚҚМлар орқали эришиш;
- ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ТИҚҚМлар орқали аҳоли турли қатламларидан иборат барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган тўловсиз ва тўловли, асосий ва қўшимча хизматлар рўйхатини шакллантириш ҳамда тизимлаштириш;
- ижтимоий ва иқтисодий секторларда соҳадаги интеграциялашув билан билимлар концентрациялашувига эришиш, оригинал ихтироларнинг ворисийлик асосида намоён бўлишига ҳамда “илм орқали билим” тамойили қонуниятига кўра ривожланиб, инновация даражасига кўтарилишига шарт-шароит яратиш;
- жамиятда интеллектуал тафаккурни юксалтириш, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуққа нисбатан ҳурмат маданиятини шакллантириш.

4. Соҳа бўйича давлат ва хўжалик органлари, мос етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилиги жамоавий уйғунлашуви билан ҳудудий инновацион кластерларни ривожлантиришга оид тизимли ишларни амалга ошириш, соҳа корхоналарининг кооперациялашувини таъминлайдиган ҳудудий кластерларнинг шакллантирилишига эришиш ҳамда ҳудудларнинг тезкор юксалишига замин яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, тараққиётнинг бугуни соҳалар ташкил этувчиларининг, яъни соҳа юксалишини таъминловчи фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бир-бирига боғлиқ бўлган ҳаётий босқич эканлигини исботлади. Соҳа ва ихтисосликларга мос янгича ёндашувдаги тузилмаларни шакллантириш ва мунтазам мониторинг олиб борилиши бугунги кун талабидир. Соҳа ташкил этувчиларининг интеграциялашуви, инновацион муҳит, муаммоларнинг теран англаниши, уларни ечишга ижодий ёндашув, ғояларнинг пайдо бўлиши, интеллектуал мулк объектларининг шаклланиши ва ҳимояланиши, тижоратлаштирилиши ҳамда инновациялар даражасига кўтарилиб, ижтимоий-иқтисодий секторларга жорий этилишини таъминлайди. Қолаверса, соҳадаги ўзаро манфаатли ички кооперациянинг тўлақонли



2-шакл. Фан, олий таълим ва ишлаб чиқаришнинг “Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари” билан интеграциялашуви ҳамда кластерларга ўтиш.

ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ПЕРИОД ДО 2025 ГОДА

В республике принят ряд программ по дальнейшему развитию урбанизации, строительству жилья в городах и сельской местности, важных объектов социального и производственного назначения, инженерно-коммуникационной, транспортной и энергетической инфраструктуры и др.¹

Благодаря улучшению инвестиционного климата в Узбекистане развернулось масштабное строительство новых и реконструкция существующих крупных объектов во всех регионах страны.

С ростом доходов населения широкое развитие получило индивидуальное строительство, что вызвало повышенный интерес к новым видам материалов повышенного качества и более широкой номенклатуры.

Вышеотмеченное указывает на необходимость опережающего развития отрасли строительных материалов, которая непосредственно влияет на результаты экономических преобразований и обеспечение устойчиво высоких темпов экономического роста в строительном комплексе.

Анализ текущего состояния производства строительных материалов, показателей деятельности конкретных предприятий, в том числе по данным статистической отчетности показал следующее.

Производством строительных материалов в Узбекистане занимаются порядка 7 тысяч предприятий. В целях более полного обеспечения строительного комплекса и населения современными высококачественными энергосберегающими строительными материалами, в последние годы реализуется ряд отраслевых и территориальных программ по увеличению их производства, в том числе за счет устойчивого развития местной строительной индустрии с внедрением передовых технологий, а также привлечения прямых иностранных инвестиций².

¹ Указы Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 10.01.2019 г. №УП-5623 «О мерах по коренному совершенствованию процессов урбанизации» и др.

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 28.09.2017 г. №ПП-2615 «О Программе мер по дальнейшему развитию строительной индустрии на 2016–2020 годы», Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19.10.2019 г. №ПКМ-850 «О реализации Адресной программы по развитию промышленности строительных материалов в Ташкентской области на 2018–2020 годы, а также осуществлению реконструкции парка культуры и отдыха в городе Бекабаде» и др.

Указанные меры способствовали достижению определенных позитивных изменений в отрасли. В 2018 году строительных материалов произведено на **12,9** трлн сум., доля отрасли в общей структуре промышленного производства составила **5,5%**.

Ассортимент выпускаемой продукции промышленности стройматериалов ежегодно пополняется новыми наименованиями (санфаянс обновленного дизайна и типоразмеров, модифицированные сухие отделочные смеси, крупноразмерные керамические плитки, многослойные термоустойчивые трубы и т. д.), которые пользуются большим спросом как на внутреннем, так и на внешнем рынках сбыта. Уровень использования имеющихся мощностей по производству основных видов стройматериалов (стекла, цемента, гипсокартонных листов, керамических плит и других) практически достиг **100%**.

В то же время отмечается несбалансированность рынка по ряду строительных материалов. Уровень обеспеченности строительного комплекса продукцией отечественного производства низок: цементом — **74,8%**, стеклом листовым — **50,6%**, линолеумом — **86,6%**, санфаянсом — **33%** и т. д.

Образовавшийся дефицит вынужденно компенсируется за счет импорта, который значительно возрос, в том числе наблюдается массовый ввоз в республику цемента и стекла.

Сравнительный анализ ввоза в республику строительных материалов в 2015–2018 гг. показал, что в целом за рассмотренный период времени темп роста импорта в стоимостном выражении составил 227,0 процентных пункта.

Наибольший показатель роста приходится на цемент — увеличение в 17 раз. Значительно выросли также темпы ввоза стекла листового и составили 273,4%, линолеума — 169,0%, красок, лаков, пигментов и др. — 150,4% и т. д.

Такое положение можно трактовать как способствующее более полному обеспечению нарастающих объемов строительных работ высококачественными и инновационными видами строительных материалов, в том числе социально важных объектов.

Однако, имея в виду наличие значительного многофакторного потенциала увеличения выпуска как традиционных, так и ряда обновленных строительных материалов, а также возможностей организации в республике производства разнообразных инновационных видов, востребованных на внутреннем и внешнем рынках, выявляется негативное влияние увеличения импорта на экономику страны.

Многолетний опыт и мировые тренды показывают, что развитие рассматриваемой отрасли содержит в себе большой потенциал для решения некоторых социально-экономических проблем в экономике.

Шундан сўнг туманда табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш ҳолати, қишлоқ жойларнинг иқтисодий ва инновацион салоҳияти ҳамда ижтимоий-иқтисодий тенденцияларни таҳлил қилиш бўйича илмий-услубий асослар ишлаб чиқилади. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда туманнинг рақобат устунликлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун мавжуд захираларини баҳолаш методикаси яратилади.

Ана шулар асосида қишлоқ жойларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш усуллари ва ёндашувларини тизимлаштириш зарур бўлади. Кейинги қадам қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегик дастури мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш ва улар асосида дастурнинг ўзини ишлаб чиқиш бўлади.

Дастур ишлаб чиқиш биринчи босқичида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда стратегик дастурнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини, уни мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ёйиш

имкониятларини асослашга ҳам алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини таҳлил қилган ҳолда камчиликларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ёритиш ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи босқичда Жиззах вилояти Ш. Рашидов тумани иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва ҳозирги ҳолатини баҳолаш, номутаносибликлари ва муаммоларини, иқтисодий ўсишга салбий таъсир этувчи омилларни, ҳудуднинг рақобат устунликлари ва салоҳиятини аниқлаш амалга оширилиши тавсия этилади.

Ш. Рашидов туманининг меҳнат, ишлаб чиқариш, инвестиция, инновация салоҳияти, инфратузилма, минерал, ер ва сув ресурсларининг ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш даражаси, инновацион омилларни баҳолаш асосида захиралар ва имкониятларни аниқлаш амалга оширилади.

Табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали ва оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда туманлараро номутаносибликларни тартибга солишнинг асосий йўналишлари, чоралари ва механизмлари ишлаб чиқилади. Ш. Рашидов тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги номутаносибликларни камайтиришни ҳисобга олган ҳолда асосий иқтисодий кўрсаткичлар прогнози аниқланади.

Мамлакат ривожланишининг устувор йўналишлари билан уйғун ҳолда рақобат устунликларини, мавжуд захираларни ва салоҳиятни ҳисобга олиб ҳамда минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан Ш. Рашидов туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегик дастури ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳудудий ривожланишни тартибга солиш соҳасида номарказлаштириш ва муниципал мулкни шакллантириш йўли билан ҳамда энг замонавий хориж амалиёти ва мамлакатимиздаги илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда қишлоқ туманларини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегик дастурини ишлаб чиқиш методикасини яратиш ҳисобланади. Мамлакатимизда илк бор қишлоқ туманини ривожлантириш стратегик дастурини ишлаб чиқишда “ақлли туман” (“smart region”) концепцияси жорий этилади.

Тадқиқот доирасида туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш, ҳудудий номутаносибликларни таҳлил қилиш, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш ҳолати, туманнинг рақобат устунликлари ва ресурс имкониятларини аниқлаш бўйича илмий-услубий воситалар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегик дастурларини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар томонидан қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегик дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Лойиҳани амалга ошириш натижаларига кўра, қишлоқ жойларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқиш бўйича такомиллашган замонавий услубий тавсиялар тайёрланади.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқиладиган қишлоқ туманларининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишидаги номутаносибликларни ифодаловчи кўрсаткичларни тизимлаштириш бўйича услубий тавсиялар; қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий ресурс, иқтисодий ва инновацион салоҳияти ва улардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш бўйича илмий-услубий асослар; туманда рақобат устунликлари ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш захираларини, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубияти; қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услублар ва ёндашувларни тизимлаштириш бўйича ишланмалар қишлоқ туманларини ривожлантиришнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Валентин КОТОВ

*к. э. н., доцент,
Академия государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан*

ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО УКРЕПЛЕНИЯ МЕХАНИЗМОВ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

В условиях усиливающейся конкуренции на мировых рынках товаров и услуг особое значение приобретает вопрос постоянного повышения конкурентоспособности субъектов региональной экономики, т. к. центр деловой активности в большинстве стран мира постепенно смещается в сторону непосредственной дислокации природно-сырьевых, производственно-технических и человеческих ресурсов. Учитывая данную общемировую тенденцию, особую значимость приобретает проблема институционального укрепления регионально-производственных систем, которые в условиях цифровой экономики получают широкий доступ к новейшим технологиям и прогрессивным системам организации производства. В связи с этим в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы, особое внимание уделено поиску новых подходов к расширению масштабов инновационного обновления не только в ключевых отраслях национальной экономики, но и в каждом отдельно взятом регионе страны¹.

Своевременное и кардинальное решение этой сложной и капиталоемкой проблемы требует формирования качественно новых подходов к институциональному укреплению механизмов инновационного развития регионов за счет формирования в них центров инновационного роста, способных придать ускорение процессам интенсификации производства и наращивания их экспортного потенциала.

Как показало проведенное нами исследование, в зарубежной литературе нет сложившегося единого понимания термина «центр инновационного роста» (далее по тексту — ЦИНОР). Однако, большинство исследователей понимают под ним пространственную форму организации инновационного бизнеса, базирующуюся на добровольном объединении субъектов инновационной деятельности на уровне отдельно взятых регионов страны.

Главными преимуществами действующих в регионах зарубежных стран центров инновационного роста выступает нацеленность на постоянное инновационное обновление производительных сил территорий за счет системного подхода

¹ Указ Президента РУз от 8 января 2019 года №УП 56–14 «О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего развития экономики и повышению эффективности экономической политики».

к использованию имеющихся здесь внутренних природно-сырьевых, производственно-технических и человеческих ресурсов, тщательного мониторинга различных секторов региональной экономики, а также умелой координации усилий всех субъектов региональной экономики вокруг крупных инновационных проектов².

Учитывая сложность и многовекторность процессов становления инновационного бизнеса на уровне регионов, важное значение имеет своевременное формирование у руководителей органов государственного и регионального управления в Республике Узбекистан правильного представления об имеющемся в мировой практике инструментарии институционального укрепления этой важной формы пространственной организации инновационной деятельности (схема 1 Приложения).

Главным рычагом воздействия государства на процессы становления ЦИНОР в зарубежных странах выступает расширение самостоятельности региональных органов управления в решении вопросов развития производительных сил территорий и внедрения прогрессивных форм организации инновационного бизнеса³.

Следующим по значимости направлением активизации работы ЦИНОР выступает принятие нормативно-правовых актов, регламентирующих различные аспекты их деятельности, этапы создания инновационной продукции, а также защиту прав новаторов на объекты создаваемой ими интеллектуальной собственности. Другим эффективным рычагом следует считать разработку и принятие пакетов ощутимых налоговых, таможенных и имущественных стимулов для ключевых участников ЦИНОР, а также иностранных инвесторов, участвующих в финансировании их проектов.

Значительной помощью действующим центрам инновационного роста является создание в зарубежных странах разветвленной системы институтов поддержки центров инновационного роста на региональном уровне, а также тесная увязка крупных проектов центров инновационного роста с государственными, отраслевыми и региональными программами развития⁴.

Учитывая формирующиеся тенденции в развитии мировой экономики, взвешенная региональная инновационная политика, органично встроенная в общенациональную стратегию кардинальной модернизации производительных сил страны, превращается в один из определяющих факторов устойчивого развития всей экономики Узбекистана. Подлинными драйверами инновационного обновления территорий при этом становятся центры инновационного роста, способные в короткие сроки осваивать выпуск наукоемкой продукции

² Малькина И. В. Теоретические основы формирования стратегии инновационного развития территорий. — М. Инновации, 2017. С. 87–89.

³ Иванов В. В. Национальные инновационные системы. — М.: СканРус. 2014. — 285 с.

⁴ Брошюра ПРООН «Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста». Т.: "SMI-ASIA". 2015. С 20.

с высоким уровнем добавленной стоимости, создавать высокооплачиваемые рабочие места, повышать жизненный уровень населения и тем самым укреплять доходную часть местных бюджетов¹

Главными предпосылками своевременного становления механизма их институционального укрепления в Республике Узбекистан выступают растущие потребности регионов в инновационном обновлении своих производительных сил за счет системного подхода к использованию внутренних природно-сырьевых, производственно-технических и человеческих ресурсов территорий.

В Приложении (схема 2) представлены основные участники механизма институционального укрепления центров инновационного роста, включая органы государственного, регионального и муниципального управления, также бизнес-сообщества и самих участников ЦИНОР.

Наиболее подходящими платформами становления и развития центров инновационного роста в Республике Узбекистан в последние годы выступают свободные индустриальные экономические зоны, способные привлекать финансовые ресурсы иностранных инвесторов для финансирования крупных проектов ЦИНОР. Если в период 2008–2016 годов в Республике Узбекистан было создано всего 3 СИЭЗ, то за последние три года их число достигло 21. При этом, сегодня в республике функционирует 10 свободных индустриальных экономических зон, 8 — фармацевтических и по одной свободной экономической зоне — в сфере туризма, рыбного хозяйства и агропромышленного сектора. В настоящее время участниками СИЭЗ осваивается 629 проектов общей стоимостью 3660,5 млн долл. США. В 2018 году на территории свободных индустриальных экономических зон реализованы 158 проектов общей стоимостью 1045,5 млн долл. США, что позволило создать 9746 новых рабочих мест².

Другой эффективной формой стимулирования процессов инновационного роста стали малые промышленные зоны (далее по тексту МПЗ), большинство из которых созданы на базе исторически сложившихся центров деловой активности в малых городах и удаленных районах. Ярким примером успешной деятельности может служить МПЗ «Ахангаран» в Ташкентской области. За короткий срок здесь создано более 30 совместных предприятий, которые в настоящее время освоили выпуск более 120 наименований конкурентоспособной продукции, включая производство пенобетона, газобетона, синтетической арматуры, химических красителей и много других видов ценной продукции.

Действенной формой реализации потенциала центров инновационного роста в Республике Узбекистана в последние три года зарекомендовали себя производственные кластеры, создание которых направлено на объединение в единые производственные цепочки усилий смежных предприятий, дислоци-

¹ Назаров Ш. Х. Экономика на стыке цивилизаций. Т: Ж. «Экономическое обозрение», 2019, № 2, сс. 14–20.

² <http://uza/uz/ru-05-02-2019>.

рованных в одном или соседнем регионе для производства конечной наукоемкой продукции с более высоким уровнем добавленной стоимости. Благодаря совместным усилиям органов государственного, отраслевого и регионального управления в различных регионах Узбекистана функционирует более 70 кластеров, крупнейшими среди которых являются хлопково-текстильные, зерновые, плодово-овощные, туристические и другие.

Перспективной формой функционирования центров инновационного роста в регионах Узбекистана следует считать создание технических парков, предназначенных для оказания широкого спектра инфраструктурных услуг для субъектов инновационной деятельности. К числу наиболее известных в республике технопарков можно отнести технопарк «Мирзо Улугбек» в г. Ташкенте, специализирующийся на внедрении новейших информационно-компьютерных технологий, а также технопарк «Яшнаабод», где осваиваются проекты, связанные с выпуском наукоемкой продукции производственного назначения.

Не менее важное значение для развития инновационной инфраструктуры в отдаленных регионах республики имеют и создаваемые в последние годы бизнес-инкубаторы, призванные оказывать практическую помощь субъектам региональных инновационных систем в освоении наукоемких технологий или внедрении современных форм организации производства

Таким образом, каждая из указанных выше форм функционирования ЦИНОР имеет свои преимущества и способна выполнять специфические функции в развитии производительных сил регионов, хорошо дополняя друг друга. Так, СИЭЗ призваны привлекать в экономику регионов иностранные инвестиции для развития инновационного бизнеса, МПЗ способны внедрять гибкие инновационные технологии и осваивать выпуск экспортной продукции, производственные кластеры — внедрять интегрированные производственные цепочки для выпуска наукоемкой продукции с высоким уровнем добавленной стоимости, а технопарки и бизнес-инкубаторы — оказывать широкий спектр услуг инфраструктурного характера для участников инновационного бизнеса.

Однако, критический анализ современного этапа становления ЦИНОР в различных регионах Узбекистана свидетельствует о том, что организационное становление этого перспективного звена регионально-производственных систем находится на начальной стадии своего развития и требует больших усилий со стороны органов государственного и регионального управления, причем не только в части мобилизации финансовых ресурсов, но и в плане их институционального укрепления, защиты прав интеллектуальной собственности и оказания поддержки при продвижении их продукции на зарубежные и внутренний рынки.

Одним из главных барьеров на пути развития ЦИНОР в различных регионах страны выступает отсутствие адекватной нормативно-правовой базы, регламентирующей процедуры создания, функционирования или закрытия ЦИНОР, а также процедуры их взаимодействия с органами регионального и муниципального управления.

Другой существенной причиной медленного становления центров является крайне ограниченный спектр источников финансирования проектов ЦИНОР, связанных с освоением выпуска наукоемкой продукции с высоким уровнем добавленной стоимости. Еще одним сдерживающим фактором на пути активизации деятельности ЦИНОР в Республике Узбекистан следует считать чересчур громоздкую систему трансферта передовых технологий, затрудняющую их продвижение в удаленные регионы республики, где сосредоточена основная масса природно-сырьевых ресурсов страны.

В среднесрочной перспективе объектами первоочередного внимания органов государственного и регионального управления должны стать такие меры, как:

- создание эффективной системы контроля за процессами создания и функционирования центров инновационного роста, призванных стать драйверами государственной инновационной политики на уровне регионов;

- активизация усилий по формированию развитой инфраструктуры поддержки ЦИНОР, а также инвесторов, участвующих в реализации программ наращивания их инновационного потенциала;

- разработка пакетов реальных стимулов для субъектов инновационной деятельности, включенных в региональную инвестиционную программу или программу наращивания экспортного потенциала территорий;

- совершенствование системы подготовки и переподготовки кадров, работающих в сфере инновационного бизнеса или обслуживающих потребности его участников.

Представленный обзор состояния проблемы институционального укрепления центров инновационного роста на уровне регионов страны свидетельствует о том, что данная форма развития инновационного бизнеса имеет большие перспективы развития, но требует слаженной целенаправленной работы всех заинтересованных сторон.

Приоритетными направлениями институционального укрепления центров инновационного роста в Республике Узбекистан должны стать такие меры их поддержки со стороны органов государственного управления, как создание благоприятного инвестиционного климата, предоставление льготных режимов кредитно-финансовой поддержки, налогообложения, таможенного и имущественного обеспечения.

Мощный импульс активизации деятельности центров инновационного роста должно придать внедрение в хозяйственную практику республики широкого спектра используемых в мировой практике методов и инструментов современного финансового менеджмента.

В целях комплексного решения проблемы дальнейшего институционального укрепления ЦИНОРов необходимо добиться более тесной увязки параметров республиканских, секториальных и отраслевых концепций, стратегий и программ долгосрочного развития с аналогичными параметрами программ, разрабатываемых на региональном уровне.

Приложение

Схема 1. Основные инструменты механизма институциональной поддержки центров инновационного роста





Схема 2. Состав основных участников механизма институционального укрепления ЦИНОР



Бобур ВАЛИЕВ

*фалсафа доктори (PhD), сектор мудури,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази*

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ СТРАТЕГИЯ- ЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакат минтақалари ривожланиш стратегияларини шакллантиришда ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва унда инновацияларни қўллашда инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, Президентимиз Ш. М. Мирзиёев ҳам 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар ва мамлакатни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида инвестицияларнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, *“... Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция — бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди.”* — дея таъкидлаган¹.

2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635 сонли Президент Фармони кутилаётган инвестиция ислохотларидаги кенг кўламли чора-тадбирларни белгилаб берди. Унга кўра ҳар ойда бош вазирнинг бошқа тегишли раҳбарлар билан биргаликда инвесторлар билан “шахсан учрашувлари”ни ташкил этиш, ўрта муддатга мўлжалланган “инвестиция сиёсати стратегияси”ни ишлаб чиқиш, республиканинг “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жамғармаси”ни ташкил этиш, Абу Даби ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси”ни тузиш каби кенг кўламли вазифалар қўйилган.

2019 йил дастури, шунингдек, республика ҳудудларида инвестициявий жозибадорликни кўрсатадиган “инвестиция хаб”ларини яратиш, мамлакатимизнинг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкил этиш ҳамда инвесторларга тақдим этиш учун ҳудудлар ва тармоқлар кесимида дастлабки “инвестиция лойиҳалари портфели”ни шакллантириш каби чора-тадбирларни ҳам қамраб олган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uz.uz>

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан А. М. Содиков ўз илмий асаарида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган уларнинг инвестицион фаоллигининг ролини алоҳида асослаб берган². Шунингдек, Ш. Х. Назаров ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ролини изоҳлаб, минтақаларнинг рақобат устунликларини аниқлаб берувчи ички манбалардан бири сифатида инвестицион фаоллик даражасини келтиради³.

Иқтисодчи олим Д. Қ. Ахмедов эса 2018 йилда мамлакатимиз минтақаларида ишбилармонлик ва инвестиция муҳитининг ҳолати бўйича ўтказилган сўровномалардаги 300 дан ортиқ тақлиф ва мулоҳазаларни таҳлил қилиб, хорижий инвестицияларни мамлакатимизга фаол жалб қилишни таъминлашда малакали кадрларнинг мавжудлиги, таҳлил учун маълумотларнинг етарлилиги, ҳокимият органларининг инвестицияларни жалб қилишдаги манфаатдорлигининг ошиши, ташқи савдонинг эркинлиги, хомашё таъминотининг яхшиланиши каби энг муҳим омилларни келтириб ўтган⁴.

Хитойлик иқтисодчи Хиаолан Фу хорижий инвестицияларнинг Хитойда минтақавий инновация салоҳиятининг ошиши ва унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий инвестицияларнинг умумий минтақавий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи минтақанинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ⁵.

2018 йилда республикаимиз иқтисодиётига 107,3 трлн сўмдан ортиқроқ ёки 12,9 млрд долларга яқин инвестициялар ўзлаштирилди. Инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида 39,3% ёки 42,2 трлн сўм маблағ корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз ресурслари ҳисобига, манбаларнинг 60,7% ёки 65,1 трлн сўмдан ортиқ қисми эса жалб қилинган маблағлар ҳисобига таъминланди. Айтилган йилда давлат ташаббуси ва таъсири остида бўладиган марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан деярли 34,5 трлн сўмлик инвестициялар молиялаштирилди ва бу жами инвестицияларнинг 32,1%ини ташкил этди. Инвестицияларни жалб қилишда давлат ташаббускорлигининг ортиши ҳисобига марказлашган инвестицияларнинг 2018 йилдаги улуши аввалги йилга нисбатан 8,6% га ошди.

Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 18,1%га ошди. Улар таркибида республика бюджети

² Садыков А. А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198.

³ Назаров Ш. Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов//Монография. Ташкент: IFMR, 2014. С. 41.

⁴ Ахмедов Д. К. Бизнес-настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата// Экономическое обозрение № 5(221), 2018 г., — с. 80–84.

⁵ Xiaolan Fu, 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007.

маблағларидан молиялаштириш 11,3%га, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар эса 14,2%га камайган. Давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳажми 2,8 мартага ўсиб, кескин даражада ошди.

1-жадвал.

2014–2018 йилларда ҳудудларда инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг ўзгариши

Худуд номлари	2014–2018 йилларда ўртача		2018 йилда ўртачага нисбатан ўзгариш,
	Корхона ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	Жалб қилинган маблағлар
Қорақалпоғистон Республикаси	38,9	61,1	+1,0
Андижон	58,6	41,4	+10,2
Бухоро	34,5	65,5	+5,3
Жиззах	50,0	50,0	+9,1
Қашқадарё	47,9	52,1	+17,5
Навоий	52,0	48,0	+13,8
Наманган	43,9	56,1	+17,3
Самарқанд	66,2	33,8	+9,6
Сурхондарё	49,6	50,4	+15,4
Сирдарё	36,5	63,5	+2,1
Тошкент	47,9	52,1	+8,0
Фарғона	55,9	44,1	+9,7
Хоразм	60,8	39,2	+5,8
Тошкент ш.	57,0	43,0	+10,5
Республика бўйича	48,6	51,4	+9,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2018 йилда Андижон (48,4%), Самарқанд (56,6%), Фарғона (46,2%), Хоразм (55%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (46,5%) ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш таркибида корхона ва аҳолининг ўз маблағлари салмоқли улушни ташкил этган. Бухоро (70,8%), Қашқадарё (69,6%), Наманган (73,4%) вилоятларида эса аксинча ишлаб чиқаришни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йиллик даврда инвестицияларни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағлар (бюджет, мақсадли жамғармалар, банк кредитлари, хорижий инвестициялар) улуши ўртача 51,4% ни ташкил этган бўлса, давр охирига келиб, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 9,3% га ошган. Бу эса аҳоли ва корхоналаримизнинг ўз маблағларига нисбатан жалб қилинаётган маблағларнинг юқорироқ суръатда ошаётганлигини кўрсатади. Айниқса, Қашқадарё (давр ўртача даражасига

нисбатан 17,5% пунктга ошган), Наманган (17,3% пунктга ошган), Сурхондарё (15,4% пунктга ошган), Андижон (10,2% пунктга ошган) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (10,5% пунктга ошган) инвестициялар таркибида жалб қилинган маблағлар улуши 2014–2018 йилларда салмоқли ортган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида ишлаб чиқаришни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағлар улушининг охириги 5 йилликда ўзгариш даражаси жуда кичик бўлган (1-жадвал).

Ўзбекистонга 2018 йилда жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби таҳлил қилинса, инвестиция ресурсларининг турар жой қурилишига 16,5%, электр, газ билан таъминлашга 14,2%, тоғ-кон саноатига 11,4%, ташиш ва сақлашга 7,4% йўналтирилган. Асосий капиталга инвестицияларнинг молия ва суғурта фаолиятига киритилган қисми 1%ни, ахборот ва алоқа тармоғига киритилгани 0,9%ни, таълимга йўналтирилгани 2,6%ни, соғлиқни сақлашга киритилгани 2,5%ни, қурилиш соҳасига киритилгани 2,3%ни ташкил этган. Шунингдек, инвестициялар таркибида улгуржи ва чакана савдо улуши 3,8%га, сув билан таъминлаш, канализация соҳасининг улуши 2,4%га тенг бўлган.

Жаҳон мамлакатларидаги асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича таркибини таҳлил қилиш ҳам чуқур хулосалар чиқариш имконини беради. Жумладан, Корея Республикасида асосий капиталга инвестицияларнинг сўнгги йилларда ўртача 32–33% ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) соҳасига, 20–22% кўчмас мулк билан боғлиқ фаолиятга, 12% атрофида давлат бошқаруви ва ҳимояси, мажбурий ижтимоий ҳимоя тармоғига, 6–7% транспорт ва сақлаш соҳасига, 5%дан ортиқ ахборот ва алоқа тармоғига, 4–5% электр, газ, буғ ва ҳаво ҳайдаш тармоғига, 0,1% тоғ-кон саноатига йўналтирилган¹.

Юқорида келтирилган чет эл мамлакатларига жалб қилинган асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича таркибида энг юқори улушларни ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) соҳаси, кўчмас мулк билан боғлиқ фаолият, транспорт ва сақлаш тармоқлари эгаллаган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу мамлакатларда асосий капиталга инвестициялар таркибида ахборот ва коммуникация тармоқлари 3,5–6%ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 0,9%ни ташкил этган.

Мамлакатимиз ҳудудларида инвестицияларнинг таҳлил қилиш натижасида қуйидаги **муаммоли ҳолатларни** ажратиб кўрсатиш мумкин:

- республикада асосий капиталга инвестицияларнинг салмоқли қисми хомашё сектори (тоғ-кон саноати) соҳасига тўғри келмоқда. Ахборот ва алоқа, молия ва суғурта, илмий ва таълим каби замонавий соҳаларнинг асосий капитални шакллантиришдаги улуши камлигича қолмоқда;
- мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг салмоқли қисми, яъни 54%га яқини хомашё билан боғлиқ тармоқларга — тоғ-кон саноати, электр, газ билан таъминлаш соҳаларига жалб қилинган;

¹ https://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=SNA_TABLE8#

– республикада рақамли иқтисодий шакллантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат шароитида ахборот ва коммуникация тармоғига жалб қилинаётган инвестициялар салмоғи камлигича қолмоқда;

– мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар миқдор жиҳатдан ортиб бораётганига қарамасдан, уларнинг таркибидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши камлигича қолмоқда ва ўзлаштирилаётган маблағлар таркибида кредитларнинг улуши ҳам салмоқли ортиб бормоқда;

– сўнги йилларда хорижий инвестицияларнинг ўсиши асосан давлат кафолати остида кириб келаётган маблағлар ва халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига юз бермоқда. Ушбу ҳолат республика ва унинг ҳудудларида иқтисодий рақобатдошлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестиция рискларини камайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш орқали инвесторларнинг иқтисодийтимизга бўлган тўлиқ ишончини шакллантиришни тақозо этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сўнги йилларда мамлакатимиз ва минтақаларда инвестициялар асосан давлат инвестициялари ҳисобига ошмоқда. Бу эса хусусий инвестицияларни жалб қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Республика ва ҳудудларда инвестициялар молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда республикамизнинг алоҳида ҳудудлари нисбий устунликлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон минтақаларига инвестицияларни фаол жалб қилиш ва уларнинг самарасини оширишда **қуйидаги йўналишларда фаол ислохотлар**ни олиб бориш зарур:

– ҳар бир минтақанинг ўзига хос ишлаб чиқариш салоҳияти, нисбий устунликлари ва ўсиш заҳираларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли ҳудудий инвестиция стратегияларини шакллантириш;

– ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва инвесторларга имтиёзлар бериш тизимини шакллантиришда инвестицияларни қайта ишлаш тармоқлари, ахборот ва коммуникация соҳалари, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, электроника тармоқлари каби замонавий ва юқори қўшилган қийматга эга соҳаларга йўналтиришни таъминлаш;

– давлат кафолати остида бўлмаган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришда норматив асосларни такомиллаштириш, кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш;

– молия бозори инструментлари ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш орқали давлат таъсири остидаги йирик корхоналарга замонавий IPO механизми орқали инвестицияларни жалб қилишни ташкил этиш ва б.

– хорижий инвестицияларни аввало иқтисодийнинг устувор тармоқларига жалб қилишни рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш («инвестиция визаси»ни жорий

этиш, салмоқли ҳажмда инвестиция киритган хорижий фуқароларга, Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасини соддалаштирилган тартибда бериш ва ҳ. з);

Манбалар ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz>
2. Ахмедов Д. К. Бизнес-настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата// Экономическое обозрение № 5(221), 2018 г., — с.80–84.
3. Назаров Ш. Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов//Монография. Ташкент: IFMR, 2014. С.41.
4. Обломуродов Н. Н. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш // “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы, № 6, 2018 й. 7-б.
5. Садыков А. А. Основы регионального развития: теория, методология, практика// Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198.
6. Собиров А. А. Худудларнинг нисбий афзалликлари ва инвестицион жозибадорлиги омиллари // Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы, № 6, 2018 й. 6-б.
7. Celio Hiratuka ‘Foreign Direct Investment and Transnational Corporations in Brazil: Recent Trends and Impacts on Economic Development’ Working Group on Development and Environment in the Americas, April 2008.
8. Sanjaya Lall, ‘Linking FDI, technology development for capacity building and strategic competitiveness’, Transnational corporations’ volume 11 number 3, December 2002, United Nations Conference on Trade and Development, Division on Investment, Technology and Enterprise Development
9. Xiaolan Fu, ‘Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China’, Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007
10. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси статистик тўплами “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь”, Тошкент, 2019 й. 96–121 бб.
11. <https://stats.oecd.org>

Турсун АХМЕДОВ

*и. ф. д., проф., директор ўринбосари,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти*

Шерзод ОТАБОЕВ

*таянч докторант,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти*

ҲУДУДЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ: РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислохотлар концепциясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, шунингдек ҳудудларни ривожлантиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда фойдаланилмаётган имкониятлар, ресурслар ва ривожланиш даражасини аниқлаш, ҳудуднинг стратегик йўналишлари ва вазифаларини асослаш ҳамда ривожланиш дастурлари ва стратегияларини ишлаб чиқишда мавжуд салоҳиятни ҳисобга олиш ва уни ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш ва асослаш, аҳоли турмуш фаровонлиги, ўртача иш ҳақи ва даромадлар даражасини ошириш ҳамда ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда туман (шаҳар) лардаги мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ўрни муҳим. Айниқса, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланган ҳудуд иқтисодиётини санотлаштиришда табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ажралмас қисми бўлган минерал-ҳомашё ресурслари муҳим аҳамият касб этади ва бу амалда ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳудудлар салоҳиятини баҳолаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳудуд салоҳияти, турлари ва ҳисоблаш кўрсаткичлари бўйича турлича қарашлар шаклланган. Масалан, хорижий олимлардан бири С. Черницкий ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда 12 та кўрсаткични таклиф қилган (яҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот, асосий капиталга инвестициялар, ташқи ва чакана савдо айланмаси, молиявий таъминланганлик даражаси, кичик тадбиркорликда бандлик даражаси, ишсизлик даражаси, аҳоли даромадлари, қашшоқлик даражаси, асосий фондларнинг эскирганлик даражаси, автомобил йўлларининг зичлиги, ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси)¹.

¹ Черницкий С. В. Комплексная методика оценки экономического потенциала регионов. Журнал «Историческая и социально-образовательная мысль». 2014, № 5(27). С. 208–2013.

Е. Андрианова ва Г. Коновалова худудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадида худуд салоҳиятини баҳолаш бўйича тадқиқот олиб борган ва салоҳият худудий дастурларнинг ажралмас қисми эканлигини, дастурлар ижросини таъминлашда муҳим омил эканлигини исботлаган ҳамда иқтисодий, молиявий, ижтимоий-демографик салоҳиятни баҳолашга алоҳида эътибор қаратган². Бундан ташқари қатор хорижлик олимлар, шу жумладан Е. Жоглина, С. Казанцев, Л. Симкив ва бошқалар ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб боришган³.

Иқтисодий салоҳиятни баҳолаш ва шу орқали худудлар индексини шакллантириш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар ўтказилмоқда. Масалан, АҚШ штатлари иқтисодий салоҳиятини баҳолаш мақсадида “Штатлар ривожланиш картаси” (The Development Report Card for the States (DRC), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан қўлланиладиган “Худудий капитал концепцияси”, Европа Иттифоқи худудлари рақобатдошлик индекси (EU Regional Competitiveness Index) каби салоҳиятни аниқлашга хизмат қилаётган изланишлар мавжуд.

Ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда худуд салоҳиятининг ўрни ва аҳамияти, дастурлар ва стратегияларни шакллантиришда уни баҳолаш билан қатор маҳаллий олимлар ҳам шуғулланиб келмоқда. Мазкур жиҳатлар А. Содиков, Ш. Назаров ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган Андижон, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегияларида ўз аксини топган⁴. Худудларнинг қишлоқ хўжалик ва ер-сув салоҳиятини баҳолашга бағишланган тадқиқотлар О. Олимжонов⁵, С. Зокиров⁶ ва К.Қўзиёв⁷, ишлаб чиқариш салоҳияти ва уни стратегияларни ишлаб чиқишдаги

² Андрианова Е. В., Коновалова Л. В. Оценка потенциала региона как основа формирования программ социально-экономического развития в условиях глобализации. Журнал «Российское предпринимательство». 2015, № 3(273). С. 381–388.

³ Жоглина Е. В. Методические подходы к оценке экономического потенциала региона. Журнал «Экономический вестник российского государственного университета». 2008, том 6, № 1. С. 128–131. Казанцев С. В. Сравнительный анализ потенциала и эффективности экономики регионов. Журнал «Эко». 2002, № 7. Симкив Л. Е. Стратегические приоритеты региональной экономической политики в контексте детерминант экономического роста. Журнал «Бизнес информ» Украина, № 3, 2019. С. 96–101.

⁴ Стратегия социально-экономического развития Андижанской области на долгосрочную перспективу. Коллективная монография. Ташкент — ИПМИ, 2012 г., 200 стр., Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Коллектив монография. Тошкент — ПМТИ, 2013 й., 224 б., Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Коллектив монография. Тошкент — ПМТИ, 2013 й., 252 б., Хоразм вилоятини узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Коллектив монография. Тошкент — ПМТИ, 2015 й., 199 б., Тошкент вилоятини узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Коллектив монография. Тошкент — ПМТИ, 2016 й.

⁵ Олимжонов О. О. Методика оценки влияния сельхозхозяйственных ресурсов на повышение индустриализации экономики регионов. Материалы X Форума экономистов / под общей редакцией д. э. н. проф. Ахмедов Т. М. / Ташкент: IFMR, 2018. С. 233–239.

⁶ Зокиров С. С. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг худудий жойлашуви. Материалы X Форума экономистов / под общей редакцией д. э. н. проф. Ахмедов Т. М. / Ташкент: IFMR, 2018. С. 326–332.

⁷ Қўзиёв К. Ф. Минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни баҳолашнинг иқтисодий таҳлили. Материалы X Форума экономистов / под общей редакцией д. э. н. проф. Ахмедов Т. М. / Ташкент: IFMR, 2018. С. 333–340.

ўрнига бағишланган тадқиқотлар Э. Якубова¹, демографик ва меҳнат салоҳиятини ўрганиш бўйича Б. Абдуллаев² ва Ш. Отабоевлар³ томонидан изланишлар олиб борилган. Бундан ташқари, ҳудуднинг табиий-иқтисодий ва бошқарув салоҳияти Т. Аҳмедов, молиявий ва бюджет салоҳияти З. Мухитдинов ва Ф. Ғуломов, инвестиция салоҳияти А. Рафиев ва Б. Валиев, хизматлар ва туризм салоҳияти Х. Сайдахмедов ва Н. Сафарова ва бошқа қатор мамлакатимиз олимлари ҳудудлар салоҳиятини ўрганиш ва уни баҳолаш билан шуғулланиб келмоқда.

Ушбу йўналишдаги адабиётлар шарҳи шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг қуйи бўғини, яъни туман ва шаҳарлар бўйича салоҳиятни умумий ҳолда ўрганиш ва уни баҳолашга қаратилган тадқиқотларга кам эътибор қаратилган. Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда салоҳият, асосан, вилоятлар кесимида ҳамда унинг турлари алоҳида-алоҳида ўрганилган.

Ушбу мақолада хориж ва маҳаллий тажрибани ўрганган ҳолда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қиладиган мамлакатимизнинг туман ва шаҳарлари салоҳиятини турларга ажратган ҳолда яхлит баҳолаш методикаси ва амалиёти таклиф этилади.

Туман (шаҳар) салоҳиятини турларга ажратишда ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барча жабҳаларини қамраб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Салоҳият турлари ва кўрсаткичларини шакллантиришда ҳудудларни бир-бири билан солиштириш ва умумий кўрсаткичга чиқиш тамойили асос қилиб олинди.

Туман (шаҳар) табиий-иқтисодий салоҳиятини қуйидаги гуруҳларга бўлиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1. Иқтисодий салоҳият.
2. Ижтимоий салоҳият.
3. Бюджет салоҳияти.
4. Тадбиркорлик салоҳияти.
5. Инвестицион салоҳият.
6. Инфратузилма салоҳияти.
7. Минерал-хомашё салоҳияти.
8. Ер ресурслари.
9. Сув ресурслари.
10. Демографик ва меҳнат салоҳияти.
11. Туризм салоҳияти.
12. Инновацион салоҳият.
13. Географик жойлашуви ва иқлими.

¹ Якубова Э. Т. Оценка индустриального потенциала регионов. Материалы III Форума молодых ученых-экономистов / под общей редакцией д. э. н. Садыкова А. М. / Ташкент: IFMR, 2014. С. 301–305.

² Абдуллаев Б. С. Тенденции демографического развития в сельской местности. Материалы республиканской научно-практической конференции. НУУз, 2018. С. 51–53.

³ Отабоев Ш. Х. Худуд меҳнат салоҳиятини баҳолашнинг услубий жиҳатлари. Материалы III Форума молодых ученых-экономистов / под общей редакцией д. э. н. Садыкова А. М. / Ташкент: IFMR, 2014. С. 352–355.

Иқтисодий салоҳият. Худуднинг иқтисодий салоҳияти тўғрисида олимларнинг турли қарашлари мавжуд. Масалан, худуднинг иқтисодий салоҳияти табиий ресурслар, ишлаб чиқариш маблағлари, меҳнат ва илмий-техник салоҳият, худудда шаклланган бойликлар билан ифодаланади. Умуман олганда “иқтисодий салоҳият” бу — худуднинг ресурслари, манбалари, маблағлари ва заҳиралари ва уларни ҳозирда ёки келажақда аниқ бир мақсадга эришиш учун амалиётга жорий қилиш механизмларидир.

Турли адабиётларда иқтисодий салоҳият таркибига геосиёсий салоҳият, табиий салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти, демографик (меҳнат) салоҳият, ижтимоий салоҳият, маънавий салоҳият, бошқарув салоҳияти, молиявий салоҳият қўшиб таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Иқтисодий салоҳиятга тўлиқ ва чуқур баҳо бериш ҳамда салоҳият турларини алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадида салоҳият турининг иқтисодий салоҳият блокини қуйидагича ёритиш мақсадга мувофиқ.

Туман (шаҳар) нинг иқтисодий салоҳияти худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлардан ташкил топади. Иқтисодий салоҳиятнинг юқорилиги аҳоли турмуш фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу салоҳият кўрсаткичлари кенг қамровли бўлиб, уларни баҳолашда худудда ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига қийматлари олинади. Иқтисодий салоҳиятни баҳолашда аҳоли жон бошига ҳисобланган саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари, экспорт ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Ижтимоий салоҳият. Туман (шаҳар) нинг ижтимоий салоҳияти худуд ривожланишида ҳамда амалга оширилган ислохотлар натижаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий салоҳият аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ҳам ифодалайди. Худуд ижтимоий салоҳиятини баҳолашда қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, ўртача ойлик номинал иш ҳақи даражаси, иш билан бандлик даражаси, яратилаётган янги иш ўринлари сони, аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси, мактабгача ва умумтаълим мактаблари билан таъминланганлик даражаси, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган врачлар сони ва бошқалар.

Бюджет салоҳияти. Бугунги кунда худудларнинг бюджет салоҳиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Худуднинг бюджет салоҳияти бюджетнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий элементлари солиқ тушумлари, мажбурий тўловлар, бегараз тушумлар, дотация ва субвенциялар ҳисобланади. Бюджет салоҳияти аҳоли жон бошига маҳаллий бюджет даромадлари орқали баҳоланади.

Тадбиркорлик салоҳияти. Ушбу салоҳият аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ва ишбилармонлик муҳити ҳолатини ифодалайди. Бундан ташқари, ушбу соҳада банд бўлганлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилган кредитлар миқдори ҳам бевосита салоҳиятни белгилаб беради. Тадбиркорлик салоҳиятини

аниқлашда ҳар 1000 кишига тўғри келадиган тадбиркорлик субъектлари сони, кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг (“Ёшлар — келажагимиз”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурларига ажратилган кредитлар билан бирга) аҳоли жон бошига нисбати, кичик бизнесда банд бўлганлар улуши каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Инвестицион салоҳият. Инвестицион салоҳият ҳудудда инвесторлар, айниқса хорижий инвесторлар учун яратилган муҳитни ифодалайди. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали ҳудудларни ривожлантиришда инвестицион салоҳият ва уни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур салоҳият хорижий инвестициялар оқимини, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаоллигини кўрсатиб беради ва жами инвестициялар ҳажмида хорижий инвестициялар (кредитлар) ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши, ҳар 1000 кишига тўғри келувчи хорижий капитал иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналар сони, аҳоли жон бошига ҳисобланган инвестициялар ҳажми каби кўрсаткичлар орқали ҳисобланади.

Инфратузилма салоҳияти. Инфратузилма салоҳияти ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантиришда, инвестицияларни жалб қилишда, шу жумладан хорижий инвестициялар оқимини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Инфратузилма салоҳиятини баҳолаш орқали ҳудуднинг автомобиль йўллари билан таъминланганлиги, темир йўлларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш учун электр энергия билан доимий таъминланганлигига баҳо берилади. Ушбу салоҳиятни аниқлашда автомобиль йўллари зичлиги, темир йўллари зичлиги, электр энергия билан таъминланганлиги даражаси каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Минерал-хомашё салоҳияти. Минерал-хомашё ресурслари мавжудлиги ҳудудда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади ва янги лойиҳаларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Минерал-хомашё салоҳиятини баҳолаш кенг қамровли ҳисобланади. Туман (шаҳар)нинг салоҳияти бўйича умумий кўрсаткичга чиқиш, яъни умумий салоҳиятни аниқлаш мақсадида ҳудуднинг минерал-хомашё салоҳиятини миқдор жиҳатдан баҳолаш учун туман (шаҳар) да жойлашган конларнинг ишлатилиш даражаси, яъни ишлатилаётган конларнинг жами конлардаги улушидан фойдаланиш мумкин. Мазкур салоҳиятнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, минерал хомашё ресурслари турлари ва уларнинг заҳираларини баҳолаш мақсадга мувофиқ (1-илова).

Ер ресурслари. Ер ресурслари иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Туманнинг ер салоҳиятини баҳолаш орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ҳажми, суғориладиган ерлар, уларнинг сифати аниқланади. Ушбу салоҳиятни аниқлашда аҳоли жон бошига ҳисобланган суғориладиган ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ер сифатига баҳо бериш мақсадида тупроқ бонитети кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади.

Сув ресурслари. Сув ресурслари иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Туманнинг сув салоҳиятини баҳолаш орқали сув билан таъминланганлик даражасига баҳо берилади. Ушбу салоҳиятни аниқлашда аҳоли жон бошига ҳисобланган барча манбалардан олинган сув ҳажми¹ кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин.

Демографик ва меҳнат салоҳияти. Худуднинг демографик ва меҳнат салоҳияти иқтисодий ишчи кучи билан таъминлаш, унинг сифати кўрсаткичларини ифодалайди. Меҳнат салоҳиятининг миқдор кўрсаткичлари демографик омиллар ва меҳнат жараёнининг интенсивлиги билан аниқланса, сифат кўрсаткичлари меҳнат ресурсларининг қўшилган қиймат ишлаб чиқаришдаги билим, тажриба, малака ва саломатлиги каби ижтимоий жиҳатлари билан ифодаланади. Туман (шаҳар) нинг мазкур салоҳиятини қатор кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин. Масалан, аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти, миграция коэффициенти, меҳнат ёшидаги аҳолининг жами аҳоли сонига улуши ва б.

Туризм салоҳияти. Бугунги кунда туризм тармоғи иқтисодийнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод қилиш, сайёҳлик, айниқса, ички туризмни ривожлантириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Минтақамизда сайёҳлик соҳасини изчил ривожлантириш, туризм индустрияси ва инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман (шаҳар) нинг туризм салоҳиятини бир қатор кўрсаткичлар билан аниқлаш мумкин. Масалан, ҳар 10000 кишига тўғри келадиган маданий мерос объектлари, шу жумладан туристик объектлар.

Инновацион салоҳият. Иқтисодийнинг турли соҳаларига инновацияларни жорий қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, янги технологиялар кириб келишини жадаллаштириш худудий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир. Иқтисодийнинг куйи даражаси учун инновациялар бу — интернет сифатини яхшилаш мақсадида оптик толали кабеллар билан таъминланганлик, рақамли телевидение, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, янги турдаги саноат маҳсулотларини юқори технологиялар асосида ишлаб чиқариш, томчилатиб суғориш тизимининг яратилганлиги, гидропоника усулида ташкил қилинган иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш кабилардир.

Географик жойлашуви ва иқлими. Худуднинг географик жойлашувини баҳолашда пойтахтга ёки вилоят марказига яқинлиги, чегара худудда жойлашганлиги ва ўша ерда чегара-постлар мавжудлиги ҳамда қўшни мамлакат худудидидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг ҳолати ва бошқа омиллар инobatга олинади.

Шунингдек, худуднинг трансчегаравий сув ресурсларига боғлиқлик даражаси ҳам худуд салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, Сирдарё ва Жиззах вилоят-

¹ Барча манбалардан олинган сув ҳажми маълум бир даврда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар, ер қари ва бошқа манбалардан олинган сув ҳажмининг жамланмаси тушунилади.

ларининг чўл зонасида жойлашган (Оқолтин, Сардоба, Пахтакор ва б.) туманлар салоҳияти Қирғизистон Республикасида шаклланидиган сув ресурсларига боғлиқ.

Худудда йирик саноат марказларининг (агломерация) жойлашганлиги ёки уларга яқинлиги ҳам салоҳиятни белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади. Масалан, Ангрэн, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Ширин ва Зарафшон шаҳарлари, Шарғун шаҳарчаси ҳамда уларга туташ қишлоқ туманлари. Бундан ташқари худуд иқтисодиётининг йиллар давомида шаклланган ихтисослашуви ҳам ўша худуднинг салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига киради.

Туман (шаҳар) нинг умумий салоҳиятини ҳисоблаш усуллари. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича маълумотлар расмий статистик тўпламлардан ҳамда туман (шаҳар) иқтисодиёт ва саноат бўлимларидан олинади. Айрим ҳолларда статистика ва бошқа тегишли органларга мурожаат қилиш орқали ҳам керакли маълумотларни олиш мумкин.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\bar{X}_i = \frac{X_i}{A}$$

Бу ерда, \bar{X}_i — кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган қиймати, X_i — алоҳида салоҳият кўрсаткичи қиймати, A — ўртача йиллик доимий аҳоли сони.

Туман (шаҳар) салоҳиятини ягона кўрсаткичга келтириш учун гуруҳлар бўйича шакллантирилган ҳар бир кўрсаткич сифат жиҳатдан баҳоланади. Бунинг учун туман (шаҳар) кўрсаткичи мос вилоят кўрсаткичига солиштирилади ва “0”дан “5”гача балл қўйилади. Салоҳият даражаси “0”дан “5”гача интервалда ўлчанади. Бунда вилоят даражаси 100% деб қабул қилинади ва баллар қуйидагича аниқланади:

- 0 балл — вилоят даражасининг 25%идан паст;
- 1 балл — вилоят даражасининг 26–50%и оралиғида;
- 2 балл — вилоят даражасининг 51–75%и оралиғида;
- 3 балл — вилоят даражасининг 76–100%и оралиғида;
- 4 балл — вилоят даражасининг 101–150%и оралиғида;
- 5 балл — вилоят даражасининг 150%идан юқори.

Туман (шаҳар) нинг ҳар бир салоҳият кўрсаткичи бўйича баллар аниқлангандан кейин, кўрсаткичлар гуруҳи (салоҳият турлари) бўйича баллар ўртачаси ҳисобланади. Ўртача кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$\bar{B} = \frac{B_1 + B_2 + \dots + B_n}{n}$$

Бу ерда, \bar{B} — салоҳият тури бўйича ўртача балл, B_1, B_2, B_n — салоҳият турини ташкил қилаётган кўрсаткичлар баллари, n — кўрсаткичлар сони.

Туман (шаҳар) қайсидир салоҳият тури бўйича салоҳияти юқори дейиш учун унинг ўша салоҳият тури бўйича ўртача балли “3,5” ва ундан юқори бўлиши керак. Чуқур таҳлил қилиш учун ҳар бир кўрсаткич бўйича баллар ўрганиб чиқиши мумкин.

Юқорида таклиф этилган методика салоҳиятни миқдор жиҳатдан баҳолашга қаратилган бўлиб, қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилди. Кўрсаткичлар гуруҳи ва уларнинг таркибини кенгайтириш орқали ҳам чуқур таҳлил ўтказиш мумкин.

Ишлаб чиқилган методика асосида Фарғона вилояти туман ва шаҳарларининг салоҳияти баҳоланди. Ҳисоб-китоблар натижалари ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқорилиги, йирик корхоналар жамланганлиги, инфратузилманинг яхши ривожланганлиги ва бошқа қатор омиллар сабабли кўпгина кўрсаткичлар бўйича вилоят шаҳарлари туманларига нисбатан салоҳияти юқорилигини кўрсатмоқда. Салоҳият турлари бўйича Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарлари 3 та гуруҳга, яъни юқори салоҳиятли, ўрта салоҳиятли ва паст салоҳиятли гуруҳларга бўлинди (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона вилояти туман ва шаҳарларини салоҳият кўрсаткичлари бўйича гуруҳлаш

Салоҳият турлари	Салоҳият даражаси		
	юқори (3,5–5,0 балл)	ўрта (2,5–3,4 балл)	паст (0–2,4 балл)
Иқтисодий салоҳият	Фарғона ш., Қувасой ш., Қўқон ш.	Марғилон ш., Олтиариқ, Тошлоқ, Фарғона, Қува туманлари	Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Сўх, Учкўприк, Фурқат, Ўзбекистон туманлари
Ижтимоий салоҳият	Марғилон ш., Фарғона ш., Қувасой ш., Қўқон ш.	Бешариқ, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Қува, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон туманлари	Бағдод ва Бувайда туманлари
Бюджет салоҳияти	Фарғона ш., Қувасой ш., Қўқон ш., Тошлоқ тумани	Қува тумани	Марғилон ш., Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон туманлари
Тадбиркорлик салоҳияти	Марғилон ш., Фарғона ш., Қувасой ш., Қўқон ш.	Данғара ва Олтиариқ туманлари	Тошлоқ, Учкўприк, Фурқат туманлари
Инвестицион салоҳият	Фарғона ш., Қувасой ш., Қўқон ш.	Марғилон ш., Данғара, Олтиариқ туманлари	Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Қува туманлари

Салоҳият турлари	Салоҳият даражаси		
	юқори (3,5–5,0 балл)	ўрта (2,5–3,4 балл)	паст (0–2,4 балл)
Инфра-тузилма салоҳияти	Фарғона ш., Бағдод, Олтиариқ, Қўштепа, Тошлоқ, Фурқат, Қува	Марғилон ш., Қувасой ш., Қўқон ш., Бешариқ, Риштон, Учқўприк туманлари	Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Сўх, Фарғона, Ўзбекистон туманлари
Минерал-хомашё салоҳияти	Фарғона ва Ўзбекистон туманлари	Олтиариқ тумани	Марғилон ш., Фарғона ш., Қувасой ш., Қўқон ш., Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учқўприк, Фурқат, Қува туманлари
Ер ресурслари	Қувасой ш., Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Фурқат Тошлоқ, Учқўприк, Фарғона, Ўзбекистон туманлари	Қува тумани	Марғилон ш., Фарғона ш., Қўқон ш., Сўх тумани
Демо-график ва меҳнат салоҳияти	Марғилон ш., Қўқон ш., Ёзёвон, Риштон, Сўх, Фарғона, Ўзбекистон, Қува туманлари	Фарғона ш., Қувасой ш., Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Олтиариқ, Тошлоқ, Фурқат туманлари	Қўштепа ва Учқўприк туманлари
Туризм салоҳияти	Марғилон ш., Қўқон ш.	Қувасой ш., Данғара, Ёзёвон, Сўх, Фарғона, Қува туманлари	Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Тошлоқ, Учқўприк, Фурқат, Ўзбекистон туманлари
Инновацион салоҳият	Фарғона ш, Ўзбекистон, Фарғона туманлари	Марғилон ш., Қувасой ш., Қўқон ш., Қува тумани	Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учқўприк, Фурқат туманлари

Манба: муаллифлар ишланмаси.

Худудлар салоҳиятини баҳолаш қуйидаги масалаларни самарали ечиш имконини беради.

1. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва стратегияларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади, ишлаб чиқариш кучларини самарали ва оқилона жойлаштириш имкониятини яратади.
2. Стратегик йўналишларни аниқлаш ва уларни асослаш, стратегик мақсадларга эришиш учун қўйиладиган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

3. Худуддаги мавжуд ресурслардан қай даражада фойдаланилаётгани ва уларнинг самарадорлиги баҳоланади.
4. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишда худуд салоҳиятини ҳисобга олиш имконини беради.
5. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларини (меҳнат, инфратузилма, ресурс ва б.) етарли ҳисобга олишни таъминлайди.
6. Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишда худуд салоҳияти тўғрисида маълумотлар тақдим этишда, хорижий сайёҳларга туристик салоҳиятни намойиш қилишда фойдаланиш мумкин.
7. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади ва бошқалар.

1-илова

Минерал-хомашё ресурслари

№	Минерал-хомашё тури	Конлар сони		Аниқланган заҳираси		Йиллик қазиб олиш миқдори	Заҳира билан таъминланганлик муддати, йил
		умумий сони	ш.ж. қазиб олинаётганлари	ўлчов бирлиги	A+B+C ₁ +C ₂ категориялари бўйича заҳиралар		
Жами							
1	Тоғкимё хомашёси:			-	-		
1.1	Минерал тузлар						
1.2	Фосфорит						
1.3	Бўёқ минераллари						
	...						
2	Тоғруда хомашёси:						
2.1	Вермикулит рудаси						
2.2	Дала шпати						
2.3	Волластонит						
2.4	Тальк						
	...						
3	Қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо минераллар:						

№	Минерал-хоташё тури	Конлар сони		Аниқланган захираси		Йиллик қазиб олиш миқдори	Заҳира билан таъминланганлик муддати, йил
		умумий сони	ш.ж. қазиб олинаётганлари	ўлчов бирлиги	А+В+С ₁ +С ₂ категориялари бўйича захиралар		
3.1	Родонит						
3.2	Лиственит						
3.3	Оникс						
	...						
4	Қурилиш материаллари:						
4.1	Цемент хоташёси						
4.2	Табиий безак тошлар (гранит, мрамор, габбро ва б.)						
4.3	Қум-шағал аралашмаси						
4.4	Оҳак учун оҳак тош						
4.5	Керамзит хоташёси						
4.6	Гипс и ангидрит						
4.7	Ғишт хоташёси						
4.8	Қурилиш тошлари						
4.9	Қурилиш қуми						
	...						
5	Гидроминерал ресурслар:						
5.1	Чучук ва кам тузли сувлар						
5.2	Минерал сувлар						
	...						

Саидфозил ЗОКИРОВ

к. э. н., руководитель группы,

Эльвира МАМАДАЛИЕВА

старший научный сотрудник,

Институт прогнозирования

и макроэкономических исследований

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПЕРСПЕКТИВНЫХ ГОРОДСКИХ ПОСЕЛЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

На протяжении ряда лет в Узбекистане не наблюдалось значительных административных изменений в создании условий для развития урбанизации, количество населенных пунктов, получивших статус «город» или «поселок городского типа», практически не изменилось. В результате этого уровень урбанизации в Узбекистане снизился с 51,7% в 2009 г. до 50,6% в 2018 г.¹ В этой связи в последние годы в республике принимаются меры по развитию урбанизации, производственной и социальной инфраструктуры, обеспечению населения транспортными коммуникациями, чистым питьевым водоснабжением. В том числе был принят Указ Президента Республики Узбекистан от 10.01.2019 года №УП-5623 «О мерах по коренному совершенствованию процессов урбанизации», во исполнение п.4 которого было создано Агентство урбанизации при Министерстве экономики и промышленности Республики Узбекистан.

Согласно п. 1 вышеупомянутого указа, одним из основных направлений коренного совершенствования процессов урбанизации в стране определено «... расширение сети городов-спутников, прилегающих к крупным городам с удобным транспортным сообщением, расширение территорий общественно-деловых зон в центральной части крупных городов с уменьшением территорий производственных и иных зон».

Данные обстоятельства отражают необходимость проведения исследования на предмет определения сельских населенных пунктов, потенциальных для получения статуса «город» или «городской поселок», а также выявления городов-спутников.

При определении и выборе городов-спутников необходимо учитывать такие факторы, как размещение населенных пунктов вблизи крупного города, функционирование с городом-центром в единой социальной и производственной инфраструктурах и т. д. Крупные города в значительной степени формируют региональные и локальные системы расселения и служат их организующими центрами. В свою очередь, эти системы оказывают непосредственное воздействие на планировочную структуру как крупных городов, так и находящихся в зонах их

¹ Рассчитано авторами на основе данных Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.

влияния городских поселений, сельских населенных мест и всего района расселения в целом.

В экономико-географических исследованиях¹ большое внимание уделяется развитию городских поселений, в то время, как изучению поселков городского типа посвящено малое число работ, в числе которых, в основном, выделяются труды², направленные на изучение особенностей их социально-экономического развития и методов управления ими. В этой связи авторами проведено исследование на основе комплексного подхода к оценке развития городских поселений с учетом специфики их развития с помощью количественных методов оценки и экспертных оценок.

В настоящее время в Узбекистане насчитывается один город-миллионник и семь крупных городов. В перспективе вокруг этих агломерационных центров предполагается формирование 13-ти городов-спутников (таблица 1).

Таблица 1

Города-спутники, намечаемые в перспективе к созданию вокруг крупных городов Узбекистана

№	Наименование крупного города	Численность населения, человек	Наименование города-спутника	Расстояние от основного города, км	Численность населения, человек
1.	Ташкент	2464933	Келес	6	32381
2.	Ташкент	2464933	Нурафшан	36	47666
3.	Ташкент	2464933	Чирчик	40	154584
4.	Ташкент	2464933	Янгиюль	28	59309
5.	Наманган	600209	Туракурбан	14	32912
6.	Самарканд	529633	Джамбай	18	18976
7.	Андижан	427447	Алтынкуль	12	9776
8.	Андижан	427447	Асака	20	67848

¹ Перцик Е. Н. Города мира: география мировой урбанизации. М.: Международные отношения, 1999. — 384 с.; Пивоваров Ю. Л. Основы георбанистики. М.: Владос, 1999. — 232 с.; Белов А. Г. Управление социально-экономическим развитием городских поселений региона. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05. Нижний Новгород, 2006 г.; Севостьянов А. В. Экономическая оценка земель городских поселений в рыночных условиях: Теория, методика, практика. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.05. Москва, 2003 г.; Зенкова Н. А. Система индикаторов социально-экономического развития городских и сельских поселений. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05. Москва, 2010 г.

² Андрос И. А. Международный опыт строительства городов-спутников. Интернет ресурс. Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/v/mezhdunarodnyy-opyt-stroitelstva-gorodov-sputnikov>; Матовых Е. А. Развитие городов-спутников как элементов региональных социально-экономических систем: на материалах регионов Сибирского федерального округа. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05. Барнаул, 2012 г.; Гранберг А. Г. Пространственный аспект социально-экономического развития / К Программе социально-экономического развития России 2008–2016. Научный доклад. М.: ГУУ, 2008. — 463 с.; Лексин В. Н. Городские агломерации и система расселения: надежды и опасения // Вестник международной ассамблеи столиц и крупных городов. 2011. — № 1–2. — С. 26–38; Суспицын С. А. Исследование территориальных систем // Регион: экономика и социология. 2011. — № 11. — С. 33–49.

9.	Нукус	310945	Ходжейли	16	70827
10.	Фергана	278510	Ташлак	24	19138
11.	Бухара	276433	Каган	12	60194
12.	Карши	267561	Бешкент	15	20451
13.	Коканд	245509	Дангара	12	11740

Источник: разработано авторами на основе данных Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан.

Приведенные в таблице городские поселения являются более подходящими для получения статуса «городов-спутников». Они наиболее развиты по уровню экономики и социальной сферы в сравнении с другими городскими поселениями, расположенными вокруг крупных городов. Так, в настоящее время в г. Туракургане функционирует крупный хлопкоочистительный завод, строится ТЭС проектной мощностью 900 мегаватт. В связи с близостью к г. Намангану здесь развита сфера услуг. Вместе с тем, до недавних пор между городами Наманганом и Туракурганом функционировало троллейбусное сообщение.

Главными функциями городов-спутников являются: производственные (связанные с обеспечением крупного города необходимыми для его жизнедеятельности товарами, с одной стороны, и разгрузкой крупного города за счет выноса в спутники производственных объектов — с другой); обслуживающие (по предоставлению услуг отдыха, оздоровления, туризма и развлечений для населения крупного города, с одной стороны, и его разгрузки за счет распространения сетевых заведений обслуживания населения — с другой) и жилищные (по обеспечению мест проживания для населения, которое работает и/или получает услуги в крупном городе).

Одним из способов развития урбанизации является административный пересмотр имеющихся агломерационных формирований в Узбекистане. В настоящее время произошло фактическое слияние городов Фергана, Маргилан и городского поселка Ташлак общей численностью 526 тыс. человек. При объединении их в единую систему административного управления, в перспективе может быть достигнут рост эффективности использования коммуникационной системы и финансовых ресурсов местного бюджета.

Кроме этого, следует отметить, что подобная ситуация слияния городских поселений присуща и другим территориям страны — Янгиер-Хавастской и Шахрисабз-Китабской агломерациям.

Другим важнейшим источником развития урбанизации в Узбекистане является преобразование крупных сельских населенных пунктов (СНП) в городские поселения. В статьях 11 и 12 Закона «О порядке решения вопросов административно-территориального устройства в Республике Узбекистан» установлены правила получения статуса городского поселка и города районного подчинения для населенных пунктов, согласно которым, численность населения в городских поселках должна составлять не менее 2 тысяч человек, а в городах районного

подчинения — не менее 7 тысяч. К категории городских поселков могут быть отнесены населенные пункты, расположенные при промышленных предприятиях, стройках, железнодорожных станциях и других важных объектах; статус городов районного подчинения могут получить городские поселки, населенные пункты, имеющие промышленные предприятия и развитую инфраструктуру.

Хотя во многих сельских населенных пунктах проживает достаточное количество населения, они не соответствуют требованиям городов индустриального развития и имеющихся инфраструктурных объектов. В целях изучения возможностей преобразования сельских населенных пунктов, в городских поселениях были использованы результаты инвентаризации¹, проведенные Агентством урбанизации совместно с местными органами власти.

На основе изучения демографического и инфраструктурного состояния, а также наличия промышленных предприятий в населенных пунктах выявлены СНП, потенциальные для получения в перспективе статусов «город» и «городской поселок». По нашим оценкам, ожидается преобразование 1-го СНП в город и 13 СНП — в городские поселки.

По состоянию на 01.01.2018 г. в Узбекистане насчитывался 1071 городской поселок, а по состоянию на 01.01.2019 года их число уменьшилось до 1053, что связано, в основном, с присоединением окружающих городских поселков к головным городам. Например, в Ташкентской области г. Тойтепа преобразовался в г. Нурафшан со статусом областного центра и охватил восемь окружающих поселков. Сокращение количества городских поселков наблюдалось также в Кашкадарьинской (6 ед. за счет присоединения к г. Шахрисабзу), Хорезмской (2 ед. — г. Хиве) областях и Республике Каракалпакстан (2 ед. — г. Тахиаташу). В перспективе ожидается изменение количества городских поселков за счет двух факторов: уменьшение с переходом в статус города районного подчинения; повышение с переходом сельских населенных пунктов в городские поселки.

Проведенные исследования дают основания для проведения экспертных оценок, согласно которым к 2030 г. ожидаются присоединение п. Ташлак к г. Фергане, объединение п. Хавас и г. Янгиера Сырдарьинской области и переход 19 городских поселков в города районного подчинения.

До 2030 г. также ожидаются определенные изменения в количестве малых городов с численностью до 50 тыс. человек. В настоящее время их число составляет 82 ед. На основе расчетов демографического прогнозирования выявлено, что через 10–11 лет, шесть городов (Кува, Тахиаташ, Куvasай, Нурафшан, Гиждуван и Китаб), ныне входящих в данную группировку, будут преобразованы в средние города. В то же время, как было выше отмечено, один СНП и 19 городских поселков

¹ Марченко Г. Муниципальные стратегии — сделано в России. М.: Аспект, 2004. — 208 с.; Каньшина А. Н. Оценка инвестиционной привлекательности региона на примере Воронежской области // Молодой ученый. 2016, № 25, с.288–292; Бобкова Н. Г., Ильющенко А. В. Оценка инвестиционной привлекательности региона для субъектов бизнеса // Бизнес и образование в экономике знаний. 2017, № 3. — С. 16–21.

перейдут в группу малых городов. Вместе с тем, предполагается присоединение г. Китаба к г. Шахрисабзу Кашкадарьинской области. Таким образом, в прогнозируемом периоде количество малых городов страны достигнет 93 ед.

Согласно ст. 9 Градостроительного кодекса в группу средних городов входят города с численностью населения от 50 до 100 тыс. человек. Количество таких городов в Узбекистане составляет 20 ед. Расчеты показывают, что в прогнозном периоде, четыре из них (Бекабад, Хива, Гулистан и Денау) перейдут в категорию больших городов. В то же время прибавится шесть городов, преобразованных из малых. В итоге, к 2030 г. количество средних городов Узбекистана достигнет 22 ед.

По законодательству, под большими городами подразумеваются города с численностью населения от 100 до 250 тыс. человек. Количество таких городов в республике составляет 9 ед. Результаты исследования показывают, что за счет объединения г. Маргилана с г. Ферганой, а также прибавления 4-х малых городов, общее количество больших городов достигнет 12 ед. к 2030 г.

Крупных городов в Республике Узбекистан всего семь ед. В перспективе данный показатель увеличится на одну ед. за счет г. Коканда и составит 8 ед. В количественном соотношении крупнейших городов (единственный г. Ташкент) изменения не ожидаются.

В целом, результаты проведенных исследований показывают, что за прогнозируемый период общее количество городских поселений увеличится на 11 ед., в том числе городов — на 17 ед. (таблица 2).

Таблица 2

Изменения, ожидаемые в городской сети Узбекистана за 2019–2030 годы

№	Категории городов	Численность населения, человек	Количество городов		
			2019	2030	Изменение, + -
1.	Крупнейшие	от 1 млн и больше	1	1	-
2.	Крупные	от 250 тыс. до 1 млн	7	8	1
3.	Большие	от 100 тыс. до 250 тыс.	9	12	3
4.	Средние	от 50 тыс. до 100 тыс.	20	22	2
5.	Малые	от 7 тыс. и больше	82	93	13
	Итого		119	136	17
6.	Городские поселки	от 2 тыс. и больше	1053	1047	-6
	Всего		1172	1183	11

Источник: разработано авторами на основе данных Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан.

В результате реализации политики урбанизации Узбекистана до 2030 года сеть городов Узбекистана будет совершенствоваться. При этом, основное внимание

будет уделяться не количественным, а качественным изменениям в развитии урбанизации.

Таким образом, реализация политики урбанизации определяет необходимость разработки механизмов стратегического развития территорий, совершенствования территориальной организации, успешного развития городских поселений с учетом их потенциала на базе городов-спутников. Основными направлениями развития городов-спутников при этом станут улучшение качества и условий жизни населения, создание новых квалифицированных рабочих мест на фоне рационального размещения промышленных предприятий, объектов производственной и социальной инфраструктуры.

ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда урбанизация жараёнларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди ҳамда ўзига хос бошқарув тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикасида урбанизация жараёнларини тартибга солиш бўйича асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жумласига Шаҳарсозлик, Ер ва Уй-жой Кодекслари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ва “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонунлар, соҳани ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорлари киради.

Истиқлол йилларида аҳоли пунктларига шаҳар ва шаҳарча мақомини бериш ҳамда уларни иерархик типларга ажратиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

Айрим шаҳарлар иқтисодий салоҳиятининг пастлиги кўп ҳолларда уларга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (бюджет, бошқарув ва бошқа соҳалардаги) муаммоларини мустақил ҳал этишларига халақит беради. Айниқса, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар бир қатор ваколатларга эга бўлгани ҳолда улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасалар юқори бюджет ташкилотларига боқиманда бўлиб қоладилар. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида республика ҳукуматининг 1997 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ республика бўйича вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар сони 54 тадан 27 тага камайтирилди (ҳозирда уларнинг сони 29 та). Қолганлари эса туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва шаҳарчалар даражасига туширилди. Лекин бу тадбир баъзи ҳолларда ўзини оқламади. Хусусан, жаҳон аҳамиятига эга йирик туризм марказлари бўлмиш — Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларини бошқарув дастаклари ва молиявий маблағларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бошқарув тизимини соддалаштириш ва унда тезкорликни таъминлаш мақсадида йирик, аҳоли сони бир неча миллион кишидан иборат бўлган шаҳарларни маъмурий жиҳатдан қисмларга ажратиш амалиёти мавжуд. Жумладан, Москванинг 10 та маъмурий округга, Санкт-Петербургниг 20 та, Киевнинг 10 та ва Тошкент шаҳрининг 11 та туманга бўлиниши фикримиз

далилидир. Дунёнинг бошқа йирик миллионер шаҳарларида ҳам бу амалиёт кенг қўлланилади.

Бироқ, мамлакатимизда аҳоли сони нисбатан кам бўлган 5 та шаҳар маъмурий жиҳатдан 8 та туманга ажратилган эди. Натижада, ушбу шаҳарлар бошқарув тизимининг "қаппайиб" кетиши самарадорликнинг пасайиши ва бюджет харажатларининг ортишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган "Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-худудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисида"ги Қарори бу муаммони ҳал этди. Унга кўра Бухоро шаҳридаги Ф. Хўжаев ва Тўқима-чилар, Навоийдаги Кармана, Намангандаги Давлатобод, Самарқанд шаҳридаги Сиёб, Темирийўлчи ва Боғишамол ҳамда Фарғонадаги Қиргули туманлари тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда урбанизация даражасининг статистик ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимиздаги 965 та қишлоқ аҳоли пункти шаҳарча мақомига эришди ва бунинг натижасида урбанизация даражаси бир йил ичида 35,8 дан 51,7 фоизга ўсди. Бироқ, мазкур Қарор туфайли республикада урбанизация ҳолатининг сифат жиҳатдан яхшиланиши кўзга ташланмади. Ушбу шаҳарчалар ўзининг амалга оширадиган функцияси ва меъморий қиёфаси бўйича қишлоқ аҳоли пунктларидан деярли фарқ қилмайди.

Таъкидлаш жоизки, шаҳарларни ташкил этиш ва уларни иерархик типларга ажратиш соҳасида бир қанча ҳуқуқий ноаниқликлар кўзга ташланади. "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонуннинг 10-чи, 11-чи ва 12-чи моддаларида аҳоли манзилгоҳларига шаҳарчалар, туманга ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар мақомини беришнинг мезонлари белгилаб берилган. Жумладан, Қонуннинг 11-моддасида "Туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида етти минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилиши мумкин" — дейилган. Ҳозирги пайтда республикада бундай шаҳарлар сони 82 та. Бироқ улар орасида аҳолисининг сони 70 минг кишидан ҳам ортиқ бўлган йирик саноат, туризм ва маданият марказлари Асака (67,8 минг), Шаҳрихон (78,3 минг), Чуст (72,7 минг), Хўжайли (70,8 минг), Денов (85,7 минг) каби шаҳарлар мавжуд.

Қонуннинг 11-моддасида "Шаҳарчалар туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қоида тариқасида камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин" — дейилган. Айни чоғда, улар орасида Олтинкўл (Кўнғирот тумани — 29,5 минг), Балиқчи (25,7 минг), Булоқбоши (32,9 минг), Зомин (25,5 минг),

Ғус (Ургут тумани — 32,9 минг), Урамас (Ургут тумани — 30,1 минг), Ховос (27,8 минг), Салар (Қибрай тумани — 35,8 минг), Гурлан (28,3 минг) ва Хонқа (40,7 минг) каби йирик демографик салоҳиятга эга аҳоли пунктлари учрайди. Бундай ҳолатлар Қонуннинг тегишли бандларига зарур ўзгаришлар киритиш ва айрим аҳоли пунктлари мақомини ўзгартириш заруратини англатади.

Қайд этиш жоизки, республикадаги мавжуд 157 та қишлоқ туманларидан 77 тасининг (49,0%) маъмурий марказлари шаҳарчаларда жойлашган. Улар орасида юқорида таъкидланганидек, аҳоли сони 20 мингдан ортиқ шаҳарчалар кўпчиликни ташкил этади. Бизнинг фикримизча, барча қишлоқ туманларининг маъмурий марказларига, уларнинг бошқарув функциясидан келиб чиқиб, шаҳар мақоми берилиши лозим.

Ҳозирги пайтда туманга бўйсунувчи шаҳарлар, туман марказлари, шаҳарчалар ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг маъмурий-бошқарув мақомига кўра аниқ чегараси, хусусан, бошқарув тузилмаси йўқ. 82 та туманга бўйсунувчи шаҳардан фақат 6 тасида — Кўрғонтепа, Асака, Ромитан, Сирдарё, Янги Нишон (Нишон тумани) ва Питнақда (Хазорасп тумани), 1071 та шаҳарчанинг фақат 2 тасида — Даштобод (Зомин тумани) ва Сарийосиёда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — шаҳар (шаҳарча) ҳокими лавозими жорий этилган. Бироқ, бу тартиб жорий этилган меъёрий ҳужжатда¹ нима учун айнан мазкур аҳоли манзилгоҳлари учун бошқарув органлари ташкил этилганлиги асослаб берилмаган. Бу эса соҳани давлат томонидан тартибга солиш бўйича муайян бўшлиқлар борлигини кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва шаҳарчаларда уларни ривожлантириш учун масъул орган — ҳокимликлар йўқ. Ушбу вазифа шаҳар/шаҳарча ҳудудида жойлашган маҳалла кўмиталари зиммасига юклатилган бўлиб, улар бевосита туман ҳокимликларига бўйсундилар. Бизнинг фикримизча, маҳаллий ўз ўзини бошқариш институти бўлмиш — маҳаллаларнинг Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бошқарув иерархиясидаги ўрнини аниқлаштириш зарурати мавжуд.

Гарчи меъёрий ҳужжатларда “республика бўйсунувидаги шаҳар” тушунчаси қўлланилсада, қонун ҳужжатларида унинг таърифи берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 277-І-сонли Қарори билан ўз кучини йўқотган “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида «Республикага бўйсунувчи шаҳарлар туркумига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказ ҳисобланган, аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар киритилиши мумкин» — деб белгиланган эди. Бизнинг фикримизча, мазкур тушунча қонун ҳужжатларида қайтадан ўз аксини топиши ва унда аҳоли сонининг кўйи чегараси бир миллион кишидан ортиқ деб белгиланиши зарур. Ўрта

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2691-сонли Қарорининг 2в-илоvasи.

истиқбол даврида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари шундай мақомга эришишга даъвогар бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июнда қабул қилинган "Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5738-сонли Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппарати таркибиде Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими ташкил этилди ва унга Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларини, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрини, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини ва Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани Шарғун шаҳарчасини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал этиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бироқ, мазкур ҳужжатда "Республика бўйсунувидаги шаҳар" тушунчасига ҳамда юқорида номлари зикр қилинган шаҳар ва шаҳарчалар қандай мезонлар асосида ажратиб олинганлигига аниқлик киритилмаган.

Агар бу масалада яқин хориж мамлакатлари тажрибасига назар солсак, Россия Федерациясида Москва, Санкт-Петербург ва Симферополь шаҳарлари, Қозоғистонда Астана, Олмаота ва Чимкент шаҳарлари умумдавлат миқёсидаги шаҳарлар эканига гувоҳ бўламиз.

Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аҳоли пунктларига шаҳар ва шаҳарча мақомини бериш ҳамда уларни иерархик типларга ажратиш юзасидан қонунчиликда бир қатор муаммолар мавжуд, кўп ҳолларда эса ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинмаётир. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда урбанизация жараёнларини сифат жиҳатдан яхшилаш учун қуйидаги институционал муаммолар ҳал этилиши зарур:

– Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексини ундаги бир қатор камчиликлар (тушунчаларнинг ноаниқлиги, бугунги воқеъликларга ва халқаро талабларга мос эмаслиги ҳамда унда санкциялар тизими, шаҳарлар бош режаларига, бошқа лойиҳа ҳужжатларига риоя қилмаслик ва бу соҳадаги қоидабузарликлар учун жарималарнинг аниқ белгиланмаганлиги ва ҳ. к.) туфайли қайта ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

– "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш;

– "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонунга "республика бўйсунувидаги шаҳар" мақомини белгиловчи банд қўшиш, шаҳарчалар, туманга ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар мақомини бериш мезонларини такомиллаштириш;

– минтақавий ривожланишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, бу соҳадаги тушунчаларни аниқлаштириш ва уларнинг меъёрий ҳужжатларда тўғри

қўлланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Худудий (минтақавий) ривожланиш тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш;

– барча қишлоқ туманларининг маъмурий марказларига, уларнинг бошқарув функциясидан келиб чиқиб шаҳар мақоми бериш;

– Ўзбекистонда урбанизацияни ривожлантириш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлигини инобатга олиб, маҳаллий ўз ўзини бошқариш институти — маҳаллаларнинг маъмурий-худудий бошқарув иерархиясидаги ўрнини қайта кўриб чиқиш.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Иқтисодиётда давлатнинг рақобат курашини шакллантириш борасида амалга оширадиган чора тадбирларининг инновацион салоҳиятга таъсирини ўрганишда икки ёндашув мавжуд. Жумладан, Шумпетернинг фикрига кўра концентрациялашган бозор тузилмалари иқтисодиёт кўлами ва миқёсига асосланган ҳолда ўзгармас самарадорликни сақлаб қолиш учун технологик тараққиётни қўллаб-қувватлаши лозим¹. Концентрациялашган саноатда йирик корхоналар инновация қилишга ҳаракат қиладилар, чунки: 1) улар ўзларининг фойдалари билан йирик тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш имкониятига эга ва 2) рақобатчилар сонининг чекланганлиги уларнинг инновациялар учун сарфланган харажатларини тез қоплаш имконини беради. Ушбу сабабларга кўра, Шумпетер ва бошқалар қаттиқ рақобат сиёсати технологик ривожланиш тезлигини секинлаштиради деган ғояни илгари сурадилар.

Бошқа иқтисодчилар эса корхоналар орасидаги рақобат кураши инновациялар ҳамда технологияларни ривожлантиришга хизмат қилади деган фикрни илгари суришади. Жумладан, Кэннет Арровнинг “Арров Эффект”² назариясига кўра монополист ва олигополистлар бозорни бутунича ёки катта қисмини назорат қилади ва янгиликлар яратиш учун жуда кам ҳаракат қилишади. Кэннет Арров ва бошқалар рақобатнинг йўқлиги инновацияларга қизиқишни камайтиришини, монополия ва ўзаро келишувларни бартараф этишга қаратилган антимонопол сиёсат динамик самарадорликка эришишга ёрдам беришини таъкидлашади.

Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлил ҳамда назарий билимларни эгаллаган ҳолда минтақада инновацион ривожланишни таъминлаш масаласи инновацион жараёнларни тартибга солиш ва инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланиш йўналишлари билан боғлиқ эканлигини асослайди. Буни инобатга олган ҳолда давлат ёки минтақанинг инновацияларни тартибга солишни таркибий жиҳатдан таҳлилий қараб чиқилади.

Минтақаларнинг инновацион салоҳиятини оширишга инновацион маҳсулот, хизматлар сони ҳамда ҳажми, бошқарув жараёнига инновацион усулларни жорий этиш, шунингдек инновацион фаолият ривожланишини турли хил ташкилий-иқтисодий механизмлар асосида қўллаб-қувватлаш кабилар хизмат қилади.

¹ Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. — «Эксмо», 2007.

² Кеннет Джозеф Эрроу Коллективный выбор и индивидуальные ценности М. — «ozon.ru», 2004

Инновацион фаолият ривожланишини таъминлашда турли дастак ва воситалардан кенг фойдаланиш жараёни маълум даражада тартибга солиш тушунчасини билдиради³. Бозор иқтисодиёти шароитида тартибга солиш ҳукуматнинг бозор фаолияти ҳамда иқтисодиётдаги хусусий субъектлар фаолиятига турли хил дастаклар ёрдамидаги аралашувини англатади. Ҳукуматнинг бозорга бундай аралашуви одатда бозордаги тебранишларни тартибга солиш ва жамият фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Олинган назарий билимларга асосланган ҳолда, минтақада инновацион фаолиятни тартибга солиш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши келтириб ўтилади:

- инновацион фаолият ҳамда дастурларни молиялаштириш ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини таъминлаш билан алоқадор бўлган тадқиқотни ривожлантириш бўйича ҳаракатларини молиялаштириш;
 - инновацион фаолиятга хизмат қилувчи инфратузилмани яратиш ва ташкил қилиш учун инвестицион фонд ташкил қилиш;
 - индивидуал инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун субсидияларни тақдим этиш;
 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
 - кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий фондларни ташкил қилиш;
 - инновация мажбуриятлари бўйича маҳаллий ва хорижий кредиторлар ҳамда инвесторлар учун кафолатлар;
 - инновацион дастурларни амалга ошириш ва инновацион ривожлантириш учун кадрларни ўқитишни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
 - минтақадаги инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;
 - инновация қонунчилиқ базасини яратиш;
- ҳалқаро алоқалар даражаси ва бошқалар⁴.

Инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидан бири молиялаштириш ҳисобланади. Бунда асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ва унинг таркибий тузилиши аҳамиятли ҳисобланади.

Бизнинг мақсадимиз Қорақалпоғистон Республикасида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланиш йўналишларини аниқлашдан иборат. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бошқа минтақалар билан қиёсий таҳлил қилинган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг айнан молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши инновацион фаолият ривожидида аҳамиятли бўлиб, унинг умумий ва қиёсий таҳлили амалга оширилиб ўтилади.

³ Перевалов Ю. В., Голова И. М., Суховой А. Ф. Инновационная политика в регионе: организационно-правовые аспекты. Препринт Екатеринбург: ИЭ УрО РАН 1996. — 50 с

⁴ Qalmuratov B. S. Prospects For The Use Of Organizational-Economic Mechanisms Of Innovative Capacities In The Region. // *AJS American Journal Of Science: RG Journal Impact*: (40) 3.25 USA, New Haven, Connecticut 2018 № 11 pages 43–46.

Минтақада асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори 2235.0 миллиард сўми ташкил қилиб, шундан 19.1 фоизи марказлашган инвестициялар ва 80.9 фоизи марказлашмаган инвестициялар ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатда марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар улуши мос равишда 25 ва 75 фоизни ташкил қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг таркибий таҳлилини амалга ошириш натижасида қуйидагилар аниқланди. Бюджет ҳамда давлат мақсадли фондлари маблағлари марказлашган инвестицияларнинг салмоқли улушини, яъни 81 фоизини ташкил қилади. Тикланиш ва тараққиёт фонди ҳамда ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари атиги 17 фоизни ташкил қилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари 2 фоизни ташкил қилади.

Минтақада марказлашган инвестицияларнинг таркибий тузилиши қандай ҳолатда эканлигини баҳолаш учун унинг Ўзбекистон Республикасида марказлашган инвестициялар таркибий тузилиши билан қиёсий таҳлилини амалга ошириб ўтилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида марказлашган инвестицияларнинг таркибий тузилиши¹

	Ўзбекистон Республикаси		Қорақалпоғистон Республикаси	
	млрд сўмда	фоизда	млрд сўмда	фоизда
Марказлашган инвестициялар	14975	100	427.9	100
шу жумладан:				
Бюджет маблағлари	3367.9	22	201.7	47
Давлат мақсадли фондлари	2333.2	16	142.8	34
Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	5175.7	35	44.2	10
Болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	184.4	1	8.3	2
Ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари	3913.8	26	30.9	7

Қорақалпоғистон Республикасидаги марказлашган инвестициялар таркибий тузилишидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасида асосий улуш Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағларига тўғри келади. Бундан ташқари ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари улуши ҳам анча катта бўлмоқда. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, минтақада марказлашган инвестицияларнинг таркибий тузилишини оптимал кўринишда дейиш қийин. Хусусан молиялаштириш бюджет маблағлари ва давлат мақсадли фондларига боғлиқ бўлиб қолган бўлиб, фикримизча минтақада марказлашган инвестицияларда тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитларининг улушини ошириш минтақада инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказлашмаган инвестицияларнинг таркибий тузилиши минтақаларда инновацион салоҳиятни оширишда муҳим аҳамият касб этади, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ушбу инвестицияларнинг улуши ҳамда роли аҳамиятли ҳисобланади.

Минтақада 2017 йилда 1807.1 миллиард сўм миқдорида марказлашмаган инвестициялар жалб қилинган бўлиб, унинг 48 фоизи корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига шакллантирилган. Аҳоли маблағлари ҳамда тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари мос равишда эса 22 ва 17 фоизни ташкил қилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида марказлашмаган инвестицияларнинг таркибий тузилиши²

	Ўзбекистон Республикаси		Қорақалпоғистон Республикаси	
	млрд сўмда	фоизда	млрд сўмда	фоизда
Марказлашмаган инвестициялар, шу жумладан:	45744.2	100	1807.1	100
корхоналарнинг ўз маблағлари	17882.7	39	870.8	48
аҳоли маблағлари	8790.8	19	395.2	22
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	12395.2	27	237.8	13
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	6675.5	15	303.3	17

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижалари асосида хулоса қиладиган бўлсак, минтақада ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитларининг улуши пастлиги минтақада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари талаб даражасида ишлаётганлигига шубҳа туғдиради. Бундан ташқари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг ҳам паст бўлиши келтирилган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Минтақада инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришни ҳам талаб даражасида дейиш қийин таҳлиллардан маълум бўлишича минтақанинг инновацияларни жорий қилган ташкилотлар ҳамда жорий қилинган инновациялар сони бўйича минтақанинг мамлакат миқёсидаги ўрни анча паст бўлишига қарамасдан, ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми бўйича юқори ўринларни эгаллайди. Бундан хулоса қилинадиган бўлса, мамлакатда инновацияларнинг айнан йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келиши, инновацион

² Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ривожланишни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган рақобатнинг ривожланиш даражаси ҳам анча паст эканлигини тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикасида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланиш таҳлили натижаларининг кўрсатишича, иқтисодий механизмлар, жумладан молиявий дастаклардан фойдаланиш анча паст даражада. Хусусан, асосий капиталга киритилган инвестицияларда тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳамда ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари улуши анча паст. Бундан ташқари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг ҳам пастлиги инновацион фаолиятни молиялаштиришда муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Умуман олганда пухта ўйланган инновацион сиёсат минтақавий инновацияларни тўғри бошқариш, минтақавий инновацион тизимни такомиллаштириш, минтақанинг инновацион фаолиятини фаоллаштириш, юқори самарали технологияларни тадбиқ этиш, ички ва ташқи бозорда юқори технологияли маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кеннет Джозеф Эрроу. Коллективный выбор и индивидуальные ценности М. — «ozon.ru», 2004
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. — «Эксмо», 2007.
3. Перевалов Ю. В., Голова И. М., Суховей А. Ф. Инновационная политика в регионе: организационно-правовые аспекты. Препринт Екатеринбург: ИЭ УрО РАН 1996.-50 с
4. Qalmuratov B. S. Prospects For The Use Of Organizational-Economic Mechanisms Of innovative Capacities in The Region. // AJS American Journal Of Science: RG Journal Impact: (40) 3.25 USA, New Haven, Connecticut 2018 № 11 pages 43–46
5. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари

Дилшадбек КАРИМОВ

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт
ва саноат вазирлиги Худудларни комплекс
ривожлантириш дастурларини
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи*

Азизбек МАТЧАНОВ

*Худудий бўлинмалар фаолиятини
мувофиқлаштириш бўлими
бошлиғи ўринбосари*

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ҚОЛОҚ ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Республика худудларидаги мавжуд аҳвол, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш даражаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритишда яратилган шарт-шароитлар ва аҳолининг даромад олиши бўйича мавжуд имкониятлар ҳамда бошқа йўналишлар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қолоқ туманлар ва шаҳарларни аниқлашнинг мезонлари ва тартибини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Худудий ривожлантиришнинг амалдаги тизимида минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари ва иқтисодий ўсиш манбаларининг ўзаро узвийлиги асосида рақобатдошликни таъминлайдиган минтақавий интеграциялашуви каби бозор омиллари деярли ҳисобга олинмаган.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қонун билан белгиланган сиёсат доирасида давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида ривожланмаган, депрессия ҳолатидаги ва инқирозли худудларнинг типологиясини аниқлаш бўйича йўналишлар белгиланмоқда. Ушбу йўналишда катта тажриба Европа мамлакатларида тўпланган.

Хусусан, Словения қонунчилигида ёрдамга муҳтож туманлар типологияси асосий учта мезон билан аниқланади: аҳолининг турмуш даражаси, меҳнат бозори ва иқтисодиётнинг ҳолати. Венгрияда янада мураккаброқ мезонлар асосида худудлар типологиясини жорий қилди: паст ривожланган зоналар, ёрдамга муҳтож саноат туманлари, ёрдамга муҳтож қишлоқ туманлари, ишсизлик даражаси юқори зоналар.

Шунингдек, Чехия Республикасида таркибий ўзгаришлар рўй бераётган худудлар (анъанавий саноат устунлиги ва ишсизлик даражаси юқори бўлган худудлар), иқтисодий заиф худудлар (турмуш даражаси паст бўлган худудлар, асосан қишлоқ жойлари). Польшада меҳнат бозори ҳолатидан келиб чиқиб, махсус давлат сиёсати юритилади. Ёрдамга муҳтож туманлар рўйхати ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

Хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суст кечаётган туман ва шаҳарларни қуйидаги мезонлар асосида аниқлаш тавсия этилади:

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми — ҳудуд иқтисодийнинг саноатлашуви унинг иқтисодий ривожланганлик даражасини кўрсатади.

Ушбу мезон қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{yuqori}} * Y_{max ball}$$

бу ерда: X_{ball} — мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга берилган балл; X — ушбу мезон бўйича ҳудуд кўрсаткичи; X_{yuqori} — вилоятнинг (Қорақалпоғистон Республикаси) шаҳар туманлари ичида энг юқори кўрсаткичи; $Y_{max ball}$ — ушбу кўрсаткичнинг максимал балли (12,5).

Ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми, ҳудудда яратилаётган қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш ҳамда саноат тармоғини диверсификациялаш заруратини баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунда минтақавий ривожланишдаги мавжуд номутаносиблик саноатнинг иқтисодий ўсишдаги паст улушида ва етарли даражада ривожланмаганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажмини оширишда ишлаб чиқаришнинг янги турларини ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш, ҳудудларнинг салоҳияти ва ресурсларидан оқилона фойдаланишга асосланган янги фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган саноат фаолиятини такомиллаштириш талаб этилади.

Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш ва товарларга бўлган талабни қондириш, рақобатдош устунликлардан фойдаланиб, янги бозорларга кириб бориш натижасида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.

2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ҳудуднинг моноиқтисодийга асосланганлигини кўрсатади ва иқтисодийни диверсификация қилишда “ривожланиш нуқтаси”ни белгилашда асос сифатида хизмат қилади.

Ушбу мезон қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{yuqori}} * Y_{max ball}$$

бу ерда: X_{ball} — мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга берилган балл; X — ушбу мезон бўйича ҳудуд кўрсаткичи; X_{yuqori} — вилоятнинг (Қорақалпоғистон Республикаси) шаҳар туманлари ичида энг юқори кўрсаткичи; $Y_{max ball}$ — ушбу кўрсаткичнинг максимал балли (12,5).

Агарда ҳудуд кўрсаткичи вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) нинг ўртача кўрсаткичига тенг ёки ундан юқори бўлса, ушбу мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга максимал балл берилади.

Ҳудудлардаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада чуқурлаштириш имкониятлари мавжуд. Бироқ, ҳозирда ернинг сифати (унумдорлиги), сув ресурслари билан таъминланганлик

даражаси, суғоришнинг замонавий ва тежамкор усулларида фойдаланиш даражаси кўпгина ҳудудларда пастлигича қолмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ҳудуднинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигининг қайси йўналишига кўпроқ урғу беришни аниқлаш лозим бўлади.

3. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми — аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва уларнинг даромадини баҳолаш имконини беради. Чунки, хизматлар соҳасида яратиладиган қўшилган қиймат бошқа тармоқларга нисбатан юқорилиги сабабли аҳамиятлидир. Келажакда хизматлар ва сервис асосидаги иқтисодиёт ҳудуднинг ривожланганлик даражасини белгилаб бериши керак. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳудди шу жараён кузатилади.

Ушбу мезон қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{yuqori}} * Y_{max\ ball}$$

бу ерда: X_{ball} — мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга берилган балл; X — ушбу мезон бўйича ҳудуд кўрсаткичи; X_{yuqori} — вилоятнинг (Қорақалпоғистон Республикаси) шаҳар туманлари ичида энг юқори кўрсаткичи; $Y_{max\ ball}$ — ушбу кўрсаткичнинг максимал балли (12,5).

Агарда ҳудуд кўрсаткичи вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) нинг ўртача кўрсаткичига тенг ёки ундан юқори бўлса, ушбу мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга максимал балл берилади.

Ўзбекистон ҳудудларида хизматларнинг асосий турлари бўйича аҳолининг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш даражаси етарлича эмаслиги аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмига таъсир кўрсатиб келмоқда.

Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, хизматнинг замонавий турларини ривожлантириш орқали ҳудудда кучли рақобат муҳитини яратишга асос бўладиган, фундаментал аҳамият касб этадиган йўналишларга эътиборни қаратиш талаб этилади.

4. Бюджет харажатларининг қопланиши — бюджетлараро муносабатлар сифати ҳамда бюджет харажатларини ҳудуднинг ўз даромадлари орқали қопланиши баҳоланади.

$$X_{ball} = \frac{X}{100} * Y_{max\ ball}$$

бу ерда: X_{ball} — мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга берилган балл; X — ушбу мезон бўйича ҳудуд кўрсаткичи; $Y_{max\ ball}$ — ушбу кўрсаткичнинг максимал балли (12,5).

Агарда ҳудуд кўрсаткичи 100 га тенг ёки ундан юқори бўлса, ушбу мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга максимал балл берилади.

Кўпгина ҳудудларда солиқ қарзини ундириш ишлари самарасиз ташкил этилганлиги сабабли прогнозга нисбатан бюджетга қўшимча солиқ тушириш мажбуриятининг бажарилишини таъминлашда сусткашликларга йўл қўйилмоқда.

Бюджетга қўшимча солиқ тушириш юзасидан янги солиқ манбаларини аниқлашда бўш турган, самарали ишлатилмаётган давлат ва хусусий мулк объектлари **негизда янги корхоналарни ташкил этиб**, солиққа тортиш базасини кенгайтириш лозим.

5. Ҳар 1000 кишига нисбатан фаолият юритаётган ва юритмаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони — бизнесни ташкил қилиш ва уни юритиш, ресурслардан фойдаланиш имконияти, тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқини баҳолаш.

Жойларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва амалга ошириш соҳасида қатор муаммолар, жумладан тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш масаласини келишиш жараёнида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқишни кечиктириш ҳолатлари, янгидан ташкил этилаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг “яшовчанлик” даврининг қисқалиги юзага келмоқда.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатиш муҳим ҳисобланади.

6. Аҳолининг бандлик даражаси — ҳудуднинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳоланади.

Аҳоли бандлигини оширишда янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини меҳнат ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиш учун давлат буюртмасини ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ишга жойлаштириш учун квоталар белгилаш масалалари бўйича, республика ва ҳудудларни демографик ва иқтисодий ривожлантириш прогнозларидан келиб чиқиб, меҳнат ресурслари балансларининг асослантилган прогноз параметрларини белгилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

7. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи — ҳудудда аҳоли учун даромад олиш имкониятлари яратилганлик даражаси баҳоланади.

Мазкур мезон жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўртача йиллик доимий аҳоли сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Агарда ҳудуд кўрсаткичи вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) нинг ўртача кўрсаткичига тенг ёки ундан юқори бўлса, ушбу мезон кўрсаткичи бўйича ҳудудга максимал балл берилади.

Мавсумий ишлайдиган ишчиларда ишлаган иш даври учун иш стажлари юритилиши ва бунинг эвазига улардан даромад солиғи ундиришни тартибга солувчи тизим мавжуд эмас. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан амалдаги ишчилар сонини ҳисоботларда кам кўрсатиш орқали жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи йўқотилмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринларини ҳаққонийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

8. Табиий газ ва электр энергияга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси — ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган энергия ресурслари билан таъминланганлик даражасини баҳолаш имконини беради.

Мазкур мезон бўйича баллар қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{100} * Y_{max\ ball}$$

бу ерда: X_{ball} — кўрсаткич бўйича ҳудудга берилган балл; X — ҳудуд кўрсаткичи; $Y_{max\ ball}$ — 6,25

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши 100 баллик баҳолаш мезони асосида баҳоланади.

Кўрсаткичлар бўйича туманлар ва шаҳарлар олган баллари умумлаштирилади, 50 балл ва ундан паст балл тўплаган шаҳар ва туманлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада бўлган ҳудудлар деб тан олинади ва рўйхати шакллантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қолоқ туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар йили ўрта муддатли комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш мумкин. Бунда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, йиллик ишлаб чиқариш қувватлари, бюджетга тушум, яратиладиган янги иш ўринлари, лойиҳаларнинг экспорт салоҳияти, ижтимоий соҳа ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, бўш турган давлат ва хусусий бино-иншоотларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутиш тақлиф этилади.

Бахтияр РУЗМЕТОВ
д. э. н. профессор,
Ургенчский государственный университет,
Комилжон КУЗИЕВ
PhD, старший научный сотрудник,
Институт прогнозирования
и макроэкономических исследований

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ЗАДАЧИ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА: РЕГИОНАЛЬНЫЙ АСПЕКТ

В целях совершенствования системы аграрного сектора в последние годы в отрасли экономики регионов осуществляется новый этап рыночной реформы. В этой связи актуальными становятся вопросы исследования стратегических задач и направлений отрасли. Это открывает возможности территориальным субъектам определиться с направлением и темпом развития данного сектора, очертить глобальные тенденции продовольственного рынка, понять, какие организационные и структурные изменения должны произойти в этой сфере для достижения конкурентоспособности и успешного развития.


Учитывая неоднородность в условиях развития регионов, в качестве основных целей дальнейшего развития сельского хозяйства следует предусмотреть:

- обеспечение продовольственными товарами всех слоев населения (исходя из рациональных норм здорового питания всех групп населения по уровню их доходов);
- повышение эффективности хозяйственной деятельности и обеспечение устойчивого развития сельского хозяйства для получения максимальной выгоды от имеющихся природных ресурсов с учетом сохранения их целостности;
- расширение инновационных форм землепользования и животноводческих хозяйств (тепличные хозяйства, кластеры, сельскохозяйственная кооперация) в целях повышения финансовой устойчивости и поэтапной реализации задач расширения экспортного потенциала, завоевания новых потенциальных рынков.

Сельское хозяйство в экономике страны имеет весомое значение, так как оно не только удовлетворяет потребности населения в продовольствии, но обеспечивает его занятость и служит для эффективного функционирования других отраслей народного хозяйства. В частности, аграрный сектор обеспечивает занятость 3,6 млн человек (27% занятых по экономике в целом). Доля отрасли в валовом внутреннем продукте страны составляет 32%. В 2015–2018 гг. среднегодовой темп роста производства продукции сельского хозяйства составил 104,0% по всем категориям хозяйств. В территориальном разрезе средние темпы роста сельскохозяйственного производства наблюдались в Андижанской (105,7%), Бухар-

ской (105,0%), Навоийской (103,9%), Ташкентской (102,8%), Ферганской (101,7%), Джизакской (101,6%) областях и Республике Каракалпакстан (103,3%). В то же время снижение темпов роста сельскохозяйственного производства были отмечены в Наманганской (99,5%), Хорезмской (98,9%), Сырдарьинской (97,9%), Сурхандарьинской (96,9%), Кашкадарьинской (96,9%), Самаркандской (94,4%) областях, что связано с дефицитом водных ресурсов и засоленностью посевных площадей, а также снижением производства основных видов продукции растениеводства, таких как хлопок, зерно, картофель, овощи, бахчевые и т. д.

В последние годы в регионах республики проводится активная политика оптимизации структуры посевных площадей, прежде всего, за счет сокращения посевов хлопчатника на низкоурожайных землях. Анализ статистических данных свидетельствуют об изменениях структуры посевных площадей сельскохозяйственных культур в регионах. Например, за период 2005–2018 гг. наибольшее увеличение посевных земель под зерновые культуры наблюдалось в Республике Каракалпакстан (26,7%), Андижанской (11,1%) и Навоийской (11,8%) областях. В то же время уменьшение посевных площадей под зерновые отмечалось в Джизакской (8,5%), Сурхандарьинской (2,5%) и Ферганской (1,4%) областях. Посевные площади под картофель, овощи и бахчевые увеличились в Республике Каракалпакстан более чем в 2 раза, Хорезмской области — 1,9 раза, Кашкадарьинской — 1,8 раза и Ферганской — 1,7 раза. При этом, сравнительно умеренный рост посевных площадей под картофель, овощи и бахчевые наблюдался в таких регионах, как Джизакская (на 6,8%), Бухарская (9,9%) и Сырдарьинская (11,6%) области. Посевные площади под кормовые культуры увеличились в Бухарской (2,2 раза), Джизакской (1,8 раза) и Наманганской (1,7 раза) областях.



Источник: расчеты авторов по данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.

Рисунок. Отраслевая структура сельского хозяйства по регионам за 2018 г., %

В отраслевой структуре сельского хозяйства республики преобладает доля растениеводства (53,2%). За рассматриваемый период существенные позитивные изменения в его развитии произошли в Андижанской, Наманганской, Сырдарьинской, Ферганской и Самаркандской областях.

Анализ показывает, что доля растениеводства превышает долю животноводства в Андижанской (69,3%), Наманганской (60,5%), Ферганской (56,42%), Сырдарьинской (58,6%), Самаркандской (56,4%), Ташкентской (51,6%), Сурхандарьинской (54%) и Бухарской (51,6%) областях. Доля животноводства превышает долю растениеводства в Республике Каракалпакстан (54,5%), Кашкадарьинской (57,6%) Джизакской (61,5%), Навоийской (60,6%) и Хорезмской (52,5%) областях (рис).

В производство основных видов растениеводческой продукции за 2015–2018 гг. весомый вклад вложили аграрники Самаркандской, Ташкентской, Андижанской, Наманганской и Сурхандарьинской областей. Например, производство картофеля по республике (таблица) выросло в 2,4 раза (рост выше республиканского параметра достигнут в Самаркандской, Ташкентской, Наманганской и Ферганской областях), плодов и овощей — в 2,3 раза (в Ташкентской, Самаркандской, Андижанской и Сурхандарьинской областях), винограда — в 2,1 раза (в Самаркандской, Ташкентской и Сурхандарьинской областях).

Таблица

Доля регионов в производстве основных видов растениеводческой продукции за 2015 и 2018 годы, %

Наименование регионов	картофель		овощи		плоды		виноград		зерно	
	2015	2018	2015	2018	2015	2018	2015	2018	2015	2018
Республика Узбекистан	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Республика Каракалпакстан	1,9	1,8	2,1	2,4	1,9	1,5	0,1	0,4	16,2	3,3
<i>области:</i>										
Андижанская	5,1	10,9	9,5	13,9	15,0	20,9	4,2	4,3	8,1	8,3
Бухарская	1,8	6,8	7,1	5,6	6,3	8,7	8,3	11,1	2,4	8,3
Джизакская	3,7	2,3	4,4	3,7	4,6	3,3	7,3	1,9	8,8	6,7
Кашкадарьинская	3,7	6,5	6,2	5,0	7,1	4,7	8,6	6,1	11,6	13,0
Навоийская	0,9	2,5	0,10	2,3	0,8	3,8	0,8	4,8	1,2	3,3
Наманганская	14,3	8,9	6,6	6,5	13,1	8,2	7,3	7,3	6,1	6,9
Самаркандская	22,7	21,2	19,8	15,6	14,0	13,7	28,2	35,3	10,7	10,4
Сурхандарьинская	11,3	8,1	5,6	8,9	5,6	5,0	12,8	7,5	8,0	8,1
Сырдарьинская	2,0	1,8	3,7	2,8	1,2	1,3	1,9	0,9	6,2	7,2
Ташкентская	18,1	14,8	20,7	20,1	15,2	7,5	16,2	10,6	8,5	9,2
Ферганская	11,3	10,3	10,1	7,7	11,6	15,1	3,6	7,2	6,1	9,7
Хорезмская	4,3	4,3	4,4	5,4	4,5	6,3	1,5	2,5	6,2	5,6

Источник: расчеты авторов по данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.

Животноводческая отрасль сельского хозяйства республики также играет важную роль в обеспечении продовольственной безопасности страны. Однако, его доля в общем объеме производства сельского хозяйства снижается. Так, если этот показатель в 2015 г. составил 40,6%, то в 2018 г. он увеличился до 46,8%, что является следствием интенсивного развития данной отрасли. Несмотря на это, наблюдается снижение доли некоторых видов животноводческой продукции в Ташкентской, Наманганской, Андижанской, Навоийской и Ферганской областях, а также в Республике Каракалпакстан.

Для дальнейшего развития животноводческих отраслей необходимо совершенствовать кормовую базу в Республике Каракалпакстан, Джизакской и Навоийской областях, которые имеют наилучший потенциал для развития животноводства.

Совершенствование институциональной формы сельскохозяйственных субъектов также имеет важное значение при стратегическом планировании. В сфере растениеводства преобладающие позиции по посевной площади и производству некоторых видов сельхозпродукции занимают фермерские хозяйства. Например, доля фермерских хозяйств в общем объеме выращивания зерна и зерноколосовых культур составила 78,0%, хлопка-сырца — 96,2%, бахчи — 38,3%. Доля дехканских хозяйств в производстве картофеля составила 88,4%, овощей — 74,3%, плодов — 62,6%, винограда — 55,0%. Несмотря на это, весомая часть орошаемых земель во всех регионах приходится на фермерские хозяйства.

Анализируя данные о поголовье крупного рогатого скота по категориям хозяйств (по состоянию на 1 января 2019 года), следует отметить, что: 5,0% крупного рогатого скота приходится на фермерские хозяйства, 93,6% — дехканские (личные подсобные), 1,4% — организации, осуществляющие сельскохозяйственную деятельность; от общего числа овец и коз на фермерские хозяйства приходится 10,9%, дехканские (личные подсобные) хозяйства — 84,1%, организации, осуществляющие сельскохозяйственную деятельность — 5,0%; от общего числа птиц на фермерские хозяйства приходятся 14,1%, дехканские (личные подсобные) хозяйства — 58,0%, организации, осуществляющие сельскохозяйственную деятельность — 27,9%.

Удельный вес крупного рогатого скота в дехканских хозяйствах в общем поголовье составил 90,3%, в фермерских хозяйствах — 7,1%, коров, соответственно, — 92,5% и 6,3%, овец и коз — 88,9% и 9,7%, лошадей — 82,1% и 10,6%, птиц — 65,9% и 18,2%. Доля дехканских хозяйств в производстве мяса в общем объеме составила 92,6%, в фермерских хозяйствах — 4,1%, в производстве молока, соответственно, — 95,6% и 3,6%, сборе яиц — 58,4% и 14,4%, шерсти — 87,5% и 7,91%, каракуля — 63,2% и 7,3%. Здесь также необходимо обратить внимание на тот факт, что большая часть кормовых площадей приходится на фермерские хозяйства, однако они имеют низкую долю в производстве.

Таким образом, при определении стратегических направлений сельскохозяйственного развития целесообразно обратить внимание на тенденции и результаты эффективности землепользования. В частности, во всех областях наблюдается диспропорция в структуре земельных ресурсов и производстве животноводческой продукции. Например, в удельном весе площади и производстве кормовых культур преобладают фермерские хозяйства, но по доле производства мяса и молока превалируют дехканские хозяйства. Анализ показывает, что выделение земельной площади под кормовые культуры по категориям хозяйств имеет абсолютно неравномерный характер.

Исходя из этого, рекомендуется, в рамках индикативно-стратегического планирования, использовать нормативные подходы, которые в значительной степени позволяют дать объективную оценку необходимым ресурсам, в том числе и финансовым, а также целесообразно внедрить автоматизированную информационную систему мониторинга исполнения инвестиционных и региональных программ в разрезе регионов.

На наш взгляд, основными стратегическими задачами дальнейшего развития аграрного сектора регионов будут следующие:

- повышение урожайности всех видов сельскохозяйственных культур путем применения современных технологий и достижений науки, учитывая сохранение биоразнообразия природной среды и повышение бонитета почв;
- формирование эффективного и конкурентоспособного агропромышленного производства, обеспечивающего увеличение экспорта отдельных видов сельскохозяйственной продукции путем создания инновационных форм хозяйственной деятельности;
- развитие сельскохозяйственной кооперации для создания цепочек добавленной стоимости в плодоовощной отрасли, что обеспечит устойчивость производства качественной плодоовощной продукции и ее экспорта, расширит финансовые возможности ее участников, а также повысит конкурентоспособность производства;
- подготовка фундамента для реализации новой региональной экономической политики в сельском хозяйстве, основанной на применении инноваций, направленных на снижение издержек производства за счет применения системы новых технологий, которая позволяет поднять технологический уровень и служит значительному сокращению отставания от экономически развитых стран (кластеризация, высокий образовательный уровень трудоспособного населения, наличие крупных коллективных хозяйств, глобальное изменение климата);
- совершенствование системы кадровой подготовки аграрного сектора для реализации стратегических задач: развитие социальной и инженерной инфраструктуры на селе, освоение инноваций, расширение перспективных видов агробизнеса и достижение устойчивого развития;

– расширение инновационных форм землепользования и животноводческих хозяйств (тепличные хозяйства, кластеры, сельскохозяйственная кооперация) в целях повышения финансовой устойчивости и преодоления разрыва между уровнем жизни городского и сельского населения;

– переход к эффективным формам биологизации и экологизации агропромышленного производства на основе применения новых технологий в растениеводстве и животноводстве, приостановление деградации земель, реабилитация и возврат в сельскохозяйственное использование части земель; преодоление отрицательных последствий применения агрохимикатов для здоровья населения и окружающей среды, развитие органического сельского хозяйства с постепенным переходом на «зеленую экономику», сохранение окружающей среды и обеспечение экологической безопасности области.

Эльмира МАДЕНОВА
*ассистент, мустақил тадқиқотчи,
Қорақалпоқ давлат университети
“Иқтисодиёт” кафедраси*

МИНТАҚАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИГА ТАЪСИР ЭТАДИГАН ТАШҚИ ВА ИЧКИ ОМИЛЛАР

Мамлакат ва минтақани ривожлантириш стратегияси мураккаб бошқарув тизимининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Стратегия барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий, институционал ва экологик оқибатларини, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради.

Ҳозирда ҳурматли Президентимиз Ш. М. Мирзиёев томонидан иқтисодиётни бошқаришда ўрта ва узоқ муддатли стратегия, концепция, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, бўйича тубдан ўзгаришлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, Президентимиз тасдиқлаб берган Ўзбекистон Республикаси маъмурий ислохотлар концепциясида “Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқлар ва минтақаларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш” лозимлиги кўрсатиб ўтилган.¹

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон ва унинг минтақаларини бошқаришда ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи омилларини аниқлаш долзарб устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Минтақанинг барқарор ривожланиши бир қатор ички ва ташқи омилларнинг таъсири билан белгиланади. Улар ҳозирги ва келажак иқтисодиётни ўрганиш, ҳамда прогнозлаштиришда стратегик йўналишларни, турли сценарий ва вариантларни асослашда илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш ва чуқур ўрганиш доимий жараён бўлиб, улар ихтисослашган илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, шунингдек олимлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилади. Шунини таъкидлаш лозимки, омилларни баҳолаш минтақада маълум мақсад ва вазифаларни ёки йирик минтақавий муаммони ҳал қилишга қаратилиши лозим. Мақсадсиз, умумий кўринишда омилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳеч қандай амалий аҳамиятга эга бўлмайди. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасидаги Орол денгизини аниқ бир мақсадни кўзланмаган ҳолда илмий ўрганиш маълум натижани бермайди. Бизнинг фикримизча, Орол денгизини Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ келажакда барқарор

¹ “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент, 2017 йил 8 сентябр, ПФ-5185-сон.

ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожланишига салбий ёки ижобӣ таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Таҳлилга бундай ёндашув минтақа ривожланишини таъминлашда мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишда, экологик ва табиӣ муҳитнинг оптимал миқдорӣ ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга ёрдам беради.

Минтақани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда ушбу таҳлилий услубдан турли сценарийларни асослашда, инновацион ва технологик янгиликларни амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Табиӣ ва иқтисодӣ омилларни ўрганишда тўпланган барча тажриба ва илмӣ тадқиқотлар натижаларидан унумли фойдаланиш зарур. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг ер ва сув ресурслари, фойдали қазилмалари, иқлим шароити, ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожланиш даражаси бир қатор махсус илмӣ текшириш ва лойиҳалаштириш институтлари (марказлар) томонидан, халқаро ташкилотлар ҳисоботларида ўрганилган ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган. Мавжуд назарӣ ва амалӣ қўлланмалар, хулосаларни ягона мажмуа сифатида бирлаштирган ҳолда таҳлил қилиш минтақа келажагини аниқлашда ва илмӣ асослашда катта аҳамиятга эга.

Илмӣ адабиётлар ва тадқиқотларда минтақа ривожланишининг ички омилларига асосӣ эътибор қаратилган бўлиб, ҳақиқатдан ҳам уларнинг барқарор, иқтисодӣ ўсишга таъсири жуда катта (1.1.-чизма). Ички омилларни асосан иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга асосан табиӣ омиллар киритилган бўлиб, иккинчи гуруҳни иқтисодӣ омиллар ташкил этади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу икки гуруҳ бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Айрим олимлар ва мутахассислар минтақа ички омилларини умумлаштирган ҳолда табиӣ-иқтисодӣ салоҳият деб номлайдилар.²

Минтақани мажмуали ривожлантиришда турли бир-бирига боғлиқ жараёнларни аниқлаш муҳимдир (табиат ва хўжалик, табиат ва одамлар, хўжалик ва одамлар ўртасида). Табиат, хўжалик ва одамлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш орқали муаммоларни танлаб олиш, уларни таҳлил қилиш, сўнгра табиӣ муҳитнинг хўжаликни ривожлантиришга, шунингдек ижтимоӣ-иқтисодӣ тараққиётнинг келажақда экологик вазиятга таъсирини баҳолаш мумкин. Ички омилларни ана шундай тизимли кўринишда таҳлил қилиш тадқиқот объекти бўлмиш Қорақалпоғистон Республикаси учун жуда долзарбдир. Биринчидан, минтақанинг барқарор ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожланиши кўп жиҳатдан Орол денгизининг ва экологик шароитнинг хўжалик таррақийетига, иқтисодий таркибининг шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, минтақанинг иқтисодӣ ихтисослашуви, йирик инвестицион дастурларнинг амалга оширилиши табиӣ муҳитнинг ва экологик вазиятнинг янада ўзгаришига олиб келиши мумкин. Омилларни таҳлил қилишда илгари минтақада амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни ва дастурларни амалга оширишнинг экологик оқибатлари, айрим йўл қўйилган хато ва камчилик-

² Ҳакимов А. Х. и другие. Региональная экономика и управление. Душанбе. Деваштич, 2012, — 252 стр. Гладкий Ю. Н., Чистобаев А. И. Основы региональной политики, Санкт-Петербург, 2008, — 659 стр.

ларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида келажакда салбий оқибатларнинг олдини олиш учун асос бўлади.


Йиллар давомида табиий муҳитнинг ўзгаришидаги ва ривожланишидаги қонуниятлар ва йўналишлар тўғрисидаги маълумотлардан минтақанинг келажак ривожланиш стратегиясини танлаб олишда, табиий салоҳиятдан унумли фойдаланишда ва инвестицион дастурларни амалга оширишда кенг фойдаланиш зарур. Масалан, иқлимнинг ўзгариши, чўллашув жараёни келажакда аҳоли яшаш пунктларини жойлаштиришга, минтақа худудий таркибини шакллантиришга таъсири кучли бўлади. Буларнинг ҳаммаси минтақавий табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уй-жой, ижтимоий инфратузилма объектларини намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида иқлим ҳароратининг юқорилиги, кўмининг кўчиши хавфи, ичимлик сувининг камлиги ва минтақанинг чўл зонасида жойлашувини эътиборга олсак, қурилиш меъёрлари Фарғона, Наманган вилоятларига нисбатан бир хилда бўлмаслиги керак. Умуман олганда ҳар бир минтақани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда табиатнинг алоҳида элементлари бўйича (тупроқнинг тузилиши, иқлим ҳарорати, чўллашув даражаси ва бошқалар) миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш муҳим босқичлардан биридир.

Минтақани ривожлантириш стратегиясини илмий асослашда хомашё тўғрисидаги маълумотлар (физик ва географик жойлашуви, қазиб олиш технологияси, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, рақобатбардошлиги ва бошқалар) геология қўмитаси, илмий ва лойиҳа институтларида тўпланиб, улардан унумли фойдаланиш зарур. Масалан, хомашё заҳирасидаги фойдали маҳсулотнинг улуши, қазилма конларида фойдаланиш муддати фақат янги дастурларни ишлаб чиқишдагина эмас, балки фаолият кўрсатаётган корхонанинг келажакдаги белгилашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Ресурслар салоҳиятини ўрганиш услубиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни мамлакат ва минтақа миқёсидаги ўрнини аниқлаш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ресурсларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- ресурсларнинг мамлакат иқтисодиётидаги талаб ва таклиф балансидаги монопол ўрни;
- географик жойлашувига асосан ресурсларни минтақаларга тақсимлашнинг қулайлиги;
- ресурсларнинг бошқа минтақаларга нисбатан рақобат афзалликлари;
- мамлакат экспорт салоҳиятида ва валюта заҳираларини шакллантиришдаги ўрни.

Узоқ муддатга прогнозлаштиришда салоҳиятли ресурсларни ўзлаштириш учун тайёрланганлик даражасини эътирофга олиш зарур. Хом-ашё заҳираларини ўзлаштириш учун тайёрланган ёки ҳали қўшимча қидирув, геологик, техник иқтисодий ва лойиҳалаштириш ишлари маълум муддатни талаб қилади. Бу ўз навбатида стратегияни ишлаб чиқишда ресурсларни ўзлаштириш муддатини белгилайди.



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1.1. чизма. Минтақа ривожланишининг асосий ички омиллари.

Келажакда минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш илғор инновацион илмий-техник ютуқлар ва ғояларни амалиётда қўллаш билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида қора металлургияни ривожлантириш истиқболлини белгилаш учун бу тармоқда энг илғор техника ва технологияни (моно, плазма асосидаги технологиялар), металлни тўғридан-тўғри рудадан ажратиш олиш, кичик қувватдаги металлургиянинг имкониятларини эътиборга олиш керак. Айниқса узоқ муддатли прогнозлаштиришда лойиҳалаштириладиган корхонанинг қуввати ва турини аниқлаш техник-иқтисодий асослашнинг мураккаб босқичларидан ҳисобланади.

Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион ғоя ва таклифларнинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

- прогнозлаштиришда минтақаларда айрим тармоқларни илғор технология билан қуроллантириш чораларини аниқлаш;
- минтақада жаҳон ва мамлакатимизда эришилган фан ва техника ютуқларидан фойдаланишда уларни худуднинг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришга қаратилган марказни шакллантириш;
- мамлакат ва минтақа имкониятларидан келиб чиққан ҳолда технологик модернизация учун керак бўладиган харажатларни аниқлаш.

Минтақавий илмий-техник салоҳиятни юксалтириш кўп ҳижатдан таълим тизимидаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш муаммоларини ечишга қаратилган бўлиши керак. Узоқ муддатли минтақани ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва технологик ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш, қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлиги хомашёдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача тизимининг ўзаро боғланганлигига боғлиқ. Бундай ўзаро боғлиқлик кўпроқ ёқилги-энергетика, кимё, металлургия, аграр секторга таалуқлидир. Хом-ашё — тайёр маҳсулот занжирининг шаклланиши даражаси минтақаларнинг транспорт-географик жойлашувига боғлиқ. Қорақалпоғистон Республикаси билан бошқа мамлакат вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўртасида нисбатан транспорт масофасининг узоқлиги ишлаб чиқариш занжирини кенгроқ қамраб олиш учун омил бўлиб хизмат қилади. Айниқса аҳолини тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда агросаноат мажмуасини шакллантириш ва ривожлантириш минтақа стратегиясини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Минтақага бағишланган илмий адабиётлар ва тадқиқотларда, унинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи ташқи омиллар деярли чуқур ўрганилмаган. Жаҳонда ҳозирда давом этаётган ноаниқликларнинг салбий оқибатлари кўпгина давлатларда юқори бўлиши мумкин. Бунинг асосий сабаби унга қарши олдиндан чора-тадбирлар тизими ва механизмлар ишлаб чиқилмаганлигидир. Ушбу глобал ноаниқлик ва ўзгарувчанлик яна бир бор ҳозирда мавжуд ва келажакда пайдо бўлиши кўзда тутилган жараёнларни ва оқибатларнинг таъсирини ўрганиш зарур эканлигини

кўрсатмоқда. Ташқи омиллар минтақани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Кўриб чиқилган минтақани ривожлантириш стратегиясининг ташқи ва ички омиллари ҳар бир минтақа учун ўзига хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тараққиётнинг устувор йўналишларини тўғри аниқлаш учун катта имкониятлар яратади. Айниқса омилларнинг салбий ва ижобий томонларининг чуқур таҳлили асосида илмий асосланган тадбирлар ишлаб чиқиш, оқибатларининг олдини олиш механизмларини шакллантириш амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат учун амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент, 2017 йил, 7 феврал.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. Фанлар Академияси, 1991й.-715 б
3. Егоршин А.И. Теория и практика стратегического планирования в регионе. М.: 2004, — 163 с.
4. Смирнов Е. П. Стратегия развития регионов: Теория, практика, новые подходы. Финансы, экономика, безопасность. 2005, — 214 с, , Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика. М.;; 2006, — 236 с.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил январ-июнда қабул қилган қарорлари. (“2017–2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”).
6. “Қорақалпоғистон Республикасида балиқчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 6 май 2016 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 майдаги қарори.
8. Идрисов А. Стратегия развития регионов. ПРО Инвест Консалтинг. 2009,-18 с.

Эльвира МАМАДАЛИЕВА
*старший научный сотрудник,
Институт прогнозирования
и макроэкономических исследований*

ДИАГНОСТИКА ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ КАК ВАЖНАЯ ОСНОВА ДЛЯ РАЗРАБОТКИ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ РЕГИОНА (НА ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

На современном этапе развития экономики Узбекистана вопросы повышения инвестиционной привлекательности регионов приобретают особую актуальность. Важным направлением исследования при этом являются анализ и мониторинг инвестиционного потенциала и привлекательности региона. По мнению автора, инвестиционная привлекательность региона складывается из совокупности экономического, финансового, природно-экономического, социального, инфраструктурного, экспортного, предпринимательского потенциалов, диагностика которых позволяет судить как об общем уровне социально-экономического развития региона (конкурентоспособности экономики), так и о степени привлекательности региона для инвесторов. Следовательно, диагностика данных индикаторов позволит не только определить тенденции социально-экономического развития региона, но и описать региональные проблемы посредством количественной и качественной оценки факторов.

В этой связи для оценки привлекательности региона автором предлагается применение методики сравнительной оценки конкурентоспособности региона, т. к. конкурентный потенциал региона выступает сложным и многогранным понятием, соединяющим в себе как экономические, так и социальные ресурсы и возможности.

В качестве объекта исследования была выбрана Наманганская область, которая относится к территориям со средним уровнем инвестиционной привлекательности (в последние годы на долю области приходилось в среднем 5,3% инвестиций республики).

Анализ пространственных факторов, влияющих на инвестиционный процесс, показал, что по географическому расположению Наманганская область является достаточно привлекательной территорией для освоения инвестиционных ресурсов в отраслях переработки сельскохозяйственной продукции, а также сфере услуг. Благоприятные климатические условия позволяют обеспечить высокие показатели урожайности зерновых, бобовых, овощей, фруктов и винограда. Кроме этого, область имеет хорошие возможности для использования высокоплодородной почвы и резервов водных ресурсов. Наряду с этим, в области созданы относительно развитая институциональная среда и инфраструктура. Наличие данных конкурентных преимуществ позволяет сделать вывод, что необходимо активное привлечение прямых инвестиционных ресурсов, которые станут не только источником новых капитальных вложений, но откроют доступ к новым технологиям, эффективным способам управления и маркетинга (таблица 1).

Уровень и структура инвестиционного потенциала Наманганской области

Наименование факторов	Характеристика
Показатели состояния экономики	Доля ВРП в ВВП — 4,6%; ВРП на душу населения — 6736,5 тыс. сум. ВРП на одного занятого — 17,5 млн сум. Доля промышленности в республиканском показателе — 2,5% Доля сельского хозяйства в республиканском показателе — 7,3% Доля сферы услуг в республиканском показателе — 4,1%
Институциональные особенности	Развитая институциональная среда: количество филиалов банков — 54 ед. количество минибанков — 48 ед. количество филиалов страховых компаний — 9 ед. количество сберегательных касс — 53 ед.
Производственные мощности	Наличие крупных предприятий: СП «Нестле-Ўзбекистон» СП «Бирюза Груп» АО «Мингбулоқ Пахта Тозалаш» АО «Нотукимачи» АО «Намангандонмахсулот» АО «Норин Тола»
Потребительский рынок	Численность населения: в 2018 г. — 2752,7 тыс. чел. в 2029 г. — 3332,0 тыс. чел. Доходы населения: в 2018 г. — 11 463 тыс. сум. в 2029 г. — 30 972 тыс. сум.
Инфраструктура	Протяженность автомобильных дорог — 13260 км Протяженность дорог общего пользования — 3377 км Протяженность внутренних дорог — 9883 км Длина водопроводных сетей — 272,9 км Общая линия электропередач — 17929,4 км Протяженность газопроводов — 5029,98 км Количество доступных телефонных станций — 134 ед. Количество доступных мобильных антенн — 1073 ед.

Источник: составлено авторами по данным Главного управления экономики и промышленности Наманганской области.

Изучение существующих подходов и методов оценки инвестиционной привлекательности регионов позволило сделать вывод о том, что до сих пор нет единого подхода, позволяющего всецело определить степень привлекательности реги-

онов для потенциальных инвесторов. Ряд авторов¹ связывает инвестиционную привлекательность с необходимостью оценки инвестиционного потенциала и рисков. Другие² же, напротив, считают, что достаточно выявить основной показатель, характеризующий привлекательность региона, такие как «имидж региона», «рыночная реакция региона» или «институты общества». В то же время, одним из распространенных методов является ранжирование регионов на основе оценки социально-экономического развития регионов по определенному набору индикаторов, в числе которых чаще всего встречаются валовой региональный продукт, объем производства промышленной и сельскохозяйственной продукции, уровень доходов населения, инфраструктурная обеспеченность, уровень развития малого бизнеса и т. д.

В связи с вышеизложенным, для проведения диагностики инвестиционной привлекательности автором была использована методика ранжирования на основе сравнительной оценки конкурентоспособности региона, которая позволяет более широко применить системный подход, последовательно и комплексно оценить объект и предмет исследования.

Суть данного подхода сводится к тому, что под потенциалом конкурентоспособности региона будет подразумеваться совокупность ресурсов, средств и источников различных свойств, которыми обладает регион, используемых для достижения целей своего развития и улучшения условий жизни населения. Расчет отдельных факторов сводится к агрегированию частных параметров в более общий, характеризующий относительные позиции региона по данному показателю в интервале от 0 и до 1 (где 0 будет соответствовать наихудшему результату среди регионов, а 1, соответственно, — наилучшему). На следующем этапе будет проведена сравнительная оценка интегральных детерминантов, по результатам которой в конечном итоге районам будет присвоено место, где 1 — наилучший результат, а 12 — наихудший.

В качестве основных детерминантов для оценки конкурентного потенциала будут рассмотрены экономический, финансовый, природно-сырьевой, социальный, образовательно-кадровый, инфраструктурный и потенциал бизнес-среды (схема).

¹ Марченко Г. Муниципальные стратегии — сделано в России. М.: Аспект, 2004. — 208 с.; Каньшина А. Н. Оценка инвестиционной привлекательности региона на примере Воронежской области // Молодой ученый. 2016, № 25, с. 288–292; Бобкова Н. Г., Ильющенко А. В. Оценка инвестиционной привлекательности региона для субъектов бизнеса // Бизнес и образование в экономике знаний. 2017, № 3. — С. 16–21.

² Гусева Л. И. Экономический анализ: учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ, 2001. — 522 с.; Зилькарнаев И. У. Метод расчета интегральной конкурентоспособности промышленных, торговых и финансовых предприятий // Маркетинг в России и за рубежом. 2004. № 4. С. 23–47; Лысенко Д. В., Лукьяненко С. В. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности: учебник для вузов. М.: Астрель, 2008. — С. 220; Мякшин В. Н. Факторы инвестиционной привлекательности региона и их оценка // Инвестиционная политика региона. 2014, № 14 (341). — С. 23–33; Лукасевич И. Я., Рукин А., Стеценко А. Анализ финансовых операций. Методы, модели, техника вычислений. — М.: ЮНИТИ, 2004. — 400 с., Киреева С. А., Кузина К. А. Имидж региона: теоретический аспект // Вестник АГТУ. 2007. № 1 (36). С. 233–235.

Экономический
рост ВРП на душу населения и на одного занятого; рост промышленного и сельскохозяйственного производства, рыночных услуг, инвестиций в основной капитал на душу населения: экспортрасширение
Финансовый
коэффициенты ликвидности, платежеспособности, автономности местного бюджета. уровни дебиторской и кредиторской задолженности и т.д.
Природно-сырьевой
коэффициенты обеспеченности минерально-сырьевыми ресурсами, орошаемыми землями, пастбищами, садами, лесным хозяйством и т.д.
Социальный
доходы населения, обеспеченность населения: жильем, больничными койками, природным газом и питьевой водой и т.д.
Образовательно-кадровый
численность выпускников вузов, средних специальных, профессиональных образовательных учреждений
Инфраструктурный (транспорт)
коэффициенты Энгеля по автомобильным и железным дорогам
Бизнес среда
количество коммерческих банков и филиалов, субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, совместных предприятий и т.д.

Источник: составлено автором на основе методики сравнительной оценки конкурентоспособности регионов Узбекистана. Информационно-аналитическая записка. ИПМИ. 2014.

Схема. Основные детерминанты конкурентного потенциала регионов.

На основе вышеприведенной методики были произведены расчеты за период 2014–2018 гг. на примере районов Наманганской области, в результате чего удалось сформировать различные группы по уровню их конкурентоспособности.

Согласно полученным данным, лидирующими административно-территориальными единицами Наманганской области являются г. Наманган, Наманганский, Туракурганский и Янгикурганский районы, характеризующиеся относительно высоким финансовым потенциалом и развитой бизнес-средой. Вместе с тем, г. Наманган отличается улучшением образовательного потенциала, Наманганский, Туракурганский и Янгикурганский районы — природно-сырьевого и социального потенциалов.

Среди районов со средним уровнем выделяются Касансайский, Папский, Мингбулакском, Уйчинский и Чартакский районы. Факторами, оказывающими положительное влияние на районы данной группы, явились улучшение экономического, природно-сырьевого и инфраструктурного потенциалов. При этом в Касансайском и Папском районах слабым остается образовательный потенциал,

в Мингбулакском — низкий уровень деловой активности, что негативно сказывается на слабой интенсивности улучшения бизнес-среды.

Низкий уровень конкурентного потенциала в Нарынском, Учкурганском и Чустском районах наблюдается за счет низких показателей образовательного потенциала и бизнес-среды, а также коэффициентов ликвидности и платежеспособности, которые негативно сказались на финансовом потенциале. В то же время, в Мингбулакском районе наблюдается улучшение социального потенциала, а в Нарынском — природно-сырьевого и инфраструктурного потенциалов, Чустском — повышение доли производств сельскохозяйственной продукции, инфраструктурного потенциала и бизнес-среды.

Исходя из полученных результатов, стало возможным определить ранг каждой территории на основе их общего конкурентного потенциала (таблица 2). Территории Наманганской области, относящиеся к 1-й группе, являются наиболее привлекательными для инвесторов с позиции их конкурентоспособности, устойчивых темпов социально-экономического развития. Районы, относящиеся к 3-й группе относительно других районов области, являются наименее привлекательными. Однако, не исключается вероятность получения альтернативных оценок с применением других методов¹ оценки уровня социально-экономического развития регионов.

Таблица 2

Группировка территорий Наманганской области по конкурентному потенциалу

Наименование административно-территориальных единиц	Ранг (место)		Изменение
	2014 г.	2018 г.	
1 группа			
г. Наманган	1	1	=
Наманганский	5	4	↑
Туракурганский	2	3	↓
Янгикурганский	6	2	↑
2 группа			
Касансайский	4	7	↓
Папский	8	8	=
Мингбулакский	10	9	↑
Уйчинский	7	5	↑
Чартакский	3	6	↓
3 группа			
Чустский	9	10	↓
Нарынский	11	12	↓
Учкурганский	12	11	↑

Источник: расчеты автора по данным Главного управления экономики и промышленности Наманганской области.

¹ Мамадалиева Э. Методические аспекты экономической диагностики развития регионов. Материалы VI Форума молодых ученых-экономистов. Ташкент: ИМПИ, 2015. С. 375–383.

Применение данной методики позволило выявить сильные и слабые стороны региона для устойчивого развития и достижения стратегических интересов в плане повышения конкурентоспособности отдельных территорий области.

Согласно проведенному исследованию, в среднесрочной перспективе в Наманганской области особое внимание следует уделить эффективному использованию местного потенциала, созданию благоприятных условий и деловой среды для активизации предпринимательской и инвестиционной деятельности, а именно:

- развитию производственной инфраструктуры на отдаленных территориях. Это обосновывается тем, что во многих районах области наблюдается отставание в привлечении инвестиций. Причиной этого является недостаточное использование имеющихся потенциальных возможностей для реализации инвестиционных проектов в рамках региональных программ, что может в будущем препятствовать рациональному использованию ресурсного потенциала, сдерживанию развития промышленности в сельских районах;

- ускорению привлечения внутренних источников инвестиций для реализации региональных инвестиционных проектов по развитию комплексной переработки минерального и сельскохозяйственного сырья на основе имеющегося потенциала. В результате повысится деловая активность, финансовая устойчивость хозяйствующих субъектов и коммерческих банков, которые обеспечат возрастание доли кредитов банков и других займов;

- активизации освоения инвестиций в реальном секторе экономики в регионах. Реализация ряда проектов по модернизации и диверсификации национальной экономики будет способствовать позитивной тенденции притока инвестиций в производственную сферу.

В целом, обобщая вышеизложенное, можно сделать вывод о том, что инвестиционная политика Наманганской области должна быть направлена на повышение инвестиционной привлекательности региона по следующим направлениям:

- стимулирование привлечения инвестиций в развитие трудоемких и наукоемких производств с учетом сравнительных преимуществ области;

- активное использование инвестиционных ресурсов на основе межрегиональных инвестиционных проектов, эффективно используя при этом имеющиеся ресурсы и производственные мощности;

- улучшение деловой среды, повышение инвестиционной привлекательности местных предпринимателей, предоставление широкой информации потенциальным инвесторам о доступных возможностях.

Равшан МАМАСОЛИЕВ
етакчи илмий ходим,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти

ТУМАН ВА ШАҲАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАДЛИ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида¹ вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш масаласига муҳим эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари чоғида вилоятнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш билан бирга маълум бир маънода ривожланишда ортда қолаётган ёки алоҳида ресурс ва маблағларни сафарбар этилиши талаб этиладиган туман (шаҳар) ларни ривожлантиришга қаратилган вазифа ва топшириқлар берилмоқда.

Ушбу топшириқлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори асосида туманни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастур тасдиқланмоқда. Хусусан, 2017–2018 йиллар давомида жами 66 та туман ва шаҳарларни ривожлантиришга қаратилган алоҳида Дастурлар ишлаб чиқилган.

Бироқ, айтиш лозимки, дастурларнинг сифат жиҳатидан ишлаб чиқилиши ва дастурдан кўзланган тадбирларнинг натижадорлиги бўйича ягона ёндашувга амал қилинмаган ва шу сабабли айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Дастур ишлаб чиқилиши бўйича масъул ишчи гуруҳ аъзолари таркибини шакллантиришда аксарият ҳолларда ушбу ҳудудда кўплаб йиллар фаолият юритган малакали шахслар, мутахассислар ёки экспертларни жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмайди.

2. Ҳар бир вилоят, туманлар маълум объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, географик ва ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётининг таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, ҳудудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳиятига эгаллиги билан бир-биридан фарқ қилади. Дастур ишлаб чиқилишида эса, ҳудуднинг ўзига хос салоҳияти, имкониятлари тўлиқ ўрганилмаган ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.

мавжуд анъанавий йўналишлар асосида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат ва сервис лойиҳаларини шакллантириш билан чекланиб қолинган.

3. Деярли барча ҳудудни ривожлантириш Дастурлари, ўхшатиш қилиб айтилса, “ҳудудда янги иш ўринлари яратиш бўйича лойиҳалар рўйхати”га айланиб қолган. Чунки, ҳудуднинг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари яратилишида асосий йўналиш сифатида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини шакллантириш кўзда тутилган бўлсада, ушбу лойиҳаларни амалга оширилишида мавжуд хом-ашё таъминоти, керакли инфратузилма объектлари қурилиши, мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ва бошқа шу каби муаммолар ечими дастурда ўз аксини топмаган.

4. Кўплаб ҳолларда шакллантирилган лойиҳаларнинг тўлиқ ўрганилмаганлиги ёки лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ тизимли муаммолар ҳал этилишига қаратилган тадбирлар дастурда кўзда тутилмаганлиги сабабли, дастур тасдиқлангандан сўнг, кўп вақт ўтмасдан, айрим ҳолларда бир ойдан сўнг ҳам дастурдаги маълум бир лойиҳаларнинг истиқболсиз деб топилиши ва дастурдан чиқарилиши ҳоллари кузатилмоқда.

5. Фикримизча, дастур қабул қилиниши қандай натижа беради? деган саволга “дастурнинг мақсадли кўрсаткичлари” деб номланган қисмида жавоб бўлиши лозим. Чунки дастурнинг айнан ўша қисмида ушбу тадбирларни амалга оширилиши натижасида қанча иш ўрни яратилиши, қанча қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда қанча инвестиция киритилиши, соҳалардаги ўсиш суръатлари қандай бўлиши акс эттирилади

Барча дастурларда ушбу кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинсада, дастур қабул қилинмаган ҳолда қандай кўрсаткичлар кузатилган бўлар эди? ёки дастурнинг таъсир кўрсаткичи қандай? деган саволларга жавоб бўлувчи ҳисоб-китоблар кўрсатилмайди.

6. Дастурга киритилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари аксарият ҳолларда ушбу дастур қабул қилинса ёки қилинмасада тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз йўлида амалга оширилувчи лойиҳалар асосида шакллантирилган. Чунки, дастурда ёки Ҳукумат қарорида алоҳида йўналишларни рағбатлантирувчи ва ишбилармонларни янги лойиҳалар амалга оширишга ундовчи тизимли тадбирлар кўзда тутилмайди.

7. Шуниси аниқки, Дастурдан кўзланган мақсаднинг тўлиқ амалга ошиши қанчалик дастурнинг сифатли ишлаб чиқилишига боғлиқ бўлса, кейинчалик дастур ижроси бўйича мавжуд муаммоларнинг тезкорлик билан ҳал этилиши ҳамда доимий мониторинг юритилиши шунчалик муҳим ҳисобланади. Қабул қилинаётган Дастурларда эса, дастурларнинг ижроси бўйича назорат қилувчи ва мониторинг юритувчи масъуллар белгилаб қўйилган холос.

Дастурлар ишлаб чиқиш бўйича методик қўлланмалар республикада Ахмедов Т.М., Миланов Б.Н., Саидахмедов Х.М., Якубова Э.Т., Назаров Ш.Х. каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, лекин тегишли органлар томонидан тасдиқланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман ва шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш усуллари бўйича қуйидаги услубий қўлланма таклиф этилмоқда.

МАҚСАДЛИ ДАСТУРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛИ.

1. Мақсадли дастурнинг моҳияти ва таснифи.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг деярли барча соҳаларини — саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, транспорт, атроф-мухит, мудофаа ва хавфсизлик, илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларни қамраб олган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.¹

Мақсадли дастур — муайян муҳим муаммоларни самарали усуллар билан тезкор ҳал этишга қаратилган, ресурслар, ижрочилар ва уларни амалга ошириш муддатлари билан боғлиқ бўлган тадбирлар ва вазифалар мажмуини акс эттирувчи манзилли ҳужжатдир.

2. Дастурни ишлаб чиқиш тамойиллари.

Дастурни ишлаб чиқиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- худуднинг маҳаллий ресурслар ва табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижтимоий ва экологик оқибатлари, тармоқлар ва соҳалар бўйича ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлаш;
- ихтисослашув асосида тармоқларни уйғунлаштиришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва инфратузилмани мувофиқ ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ҳаражатларини тежашга ёрдам берувчи объектларни муайян худудда жойлаштириш;
- хомашё ва меҳнат ресурслари жойлашувидаги номутаносибликларни самарали бартараф этиш;
- табиий ресурсларнинг энг самарали шаклларини ўзлаштириш ва улардан комплекс тарзда фойдаланиш;
- қўшни худудлар ва хорижий давлатларнинг чегара худудлари имкониятларини сафарбар қилиш;
- давлат-хусусий сектор шерикчилигини таъминлаш;
- ижтимоий соҳа ва аҳоли турмуш даражасини мувозанатли ривожлантириш;
- иқтисодий, ижтимоий ва инновацион ривожланиш кўрсаткичлари бўйича худуднинг бошқа худудлар ўртасидаги тафовутларини камайтириш;

¹ Бреусова Е. А., Яковенко Е. В. Региональные целевые программы как основной инструмент регионального развития // Научно-методический электронный журнал «Концепт». — 2016. — Т. 2. — С. 511–515. — URL: <http://e-koncept.ru/2016/46121.htm>.

3. Дастурни ишлаб чиқиш босқичлари.

Дастурни ишлаб чиқиш бир нечта босқични амалга оширишни талаб қилади. Улар:

Биринчи — ташкилий тайёргарлик босқичи:

- дастурни ишлаб чиқиш бўйича ҳудуд ҳокими (ҳокимнинг тегишли масалалар бўйича ўринбосари) раҳбарлигида ишчи гуруҳ шакллантириш. Ишчи гуруҳга барча керакли ташкилот раҳбар ва ходимлари, экспертлар ва бошқа керакли мутахассисларни жалб қилиш;
- зарур ҳолларда дастур йўналишлари бўйича алоҳида тематик ишчи гуруҳларни шакллантириш;
- ишчи гуруҳ аъзоларининг вазифалар тақсимооти ва аниқ муддатлар белгиланган ҳолда амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- ишчи гуруҳ аъзолари томонидан маълумотларни тўплаш учун макет шаклларини ҳамда интервьюлар ва сўровномалар ўтказиш учун керакли жадвалларни тайёрлашдан иборат.

Иккинчи — маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш босқичи:

- маълумотлар манбаси бўйича ахборот йиғиш ва таҳлил қилиш;
- сўровномалар асосида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;
- суҳбатлар орқали тўпланган материалларни жамлаш ва тизимлаштириш;
- экспертлар фикр ва хулосаларини жамлаш ва умумлаштириш;
- SWOT — (Strengths — кучли тарафлари, Weaknesses — заиф тарафлари, Opportunities — имкониятлар, Threats — хавфлар) таҳлилни шакллантириш билан боғлиқ.

Учинчи — дастурни шакллантириш босқичи куйидагилардан иборат:

- дастурнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- тармоқ ва фаолият турлари истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш ва шакллантириш, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий хусусиятларини асослаш ҳамда улардан кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижаларни баҳолаш;
- ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;
- дастур бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш ҳамда тадбирлар номи, амалга ошириладиган ишлар мазмуни, сарфланадиган маблағ миқдори, молиялаштириш манбаи, амалга ошириш муддати ва масъуллар аниқ кўрсатилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- дастур ижроси бўйича эришиладиган мақсадли параметрларни шакллантириш.

Тўртинчи — дастур лойиҳасини келишиш ва тасдиқлаш босқичи:

- дастур лойиҳасини тегишли мутасадди ташкилотлар билан келишиш (иқтисодиёт ва саноат, молия, инвестиция, марказий банк ва бошқа тааллуқли вилоят ташкилотлари);
- дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун тегишли ҳужжат (йиғилиш баёни, қарор, фармойиш ва бошқалар) лойиҳасини тайёрлаш;

– хужжат лойиҳасида дастур ижроси бўйича ҳал этилиши лозим бўлган қўшимча муаммоли масалалар, масъуллар, мониторинг ва назорат олиб бориш тизими ва шаклини аниқ кўрсатишни талаб этади.

Дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги йўналишлар бўйича жадвал шаклларидадан фойдаланилиши мумкин:

- дастурнинг мақсадли кўрсаткичлари (1-жадвал);
- дастурнинг молиявий таъминоти (2-жадвал);
- дастурни амалга ошириш бўйича “Йўл харита” (3-жадвал).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мақсадли дастурларни ишлаб чиқишнинг ҳар бир босқичида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар тўлиқ ва сифатли бажарилиши қабул қилинадиган дастур мақсадини сўзсиз таъминланишини кафолатлайди.

Таклиф қилинган услубий қўлланма вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, иқтисодиёт ва саноат бўлимлари ва бошқа тегишли бўлимлар томонидан Дастур ишлаб чиқишда фойдаланишлари учун мўлжалланган.

ИЛОВАлар

1-жадвал

Дастурнинг мақсадли кўрсаткичлари

№	Асосий кўрсаткичлар	Ҳисобот йил амалда		Ҳисобот йили +1 йил кейинги прогноз				Ҳисобот йили +2 йил кейинги прогноз				Ҳисобот йилидан +2 йил кейин		Ҳисобот йилидан +2 йил кейин			
		млн. сўм	ўсиш, %	Мавжуд корхоналар асосида ўсиш	Дастур лойиҳалари асосида ўсиш	млн. сўм	ўсиш, %	Мавжуд корхоналар асосида ўсиш	Дастур лойиҳалари асосида ўсиш	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %
1	Саноат маҳсулотларини																
2	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари																
3	Хизматлар жами																
4	Янги иш ўринлари																

Дастурнинг молиявий таъминоти

Т/р	Йўналишлар бўйича	Лойиха сони	Жами маблағ	шў жўмладан:							Иш ўрни	
				Республика бюджет маблағлари	Маҳаллий бюджет маблағлари	Хорижий инвестициялар	Жамғармалар	Хўжалик бошқаруви органлари маблағлари	Халқаро молия институти-тўт-лари маблағлари	Ташаббус-корлар маблағлари		Банк кредити
	Жами											
Саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари												
Йўл-транспорт ва муҳандислик коммуникация тизимларини янада ривожлантириш бўйича лойиҳалар												
Ижтимоий соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича лойиҳалар												

Дастурни амалга ошириш бўйича "Йўл харита"

№	Йўналиш номи	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Зарурий маблағ ва молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА КАРТОФЕЛЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

В Узбекистане картофель появился в начале второй половины XIX века. Толчком к развитию картофелеводства послужило возникновение в конце этого столетия железнодорожных станций, промышленных и административных центров с русским населением, предъявлявшим спрос на него. В настоящее время эта культура является излюбленным продуктом питания любой семьи. В народе ее называют «вторым хлебом». Среди всех продовольственных культур, кроме пшеницы и риса, нет ни одной другой, которая занимала бы столь важное место в нашей жизни как картофель.

Народнохозяйственное значение картофеля огромно, современное использование его в пищевой, текстильной, фармацевтической отраслях промышленности играет большую роль в экономике. Он является практически безотходным продуктом, что не просто сокращает издержки, но и дает возможность получить прибыль.

Важное значение имеет картофель как страховая культура на случай неурожая зерновых. Широкая пластичность, низкие требования к предшественникам, большой диапазон сортов, благодаря которым он способен приспособиться к различным условиям выращивания, относительная устойчивость к засухе обеспечивают получение более высоких урожаев, чем другие культуры в засушливые годы и на бедных почвах¹.

Огромную роль играет картофель в технических целях. Из него вырабатывают крахмал и спирт. Из картофеля в объеме 1 т можно получить 170 кг крахмала, 80 кг глюкозы, 112 л этилового спирта, 55 кг жидкой углекислоты и в качестве отхода — 1500 кг барды, используемой на корм. В процессе переработки на крахмал получают 0,7 т мезги, также используемой на корм скоту.

Тенденция развития картофелеводства в Узбекистане началась с малого — небольших посевных площадей и очень низкой урожайности. Основные показатели картофелеводства за длительный период времени увеличивались довольно медленно (Таблица 1).

¹ Дитер Шпаар. Картофель. Выращивание, уборка и хранение. 2007, 23 с.

Таблица 1

Тенденция развития основных показателей картофелеводства в 1940–2018 гг.

Годы	Посевная площадь, тыс. га	Урожайность, тыс. т/га	Валовый сбор, тыс. т
1940	23,6	4,8	113,3
1991	40,0	8,8	351,2
2000	52,2	14,0	731,1
2016	84,6	22,5	2958,4
2017	78,8	21,8	2793,7
2018	87,9	20,3	3308,5

Источник: расчеты ИПМИ.

До обретения независимости урожайность картофеля в республике составляла 8,8 т/га, а площадь посева — всего 40 тыс. га. Спустя 2,5 декады лет площадь под картофель выросла более чем в 2 раза и урожайность — почти в 2 раза. На сегодняшний день картофель занимает около 2/5 части общей посевной площади под овоще-бахчевые культуры, но урожайность остается на невысоком уровне и даже несколько меньше полученных результатов 2016 года. Это восполняется импортом продовольственного картофеля в объеме 9% за 2018 год (Таблица 2).

Таблица 2

Показатели продовольственного обеспечения картофелем в 2015–2018 гг.

Годы	2015	2016	2017	2018
Средняя норма потребления, кг/чел./год	52,6			
Валовый объем, т	2696900	2958400	2793689	33085200
Факт. потребление, кг/чел./год	87,48	93,90	92,57	90,90
Доля импорта, %	1%	1%	7%	9%
Степень удовлетворения физиологических потребностей населения в основных продуктах питания внутреннего производства, % к нормам потребления	166,32%	179%	176%	173%

Источник: расчеты автора.

До 2017 года каждый четвертый килограмм картофеля выращивали дехкане и фермеры Самаркандской области¹. Картофелеводы Ташкентской области занимают второе место по производству ценной картофельной культуры с удельным весом

¹ Статистический сборник Республики Узбекистан за 2015–2018 гг.

14,2% в общем валовом сборе по республике. Следующие три области Ферганской долины — Ферганская, Андижанская и Наманганская — занимают около трети картофельного «пирога» Узбекистана. Таким образом, эти пять регионов, где уровень солей в почвах минимальный, производили более 65% картофеля в стране. По сравнению с 1991 годом (341,2 тыс. т) производство продовольственной культуры в Узбекистане выросло в 7,6 раза.

Однако, в 2017 году эти показатели изменились в обратную сторону. Самаркандская, Ташкентская, Ферганская и Наманганская области составили 50% производимого картофеля, что соответственно отражает другие 50% со стороны 7 оставшихся областей и Республики Каракалпакстан. Ташкентская же область спустилась на 3-е место по удельному весу и составила 10% после Ферганской области (13%) в производстве картофеля.

Основное производство картофеля во все времена приходится в большей степени на дехканские хозяйства (80%), которые собственно являются основными производителями плодоовощных и бахчевых культур. И, несмотря на курс, взятый на развитие плодоовощных культур, садов и виноградников, фермерские хозяйства не заинтересованы сажать на своих землях картофель. Это может быть, безусловно, вызвано, как отсутствием выгоды, так и государственным заказом на хлопок и зерно. Более того фермерские хозяйства не располагают достаточными оборотными средствами, необходимой техникой и другими материально-техническими ресурсами, что негативно отразилось на урожайности сельскохозяйственных культур, выполнении договорных обязательств и рентабельности фермерских хозяйств в целом, поэтому картофель высаживается, в основном, для собственных нужд.

Производство картофеля на мелких земельных участках, где нельзя применить промышленные технологии возделывания и повысить уровень механизации, требует больших затрат ручного труда, и себестоимость выращенной продукции весьма высокая. Важнейшими же причинами сдерживания развития картофелеводства в Узбекистане являются: устаревшая материально-техническая база отрасли, отсутствие концентрации производства и специализации хозяйств, высокая стоимость удобрений и ядохимикатов, горюче-смазочных материалов и техники, отсутствие высокопродуктивных отечественных сортов.

Однако, основной корень проблем в производстве отечественного картофеля — это слабая селекционная база и как следствие — дорогой импортный семенной картофель, который составляет около 50% от общих затрат в ценообразовании.

В условиях природно-климатических факторов, в краткосрочной перспективе невозможно восполнить водные ресурсы и улучшить состояние соленых земель, однако решить проблему селекции путем выведения элитных сортов картофеля, устойчивых к солям, болезням, вредителям и засушливому климату Узбекистана вполне реально и оптимально. Более того, с обретением независимости республика

ежегодно закупала семенной картофель, но никогда ранее до 2016 года страна не нуждалась в импорте потребительского картофеля. Такая ситуация раскрыла слабые стороны отечественной селекции.

Предлагаемые меры:

Селекция. Сорт не является определенной внутривидовой ботанической систематической единицей, это понятие чисто хозяйственное. Сорт (культиватор) — выведенная человеком группа хозяйственно ценных по биологическим и морфологическим признакам растений, выращиваемых в определенных условиях¹. Сорт определяет время выращивания растений и получение продукции. Внедрение в производство новых более высокопродуктивных сортов позволяет без дополнительных затрат на выращивание увеличить урожайность картофеля и улучшить качество получаемого продукта. Установлена высокая эффективность сортосмены: прибавка урожая составляет 10–30% по сравнению со старыми сортами. Значительный рост урожайности картофеля во многих странах наряду с другими факторами интенсификации связан с внедрением новых сортов. Поэтому создание и внедрение качественно новых высокопродуктивных сортов — магистральный путь развития картофелеводства. Долевое участие этого фактора в производстве урожая достигает 30–60%, и этот показатель будет увеличиваться благодаря возможностям селекции и общей тенденции био- и экологизации растениеводства. Требования, предъявляемые к сортам, — это высокая и стабильная продуктивность, способность совмещать адаптивный потенциал с устойчивостью к болезням, особенно вирусным, качеством продукции, пригодностью для длительного хранения и переработки и др. Сложившаяся практика показывает, что в настоящее время в массовом производстве реализуется лишь 30–40%, в лучшем случае — 50–60% потенциальной продуктивности сортов. Основной причиной является их недостаточная экологическая устойчивость. Поэтому создание сортов с высоким уровнем адаптации к внешней среде является важным направлением селекции на продуктивность. При создании сортов с экологической стабильностью и пластичностью особое место занимает выявление сортообразцов, устойчивых к неблагоприятным условиям внешней среды.

В Китае определение сортообразцов проходит длительный этап. Чтобы вывести лишь один сорт, культуру высаживают на нескольких участках одновременно с разными факторами воздействия и каждые 1–2 недели проводятся лабораторные исследования. Результаты сопоставляются с другими сортами, наиболее устойчивый утверждается и распространяется по всей территории с равными

¹ Carol Baskin, Jerry Baskin (1998). Seeds: Ecology, Biogeography, and, Evolution of Dormancy and Germination.

условиями, а результат урожая импортируется в другие провинции. Ежегодно обновляется сортовая база и на основе базисного сорта выявляют новый. Таким образом, каждый год государство снижает риск неурожайности и обеспечивает растущее миллиардное население продовольствием.

В Узбекистане есть прекрасные сорта, рекомендуемые для посадки. Это Алладин, Пикассо, Редстар, Гранола, Марфола, Кондор, Курода. Однако, каждый из этих сортов имеет свои изъяны, исследуемые для выведения на их основе новых более эффективных сортов на основе практического опыта Китая. Такой метод сортообновления не просто повышает шанс высокого урожая культуры и обеспечения продовольствием, но и форсирует развитие данного сектора путем промышленной переработки.

Органическое мульчирование на основе биомелиорантов-галофитов.

Мульчирование — это традиционный метод покрытия поверхности почвы мульчей для ее защиты и улучшения свойств. Благодаря данной процедуре клубни, находящиеся под мульчей, не перегреваются в жару, так как она отражает солнечный свет, происходит снижение потери влаги. Особенно это актуально, если провести оросительную систему на данном участке невозможно; слой мульчи в 5 см может защитить землю от пересыхания, а также от роста сорняков.

Галофиты — это солеустойчивые растения, оказывающие рассоляющее действие, затеняя почву и препятствуя таким образом потере влаги, а также защищая ее от ветровой эрозии. Кроме того, они предотвращают миграцию солей из нижних почвенных горизонтов в верхние, а способность галофитов образовывать высокорослую, ветвистую надземную фитомассу помогает улучшить гумусный состав засоленных земель, их структуру и одновременно снизить солевую концентрацию плодородного слоя. Из этого следует: можно убить трех зайцев одновременно, используя галофиты помимо мелиорации земель на среднесрочную перспективу и экономии дефицитных водных ресурсов на поливы и промывку почв в дальнейшем в качестве органического средства для мульчи.

Таким образом, мульчирование на основе галофитов является эффективным методом выращивания картофеля в условиях высокой жары и нехватки воды, позволяющим повысить состояние земель и урожайность продовольственной культуры, а также сократить издержки, что является прямым снижением цен на картофель (по подсчетам автора с учетом импортного семенного материала и цен на 2018 год, отмечено снижение цен на 200 сум. за 1 кг).

В качестве дополнительных мер, выступающих экономико- организационным рычагом для развития картофелеводства, являются:

- стимулирование создания кооперативов по выращиванию, хранению, переработке и реализации картофельной продукции, в том числе тепличных хозяйств;
- налаживание сбыта на внешний рынок в случае перепроизводства картофеля.

В целях обеспечения узбекистанцев картофельной продукцией были приняты многочисленные постановления¹, в числе которых необходимыми для сложившейся ситуации следующие:

Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от :

– 25.09.1998 г. № 411 «О мерах по завозу семенного картофеля»;

– 14.06.2017 г. №ПКМ-374 «О мерах по увеличению объемов культивирования картофеля, развитию картофельного семеноводства и улучшению семенного фонда».

Постановление Президента Республики Узбекистан от 23 февраля 2018 г. №ПП-3558 «О мерах по дальнейшему развитию выращивания семенного картофеля в республике»

Принятые законодательством меры, а также рекомендуемые мероприятия помогут стабилизировать производство семенного картофеля отечественными производителями, создать благоприятный инвестиционный климат для его кластерного производства, и, конечно, обеспечить население Узбекистана стабильным производством ценной продовольственной культуры.

¹ www.lex.uz

Аслиддин НИЗАМОВ

*и. ф. д., проф., магистратура бўлими бошлиғи,
Бухоро муҳандислик-технология институти*

Мэлс РАШИДОВ

*катта ўқитувчи,
Навоий давлат кончилик институти*

МИНТАҚА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛИ

Маълумки, Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) лар иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларини, юқори технологияли ишлаб чиқаришни, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, транспорт инфратузилмасини, шунингдек сайёҳлик ва санатория-соғломлаштириш соҳасини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Экспертларнинг таъкидлашича, мазкур ЭИЗлар инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва инфратузилмавий камчиликларни бартараф этишда мамлакат ва ҳудуд олдида турган муаммоларни ҳал қилишнинг истиқболли воситасидир.

Аммо, ЭИЗларни яратишдан кутиладиган мақсадларга эришиш, улар жойлашган ҳудуднинг ривожланишига йўналтирилган муваффақиятли фаолият кўрсатиши доимо ҳам бўлавермайди. Шунинг учун ҳам ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолаб бориш зарурати мавжуд. ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолаш методологияларини ўрганиш натижасида замонавий иқтисодий шароитларда ушбу методологияларни янада такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқиш кераклиги тўғрисида хулоса қилдик.

ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолаш методологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар доимий равишда олимлар томонидан олиб борилган, хусусан, хорижий иқтисодчилар М. Фразье, Р. Рей, Р. Болин (США) ЭИЗларнинг ривожланиш босқичлари ва туркумларини тадқиқ этиб, асосий эътиборни ЭИЗлар ҳудудида жойлашган фирмаларнинг тадбиркорлик фаолиятини, имтиёзлар тизимини таҳлил қилишга қаратишган бўлса, бир қатор россиялик олимлар ЭИЗлар салоҳияти самарадорлигини тадқиқ қилишган. Польшалик олимлар П. Цихкович, П. Пекала, А. Рзонца, М. Блахуцяк, украиналик О. Чмир, Г. И. Румянцева эркин иқтисодий мақомга эга бўлган зоналарнинг самарадорлигини баҳолашга бир оз бошқача ёндашувда, яъни минтақавий иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилиш орқали ЭИЗ фаолиятининг самарадорлигини баҳолайдилар.

Биз ушбу ёндашувга қўшилган ҳолда шуни таъкидлашимиз жоизки, ЭИЗларнинг муваффақиятли фаолияти кўп жиҳатдан компетентли бошқариш, бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш ва ЭИЗ резидентлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг салоҳиятидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва

назоратни амалга ошириш билан боғлиқ. Юқоридаги функциялар ЭИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади ва уларнинг асосий мақсади ЭИЗнинг самарали ишлаши ва ҳудуднинг ривожланишини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун эса мослашувчан ва ишончли бошқариш механизми зарур. Таҳлилларимиз эса, ЭИЗлар самарали бошқарув механизмига муҳтожлигини кўрсатмоқда. Бундай механизм сифатида ЭИЗларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун биз томондан ишлаб чиқилган ЭИЗ салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини улар жойлашган ҳудуднинг ривожланиш стратегияси билан боғлиқ равишда баҳолаш модели хизмат қилиши мумкин. Ушбу моделдан фойдаланиш ЭИЗларга ажратилган бюджет маблағларини уларнинг фаолият мақсадларига эришиш учун ва ҳудудни ривожлантириш учун тўғри тақсимлаш ва охир-оқибат, ушбу ЭИЗлар яратилиши асосида кўзланган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришиш имконини яратади.

Баҳолаш моделини ишлаб чиқишнинг асосида иккита бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар туради: натижага йўналтирилган бюджет (Result Oriented Budget, НИБ) ва мувозанатли кўрсаткичлар тизими (Balanced Scorecard, BSC, МКТ) [5].

Каплан-Нортоннинг мувозанатли кўрсаткичлар тизими беш босқичли моделдан [6] фойдаланган ҳолда биз унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, ЭИЗларни тезкор ва стратегик бошқариш учун ўз моделимизни ишлаб чиқдик. Шундай қилиб, бизнинг модел “молиявий”, “ижтимоий самарадорлик”, “ички маъмурий жараёнлар” ва “инфратузилмалар” истиқболларидан иборат бўлиб, уч даражадаги бошқарув натижалари индикаторларини ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. Бу эса ЭИЗлар фаолиятини ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ривожлантириш билан боғлаш имконини беради.

НИБ ёндашувининг моҳияти бюджетдан амалга оширилган харажатлар билан зоналарнинг фаолиятдан кутиладиган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга натижалар ўртасидаги яққол ўзаро алоқаларни аниқлашдан иборат. Буни давлат маблағларидан фойдаланишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини қўллаш асосида амалга ошириш таклиф этилади. Ушбу натижалар ЭИЗ фаолиятининг якуний натижасидир.

Тавсия этилган асосий кўрсаткичлар тизими икки даражага: ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш даражаси ва ЭИЗ ташкил этилган ҳудуд даражасига ажратилади. Бироқ, бу икки гуруҳ кўрсаткичлари ЭИЗ салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича умумлаштирилган баҳоларни олиш ва ЭИЗ яратилишидан кутилган якуний натижаларга эришиш бўйича амалга оширилган фаолиятнинг ҳақиқий таъсирини объектив равишда тасаввур этиш имкониятини бермайди. Ушбу қийинчиликни бартараф этиш учун моделни ишлаб чиқишда, ЭИЗ фаолияти ўлчанадиган мезонлар сони кўпайтирилди ва НИБ кўрсаткичлар батафсил ёритилди. Бу мувозанатли кўрсаткичлар тизими (МКТ) тамойилига мувофиқ амалга оширилди.

Иккала тасвирланган методологияларнинг синтези ҳар бир методологияни алоҳида-алоҳида қўллаш орқали олинган натижага нисбатан модел яратиш асосида

сифат жиҳатидан ўзгача натижага эришиш имконини берди. Шундай қилиб, баён этилган методологияларни биргаликда қўллаш натижасида ЭИЗларнинг фаолиятини баҳолаш модели уч даражали тузилма кўринишини олади (1-иловага қаранг), бу юқорида айтиб ўтилган мақсадлар ва ЭИЗ натижаларининг сифат фарқларини яққол кўрсатиш имконини беради.

Куйи даражада ЭИЗ дирекциясининг белгиланган ваколатларга мос равишда амалга оширадиган жараёнлари тақдим этилади. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 февралдаги ““Навоий” эркин иқтисодий зона дирекцияси давлат унитар корхонасининг уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 48-сон қарори билан тасдиқланган “Навоий” эркин иқтисодий зона дирекцияси Давлат унитар корхонасининг Уставида белгиланган Дирекция фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ олинди. Бу даражада ЭИЗ жараёнларининг бевожуб натижалари (моделда жами 12 та натижалар киритилди ва ҳисобланди).

Ўрта даражада ЭИЗ дирекцияси фаолиятининг мақсади: ЭИЗларнинг самарали ишлашини таъминлаш. Ушбу даражадаги баҳоланадиган натижалар — бу ЭИЗлар қатнашчилари ишлаб чиқарадиган маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ўсиши ва бошқа самарадорлик кўрсаткичларидир.

Ниҳоят, юқори даражада ЭИЗларни яратишнинг стратегик мақсади-ҳудуд иқтисодиётининг инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш. ЭИЗ, авваламбор, ҳудудлар ва уларга яқин жойлашган ҳудудларнинг ривожланиш суръатларига таъсир этиши туфайли, кутиладиган иқтисодий-ижтимоий стратегик натижалар минтақавий даражада кўриб чиқилади.

Шу тарзда олинган ЭИЗ дирекцияси стратегик харитасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ЭИЗ муваффақиятининг асосий кўрсаткичи унинг миссиясини амалга ошириш жараёнида эришилган натижалардир. Уни бажариш ички мижозлар — ЭИЗ резидентлари салоҳиятидан тўла фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Муваффақиятнинг асосий гарови — ЭИЗ дирекциясининг ваколатига кирадиган жараёнларни муваффақиятли бажариш натижаларидир.

ЭИЗ фаолиятининг мавжуд кўрсаткичлари улар фаолиятининг айрим жиҳатларини ишончли баҳолашни таъминлайдиган бўлса-да, айрим кўрсаткичларнинг тўлиқсизлиги ва етарли эмаслиги билан тавсифланади. Мавжуд кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш учун кўрсаткичлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди ва уларнинг ўзаро таъсирини акс эттирадиган асосий сабаб-оқибат алоқадорлигини кўришга имкон берадиган даражаларга бўлинди. Унда икки турдаги кўрсаткичлардан фойдаланилди: интеграл индекслар ва хусусий кўрсаткичлар. Хусусий кўрсаткичлар эксперт баҳолаш усули асосида беш балли баҳолаш шкаласини қўллаш билан аниқланади. Интеграл индекс бевожуб ёки якуний натижага эришиш даражасини умумий ҳолда тавсифлайди, яъни ҳар бир натижа тегишли ўз интеграл индексига эга бўлади. Интеграл индекс, тегишли натижанинг алоҳида муҳим жиҳатларига мос келадиган бир нечта хусусий кўрсаткичларнинг жамланмаси сифатида ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ушбу ёндашув ва мезонлардан фойдаланган ҳолда, ЭИЗ дирекцияси фаолиятининг, ЭИЗ фаолияти ва унинг ҳудудни ривожлантиришдаги таъсирининг интеграллашган баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, ЭИЗлар фаолиятининг улар жойлашган ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини уч даражадаги фаолият кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва ЭИЗни сценарийли кўп вариантли ривожлантириш асосида ҳудуднинг иқтисодий ўсишини амалга ошириш модели ишлаб чиқилди.

ЭИЗ фаолиятини ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ равишда бошқариш, ЭИЗ фаолияти натижалари параметрларига ўзгартиришлар киритиб ривожланиш сценарийларини шакллантириш ва оқилона ривожланиш вариантини танлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Модел ҳисоб-китоблари бир нечта босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ЭИЗ фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган ЭИЗ дирекцияси бошқарув жараёнлари бевосита натижалари индикаторларини баҳолаш амалга оширилади. Ушбу индикаторларни баҳолаш юқорида келтирилган методикаларнинг бири ёрдамида экспертлар хулосаси ёки сўровномаларга асосланиб амалга оширилди. Сўнг ЭИЗ фаолияти натижаларини ифодаловчи ҳар бир хусусий кўрсаткичга мувофиқ бўлган индикаторларнинг интеграл индекси аниқланди.

Иккинчи босқичда моделга киритишдан олдин вилоят макроиқтисодий кўрсаткичлари билан эркин иқтисодий зона фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, хусусий ва интеграл индекслар орқали, аниқланди. Биз ушбу боғлиқликни аниқлаш учун корреляция коэффициентидан фойдаландик.

Учинчи босқичда кўп омилли регрессион таҳлил асосида омиллар таъсири аниқланади ва прогноз кўрсаткичлар баҳоланади.

Ҳудуднинг макроиқтисодий кўрсаткичлари билан юқори корреляцион боғлиқликка эга бўлган ЭИЗ фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари бирин-кетин параметрларни ўзгартирган ҳолда моделга киритилиб, ҳар бир вариант бўйича қуйидаги мақсадли функция ҳисобланади:

$$GDP = F(C, I, G, B, X, S)$$

бунда, *GDP* — ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръати, %;

C — вилоятда жами сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ўсиши, % ;

жами инвестициялар ҳажми ўсиши, %;

G — ижтимоий ўсиш, %;

B — вилоят бюджетига тушадиган қўшимча даромадлар ўсиши, %;

X — вилоятнинг инвестицион ва инновацион жозибадорлиги ўсиши, %;

S — хизматлар соҳасининг ривожланиши, %

Вилоят макроиқтисодий кўрсаткичларига нисбатан корреляция коэффициенти юқори бўлган индикаторларни, уларнинг ЭИЗ фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсирини инобатга олиб, моделга киритдик ҳамда уларнинг тегишли равишда ҳар бир макроиқтисодий кўрсаткичга таъсирини ҳисобладик.

Хулоса ва таклифлар

Бирин-кетин модел параметрларини сценарийли ўзгартириш асосида 120 дан ортиқ вариантлар ҳисобланди ва пировард натижа-вилоят ЯҲМ ҳажмининг оптимал ўсишини таъминлайдиган вариантга эга бўлди (2-иловага қаранг).

Модел ЭИЗ дирекцияси фаолияти жараёнларини, айниқса, маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш, инвестиция киритиш қулайликларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, юқори технологик иқтисодиёт соҳасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ЭИЗ инвесторларини жалб қилиш ва рўйхатдан ўтказиш самарадорлигини, ЭИЗ фаолиятини назорат қилиш натижадорлиги, ЭИЗда давлат хизматларини кўрсатиш сифати, ЭИЗ қатнашчиларига берилган имтиёзлар самарадорлигини ошириш ишларини жадаллаштириш натижасида вилоят ЯҲМ кўрсаткичини 6,9%га ўсишини таъминлайди ва ЭИЗ дирекцияси, ЭИЗ фаолияти ва ҳудуд иқтисоди ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаштиришнинг бошқа мавжуд методларидан фарқли равишда таклиф этилаётган модел аниқликка, мослашувчанликка ва энг муҳими, тизимлиликка эга. У ЭИЗни мустақил фаолият кўрсатаётган корхоналар тўплами сифатида эмас, балки бутун ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ўрганиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Frazier M. Emergence of a New Hanseatic League: How Special Economic Zones Will Reshape Global Governance, 21 CHAP. L. REV, 2018. — 333 pp. [Electronic resource]. URL: <https://digitalcommons.chapman.edu/chapman-law-review/vol21/iss2/4> (дата обращения: 22.11.2017).
2. Cizkowicz, P. et al. (2017). The effects of special economic zones on employment and investment: a spatial panel modeling perspective. *Journal of Economic Geography*, 17(3), 571–605. https://www.nbp.pl/publikacje/materialy_i_studia/208_en.pdf (date of access: 24.11.2017).
3. Chmir, O. S. (2001). Spetsialni (vilni) ekonomichni zoni i teritorii prioritetnogo rozvitku. *Naukovo-metodichni aspekti Kiiiv: NDEI Ministerstva ekonomiki Ukraini. Skhidniy vidavnichiy dim Publ.*, 276. (In Ukr.)
4. Бюджетирование, ориентированное на результат: цели и принципы. *Экорис-НЭИ*. 2002 г. — 16с. (<http://www.ecorys.ru/>)
5. Каплан Р., Нортон Д. Сбалансированная система показателей. — М.: Олимп-Бизнес, 2003–304 с.

Баҳолаш моделининг концептуал тасвири



№	Вилоят кўрсаткичлари	2021 йилдаги прогноз, %
1	Сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ўсиши	7,9
2	Инвестициялар ҳажми ўсиши	1,85
3	Ижтимоий ўсиш	1,06
4	Бюджетга тушадиган қўшимча даромадлар ўсиши	2,6
5	Инвестицион ва инновацион жозибadorлиги ўсиши	1,35
6	Хизматлар соҳаси ҳажмларининг ўсиши	3,4
7	Ялпи ҳудудий маҳсулот	6,9

Шерзод ОТАБОЕВ
таянч докторант,
Прогнозлаштириш ва
макроиқтисодий
тадқиқотлар институти

ҲУДУДЛАР РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ислохотларнинг янги босқичида амалга оширилаётган ҳудудий сиёсат жойларда фойдаланилмай келинаётган салоҳиятни аниқлаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳудудлар иқтисодиётини чуқур таҳлил қилиш, ривожланиш даражасини аниқлаш, куйи бўғинда бошқарув тизими самарадорлигини ошириш орқали туман ва шаҳарларни комплекс, барқарор ва мутаносиб ривожлантириш ҳамда йиллар давомида уларда тўпланиб қолган муаммоларни самарали йўл билан ечиш имконини бермоқда.

Яқин ва ўрта муддатларда ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Президентимизнинг ҳудудларга амалга ошираётган ташрифлари яқунлари бўйича тасдиқланаётган баёнларда ва бошқа қатор ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Масалан, долзарб ва устувор вазифалар сифатида куйидагилар белгиланган:

- ҳудудларнинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш;
- ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш;
- узоқ муддатли концепция, стратегия, дастурлар ишлаб чиқиш, қолақ туманларни аниқлаш, ҳудудлар рейтингини баҳолаш ва бошқалар.

Юқоридагиларни инobatга олиб, ҳудудлар рейтингини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва ҳудудлар рейтингини юритиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатлари амалиётида бир қанча рейтинглар мавжуд бўлиб, ушбу рейтинглар мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, иқтисодиётининг очиклиги, унинг ҳудудий бирликларининг ривожланганлик ва аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи даражаси, инвестициялар жалб қилиш жозибадорли-

гини ва шу каби омилларни ифодалайди. Масалан, “Бизнес юритиш”, “Инсон капитали ривожланганлик индекси”, “Бизнес юритиш енгиллиги индекси”, “Иқтисодий эркинлик индекси”, “Глобал тадбиркорлик индекси”, “Рақобатдошлик индекси” ва бошқалар. Мамлакат миқёсидан ташқари, ҳудудий даражада ҳам “Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати индекси”, “Яшаш сифати бўйича худудлар рейтинги”, “Бизнес юритиш учун энг яхши худудлар рейтинги”, “Давлат хусусий шерикчиликнинг ривожланганлик даражаси бўйича худудлар рейтинги”, “Худудларнинг инвестицион жозибадорлик рейтинги”, “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари рейтинги”, “Барқарор ривожланиш салоҳияти бўйича худудлар рейтинги”, “Худудларнинг экологик рейтинги”, “Худудлар инновацион ривожланиш рейтинги”, “Шаҳарлар барқарор ривожланиш рейтинги” ва бошқа қатор рейтинглар мавжуд.

Амалиётдаги рейтинглар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, шу мақсад доирасида қўйиладиган вазифаларни ечишга, ривожланганлик ҳолатини, устунлик ва камчиликларни аниқлаш ва шу асосда устувор йўналишларни белгилаш ёки маҳаллий органлар фаолиятига баҳо беришга қаратилган.

Умумий қоидалар. Ўзбекистон худудлари рейтинг баҳолаш методикасини ишлаб чиқишда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолати асос қилиб олинди.

Мамлакатимиз ҳудудий бирликларини бир-бири билан таққослаш учун уларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри.

2-гуруҳ, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, вилоятга ва республикага бўйсунувчи шаҳарлар, Тошкент шаҳри туманлари.

3-гуруҳ, Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари.

Рейтинг мамлакатнинг жами ҳудудий бирликлари бўйича ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ичида ҳам уларнинг туман ва шаҳарлари кесимида тузилиши мумкин.

Худуднинг умумий рейтингини ҳисоблаш қўйидаги 2 қисмдан иборат бўлади:

1. Статистик кўрсаткичлар орқали баҳолаш. Бунда худуднинг умумий тўплайдиган максимал балли 75 баллни ташкил этади.

2. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказиш орқали баҳолаш. Бунда ҳар бир худуд максимал 25 балл тўплайди. Сўровнома шакли, саволлари, ҳисоблаш методикаси намуналари 1-иловада келтирилган.

Статистик кўрсаткичларни аниқлаш. Хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида туман ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича рейтинг баҳолашнинг статистик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш методикаси 1-жадвалда келтирилган:

Туман ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш методикаси

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткични ҳисоблаш методикаси
1	Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	минг сўм	Саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўртача йиллик доимий аҳоли сонига нисбати
2	Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	минг сўм	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўртача йиллик доимий аҳоли сонига нисбати
3	Аҳоли жон бошига жами хизматлар	минг сўм	Жами хизматлар ҳажмининг ўртача йиллик доимий аҳоли сонига нисбати
4	Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми	минг сўм	Қурилиш ишлари ҳажмининг ўртача йиллик доимий аҳоли сонига нисбати
5	Аҳоли жон бошига маҳаллий бюджет даромадлари	минг сўм	Маҳаллий бюджет даромадларининг ўртача йиллик доимий аҳоли сонига нисбати
6	Ўртача номинал иш ҳақи даражаси	%	Декабрь ойи учун ҳисобланган номинал иш ҳақи суммасининг вилоят даражасига нисбати
7	Бандлик даражаси	%	Жами банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати
8	Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси	кв м/киши	1 кишига тўғри келувчи уй-жой фонди
9	Ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси	%	Аҳолининг марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган аҳолининг жами аҳоли сонигаги улуши
10	МТМлар билан таъминланганлик даражаси	%	3–6 ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олинганлик даражаси
11	Касалхона койкалари сони	бирлик	Ҳар 10 минг кишига касалхона койкалари сони
12	Врачлар сони	бирлик	Ҳар 10 минг кишига врачлар сони
13	Аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги	бирлик	Ҳар 1000 кишига тўғри келувчи тадбиркорлик субъектлари сони

Манба: муаллиф ишланмаси.

Статистик кўрсаткичлар бўйича рейтингни ҳисоблаш методикаси. Кўрсаткичлар танлаб олингандан кейин, кўрсаткичларнинг ўлчов бирлиги ҳар хиллигини ҳисобга олиб, индексга айлантириш усулидан фойдаланилади. Кўрсаткичлар индексга қуйидаги формула ёрдамида ўтказилади:

$$x_{\text{индекс}} = \frac{x - \min(x)}{\max(x) - \min(x)},$$


бу ерда, $x_{индекс}$ — кўрсаткич индекси; x — кўрсаткич қиймати; $min(x)$ — x кўрсаткичининг танланган ҳудудлар орасидаги энг кичик қиймати; $max(x)$ — x кўрсаткичининг танланган ҳудудлар орасидаги энг катта қиймати.

Кўрсаткичлар индексга айлантирилгандан кейин, умумлашган (интеграл) коэффициентни ҳисоблаш мақсадида уларнинг ўртача геометрик кўрсаткичи ҳисобланади. Энг катта индексга эга ҳудудга 75 балл берилади ва қолган ҳудудларга шунга мутаносиб равишда балл қўйилади.

Сўровнома натижалари ва статистик кўрсаткичлар баллари йиғиндиси ҳисобланади ва рейтинг тузилади.

Таклиф этилаётган методика асосида Фарғона вилояти туманлари рейтинги тузилди. Рейтинг тузишда вилоят туманларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланганлик ҳолати бўйича 2018 йил статистик кўрсаткичлари асос қилиб олинди ва умумий балл — 100 балл деб белгиланди.

Таҳлиллар натижалари Фарғона, Олтиариқ, Қува, Учкўприк, Ёзёвон ва Бағдод туманларида 2018 йил статистик кўрсаткичлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳолат яхши эканлигини кўрсатмоқда, яъни ушбу туманлар рейтингнинг юқори ўринларидан жой олди. Қўштепа ва Сўх туманлари рейтингнинг охириги ўринларини эгаллади (1-расм).



Манба: Муаллиф ишланмаси.

1-расм. Фарғона вилояти туманларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича рейтинг, балл

Фарғона тумани аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ва хизматлар, мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлик даражаси, касалхона койкалари сони бўйича қолган туманларга нисбатан юқори кўрсаткичга эгаллиги туманнинг рейтингда биринчи ўринни эгаллашини таъминлади. Сўх тумани анклав ҳудудда жойлашганлиги, географик жойлашувининг ноқулайлиги ҳамда танланган кўрсаткичлар бўйича бошқа туманларга нисбатан пастлиги сабабли туман рейтингда охириги ўринни эгаллади.

Рейтинг натижалари бўйича Фарғона вилояти туманларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолати юқори бўлган туманлар — Фарғона, Олтиариқ ва Қува туманлари.

2-гуруҳ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолати яхши бўлган туманлар — Учкўприк, Ёзёвон, Бағдод, Данғара, Тошлоқ ва Риштон туманлари.

3-гуруҳ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолати паст бўлган туманлар — Фурқат, Бувайда, Бешариқ, Ўзбекистон туманлари.

4-гуруҳ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолати жуда паст (қолоқ) туманлар — Қўштепа ва Сўх туманлари.

Рейтинг натижалари келгуси йиллар учун ортда қолаётган соҳалар бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, устувор йўналишларни аниқлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни танқидий таҳлил қилиш, инвестиция дастурини шакллантиришда фойдаланилмаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

“Худудлар рейтингини баҳолашда фойдаланиш учун” СЎРОВНОМА НАМУНАСИ

/ № / 20____ й.

(Вилоят) (Туман, шаҳар)

Хурматли фуқаро (тадбиркор)! Сиз сўров ўтказиш учун тасодифий рўйхатга киритилдингиз.

Шу сабабли сиздан, куйидаги саволларга жавоб беришингизни сўраймиз.

СЎРОВНОМА АНОНИМ ХАРАКТЕРГА ЭГА.

Сўровнома натижалари маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини баҳолашга, худудий бошқарув тизими-мини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга ҳамда худудлар рейтингини тузишга хизмат қилади.

РЕСПОНДЕНТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	
1. Агар респондент жисмоний шахс бўлса	Ёш тарқиб
	<input type="checkbox"/> 16 ёшдан кичик 2. <input type="checkbox"/> 55(60) ёш 3. 55 (60) ёшдан катта
	Маълумоти
2. Агар респондент тадбиркор бўлса	<input type="checkbox"/> Олий 2. Ўрта-махсу <input type="checkbox"/> Ўрта <input type="checkbox"/>
	Фаолият тури
	<input type="checkbox"/> Саноат 2. <input type="checkbox"/> шлок хўжалиги 3. Қуришиш 4. Транспорт <input type="checkbox"/> а алоқа
	<input type="checkbox"/> Савдо 6. Хўмаат кўрсатиш 7. Бошқа <input type="checkbox"/> кўрсатиш)
	Ташкилий-ҳуқуқий шакли
<input type="checkbox"/> Микрофирма 2. Йи <input type="checkbox"/> нк корхона 3. Оилавий <input type="checkbox"/> рхона	
<input type="checkbox"/> Кичик корхона 5. Яқна тартибдаги тадбиркор	
ТЎЛДИРИШ ШАРТЛАРИ	
Саволни сифат жиҳатдан баҳолаш сўнги 3 ой мобайнидаги ўзгаришларни кўрсатиш	«1» — Ҳолат жуда яхши «0,75» — Ҳолат яхши «0,5» — Жавоб беришга қийналаман «0,25» — Ҳолат ёмон «0» — Ҳолат жуда ёмон

№	САВОЛЛАР	Сифат баҳоси				
1.	Худудингиздаги маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва ходимлари билан учрашишнинг қулайлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
2.	Худудингиздаги маҳаллий ҳокимликлар фаолиятининг шаффофлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
3.	Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, минерал-хомашё ресурслари ва бошқа маълумотлар олишнинг мураккаблиги	0	0,25	0,5	0,75	1
4.	Худудингизда қурилаётган арзонлаштирилган уй-жойларни олишнинг қулайлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
5.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилган имтиёزلардан фойдаланишнинг шаффофлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
6.	Давлат органларига (маҳаллий ҳокимликлар ва худудий тузилмалар) мурожаат қилинган муаммоли вазиятнинг ҳал этилиши	0	0,25	0,5	0,75	1
7.	Уйма-уй юриб аниқланган муаммоларнинг ҳал этилганлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
8.	Давлат хизматлари марказлари фаолиятига баҳо беринг (кутиш давомийлиги, навбат, муомала, ортиқча ҳужжатлар талаб қилиниши ва б.)	0	0,25	0,5	0,75	1
9.	Ўзингиз истиқомат қилаётган маҳалла фаолиятига (муаммоли масалаларни ҳал этишда қўмаклашиш, ижтимоий қўллаб қувватлаш ва б.) баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1

№	САВОЛЛАР	Сифат баҳоси				
10.	Ўзингиз истиқомат қилаётган туман (шаҳар) ҳокимликлари фаолиятига баҳо беринг (муаммоларни ҳал қилиш, муомала, бузилган ёки давлат эҳтиёжи учун олиб қўйилган мулк учун компенсация масалалари ва б.)	0	0,25	0,5	0,75	1
11.	Корхона фаолияти (бизнес) учун ер олиш, яъни аукционда қатнашиш шартлари (аукцион тўғрисида маълумотларнинг ўз вақтида маълум қилиниши, аукционнинг шаффоф ўтиши, аукционда қатнашиш учун инфратузилманинг талаб даражасида бўлиши)	0	0,25	0,5	0,75	1
12.	Қурилишга рухсат олишнинг мураккаблик даражаси (қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш, навбат, муомала ва б.)	0	0,25	0,5	0,75	1
13.	Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳомийликка мажбурлаш ҳолатларининг тарқалганлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
14.	Худудингизда амалга оширилаётган “Обод маҳалла” ёки “Обод кншлок” дастурлари натижасига баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1
15.	Худудингизда амалга оширилаётган “Ешлар–келагагимиз” дастури натижасига баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1
16.	Худудингизда амалга оширилаётган “Ҳар бир оила–тадбиркор” дастури натижасига баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1
17.	Банк хизматлари сифатига баҳо беринг (муомала маданияти, навбатларнинг узунлиги, ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш)	0	0,25	0,5	0,75	1
18.	Суғурта хизматлари сифатига (шартлари, ҳодиса рўй берганда суғурта полиси тўланиши ва б.) баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1
19.	Лизинг хизматлари сифатига баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1
20.	Аукционларда қатнашиш имкониятларининг мавжудлиги (интернет тармоқлари, тезлиги, аукционнинг шаффофлиги ва б.)	0	0,25	0,5	0,75	1
21.	Электр энергия етказиб беришнинг барқарорлик даражаси	0	0,25	0,5	0,75	1
22.	Сув етказиб беришнинг барқарорлик даражаси ва сифати	0	0,25	0,5	0,75	1
23.	Табий газ (шу жумладан суюлтирилган газ) етказиб бериш сифати (етказиб бериш давомийлиги ва унинг қониқарлилиги ва б.)	0	0,25	0,5	0,75	1
24.	Автомобиль йўллари ҳолатига баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1
25.	Соғлиқни сақлаш хизматлари сифатига (хизматлар нархи, навбатлар, жойнинг ўзида даволашиш имкониятлари ва б.) баҳо беринг	0	0,25	0,5	0,75	1

Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини баҳолаш” методикасини ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилди.

Изоҳ: Респондентлар сонидан келиб чиқиб, ҳар бир савол бўйича ўртача баллар ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуд ҳар бир савол учун максимал 1 баллдан тўғрайди ва умумий 25 баллга эга бўлади.

ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ИНФРАТУЗИЛМАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУХИМ СТРАТЕГИК ВАЗИФА

